

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**АЛИШЕР НАВОЙ НОМИДАГИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ ВА  
АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**МАНЗАР АБДУЛХАЙР**

**ТИМСОЛ ТАДРИЖИ  
(XV-XXI АСР АДАБИЙ  
МАНБАЛАРИ МИСОЛИДА)**

**МОНОГРАФИЯ**

«Yashil yaproq nashr-matbaa uyi»  
Тошкент – 2021

**УЎК:** 821.512.133.09-1

**КБК:** 83.3(5Ў)

**A-15**

### **Абдулхайр, Манзар**

«Тимсол тадрижи» (XV-XXI аср адабий манбалари мисолида): монография / Манзар Абдулхайр; масъул мухаррир: Ш.Сирожиддинов; – Тошкент: «Yashil уарроq nashr-matbaa uyi» нашриёти, 2021. – 244 б.

Ушбу монография – муаллифнинг аксари матбуотда эълон қилинган публицистик, илмий маколалари жамланмасидир. Китобда Алишер Навоий ғазалиёти, XX аср ўзбек адабиёти ҳамда замонавий ўзбек шеъриятидаги тимсол тадрижи – поэтик образлар, бадиий сўз мақоми киёсийликда талқин этилган. Мазкур монографияда ўргага ташланган фик-мулоҳазалар ўзининг янгича тарзлилиги ва миллӣйлиги билан аҳамиятлидир. Зоро, унда тимсол тадрижи XV-XXI аср адабий манбалари мисолида ўрганилган. Тадқиқот адабиёт тарихи, навоийшунослик ҳамда матншунослик соҳасига тааллуқли бўлиб, ундан филология йўнилишидаги талаabalар ҳамда шу соҳада илмий тадқиқот олиб бораётган изланувчилар фойдаланиши мумкин.

**УЎК: 821.512.133-1**

**КБК: 84(5Ў)6**

### **Масъул мухаррир:**

Шуҳрат Сирожиддинов,

филология фанлари доктори

### **Тақризчилар:**

Рашид Зоҳидов,

филология фанлари доктори

Абдулла Ўразбоев,

филология фанлари доктори

*Монография Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети илмий-техникавий кенгашининг 2021 йил 29 ноябрдаги, 8-сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.*

ISBN 978-9943-7764-1-8

© Манзар Абдулхайр, «Тимсол тадрижи»

(XV-XXI аср адабий манбалари мисолида), 2021 йил.

© «Yashil уарроq nashr-matbaa uyi», 2021.

## КИРИШ

Ўзбек адабиётида тимсол тадрижининг қадим сарчашмалари узок даврларга бориб тақалади. Дастребки босқичи эрамиздан аввалги VI–VII асрларга тўғри келади. Аммо ўзбек мумтоз адабиёти тарихида темурийлар даври адабий манбалари, тадрижан – ҳам миқдор, ҳам сифат жиҳатидан, тимсол тараққиётининг энг юқори босқичи маҳсули ҳисобланади. Айтиш жоизки, туркий тимсол тараққиёти илмининг олтин даври Алишер Навоий қўлига қалам олган даврга тўғри келади. Бинобарин, шоирнинг:

*Оразин ёпқач кўзимдин сочиулур ҳар лаҳза ёши,  
Ўйлаким пайдо бўлур юлдуз, ниҳон бўлгач қуёши, –*

мақтаъини тинглаган беназир туркийзабон шоир Лутфийнинг, лозим бўлса, ушбу байтга ўн икки минг мисрамни алмаштирган бўлур эдим, деган шоирона ҳайрати бунинг тасдиғидир. Айни маънода, бу даврда туркий тилда ўта мукаммал рамз-тимсолли бадиий матн яратилди, дейишга асос бор. Улуғ шоир асарлари матнининг тадқиқ этилишига ҳам худди шу фикрни айтиш мумкин. Зоро, улуғ шоир – тимсолларга залварли ботиний мазмун-маъно юклайди. Чунки Навоий асарлари матни, аникроғи, шеърий матнлари бўйича илк бадиият илми, яъни тимсол тадрижини унинг дўсти Султон Ҳусайн Бойқаронинг ўзи бошлаб берган эди. У бир шеърида:

*Балоғат кишиварининг нұктадони,  
Фасоҳат мулкининг соҳибқириони, –*

дея Навоий ижодиётини түплас, девон тартиб беришни буюрган эди. Шу билан бирга, бу даврда матнни шарҳлашнинг усуллари, айниқса, шеърий матнни тасифлаш усуллари ҳам юксак даражада ўз тадрижини топа бошлаган эди. Бу ҳолат Алишер Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис» асарида мужассам. Зоро, ушбу тазкирада замона шоирлари яратган ҳар бир шеърий матн услугуга, улардаги тимсолларга алоҳида-алоҳида шарҳ ёзилиб, уларнинг муаллифи услугуга ҳам тўлақонли муносиб баҳо берилган эди. Бинобарин, эндиликда миллий адабиётимиз илмининг тарихан узвийлигини барқарорлаштириш, уни кенг миқёсда шакллантириш ва замон талаблари даражасида янада юксалтириш учун Навоий асарларидаги тимсолларни янгича усулларда бадиий тадқиқ этиш муҳим илмий аҳамият касб этади. Чунончи, улуғ шоир асарларининг тимсоли хусусиятлари, яъни улардаги Насух, Нажоший, Туфайл сингари характерли тимсоллар таҳлили билан боғлиқ барча адабий масалалар то ҳануз тўла-тўқис ўз матний ечимини топган эмас. Илло, буларсиз улуғ шоир эътиқоди ва шеърияти сир-синоатини англаш мушкул. Чунки матн қатидаги биргина тимсол уни англаш учун муҳим восита ҳамдир. Шу ўринда айтиш жоизки, тимсол арабча сўз бўлиб, сурат, нақш, расм; мисол, монанд, ўхшаш; тасвир, йўл-йўрик, фармон; манзара, кўриниш каби кенг маъноларни ифодалайди. Илло, бирор-бир сўзнинг тимсол даражасига кўтарилиши оддий ҳодиса эмас. У ижодкордан жуда катта салоҳият, сермашаққат меҳнат талаб қиласи. Зоро, чинакам ижодкорнинг юксак санъаткорона бадиий маҳорати айнан ана шунда намоён бўлади.

Матн қўлёзма нусхалари устида ишлаш, уни тўғри ўқиш, айниқса, бадий матн салоҳиятини англаш тадқиқотчидан кенг қамровли билим талаб қиласди. Хусусан, матншунос ёки шеърхон бадий метод ёки ижодий метод тамойилларини тўлақонли равишда матний тадқиқ этиши жоиз. Бу ҳақда адабиётшунос олим Абдуқодир Ҳайитметов шундай эътироф этади: «Ижодий метод ёки бадий метод деганда биз маълум бир тарихий шароит тақозоси билан вужудга келган бадий тасвир принциплари ва умумлашмаларининг йифиндисини, маълум бир эстетик идеал нуқтаи назаридан воқеликка бериладиган гоявий эстетик баҳони ва шунга мос бадий тасвир воситаларини тушунамиз»<sup>1</sup>. Айни шу нуқтаи назардан, шоир Чўлпоннинг мумтоз асарлар матнини ўқиш ва уларни амалиётта татбиқ этиш ва воқеликка бериладиган гоявий эстетик баҳоси борасидаги «Улуғ Ҳиндий» мақоласи бунинг тасдифидир:

«Навоий, Лутфий, Бойқаро, Машраб, Умархон, Фазлий, Фурқат, Муқимиylарни ўқийман: бир хил, бир хил, бир хил!

Кўнгил бошқа нарса – янгилик қидирадир: Боту, Ғайратий, Олтой, Ойбек, Жулқунбойларни ўқиймен, қувонтирадир, холос! Улар менинг учун ёнғон чироклар бўлса, менинг эртам учун! Авлоний, Тавалло, Сиддикий ва Ҳакимзодаларни ўқимаймен, ўқимаймен, мени шу ҳолга солғон ўшалар!..»<sup>2</sup>.

Шоирнинг матнни, аниқроғи, мумтоз матнни ўқиш ва уқишига баҳо бериш даражаси адабиётшунослар томонидан турлича талқин қилиниб келинаётир. Хусусан, адабиётшунос олим Абдуғафур Расулов шоирнинг юқоридаги фикрини қуидагича талқин қиласди: «Менимчча,

<sup>1</sup> Ҳайитметов А. Алишер Навоийнинг ижодий методи // Ўзбек тили ва адабиёти. – Т., 1968. № 3. – 10-бет.

<sup>2</sup> Қаранг: Чўлпон. Адабиёт надур. – Т.: Чўлпон, 1993. – 57–58-бетлар.

Чўлпон маъноси теран, китобхонни ром этадиган, ўйлантирадиган асарларни орзу қилиб, аксинча, панд-насиҳат йўсинидаги, маъноси саёз асарлардан нолиб, юқорида келтирганимиз – фикрни айтган»<sup>1</sup>.

Бу талқинларни ривожлантириб айтиш лозимки, биринчидан, шоир ўша давр адабиётининг тақдири, миллат келажагини маълум бир муддат фақат замон талаблари даражасидаги адабий янгиланишларгина ҳал қилишини теран англайди ва фавқулодда ана шундай кескин қарор чиқаришга мажбур бўлади. Иккинчидан, ўша давр матншунослиги нуқтаи назаридан олиб қараганда ҳам 20–30-йиллардаги мумтоз асарлар матни тадқиқида бир хиллик мавжуд эди. Бу ҳақда кейинроқ батафсил тўхталамиз.

Умуман, XX асрнинг 20–30-йиллари ўзбек матншунослигидаги муайян матнни ўрганишнинг янгича усул такомили, айниқса, мумтоз матнлар тажрибаларидан фойдаланишнинг амалий масаласи, уларнинг матний мукаммаллик тадрижи нафақат Чўлпон, балки бошқа шоир ва ёзувчиларнинг ҳам диққат марказида бўлган. Бу ҳолатни уларнинг ижод намуналаридан англаб олиш учналиқ мушкул иш эмас.

Ушбу китобда эса Алишер Навоий асарлари матнини шарҳлаш, ундаги рамз ва тимсоллар тадрижини ўрганиш, матний тадқиқ этиш усуллари ҳамда матнни ўрганишнинг замон талаблари даражасидаги илмий усуллари хусусида фикр-мулоҳаза юритамиз.

---

<sup>1</sup> Расулов А. Адабий танқиднинг таҳлил йўллари. – Т.: Университет, 2003. – 5-бет.

## **I БОБ**

### **НАВОЙ ҒАЗАЛИЁТИДА ТИМСОЛ ТАДРИЖИ**

#### **1.1. «Оразин ёпқач кўзумдин сочикур...»**

Алишер Навоийнинг ҳар бир ошиқона руҳда ёзилган ғазали замирида ошиқнинг забун ахволи, сурату сийрати ва унинг ботиний ҳазинлиги мунаққаш этилган. Зеро, бу синоатни улуғ шоир кўнглига болалик йилларидаёқ, азал ишқ суратгари (Аллоҳ) нақш этган эди. Чунки шоир шеърияти ҳузн тасвирининг бу қадар синоатдорлиги киши кўнгил мулкининг ички кенгликларига ҳам бир зарурият пайдо қиласди. Улуғ шоир асарларидаги бундай ғазаллар зоҳирий ва ботиний бадиий кайфият уйғунлигининг маҳсули бўлиб, уларнинг аксари «ҳасби ҳол» руҳида ёзилган. Шу ўринда айтиш жоизки, тасаввуф шеъриятида «соқий», «муғбача», «майпараст», «қадаҳ» ва «май» сингари поэтик тимсол, ирфоний рамзлар гўё тасаввухнинг тамал тошидек бўлиб қолган. Аслида, бундай поэтик тимсоллар кўп маротаба тадқиқот обьекти бўлган. Эндиликда эса улуғ шоир назмиёти янгича талқинларда ўрганилишига катта эҳтиёж бор. Зотан, бунга мисол тариқасида Навоий шеъриятида бадиий ғояни ифодаловчи, ҳам ботиний-рамзий, ҳам тасаввуфий маъноларга уйғун шеърий образлар қаторида бодом тимсолини ҳам санаб ўтиш мумкин. Энг муҳими, у образли шаклларда ўз ифодасини топган. Шунга кўра, биз қуйида шарҳлашга уринаётган «Бадойеъ ул-бидоя»-

нинг 285-ғазалида қўлланган бодом – поэтик образ, ирфоний рамз ҳисобланади. Бу тимсол қўлланилишининг айнан ана шу ғазалдан бошланишида ҳам катта маъно бор. Айниқса, бу тарз чин устоз ва шогирд ўргасидаги чукур ўзаро рамз ва ботиний ишораларни ўзида мужассам этганлиги билан кишини янада ҳайратлантиради. Энди ана шу ғазалнинг тўла матнини келтирамиз:

*Оразин ётқач кўзумдин сочилур ҳар лаҳза ёши,  
Ўйлаким пайдо бўлур юлдуз, ниҳон бўлгач қуёши.*

*Қут бир бодому ерим гўшаи меҳроб эди,  
Горати дин этти ногаҳ бир балолиг кўзу қоши.*

*Бу дамодам оҳим ифшио айлар ул ой ишқини,  
Субҳнинг бот-бот дами андоқки айлар меҳр фоши.*

*«Бўсае қилмас мурувват асру қаттиқдор лабинг»  
Десам, оғзи ичра айтур: «Лаъл ҳам бор навъи тоши».*

*Новакинг кўнглумга киргач жон талашимоқ бу экин,  
Ким қилур пайконини кўнглум била жоним талоши.*

*Умри жовид истасанг фард ўлки, бўстон Хизридур –  
Сарвқим, даъб айлади озодалиг бирла маоши.*

*Қоши оллинда Навоий берса жон айб этмангиз,  
Гар будур меҳроб, бир-бир қайғусидур барча боши.*

Ушбу 7 байтли ғазалда, асосан, илоҳий ишқнинг қай тарзда сурату суръатланиши ҳамда устоз ва шогирд анъ-аналаридаги ўта нозиктаъ ботиний-рухий харакат зайди тараннум этилган. Энди байтлар шарҳига ўтайлик.

Ўзбек адабиётида тимсол тадрижининг қадим сарчашмалари узоқ даврларга бориб тақалади. Дастребки босқичи эрамиздан аввалги VI–VII асрларга тўғри келади. Аммо ўзбек мумтоз адабиёти тарихида темурийлар даври адабий манбалари, тадрижан – ҳам миқдор, ҳам сифат жиҳатидан, тимсол тараққиётининг энг юқори босқичи маҳсулни ҳисобланади. Шуни алоҳида айтиш жоизки, туркий тимсол тараққиёти илмининг олтин даври Алишер Навоий қўлига қалам олган даврга тўғри келади. Бинобарин, шоирнинг:

*Оразин ёпқач кўзумдин сочишур ҳар лаҳза ёши,  
Ўйлаким пайдо бўлур юлдуз, ниҳон бўлгач қуёши, –*

матлаъини тинглаган беназир туркийзабон шоир Мавлоно Лутфийнинг, лозим бўлса, ушбу байтга ўн икки минг мисрамни алмаштирган бўлур эрдим, деган шоирона ҳайрати бунинг тасдиғидир. Дарҳақиқат, «Макорим ул-ахлоқ» («Яхши хулқлар»)да бу борада шундай ёзилган: «Воллоҳ, агар мұяссар бўлса эди, ўзимнинг форсий ва туркий тилларида айтган ўн-ўн икки минг байтимни шу ғазалга алмаштирадим ва бу ишнинг юзага чиқишини зўр муваффакият ҳисоблардим» (Фиёсиiddин бинни Ҳумомиддин Хондамир. Макорим ул-ахлоқ. – Т., 1948, 31-бет). Ушбу байтда «ораз», «кўз», «юлдуз», «қуёш» рамзлари орқали Шарқ шеъриятига хос лирик маъшуқанинг сурат ва сийрати яратилади. Яъни ёр юзининг беркитилиш тасвири қуёшнинг ботишига ташbih қилинади: қачонки ёр юзини яширган маҳалида, то ҳатто ҳар бир лаҳзада кўзимдан ёш томчилари сочилади. Бу ҳол худди қуёш ғурубга бош қўйиб, яъни ғойиб бўлаётганда самода юлдузларнинг пайдо бўлишига менгзашдир. Бунда яна шундай ботиний рамз бор. Зеро, ёлғизлик Аллоҳнинг хос кишиларини камолотга, яъни олий мақсад сари етаклай-

ди. Бу тарздан башарият беҳад фойда кўради. Илло, доимо киши ёруғликнинг қадрига етавермаганидай, у ғойиб бўлиши билан у ҳақда ўйлай бошлайди. Ана шунда, то ҳатто осмондаги ҳар бир юлдузнинг ёруғлигини қадрлайди ва, ахири, ўзи ҳам ботиний қадр топади. Аниқроғи, бунда шоир кўпроқ тасаввуфдаги соликнинг тафрид, тажрид ҳолатини назарда тутган. Бу тарз ғазалнинг олтинчидан байтида янада равшанлашади. Айни маънода, бу даврда туркий тилда ўта мукаммал бўлган рамз-тимсолли бадиий матн яратилди, дейишга асос бор. Улуғ шоир асарлари матнининг тадқиқ этилишига ҳам худди шу фикрни айтиш мумкин. Зоро, улуг шоир – тимсолларга залварли ботиний маъно-мазмун юклайди. Чунки Навоий асарлари матни, аниқроғи, шеърий матнлари бўйича илк бадиият илми, яъни тимсол тадрижини унинг дўсти, шоҳ ва шоир Султон Ҳусайн Бойқаронинг ўзи бошлаб берган эди. У бир шеърида Балоғат кишварининг нукгадони, Фасоҳат мулкининг соҳибқирони, – дея Навоий ижодиётини тўплаб, девон тартиб беришни буюрган эди. Шу билан бирга, бу даврда матнни шарҳлашнинг усуллари, айниқса, шеърий матнни тавсифлаш усуллари ҳам юксак даражада ўз тадрижини топа бошлаган эди. Бинобарин, эндиликда миллий адабиётимиз илмининг тарихан узвийлигини барқарорлаштириш, уни кенг миқёсда шакллантириш ва замон талаблари даражасида янада юксалтириш учун Навоий асарларидаги тимсолларни янгича усулларда бадиий тадқиқ этиш муҳим илмий аҳамият касб этади.

*Қут бир бодому ерим гўшаи меҳроб эди,  
Горами дин этти ногаҳ бир балолиг кўзу қоши.*

Байтда қўлланган «бодом», «гўшаи меҳроб» – поэтик тимсол, суфиёна рамз. Бодом – қаноатнинг зайлли, поклик. Зотан, тасаввуфнинг туб моҳияти ҳам сабр, қа-

ноат, покликдир. «Гүшай меҳроб» – холи жой, меҳроб бурчаги, масжидда имом турадиган тепаси қайрилма энг мұқаддас жой. Шунингдек, «гүшай меҳроб» (ёрнинг қайрилма қоши) мажозий маънода ошиқ күнгилнинг маскани – пок ишқ, илоҳий муҳаббат. Шуларга кўра ушбу байт маъноси қуидагичадир: кунлик егулигим бир дона бодом, турар ерим эса холи жой, яъни меҳроб бурчагидир. Шу тарздан бир оз чалғиганим ҳамоно ёрнинг фаттон кўзу қоши гўё динимни, эътиқодимни ғорат этади, аниқроғи, ўғирлайди. Алббата, бу тимсол улуғ шоирнинг бошқа асарларида ҳам қайта-қайта келади: «Кўзунг фикри била тан хилватида нотавон кўнглум, Риёзат айнидиндур қунда бир бодом ила қонеъ». Бодом нафақат Навоийнинг назмиётида, балки насрый асарларида ҳам жуда кўп маротаба тақрор-тақрор риёзат, поклик, ҳалоллик, қаноат каби ирфоний рамзларда қўлланилган: «Ва ул (Шайх Алоуддин Хоразмий қ.с.), бодом мағизларидин манга берур эрди ва мен ер эдим. Ва ул емади, бир мағиздин ўзга ё иккидин ўзга». Шунингдек, Навоийнинг «Насойим ул-муҳаббат» асарида бир қатор абдол, шайхларнинг комиллик даражалари, риёзатлари бодом тимсолида жуда теран ифодаланган. Юқорида қайд этилганидек, шеърий образда шоирнинг руҳий ва ғоявий қудрати ўз аксини топган бўлади. Ҳайратланарлиси шундаки, бу билан улуғ шоир қунни бир дона бодом истеъмол қилиш билан ўтказдим демоқдалар. Чунки шоир фикрича, ўтмишда нафс ҳақида юзлаб китоблар мужаллад қилинган. Аммо у амали билан бўлмаса бефойда, яъни қуруқ чўпчак бўлиб қолаверади. Зоро, нафсга берилмаслик шоир ижодиёти маъно миқёсининг амалий интиҳосини белгилайди.

Ҳақиқатан ҳам Навоий шеъриятида поэтик рамзлар ва суфиёна маънолар билан боғлиқ тушунчаларни ифодалашда қўлланилган бодом сўзи шоир шеъриятининг

рухий-гоявий қудрати ва ғоявий-бадиий қимматини оширишда муҳим ўрин тутган. Зеро, шоир ўз шеърларида поэтик образ тимсоли сифатида бодом сўзини такрор ва тақрор қўллаган. Гўё шоир бир комил инсоннинг ўсиб-улғайганидан то сўнгти манзилига кузатиб қўйгунига қадар бодом тимсолидан санъаткорона фойдаланган:

*Чун қора бодом тобут узра расмидур қадим,  
Кўз жанозам сари солким, сенсизин бўлдум қатил.*

Энг қизиги шундаки, юқорида эътироф этганимиздек, бу поэтик тимсолдаги характерли хусусият икки жиҳати билан ҳайратланарлидир: биринчиси, бу поэтик тимсол иштирокидаги ғазални ёш шоир илк бор Мавлоно Лутфий Ҳазратларига ўқиб берадилар. Иккинчиси, устоз ғазалига мусаддас битганда ҳам ушбу тимсолни тақрор-тақрор қўллаганлар.

*Бу дамодам оҳим ифшио айлар ул ой ишқини,  
Субҳнинг бот-бот дами андоқки айлар меҳр фоши.*

Мазкур байтнинг қисқача мазмуни шундай: илоҳий ишқ сири, аслида маҳфийдир. Лекин ичимдан чиқаётган оҳу нолам менга бўйсунмасдан ўша ёрнинг ишқи қўйидаги ҳолатимни ошкор қилиб қўймоқда. Бу худдики тонг насимининг қайта-қайта эслан шабадаси, билиб-бilmай гоҳ ердаги наботот оламини сарафroz этиши, гоҳ ошиқлар кўнглида юксак-юксак завқ-шавқ уйфотаётган бир тарзга ўхшайди.

*«Бўсае қилмас мурувват асру қаттиқдур лабинг»  
Десам, оғзи ичра айтур: «Лаъл ҳам бор навъи тоши».*

Байт мазмуни: эй ёр, шунчалар бераҳмсанки, то ҳатто лабинг бир бўса муруват қилмаслик учун гўё қаттиқ бир жисмга айланиб олган. Бу ҳам майли, фақат лабинг шундай деб ўйласам, оғзинг ичидан ҳам гўё шундай ботиний бир сас келяпти: «Қимматбаҳо лаъл ҳам қип-қизил бўлгани билан, аслида у ҳам тошнинг бир туридир».

*Новакинг кўнглумга киргач жсон талашимоқ бу экин,  
Ким қилур пайконини кўнглум била жсоним талош.*

Байт мазмуни: киприкларинг гўё найзадек қўнгилга санчилганидан сўнг, унда шундай жон талашиш рўй бердиким, гўё ёрнинг киприк, яъни найзадек отган камон ўқларини қўнгил билан жон талашиб-тортишиб қабул қилмоқда. Бунда маъшуқнинг ёрдан умидворлиги янада бошқача тарзда давом этади. Яъни бундан олдинги байтдаги асл мурод бу байтда аниқ ошкор бўлади. Энг аввал, ушбу байтдаги энг характерли сўзга эътиборни қаратайлик. Бу – «новак» сўзиdir. Бу сўз Алишер Навоий асарларида «ўқ», «камон ўқи»; «киприк» сингари маъноларда қўлланилади. Умуман, мумтоз адабиёт бўйича тузилган лугатлардаги маълумотларга кўра, «новак» сўзининг яна бир шаклдоши ёки маъноси бор. Яъни у ичи ковак ёғоч бўлиб, қадимда кишилар ундан тарнов сифатида фойдаланганлар. Улуғ шоир бундан олдинги байтдаги бадиий кайфиятни ушбу байтда янада ривожлантириб, ёрнинг лабидаги «оби ҳаёт»дан баҳрамандлик лабимга етмаса-да, аммо унинг киприк-ўқидан гўё тарнов мисоли қўнгилга ўша «оби ҳаёт»нинг қуилишига ишора қилган... Чунки шундай ботиний боғлиқлик бундан кейинги байтга ҳам кўчади:

*Умри жсовид истасанг фард ўлки, бўстон Хизридур –  
Сарвким, даъб айлади озодалиғ бирла маош.*

Бу байтдаги энг характерли тимсол Хизрдир. У диний эътиқодга кўра, доимий тирик пайғамбар. Чунки у «оби ҳаёт», яъни абадий тириклик сувидан баҳраманд бўлган. Бу сўзнинг асл луғавий маъноси эса «яшиллик», «сабзавор»дир. Шоир наздида, агар Тангрининг хос бандаси абадий ҳаёт истаса, мужаррад бўлиши, хусусан, рухий жиҳатдан ёлғиз бўлиши керак. Буни ўзи тирик бўлатуриб ёлғизлиқ гаштини суроғтган Хизр пайғамбар тимсолида кўриш мумкинлигига ишора қилади. Агар киши бунга бовар қилмаса, яъни инонмаса Тангрининг гўзал яратиги «сарв» дараҳтига карасин! Зоро, унда Тангрининг ажидиб бир рамзи бор. Чунки унинг қадди ўта тик, йигирма беш метргача ўсади, боз устига, игна барглари доимо ям-яшиллик касб этади. Шулар туфайли бу дараҳт ўз умрини озодалик билан ўтказишга одат қилган.

*Қоши оллинда Навоий берса жсон айб этмангиз,  
Гар будур меҳроб, бир-бир қайғусидур барча боши.*

Мактаъ маъноси: Навоий маъшуқанинг қоши қаршисида жон берса, айб қилмангиз. Чунки меҳроб – масжидда имом турадиган тепаси қайрилма энг муқаддас жой ёрнинг қошига менгзашдир. Ёрнинг қайрилма қоши мажозий маънода ошиқ кўнгилнинг маскани – пок ишқ, илоҳий муҳаббат. Илло, кишининг бўйни бунга ёр бермаса, бир куни хоҳласа-хоҳламаса шу муқаддас меҳробга иши тушади.

Умуман ғазал, хусусан, ундаги «ораз», «кўз», «қош», «юлдуз», «қуёш» ва «бодом», «гўшаи меҳроб» образлари замиридаги туйғу ва тимсолларнинг беназиру бетакрорлиги кишини ҳайратга солади. У ботинан ишқ маъноларига бойлиги, суратан эса, илоҳий ишқ йўлида бетимсол қиёсийликни ўзида жо этган бадиий тафаккур маҳсули сифатида Ҳазрат ғазалиётида муҳим ўрин

тутади. Бу ғазал китобхон тасаввурида ишқни сурату суръатлантиради ва унинг тафаккур тарзида янгича бир эврилиш пайдо қилади.

### *Гулқанд*

Алишер Навоийнинг аксарият ғазаллари ботиний-шეърий тафаккур тарзига хос бўлиб, зимнан комил инсоннинг гўзал ахлоқини ўзида дарж этган. Уларнинг айримлари панднома руҳида ҳам ёзилган. Лекин уларнинг ичида яна баъзилари борки, бадиий тафаккурни баён этиш усули жиҳатидан янада ўзгача бир фасоҳат тилида ёзилган. Уларда яққол кўзга ташланиб турадиган рамзий ифода – шоир панд-насиҳатни биргалик кайфијатида, ҳатто ўз шахсига қаратса баён этишидадир. Бундан мурод – бу фақат поэтик тафаккур тарзини ўзгартириш, яъни шеърий матн замиридаги поэтик мунгни ботинийлаштиришгина эмас, балки руҳий камолот сари одим қадам ташлаган ҳар бир комил инсон хокисорлик юзасидан ана шундай ботиний изтироб аралаш зоҳирий тутумни маҳкам тутмоғи жоизлигига яна бир рамзий ишора ҳам эди. Илло, шоир наздида, ҳар бир шеърий ҳаракат воқеликка эш бўлиши жоиз. Дарҳақиқат, буларда улуғ шоирнинг воқеликка вобаста ҳам ботиний, ҳам зоҳирий бир дилтанг кайфияти мужассамки, уни ҳар томонлама бир мавзу, чиройли бир ораз доирасида қамраб, шарҳлай олиш анча мушкул юмуш, зеро, бу ҳақда истаганча мулоҳаза юритиш мумкин.

Бертельснинг эътирофича, пандномалар дастлаб қадим сосонийлар даврида насрда ёзила бошлаган бўлса, кейинчалик, яъни X–XIII асрларда шеъриятга ҳам кириб кела бошлаган. Бироқ у даврлардаги шеърий пандномаларда кузатилмаган умумий муштараклик – поэтик кашфиётлар улуғ шоир шеъриятида кўплаб учрайди. Зеро, Навоий лирикасидаги пандномаларда гўзал истиора, тар-

сиъ, тазод, тавжих, ийхом, тажнис, сифатлаш, қиёслаш, ташбих каби лафзий-маънавий санъатлардан тортиб, ботиний маъноларга омухта ҳайратомуз мантиқий бир тавр ва хилма-хилликни қўрамиз. Уларда шоирнинг бадиий тафаккури янада аниқ ифодаланган. Қолаверса, Алишер Навоий ижодидаги панднома – поэтикасининг ҳам содда, ҳам мураккаблик тарзи, яъни ҳам диний-дунёвий, ҳам фалсафий-тасаввуфий мушоҳада-мукошифаларга бойлиги бошқа бир давр пандномаларига нисбатан алоҳидалик касб этади. Улуғ мутафаккирнинг масалага бундай ёндашуви кишига фақат ва фақат самолар қадар юксак завқшавқ бағишлайдики, бу – фавқулодда инсон руҳий эҳтиёжини қондиради. Бундай илоҳий-ботиний характердаги ибраторумуз ғазалларнинг айримлари халқона, гўё ҳаммага тушунарли бир умумтилда ёзилгандек қўринса-да, аммо у ҳар қандай китобхонга ҳам осонликча ўз комиллик сирини очавермайди.

Масалан, қуидидаги ғазални олайлик:

*Сен ўз хулқунгни тузгил, бўлма эл ахлоқидин хурсанд,  
Кишига чун киши фарзанди ҳаргиз бўлмади фарзанд.*

*Замон аҳлидин ўз пайванд, агар десанг бирор бирла  
Қиласай пайванд боре, қилмагил ноаҳл ила пайванд.*

*Кўнгул комини қўй, гар худ менинг девона кўнглумни  
Топарсен ўйла юз парканду сол ҳар итга бир парканд.*

*Эшиштмай халқ пандин, турфаким панд элга ҳам дерсен,  
Қила олсанг, эшиштгил панд, сен ким, элга бермак панд.*

*Бу фоний дайр аро гар шоҳлиг истар эсанг, бўлгил  
Гадолиг нонига хурсанду бўлма шаҳга ҳожатманд.*

*Бўлуб нафсингга тобиъ, банд этарсен туписа душманни,  
Сенга йўқ нафсдек душман, қила олсанг ани қил банд.*

*Шакарлаблар табассум қилганин күргач күнгүл берма  
Ки, бедилларни ачыг ийгелатур охир бу шаккарханд.*

*Жаҳон лаззотини шириң күрарсен, лек бандингдур,  
Гирифтөр ўлма, воқиғ бўлки, қайду қанд эрур монанд.*

*Кўнгулдин жаҳл ранжи дофии гар истасанг бордур,  
Навоий боги назми шаккаристонида ул гулқанд.*

Тўққиз байтдан таркиб топган бу ғазални ғоялар баёни, мазмун-мундарижаси мутаносиблиги жиҳатидан, айниқса, зоҳирий маъносига кўра панднома руҳида ёзилган, дейишга тўғри келса-да, ғазалда сўз комил инсон ахлоқи ҳақида бораётганидан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Тўғриси, ғазалнинг маънавий жозибаси, айниқса, шоирнинг кўнгилга муножоти, яъни инсоннинг ботиний кўнгил олами очилишига орзуманд бўлишида намоён бўлади. Аниқроқ айтганда, ғазалнинг маънавий латофати кўнгил тарбиясига қаратилган оҳорли ва илоҳий, яъни Ҳақ нури билан музайян – зийнатланган фикрларда аниқ-тиниқ кўринади. Қолаверса, ғазалнинг зоҳирий маънолар оламидан шу ҳолат ҳам англашиладики, шоир ўзининг бу маҳорат мактаби орқали ҳар қандай худбин, жоҳил, хасис, ҳарис, нафс гирдобига мубтало бўлган инсонларни қайта тарбиялашга камарбаста бўлаётгани ҳам аниқ сезилиб туради. Чунки бу – ижтимоий ҳаёт тақозоси билан юзага келган. Илло, шоир жамиятдаги бундай ҳолатларни, яъни ўзидағи ахлоқий қусурни ҳеч вақт илғай олмайдиган, бир-бирига икки томчи сувдек қисматдош айрим кимсаларга тўғридан-тўғри панд бериш бефойдалигини ич-ичидан чукур идрок этган:

*Сен ўз хулқунгни тузгил, бўлма эл ахлоқидин хурсанд,  
Кишига чун киши фарзанди ҳаргиз бўлмади фарзанд.*

Шоир бу байтда дафъатан рамзий ифода усули воси-  
тасида киши асранди бир болага қанчалик меҳр-муҳаб-  
бат, борингки, борини бермасин, бир кун эмас, бир кун  
келиб у асл ўзлигини намоён этади, деган ғояни илга-  
ри суради. Шу туфайли шоир ниҳоясиз изтироб билан  
аччиқ ҳақиқатни шундай талқин этади: ҳеч қачон киши  
фарзанди кишига фарзанд бўлмагани каби бировнинг  
гўзал хулқи ҳам бошқа бировнинг хулқига зеб бўла ол-  
майди; ахир, у ҳар на бўлганда ҳам бировнинг дарди,  
бировнинг хулқи-да?! Бас, эй банда, сен бундан мас-  
рутурланмагин-да, яхшиси, тез ўзингнинг яхши, покиза  
хулқингни тузишга киришгил, акс ҳолда кеч бўлади,  
дейди. Албатта, ушбу байт замирида мажозий маънолар  
ҳам бор. Шу боис бу ерда таврия («луғатта бир нимани  
беркитиб, ўзгасин кўрсатмакдур ва аташ важҳи зоҳир-  
дур») маънавий санъати қўлланилган, деб фараз қилсак,  
у ҳолда бунда ушбу маъно-мазмун ҳам бор: инсондаги  
азалий-илоҳий жасорат фақат ўз хулқини тарбият эти-  
шида намоён бўлмайди. Ахир, бу ҳам худбинликнинг  
бир кўриниши эмасми? Афтидан, бу ерда шоирнинг ўз  
давридаги айрим сүфинамо кишиларга мажозий бир  
зардаси ҳам йўқ эмас. Шоир фикрича, илоҳий жасорат-  
нинг аввали, Тангри таоло суйган ҳар бир инсонни се-  
виш, ҳеч вақт унинг муаммоларига бефарқ бўлмаслик ва  
уларнинг қувончидан мудом шодланишдир.

*Замон аҳлидин ўз пайванд, агар десанг бирор бирла  
Қилай пайванд боре, қилмагил ноаҳл ила пайванд.*

Яъни: «Эй инсон, замон аҳлидан ким биландир ошно  
тутинишни ихтиёр этсанг, бу йўлда асло ноаҳил киши  
билан алоқа қилма».

Бу ўринда «алоқа», «муносабат»; «меҳр-муҳаббат»;  
«васл» маъноларидаги пайванд сўзи уч маротаба қўл-

ланилиб, тажнис, ё иштиқоқ, ё шибҳи иштиқоқ бадиий санъатларини ҳосил қилган, – дейиш мумкин. Зеро, бундай дейишимизга сабаб шуки, «Бадойеъ ус-санойеъ» асарининг муаллифи Атоуллоҳ Ҳусайнинй бу ҳақда шундай ёзади: «...Ажам шуароси наздида андин ибораттурким, садрда, яъни биринчи мисра бошида, биринчи мисра ҳашвида, яъни ўртасида бир лафзни келтиурлар ва яна ўшул лафзни ўшул маънода байт охирида зикр қилурлар ёки ораларида ё тажнис, ё иштиқоқ, ё шибҳ-и иштиқоқ бўлған икки лафзнинг бирин биринчи мисранинг садри ё ҳашвида келтиурлар, иккинчисин эса ажзда – байт охирида». Демак, унга асосан, байтда шибҳ-и иштиқоқ санъатининг иккинчи тури қўлланилган.

Бу байтни яна қуйидагича шарҳлаш ҳам мумкин: «Эй солик – суфийлик ихтиёр қилган огоҳ мусофири, кўнгилни хилватга олиш фурсати етди, яъни бу йўлда нафақат ноаҳил кишилар билан, балки замон аҳлидан алоқани узиб, ёлғиз ёр – Тангри васлига интил».

*Кўнгул комини қўй, гар худ менинг девона кўнглумни  
Топарсен ўйла юз парканду сол ҳар итга бир парканд.*

Нақадар шарафли ҳукм! Зеро, бу ерда яна ўша илоҳий ишққа мубтало бўлған кўнгилнинг дунё ҳою ҳавасларига мойил эмаслиги ҳақида сўз юритилади. Албатта, бунда, аникроғи, байтнинг биринчи мисрасида шоирнинг ҳолати руҳияси мужассам. Уни қуйидагича талқин қилиш мумкин: «Агар менда ё дунё молига ҳавас, ё кўнглимда кимгадир покликни кўз-кўз қилишга бир орзумандлик уйғонган бўлса, унда менинг ёлғиз бу девона кўнглимни юз бўлакка нимталанганд ҳолда топасан, ўшанда ҳеч иккиланмасдан бу нимталанганд қўнгил парчаларини ҳар бир итга биттадан тақсимлаб бера қол».

*Эшиитмай халқ пандин, турфаким панд элга ҳам дерсен,  
Қила олсанг, эшиитгил панд, сен ким, элга бермак панд.*

Бу ўринда шоир сўз амал дарахтининг илохий меваси эканлигига сирли ишора қиласди. Дарҳақиқат, Жалолиддин Румий ҳазратлари ҳам сўзга шундай тавсиф беради: «Ҳар нарсанинг асли – сўз... Сўз амал дарахтининг мевасидир». Зотан, мутафаккир наздига, ҳар бир инсон кишига панд-насиҳат беришдан аввал ўз сўзига ўзи қатъий амал қилиши лозимлиги ҳақида ҳам чукур ўйласин, яъни ўзининг кимлигини англасин ва халқ пандини эшиитмай туриб ҳам улусга панд-насиҳат қилиш жоиз ёки ножоизлиги борасида ҳам мулоҳаза юритсин, деган поэтик фояни илгари суради. Бу ерда ҳам ғазалнинг иккинчи байтидаги сингаришибҳи иштиқоқ санъати қўлланилган. Бу – байтда панд сўзининг уч маротаба, худди шу тарзда келганлиги билан изоҳланади.

*Бу фоний дайр аро гар шоҳлиг истар эсанг, бўлғил  
Гадолиғ нонига хурсанду бўлма шаҳга ҳожатманд.*

Яъни бу ўткинчи дунёда мабодо кишида шоҳликка ёхуд мол-дунё йиғишига рағбат уйғонса, у бу орзусига эришгани маъқул – токи ундаги бу кучли ҳавас ҳеч қачон надоматга айланмасин. Лекин бунинг акси бўлиб чиқса, киши гадолигига ҳам масрур бўлиб, шоҳга ҳожатманд бўлмасин.

*Бўлуб нафсингга тобиъ, банд этарсен тушса  
душманни,  
Сенга йўқ нафсдек душман, қила олсанг ани қил банд.*

Улуғ шоир назарида нафсига тобе инсон кўпинча йўлида учраган ҳар бир кишини ўзига душман деб била-

ди. Улардан гумонсирайди ва энг қизиги шундаки, боз устига уларни маҳв этишга тушади. Чунки бундай нафс бандалари ўз одатини тарк этиши маҳол. Бинобарин, инсон маънавиятсиз бўлса, нафси тезда унинг руҳиятини занжирбанд этиши муқаррар. Шоир бундай кимсаларга шундай панд-насиҳат беради: «Эй инсон, аслида сенга ўз нафсингдан кўра ёмонроқ душман йўқ. Агар курбинг етса, у сени асир этмасдан бурун сен уни банд эт. Ана шунда шоядки, сен ҳам руҳий озодликка мушарраф бўлурсан», дейди. Бунда Навоийнинг бани башар авлодини биргаликда нафсни маҳв этишга, яъни нафсни мужоҳида – тизгинлашга чорлови бор. Ушбу сатрлар сангидаги ботиний маъноларга кўра эса, шоир комил инсон нафақат ҳеч бир вақт ўз ҳолатидан қоникиш ҳосил қилмаслиги керак, балки мудом ўзини Тангри олдида гуноҳкор хис этиб, нафс жиловини ҳеч маҳал қўлдан бой бермаслиги айни заруратдир.

*Шакарлаблар табассум қилганин кўргач кўнгул берма,  
Ки, бедилларни аччиғ ийглаттур охир бу шаккарханд.*

Яъни: «Гар ширинсухан кишиларнинг чиройли табассумини кўрсанг, уларга учиб, бирдан кўнгил бермагин. Зоро, бу соҳтакор ноз-карашмали чехралар, ахир, неча-неча бедилларни аччиқ-аччиқ ийглатмаган». Ушбу байтнинг иккинчи мисрасидаги бедил сўзига эътибор қилинг. Бу сўз байтда «кўнгилсиз», «бемажол», «маҳлиё», «қайгули», «қайғу-аламли лирик маъшуқа», «ошиқ» сингари маъноларни ифодалаб келган. Зотан, бу байт замирида ҳам мажозий маънолар мужассам.

*Жаҳон лаззотини ширин кўрарсен, лек бандингдор,  
Гирифттор ўлма, воқиф бўлки, қайду қанд эрур монанд.*

Бу ерда шоир бундан олдинги байтдаги поэтик тафаккурни янада кучайтириб, давом эттиради: «Эй инсон, дунёнинг totли неъматларини ширин жон қадар яхши кўрасан. Агар билсанг, аслида, сен уларнинг банди – асирисан. Унга ҳаддан зиёда мафтун бўлма, огоҳ бўл – у худди шириналлик каби ўзига тортади». Шоирнинг бу фикрлари шунчаки бир бадиият мажбурияти талабидан келиб чиқиб, қофозга туширилмаган, албатта. Аслида, бу хусусиятлар шоир шахсиятида мужассам эди. У ҳолда улуғ шоир бошқа бир ўринда бундай демаган бўлур эди:

*Кўзунг фикри била тан хилватида нотавон кўнглум,  
Риёзат айнидиндур кунда бир бодом ила қонеъ.*

Байтда кўлланилган «нотавон кўнгул», «риёзат айни» ва «бодом» – тасаввуфий рамзларга ишора. Нотавон кўнгул – нотинч, бетоқат, бечора кўнгил, доимо ёр васлига муштоқ бўлган кўнгил. Риёзат айни – риёзат назари, ишқ туфайли чекилган риёзат. Бодом – қаноат тимсоли. Ушбу байтнинг иккинчи мисрасидаги бодом тимсолига эътибор қилинг. Зеро, шоир ҳақ йўлида чин риёзат чекувчи банда, бир кунда бир дона бодом емоқ билан кифояланади, дейди.

*Кўнгулдин жаҳл ранжи дофии гар истасанг бордур,  
Навоий боги назми шаккаристонида ул гулқанд.*

Шоир наздида, кимсанинг кўнглида номавзун сифатлар – жаҳл, жаҳолат, нодонлик, сохталик, гафлат куртак очган бўлса, уни даф қилишнинг иложи бор. Бу – шеъриятдир. Шеърият бўлганда ҳам Навоийнинг шириндан-шакар шеърият bogотики, унинг ўртасида бир гулқанд (қизил гул япроғи билан шакарни аралаштириб,

офтобда тайёрланадиган бир хил ширинлик) бор. Лекин унга етишиш ҳам кўп осон иш эмас. Зеро, киши бу йўлда дуч келадиган ҳар қандай машаққатга бардош бериб, риёзат чекишга тайёр бўлиши зарур. Кўринадики, бу сатрлар замиридаги ботиний маънолар шу гулқанд сўзи замирида тажассум топган. Чунки Навоий бу ерда ўкувчининг диққат-эътиборини табиий равишда тайёрланадиган гулқанд хусусиятига қаратади. Шоир фикрича, инсон бағир қони гўё гулқанд сингари шаффоф-қизил бўлади. Нақадар гаройиб ташбих: агар инсон кўнгли ҳам гўё гулқанд сингари табиий маънолар қуёши нурига беланса, унинг кўнгли ҳам орифнинг ҳассос кўнглига айланиши тайин. Илло, инсон кўнгли руҳсиз бир жисм, холос. Унинг кўнгил руҳи эса, мудом маънолар қуёши нурига эҳтиёж сезиб яшайди.

Умуман, ғазал ботинан рамз ва мажозий маъноларга бойлиги, зоҳиран эса улкан бадиий ва ғоятда беназир панд-насиҳат қасб этганлиги билан улуғ шоир ғазалиётида муҳим ўрин тутади. Бу ғазал ўзбек поэтик тафаккур тарзида янгича бир тавр уйғотади ва киши қалбida боқий бир шеъриятга ташналиқ ҳиссини янада орттиради.

### *Сурат ва маъно уйғунлиги*

Ҳазрат Алишер Навоийнинг ҳар бир ғазали қатида сурат ва маъно уйғунлиги мужассам. Зеро, ҳар нарса фақат кўринишдангина иборат эмас. Суратнинг замирида эса ботиний маъно-моҳият бор. Ғазалиётдаги бундай хусусиятлар кўпинчча рамз-ишоралар тилида баён этилади. Лекин уларнинг бадиий ечими баъзан ёлғиз мусҳафагагина бориб тақалади. Яъни, улар Оллоҳ кашшоғлигидаги оламларнинг азалий кўринишию Одамнинг яратилиши сингари илоҳий ҳодисалар билан муштарак тарзда талқин қилингандагина бўй кўрсатади. Булар эса

мусҳафсиз англашилмайди. Албатта, бу – ғазалиётда азал-азалдан анъана тусини олиб улгурган эди.

Улуғ шоирнинг чуқур эътиқодига кўра ҳам, ҳар бир мусулмон фарзанди, айниқса, Шарқ ижодкори ғазалиётдаги сурат ва маъно вобасталигини теран мушоҳада қилиши учун сўнгги набийнинг асл моҳиятини бир ички сезим орқали идрок эта олиши жоиз. Шундагина у чинакам шарқона шеърият замирида жо бўлган сурат ва маъно моҳиятига етади. Илло, шеърхон бу Набийнинг сурат ва сийратиу унинг замон ва макон эврилишлари аро тутган мақомини чуқур ҳис ва теран фаҳм этмай туриб, улуғ мутафаккир ғазалиётидаги сурат ва маъно маснадини англаши анча мушкул. Айни шу маънода Навоий ғазалиёти замиридаги бундай ботиний хусусиятларнинг маълум бир қисми Пайғамбар мадҳ этилган ояти карималар таъсирида вужудга келган дейишимизга асос бор. Бу тарз кўпроқ ҳазратнинг наът ғазаллари замирида мунтазам тажассум топгандир.

Энди ана шундай наът ғазаллар сирасига кирувчи «Ғаройиб ус-сифар»нинг 114-ғазалини тўла келтирамиз:

*Одамки, башир насли силкига эрур пайванд,  
Суратда санга волид, маънода санга фарзанд.*

*Юсуфки, жамол ичра маъдум эди монанди,  
Топмади малоҳатда ҳуснини санга монанд.*

*Исо дамидин ўлганким, руҳ топар эрди,  
Билгачки, топар дининг, жон топти бўлуб хурсанд.*

*Даврон чаманидин сен ул лаҳзаки, чиқдинг, гул  
Тирноглар ила қилди рухсорини юз парканд.*

*Шаҳларга гадо андоқким келди букун муҳтожи,  
Тонгла бўлубон шаҳлар эҳсонига ҳожатманд.*

*Гесу санга бўлмишдур чун силсилии мақсуд,  
Мажнунунг эрур жонлар, қил силсила бирлан банд.*

*Шаккарга узубатда нутқунг не ажаб кулса  
Ким, эрнинга эши бўлмиши ахлоқ аро шаккарханд.*

*Йўқ бўлди каломингдин асфори само барча  
Асфори самовийдин бўлган кеби йўқ Пожанд.*

*Не келса Навоийга сендин юз эвурмаским,  
Ул зарра дурур, сен меҳр, ул бандаву сен хованд.*

Айтиш жоизки, 9 байтли бу наът ғазал сўнгги мурсал – Пайғамбар ва унинг арзу само ичра азалий сурат ва маъно мутаносиблигига қай тарзда дахлдорлиги борасидаги тасаввуримизни янада кенгайтиришда муҳим адабий омил бўлиб хизмат қиласди. Энди байтлар шарҳига ўтайлик.

*Одамки, башир насли силкига эрур пайванд,  
Суратда санга волид, маънода санга фарзанд.*

Ушбу байт мазмунига кўра, Одам Ато инсоният авлодининг бардавомлигига алоқадор, яъни сабабчиидир. Аммо у сен (Мустафо с.а.в. назарда тутилган. – M. A.) га фақат суратда, яъни дунёвий ўлчам кўринишидагина ота, аслида эса маънода сенга фарзанддир. Зотан, сенинг нурингни улуғ Тангри таоло башариятни яратмасдан бурун яратиб қўйган эди. Негаки, Тангри таоло инсонни яратишидан мурод ҳам сен туфайли эди. Улуғ мутафаккир бу манзарани бошқа бир асарида шундай образли тарзда баён этади: «У Одам Атодан ҳам илгари мавжуд бўлиб, ҳам набий, ҳам сирлар огоҳи эди. У олти кунда яратилган оламдан бурун ҳам нур ҳолида бор эди. Бу

шундай нурки, у юз иззат ва шараф эгасидир. У – маъшук, яратувчи – ишқивоз эди. Оллоҳ Булбашарни яратгунига қадар, бу нур узоқ йиллар Ҳақ назаридан баҳраманд эди. Булбашар вужуди яратилганда унинг юзи шу юлдуз нуридан камол топди»<sup>1</sup>.

Иккинчи байтда матлаъдаги бадиий кайфият, яъни сурат ва маъно муносабатлари Юсуф пайғамбар гўзаллиги мисолида намоён бўлади. Бу ўринда Юсуф – сурат, Мустафо (с.а.в.) эса нур – маъно рамзиdir:

*Юсуфки, жамол ичра маъдум эди монанди,  
Топмади малоҳатда ҳуснини санга монанд.*

Юсуф пайғамбарлар орасида гўзалликда тенги йўқ эди, эй Мустафо (с.а.в.), лекин малоҳат – жозиба бобида у ҳам сенга ўз ҳуснини тенг топмади.

Учинчи байтда ҳам биринчи, иккинчи байтлардаги каби рамзий маъно Исо ва сўнгги мурсал тимсолида ифодаланади:

*Исо дамидин ўлганким, руҳ топар эрди,  
Билгачки, топар дининг, жон топти бўлуб хурсанд.*

Мазкур байтнинг мазмuni: бир замонлар Исо пайғамбарнинг муборак нафасидан ўликлар ҳам рух, яъни жон топар эди. Бироқ сенинг ботинингни билган мусулмон фарзандлари энди нафақат адолатли динингни топди, балки ундан ҳам ортиқ жон топиб, бундан беҳад масрур бўлдилар. Чунки бу тириклик шунчаки бир тириклик эмас, ботиний тириклиkdir. Ахир унда ботин олами мужассам эди. Шунингдек, ушбу байт замирида Куръонда келтирилган, яъни Исо пайғамбар Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг ўзидан устунлигига иқрор бўлганлиги ҳақи-

<sup>1</sup> Алишер Навоий. Лисон ут-тайр / Насрий баён. – Т. 1991. – 273-бет.

даги «Зумар» сурасининг 22-ояти маъносига ишора ҳам йўқ эмас: «Ахир, Оллоҳ кўксини Ислом учун кенг қилиб қўйган, бас, ўзи Парвардигори томонидан бир нур – хидоят устида бўлган киши куфр зулматларида адашиб-улоқиб юрган кимса билан баробар бўлурми?!»<sup>1</sup>.

*Даврон чаманидин сен ул лаҳзаки, чиқдинг, гул  
Тирноғлар ила қилди рухсорини юз парканд.*

Байтнинг қисқача мазмуни: эй Мустафо (с.а.в.), сен қачонлардир даврон гулзорида сарви гулдек бўй тортиб чиққанингда ҳаттоки гул хижолатдан тирноғлари билан ўз рухсорини тимдалаб ташлаган эди.

*Шаҳларга гадо андоқким келди буқун муҳтожс,  
Тонгла бўлубон шаҳлар эҳсонига ҳожатманд.*

Ушбу байт мазмуни: албатта, шундай бир кун келди ҳам, яъни унинг (Мустафо с.а.в. кўзда тутилган. – M. A.) Ерга келишию, Тангри таолонинг муборак сўзларини инсониятга етказиши баракотидан эндиликда шоҳларда ўта адолатли ва муруватлидир. Буни қарангки, улар ҳатто эрта тонгдан ғарибу ғураболарга, яъни барча мискин ва гадоларга саховат қўлларини чўздилар. Бу нақадар ажиб бир кўриниш эди.

*Гесу санга бўлмишдур чун силсилай мақсуд,  
Мажнунунг эрур жонлар, қил силсила бирлан банд.*

Улуғ шоир байтда шеърий мантиқ ва тахайюл кучи орқали шундай бадиий кайфиятни баён этади: ахир соч, кокил сенга мурод, орзу силсиласи – зоҳирий мақсад

<sup>1</sup> Қуръон. Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур. – Т.: Чўлпон, 1992. – 340-бет.

воситасигина эди, холос. Энди кўйингда мажнун бўлганларни ана шу силсила билан банд қилгин. Аниқроғи, сени деганларни суратинг замиридаги маъно билан асир қил. Ушбу байт замирида ҳам яна Пайғамбар мадҳ этилган оятлар маъносига ишора қиласди. Уларда Расулуллоҳнинг сочи, кўзи, қоши тараннум этилган. Дарвоҷе, бу кўриниш борасида улуғ шоирнинг бошқа бир шеърида шундай сатрлар бор: «Сураи «Ваш-шамс» тафсири юзи бобиндадур, Шарҳи «мозоғ ал-басар» наргислари хобиндадур».

*Шаккарга узубатда нутқунг не ажаб қулса  
Ким, эрнинга эши бўлмиши ахлоқ аро шаккарханд.*

Байтнинг муҳтасар маъноси: эй Мустафо (с.а.в.), фасоҳат ва балоғат бобида каломинг шаккардан ҳам ширин бўлса, не ажаб. Негаки бу худди лабингда, яъни гўзал хулқ-авторинг ичра чиройли ширин табассумдек тажассум топганга ўхшайди.

*Йўқ бўлди каломингдин асфори само барча  
Асфори самовийдин бўлган кеби йўқ Пожанд.*

Энди шоир бу байтда илоҳий каломнинг қудрати суратида эмас, балки унинг ботиний маъносида эканлиги ҳақидаги событ хотирларини очиқ-оидин илгари суради: яъни эй Расул, Тангридан туширилаётган улуғ каломинг боис аввал кўқдан нозил бўлган (тушган) асфори самовий – Таврот, Инжил, Забур сингари осмоний китоблар-да ўз илоҳий кучини йўқотди, яъни сўнгги илоҳий Китоб олдида ҳеч бўлди. Зотан, кўқдан нузул бўлган – энган бу илоҳий Китоблар баробарида қадим миф ёдномаларига оид Пожанд – Жанд, яъни Занд томонидан ёзилган ўтпарамстлик дини ҳақидаги китоб ҳам йўққа

чиққани сингари. Албатта, булар бежизга эмас. Чунки сўнгги мурсал ҳеч вақт сўз суратига мағрур бўлиб, орзу билан сўзламайди. Илло, у каломнинг ҳақиқий Эгасини танийди. Ахир Ул зот ҳар на сўйласа-да, маънодан, яъни ваҳийдан бошқа нарса ҳам эмас.

*Не келса Навоийга Сендин юз эвурмаским,  
Ул зарра дурур, Сен меҳр, ул бандаву Сен хованд.*

Аввало, мақтаъдаги нотаниш бўлган характерли сўз маъносини изоҳлайлик. Бу – форсча худованд сўзининг қисқарган шакли хованддир. Унинг лугавий маъноси «худо». Шу маънога кўра, байтни қўйидагича шарҳлаш мумкин: энди Навоийга кажрафтор фалакдан не келса ҳам Сендан ҳеч вақт юз ўгирмайди. Чунки У (мурсал) бир зарра бўлса, Сен қуёш, яъни улкан меҳр, агар У бир банда бўлса, ахир Сен Парвардигори оламсан. Агар бу ўринда хованд сўзининг кўчма «саййид» маъносини қўлласак, у ҳолда байт замирида қўйидаги маъно мавжуд: энди Навоийга кажрафтор фалакдан не келса ҳам сендан ҳеч вақт юз ўгирмайди. Чунки у (Навоий) бир зарра бўлса, Сен қуёш, яъни улкан меҳр, агар у бир оддий қул бўлса, ахир Сен ҳар қандай балоларни қайтаргувчи хованд – саййидларнинг саййидиссан-ку. Яъни суратдагина одам, маънода эса неча минг йиллар бурун ҳам нур ҳолида мавжуд бўлган малаксан. Бу байт қатида ҳам факат Пайғамбар мадҳ этилган ояти карималар маъносига ишора бор.

Ғазалнинг бошидан охиригача маъно ва сурат мутаносиблиги – анбиё, саййид ул-мурсалин Муҳаммад Мустафо (с.а.в.)нинг сифатлари орқали аста-секинлик билан намоён бўла боради. Айтиш жоизки, ғазал замиридаги ботиний маънолар шарҳини қўйидаги румиёна таъриф-тавсиф орқали ифодалаш айни муддаодир: «Набий

ўзининг кўриниши (сурати)дан иборат эмас. Кўриниши унинг исми. Набийнинг ўзи эса ишқ ва муҳаббатdir! Боқийдир! Худди солихнинг туси каби. Унинг фақат юзигина туждир. Набий ўлмас ишқ ва севгидан иборатдир». Аниқки, шоир бу ғазал замирига маънонинг сурат билан боғлиқлигини муфассал жо этган. Ахир, «Иккаласи бирлашмагунча фойда ҳам бўлмайди». Зеро, «Сурат маъно нуридир... Демак, устунлик – суратда эмас, моҳиятда, ундаги жавҳардадир» (Румий).

Ҳазрат Алишер Навоийнинг биз юқорида шарҳлашга уринган ғазалида нур – маъно, аслида, суратдан олдин пайдо бўлган, яъни маъно бирламчи деган фикр илгари сурилган. Кўринадики, мазкур ғазал мисралари замирида ана шундай ботиний маънолар олами ястаниб ётибди. Шу боис шоир ғазалиётини ўрганаётган ҳар бир китобхон бу хусусиятларни теран англаб олиши жоиздир.

### **Сўз ва рух вобасталиги**

Сўзнинг инсон ҳаёти ва ижодиётидаги ўрни, яъни сўзнинг асл рутбаси – мақоми борасидаги фалсафий мушоҳадалар доимо инсониятни ҳайратлантириб келган. Зеро, биргина бадиий матннинг сўзнинг ўрнини ҳис этиш инсоннинг руҳий камолотида ўта муҳим, ҳатто бирламчи омил ҳамдир. Албатта, уни англаш учун киши қалбан чуқур бадиий тафаккур тарзига эга сатрлар зимнидаги мажозий маънолар оламига кира олиши жоиз. Афсуски, инсонлар буларни ҳар доим ҳам ўйлайвермайди. Эҳтимол шундан бўлса керак, кўп ҳолларда матннинг моҳияти – руҳини ўзида мужассам этган бир сўз қолиб, ундағи умумий фикрлар, яъни гўё катта-катта идрок маҳсули билан машғул бўлиб қоламиз. Аслида, у ёки бу матннадаги инсоннинг чинакам инсонийлик фитратидан пайдо бўлган бадиий тафаккур тарзи биз учун осонликча

күзга ташланавермайдиган кичик бадииятда мужассам бўлиши ҳам мумкин. Лекин улуғ мутафаккирларимизнинг ёди ҳеч вақт сатрлар замиридаги асл маънолар моҳиятидан айро бўлмаган. Айниқса, Алишер Навоий ўз асарларида сўзнинг мақоми ҳақидаги эътирофларида «сўз дуррининг қиймати ва мартабаси» қабилидаги иборани кўп бор қўллаганлар. Шу қабилда баъзан бу борадаги талқинни фақат шоир ижодий тафаккур тарзининг маҳсули бўлган шахсий тушунчалардан эмас, дафъатан шеърий сатрлар сангидаги образли сўзлар замиридан, қолаверса, шоирнинг сўз таърифи ҳақидаги ўз эътирофларидан ҳосил бўлган тафаккур кенгликлари ва унга асос бўлган зоҳирий ва ботиний билимлар мажмуи пўртаналяридан бошлаш керак бўлади. Бошқачароқ айтганда, улуғ шоирнинг сўз борасидаги эътирофларини баъзан аслият, баъзан табдил тарзида қайта-қайта хотирга келтириб, таҳлил қилиш ҳам, шубҳасиз, яхши самара беради. Илло, шоирнинг сўз ёки ўз асарлари ҳақидаги қайдларидан шу ҳол маълум бўладики, у сўз ёхуд иборани фақат кўнгил майли ёки бадиий тафаккурининг ички сасига суюнибина эмас, балки ўша давр ижтимоий воқелиги талаби асосида пайдо бўлган матн ҳақиқатига таянган ҳолда қўллайди. Албатта, бунда у ҳар бир сўзни бадиий тафаккур меъёри доирасидан четга чиқмай қўллайди ва натижада матндаги шоир назарда тутган сирли сўз – матннинг қалби чинакам ўз мақомини топади.

Шу тариқа, улуғ шоир сўзнинг қадр-қиммати, ундағи мезонни ўз услубида акс эттиради. Илло, ҳазратнинг сўзни баён этиш тарзи – уни китобхон кўнглига хузур бағишлийдиган даражада муҳтасар ифода этишдан иборат. Қизиги шундаки, шоир бунда фикрни, айниқса, панд-насиҳатни бировга эмас, айнан ўз шахсига қаратса айтади ва унинг бош марказида ўзи туради: «Сўзни чўзмоқ ҳожат эмас, зеро сўзни чўзиш – узайтиришни

маъно аҳли маъкул демас». Бу хусусда Жалолиддин Румий ўзининг «Ичиндаги ичиндадур» асарида шундай ёзади: «Сўзниңг хайрлиси далолати кўп бўлганидир ва энг яхши сўз кўп бўлгани эмас, балки фойдалисидир... Баъзиларга оз сўз кўпдан кўра кўпроқ фойдали бўлур. Чунончи, ҳаддан зиёд қизиб, чарсилла турган тандирга яқинлашиб бўлмагани ҳолда, заиф бир чироқдан мингларча фойда олиш мумкин. Демак, мақсад фойдадир. Шундайлар ҳам борки, уларга кўришнинг ўзи кифоя. Сўз улар учун зааралидир».

Хондамирнинг ёзишича, 1453 йилда Алишернинг отаси Ғиёсиддин Мухаммад оламдан ўтади. Ундан кейин ёш шоир Сабзаворда, сўнг Машҳадда умргузаронлик қиласди. Икки мактабдош дўст – Ҳусайн ва Алишер яна бирга бўлдилар. Бир сабаб билан у дўстига 100 минг мисра шеър ёд олганини айтади. Демакки, ўша даврда шеър ёдлаш, яъни ундаги образли сўзлар маъноларини кўнгилга жо айлаш, биринчидан, сўз инсон эътиқоди ва зеҳнини қувватлантирувчи реал муҳим восита ҳисобланган бўлса, иккинчидан, бани Одам авлодининг сўз руҳи ҳақидаги идрокларини шакллантиришда яқиндан ёрдам берган, дейиш мумкин. Дарҳақиқат, Жалолиддин Румийнинг бу борадаги мушоҳадаси фикримизнинг ёрқин далилидир: «Сўз – идрок қилишда сўзга муҳтоҷ бўлганлар учундир. Сўзсиз идрок этганинг сўзга қандай эҳтиёжи қолади? Идрок эта билган учун кўкларнинг, ерларнинг ҳаммаси сўздир. Ҳафиф бир сасни эшигандага бақириб-чақиришнинг нима ҳожати бор?»

Улуғ мутафаккир сўзниңг қадри ва мартабасини йигитлик чоғларидаёқ 1472–1476 йиллар оралиғида Шоҳ Ғозийнинг амри ва истагига кўра ўзи китобат қилган биринчи девони – «Бадоеъ ул-бидоя» («Бадийлик ибтидоси»), 1485–1486 йилларда иккинчи девон – «Наводир ун-ниҳоя» («Ниҳоясиз нодирликлар»)да акс эттиради.

Лекин шоир 1498 йили тартиб қилинган 4 қисм девондан иборат «Хазойин ул-маоний» («Маънолар хазинаси»)да сўзни ҳадди аълосига етказиб тараннум этади. Шоир 7 ёшидан 20 ёшигача бўлган даврни умрининг навбаҳори ҳисоблади ва аслида, шу даврларда яратилган «Ғаройиб ус-сигар» («Болалик ажойиботлари») деб аталган девонини ҳам сўзнинг шоён таъриф ва тавсифига бағишлаган эди. Умуман олганда, шоир «Мұхокамат ул-луғатайн»да бу асарларининг яратилиши, яъни улардаги рангин сўзлар олами ҳақида тўлқинланиб шундай ёзади: «Шулардан бири «Ғаройиб ус-сигар» девони, кичик ёшли пайтимда сўзни баён этишдан ва ёзишимдан сурат топгандир. Унда маънолар ажойиботини мужиб – ажойиб сўзлар либосига киргизганман ва халқ замири – кўнглини ғариблар ахли ўти билан куйдирганман.

Яна «Наводир уш-шабоб» («Йигитлик нодирликлари») девони, йигитлик чоғида сўзим хомаси – қаламидан кўриниш девонига ва зийнат бўстонига киргандирки, у нодирликлар томошасидан йигитлик мамлакатида ғавғо солибман, мамлакат йигитлари кўнглидан ором ва қарорини олибман.

Яна «Бадоев ул-васат» («Ўрта ёш бадиалари») девони, умрим ўртасида кўнглим килки – қалами унинг чиройига наққошлиқ ва зийнатига сеҳрловчилик қилгандир, бу шеърлар воситасида шайдо кўнгиллар эшигини ишқ тоши билан қоқибман ва у уйга фитна, офат ўтини ёқибман.

Яна «Фавойид ул-кибар» («Кексалик фойдалари») девони, уни хаёт охирида замирим хомаси – хаёлим қалами Чин рассоми устахонасининг ҳасади ва жаннат рашки келадиган қилибдики, унда катталарга фойдаларнинг тоза сувини етказибман ва ҳаваслари шуъласига насиҳатлар сувидан сув урибман...», дейди.

Сўзнинг асл маншаъи – келиб чиқиши, яъни унинг руҳи ва инсон руҳига қай даражада вобасталигини да-

лиллаш ўта мураккаб. Зеро, инсоният бунга ҳамон жавоб изламоқда. Бундай мулоҳаза юритишимизга яна бир сабаб улут бобомиз Алишер Навоий асарларида бир ўринда «сўз руҳи» иборасининг учрашидир. Шу маънода сўз руҳи ва унинг инсон руҳи билан ўзаро муштарак эканлиги ҳақида мулоҳаза юритишдан аввал, қадим манбалардаги сўз талқинига мурожаат қилиш жоиз кўринади.

Сўз ҳақида қадим IV – VI аср Веда адабиёти матнларида қизиқарли маълумотлар учрайди, яъни уларда сўз илоҳий қўшиқ ва билим воситасида тараннум этилиб, илоҳийлаштирилади.

Айтиш мумкинки, қадимги хинд матнларида сўз илоҳий қудрат даражасида улуғланади. Фикри ожизимизча, унинг инсон руҳига алоқадорлиги очик эътироф этилмаса-да, лекин матн замиридаги таг маънолар шунга ишора қиласи. Зеро, «Хиндларнинг эътиқодига кўра, инсон руҳи тамоман покланмагунча танадан-танага қўчиб юраверади. Шу жараёнда инсон руҳи нафсоний иллатлардан қутулиб, асл илоҳий моҳият касб эта боради... Агар инсон эзгу ишларни кўп қилиб, маънавий камолотга интилса, унинг Руҳи олдинги «юқ» – камчиликларидан холи бўла боради. Бу эса инсон руҳининг илоҳлар маконидан мангубой жой олиш жараёнини тезлаштиради. Илоҳлар мақомига эришиш – ҳар бир хинднинг сўнмас орзуусидир».

Қадимда юртимиз алломалари ҳам сўз ҳақида кўплаб қизиқарли баҳс-мунозараларга киришганлар. Жумладан, XI–XII асрларда яшаб ижод этган Шайх Фаридиддин Аттор «Ўз кўзинг билан боқ ўзингга, сўзга ўралгин. Дунё одамлардан эмас холи. Икки оламнинг асоси Сўздир, чунки Сўз Ҳақдан мужда бўлиб келди. Ахир, арши аълода битилган «Лавҳи маҳфуз» (азалдан кўкда инсонларнинг яхши ва ёмон амаллари маҳфий сақланган ёзув доскаси – M. A.) ҳам Сўздир. Ҳамма нарса Сўздан ижод

этилган ва Сўзга қайтади», – дейди. Шу тариқа, XII – XIII асрларда Мавлоно Жалолиддин Румий ҳам сўзга шундай тавсиф беради: «Ҳар нарсанинг асли – сўз. Сенинг сўздан хабаринг йўқ ва уни менсимайсан. Сўз амал дарахтининг мевасидир. Чунки у амалдан туғилади. Улуғ Тангри оламни сўз билан яратди ва «Бўл» дейиши билан у ҳам бўлди».

Таъбир жоиз бўлса, XVI асрнинг охири – XVII асрнинг бошларида яшаб ижод этган Мирзо Абдулқодир Бедил ҳам ҳинд ва ислом манбаларига таянган ҳолда, сўз қудратини бақамти ҳадди аълосига етказиб тараннум этган эди. Илло, у сўзнинг фалсафий-ирфоний маънолари, нозик ва сирли жиҳатларини чуқур ҳис ва идрок этган «Абулмаоний» – «маънолар отаси» эди:

*Ин замон илм аз сухан пайдо аст,  
Ҳар че хоҳе з-моу ман пайдо аст.  
Лоязол аст паришион наму,  
У дар оғуши илм ва илм дар – у.*

Форсий тўртликнинг таржимаси: «Бу замонда илм сўздан келиб чиқкан, ўзинг ва бошқа ҳақидаги хоҳишлар ундан, у лоязол (йўқ бўлмайдиган, безавол, доимий, абадий. – M. A.), қолаверса, Оллоҳнинг сифати билан Сўз намоён, у илм оғушида, илм ҳам унинг оғушидадир». Сирасини айтганда, Мирзо Бедил ҳам сўзнинг нури, яъни руҳи борлигига чин эътиқод қиласади:

*Маънилар офтоби бўл, нур сочибон сақла сукут,  
Сўз нурининг бақоси йўқ, мисли чароғ, ўтиб кетар.*

Кўриниб турибдики, Мирзо Бедил ўз асарларида сўз ва инсон руҳининг ўзаро уйғунлиги билан боғлиқ фалсафий мушоҳадаларга кўп ва хўб ўрин беради. Бу бора-

да Шихобиддин Сухравардий ва унинг ишроқ фалсафаси таълимотидаги «Жами инсоният учун бир нур борки, у фаришта Жаброилдир. Инсоният руҳи шу нурнинг кўриниши бўлиб, у одамзод ва ғайб олами ўртасидаги воситачи, Шарқ (Эзгулик) нурлари унда мужассамдир», деган фикри муҳим аҳамият касб этади. Чунки унда «инсоннинг руҳи шу нурнинг кўринишидир», дейилган. Фикри ожизимизча, бундан шундай хулоса чиқариш мумкин. Зеро, Мирзо Бедил ҳам сўз нури, яъни сўз руҳи деган иборани қўллаган.

Демакки, бадиий сўзнинг қиймати ва мартабаси шундай улуғ, самолар қадар юксак қадрга эгаки, илло, уни ҳеч вақт жўшқин руҳда ёзилган бадиий асарлар мутолаасисиз у қадар тушуниб бўлмайди. Зотан, сўзнинг қадр-қиммати улуғ шоир назм гулшанида нақадар мафтункор тарзда ўз ифодасини топади. Шоир назидаги сўз руҳи ва инсон руҳи талқинларидан шу нарса маълум бўладики, улар ўртасидаги вобасталик азалдан илоҳий тарзда мавжуд бўлган эди.

### **Ишқ ахлининг кўзгуси**

Бугун моддиятга «масту мустағрақ» инсоният шитоб билан ҳаракатланмоқдаки, уни бир фурсатга бўлса-да хаёлий оламга олиб кириш анча мушкул. Негаки бу тезкорлик XXI аср кишиси учун одат тусига айланган. Кишининг тахайюл оламига кириши учун эса вақти-вақти билан ўз кўнгил ботинига боқиб, оёғи заминдан узилмай, чинакам воқеликка, шеърияту табиатга уйғун тарзда ҳаракатланиши лозим. Бу билан ўзининг «савдойи хом» – хомхаёлларини пиширади ва ўз тасаввур оламини янада бойита боради. Зеро, ҳазрат Румий айтганларидай, «Хаёл олами тасаввурлар оламига қараганда янада кенг. Чунки бутун тасаввурлар хаёлдан туғилади. Ўз навбатида, хаёл олами ҳам уни бор этган олам қаршисида йўқсилдир».

Айни шу маънода, бугун ҳазрат Алишер Навоий шеъриятига хос – «таяхайол мулки»га кучли бир эҳтиёж сезамиз. Улуг шоирнинг ҳар бир ғазали замирида бундай хусусиятлар мужассам бўлиб, улар ишоралар тилида баён этилади. Куйида шундай бадиият мўъжизаси бўлмиш «Ғаройиб ус-сигар»дан 428-ғазални тўла келтирамиз:

*Бўлмасун кўнглунг қушига дурру гавҳар васли ком  
Ким, қазо ул доналарга баҳр мавжин қилди дом.*

*Гар малак тасбиҳи дона, ҳур зулфи дом эрур  
Ким, бу дому донаага зийрак қуш эрсанг, бўлма ром.*

*Даҳр бодгининг ҳавосидур самуму суйи заҳр,  
Анда бўлмас бу ҳавову су била қилмоқ мақом.*

*Боғким, нилуфарий кўкурд ўтидур англаким,  
Не муаттар бўлгай андин тарбият топқан машом.*

*Май ўти бирла димогингни қизитмаким, бу ўт  
Эл димогида пиширмайдур бажуз савдоий хом.*

*То ўзунгни хасча кўргунгдур эмассен одамий,  
Гар ҳавода саир қил, гар су уза кўргуз хиром.*

*Кул қил ул хасни фано оташгаҳига ташлабон,  
То кўнгул миръоти ул қулдин жисло топқай тамом.  
Истарам, кўзгуда кўрсам ёр аксин бир нафас,  
Соқиё, майким! Эрур ишқ аҳлиниг қўзгуси жом.*

Саккиз байтдан таркиб топган бу ғазал зоҳирий ва ботиний маъноларига кўра ҳам ҳалқона, ҳам суфиёна бир руҳда битилган. Ғазалнинг маънавий қиммати маҷоз, ҳақиқат ичра «одамийлик шеваси»га қаратилган та-

хайюлий тарз ва тафаккурий қиёсийликда зухурланади. Унинг девондаги бошқа ғазаллардан энг асосий фарқли хусусияти тахаллуссиз ёзилганидир. Энди байтлар шарҳига ўтайлик.

*Бўлмасун кўнглунг қушига дурру гавҳар васли ком  
Ким, қазо ул доналарга баҳр мавжин қилди дом.*

Аввало, мазкур байтдаги энг характерли сўзга эътиборни қаратайлик. Бу арабча баҳр сўзиидир. Зеро, унинг замирида шоир назарда тутган ажиб бир манзара яширин. Бу сўз Алишер Навоий асарларида: «Хазар» (Каспий), «Ахмар»; «катта азим дарё»; «бирор нарсанинг буюклиги, улуғлиги» сингари маъноларда қўлланилади. Умуман, мумтоз адабиётда бу сўзнинг «баҳрайн» шакли «икки денгиз», «икки дарё» маъносида келади. «Садди Искандарий» достонининг XXVII бобида эса Форс қўлтиғидаги орол номини ҳам ифодалаган: «Қутайф ахли, Баҳрайну Бағдод ҳам / Сипаҳбад аларға келиб Густаҳам»<sup>1</sup>. Агар шарҳланаётган байт мазмунига асос бўладиган манбаларга эътиборни қаратадиган бўлсак, у қуйидагича тус олади: баҳрайн (баҳр) қадим форс манбалариға кўра, Форс қўлтиғи ва унинг атрофидағи жазира-рама муҳитдир. Демак, қайсиdir маънода у ердан куш ўтса қаноти куяди. Шунингдек, унда нефть кўп ва боз устига, унинг зумрасидаги баҳри муҳитда кўп марваридлар ҳосил бўлади. Улуғ шоир ушбу байтда гўзал ташбих орқали айни шу ҳолатга рамз-ишора қилганлигининг эҳтимоли кўпдир. Бундан ташқари, бу байтда дона сўзи марварид маъносида ишлатилган. Айни шу маънода байтнинг қисқача мазмунини қуйидагича шарҳлаш мумкин: эй одам, кўнглингда асло дуру гавҳарларга мойиллик пайдо бўлмасин! Бордию, уларнинг аслига, яъни

<sup>1</sup> Алишер Навоий. Садди Искандарий. МАТ. 11-жилд. – Т., 1993. – 172-бет.

азалий келиб чиқишига назар ташлайдиган бўлсанг, хатардан бошқа нарсани қўрмайсан... Ахир азалдан тақдир, аникроғи, илоҳий ҳукм ўша марваридларга кучли сиқиқлик ичра денгизнинг жўш уришини тузоқ қилиб қўйди. Сен ҳам ўша муҳит тепаси ёки остидаги сингари тузоқларнинг курбонига айланмагин.

*Гар малак тасбиҳи дона, ҳур зулфи дом эрур  
Ким, бу дому донаага зийрак қуш эрсанг, бўлма ром.*

Байтнинг қисқача мазмуни: агар фаришта тасбиҳи дона бўлса, ҳури ғилмон зулфи тузоқдир (бу ўринда зулф кўпроқ фоний дунё қасратига рамзий ишорадир). Эй одам, агар ўзингни зийрак қуш деб билсанг, ҳеч вақт бу тузоқ ва донаага бўлма мойил. Газалда «кўнгул қуши» ва «зийрак қуш» ибораси қўлланилади. Бунда шоир, асосан, маънавий-ботиний бедорликни назарда тутади.

*Даҳр богининг ҳавосидур самуму суйи заҳр,  
Анда бўлмас бу ҳавову су била қилмоқ мақом.*

Байт мазмунига кўра, фоний дунё, яъни бу олам боғининг ҳавоси, аслида, ҳамма нарсани қуритадиган иссиқ шамол, гармселга, суви эса оғуга ўхшайди. Бас шундай экан, эй одам, унга кўп ошуфта бўлма, алҳол ўз тадоригингни кўр, зеро, бу ҳаво ва сув билан мақсад манзилига этиб бўлмайди.

*Боғким, нилуфарий кўкурд ўтидур англаким,  
Не муаттар бўлгай андин тарбият топқан машом.*

Аввало, байтдаги нотаниш сўз арабча машом сўзи-дир. Унинг луғавий маъноси «димоғ», «бурун». Шундан келиб чиқиб, байтни қуйидагича шарҳлаш мумкин:

кишининг димоғи бу дунё боғининг хушбўйликлари-га ошуфта бўлса, яъни унга ўрганиб қолса, бу мушкул бир ҳолатдир. Ахир бир кун келиб, бу боғ сап-сариқ тус олиб, ундан олтингугурт ёки гугурт ўтига ўхшаш бадбўй ҳид чиқади. Бундан димоғ қандай тарбият топиши мумкин?! Шунинг учун ҳам бунга, энг аввало, улуғ тайёргарлик (ботин олами сирларини ўрганиш кўзда тутилган. – M. A.) кўрмоқ керак. Бироқ матн ортида яна шундай бир рамзий ишора ҳам йўқ эмас: димоғ тарбияти фақат бу дунёга хос юмуш. Комиллик истагида бўлган одам кўпроқ кўнгил тарбиясига берилиши жоиз. Чунки кўнгилга нақшланган тарбия киши руҳи билан пайвастадир. Димоғ-чи?.. Зотан, бунда шоир хотирлари тубида бир қадим ривоят ўрлашади: қадим нақлларга қўра, доно шоҳ Искандар вафотидан сўнг, ундан қуидаги сатрлар қолади: «Жумла жаҳонда тўйим/Нақши нигорли уйим/Чикқанда маргим ҳиди/Исиға арзимайдур»... Мазмуни: «Вақтики, мен оламдан ўтганимдан сўнг, башарият менинг шарафимга тўй беради, мақбараларимни тилло-зарҳаллар билан безайди. Бордию, вафотимдан қирқ кун ўтгандан сўнг қабримни очиб, хоки туробимни бир ҳидласалар, шу онда ундан димоғлари ачишиб, нафақат исми ёдимни, балки менинг бу дунёда қилган барча яхши амалларимни ҳам бирпасда унутган бўлур эдилар...». У ўзининг барча рамзий мақбаралари пештоқида бу битик ёзилишини васият қилган эди.

*Май ўти бирла димогингни қизитмаким, бу ўт  
Эл димогида пиширмайдур бажуз савдои хом.*

Улуғ шоир юқоридаги бадиий кайфиятни ушбу байтда ҳам давом эттиради. Байтда май сўзи ўз луғавий, яъни «маст қилувчи ичимлик» маъносида қўллланилган. Шу маънода бу байт мазмуни қуидагича: май ўти билан димогингни қизитиб тарбия қилишинг бефойда.

Ахир, эл сенинг бу ишратий ҳолатингдан хабар топган-дан кейин, бу ўзга хомхәлларинг пишиши ўрнига янада унинг акси бўлади, холос.

*То ўзунгни хасча кўргунгдур эмассен одамий,  
Гар ҳавода саир қил, гар су уза кўргуз хиром.*

Бу мисраларда шундай бадиий кайфият илгари сурилади: «одамийлик шеваси»га ҳар ким ҳам етишавермайди. Бунда, одам ўзлигини унутиб, то хокисорлик мақомига етмагунча ҳеч бир ҳол юз бермайди. Илло, у хоҳ кўкка учсин, хоҳ сув юзасида юрсин. Агар бу манзарани бошқачароқ бир тарзда, яъни ботиний бир тилда ифодаласак, унда одам менлиқдан сенлик рутбасига ўтиши жоиздир.

*Кул қил ул хасни фано оташгаҳига ташлабон,  
То кўнгул миръоти ул кулдин жило топқай тамом.*

Бу ўринда ҳам юқоридаги байтдаги сингари бадиий тафаккур илгари сурилади. У қўйидагича тус ва тароват олади: бу «хас»ни сен фано оловига ташлаб қўйдир ва шу «хас» кули билан қўнглингни ювига ойнадек мусаффо қил. Токи қўнгил кўзгунг шу кулдан жило топиб, мурод ҳосил қилсин.

*Истарам, кўзгуда кўрсам ёр аксин бир нафас,  
Соқиё, майким! Эрур ишиқ аҳлиниңг кўзгуси жом.*

Бу байт қатида яширинган теран илдизли, образли ифодалар ёр – «Оллоҳ»; акс – «илоҳий нурнинг тажаллиси»; соқий – «пири комил»; май – «ваҳдат (бирлик) майи»; жом – «ориф инсон қалби»; «илоҳий тажаллий акс этган борлиқ» каби сўзлар замирида мужассам.

Аммо бу образли ифодалар Навоий шеъриятида бундан ҳам кенг фалсафий, ботиний-илоҳий маъноларни англатиб келади. Шу маъноларга кўра, байт мазмунини қуидагича: илоҳий нур таралиб турган оламни кўрсатиб турувчи кўзгуда бир лаҳза бўлса-да, илоҳий нур тажаллиси кўрсам эди. Эй пири комил, ишқ ахлининг сархушлигига азалдан илоҳий нур тажаллиси сабабдир. Модомики шундай экан, улар оламни кўрсатувчи ойна, илоҳий тажаллий акс этган борлиқ ва ориф инсон қалбидир.

Ғазал ботинан тахайюлий ва мажозий маъноларга бойлиги, зоҳиран эса одамийлик мақомига етишиш йўлида нақадар чўнг бир тафаккурни ўзида жо этган дастуриламал сифатида шоир ғазалиётида муҳим ўрин тутади. Умуман, Навоий ғазалиёти ўзбек миллий поэтик тафаккурида ўзгача аҳамиятга эга. Хоссатан, бу гўзал ғазал китобхон кўнглига кўтаринки руҳ ва сокинлик баҳш этади.

### «Йўл қилур жисмимда ашк...»

Бугунги ўқувчи ҳазрат Алишер Навоий шеъриятига хос образ – «тахайюл мулки»га эҳтиёж сезади. Чунки улуғ шоир кўллаган тимсолларда ҳар бир даврнинг саволларига аниқ жавоб бор. Лекин уларни англаш ҳар доим ҳам осон кечавермайди. Зеро, шоир наздида баъзан биз учун ғалати кўринган нарса ва ҳодисаларда қандайдир бир илоҳий ҳикмат бордек. Шуни чуқур хис этган ва теран пайқаган Навоий тимсолларни кўқдан эмас, балки хокисорлик манзилларидан излаган. Шоир шеъриятининг асл сир-синоати, бетакрор жозибаси ҳам, аслида, ана шунда.

Улуғ шоирнинг ҳар бир ғазали замирида бундай хусусиятлар мужассам.

Энди ана шундай ғазаллар сирасига киравчи «Наводир ун-ниҳоя»нинг 478-газалини тўла келтирамиз:

*Қилса жонон оллида жонум Туфайл ўлмоққа майл,  
Коши юз жон ўлсаким, ҳар дам бирин қилсан туфайл.*

*Истаса куйган кўнгул ўтлуқ юзунгни қилма айб,  
Ихтиёри йўқтур айларда самандар ўтқа майл.*

*Йўл қилур жиссимида ашк элтур сўнгакларни узуб,  
Ер қазиб хошок оқизгандек қаён юзланса сайл.*

*Қатраи сахбо Суҳайлидин лабинг майгун эмас,  
Ким, ақиқедур буким ранг олур андин юз Суҳайл.*

*Бир мулодиб ҳинду ўлмиши ҳар кўзунгнинг мардуми,  
Кирпигинг ҳинд аҳлидин ҳангома тузган икки хайл.*

*Такя қилма тақвию тоатқаким, нафъ айламас.  
Фазлдин етмай башорат Бишр бўлғил, гар Фузайл.*

*Шоми ҳажср эрмас шафақ, балким Навоий гуссадин  
Йиғлади қон анчаким гардунга рангин бўлди зайл.*

Етти байтдан таркиб топган бу ғазални зоҳирий ва ботиний маъноларига кўра, ҳам халқона, ҳам ботиний бир тилда битилган, дейиш мумкин. Аникроғи, ғазалнинг маънавий қиммати гўё заифлик ичра ниҳон бўлган илохий курдату тафаккурий қиёсийликда зухурланади. Куйида бу ғазални қурбимиз етганча шарҳлашга уриндик.

*Қилса жонон оллида жонум Туфайл ўлмоққа майл,  
Коши юз жон ўлсаким, ҳар дам бирин қилсан туфайл.*

Дастлаб мазкур байтдаги энг характерли сүзга эътиборни қаратайлик. Бу – арабча туфайл сўзи. Зеро, унинг замирида улуғ шоир назарда тутган ажиб бир тимсол мужассам. Туфайл Алишер Навоий асарларида «чақирилмаган меҳмон», «Ўзи чақирилмаган бўлса ҳам, чақирилган кишилар қаторида, уларга эргашиб, тўй-маъракаларга борувчи»; «сабаб», «боис», «баҳона», «важ-корсон», «восита» сингари маъноларда қўлланилади. Умуман, диний адабиётларда бу тимсол «араблар қабиласига мансуб Умайя авлодидан бўлган Туфайл исмли шахсадир. У жуда камбағал, факир бўлганлиги туфайли, ҳатто бировларнига меҳмондорчиликка ҳам бора олмаган. Демак, шоир бунда қайсиdir маънода камбағаллик айрим кишилар назарида фазилат бўлмаслиги мумкин, лекин бу айб ҳам эмас, деган бадиий тафаккурни илгари суради. Ҳолбуки, шоир Туфайл шахсида қандайдир бир илоҳий ҳикмат борлигини кўради. Энг муҳими, унинг ўз шахсий олами мавжуд. Шунингдек, у ҳаётда доимо ўз жодаси ҳаддини яхши билади. Айни шу жиҳатлари билан бошқалардан фарқланиб туради. Яна унга Худо берган шундай жиҳат мавжуд: у кимсалар меҳмондорчилигига бориш учун бойиш у ёқда турсин, ҳатто бу тарзни хаёлига ҳам келтиролмайди. Улуғ шоир ушбу байтда гўзал ташbih орқали айни шу ҳолатга рамз-ишора қилганининг эҳтимоли кўпдир. Чунки давр аҳли унинг сўзини англаши қийин. Илло, бежизга шоир бир ўринда шундай демаган эди: «Сўзни англа, соқиё, маст эт мени ул навъким/Бўлмағай мумкин менга давр аҳли сўзин англамоқ». Айни маънода байтнинг қисқача мазмуни қуйидагича шарҳланади: агар жонон, яъни маҳбуба олдида жоним – рухим Туфайлдек бўлишни истаса, бунинг ҳеч ажабланарли жойи йўқ. У камбағал, факирдир, лекин ботинида ажиб меҳрга ташна садоқатли кўнгил яширин. Бордию, менга ҳам шун-

дай тақдир раво кўрилганда, шубҳасиз, юз жоним бўлса, у учун бирин-кетин нисор этардим. Ахир, азалдан тақдир, аниқроғи, илоҳий ҳукм унга шу фақирликни ихтиёр этган бўлса, не ажаб. Айни маънода улуғ мутафаккир тахайюл оламида дунёнинг бир қунжида томлари ҳувиллаб ётган Туфайл кулбаси жонланади. Балки, чинакам кўнгил шуларни деб барҳаётдир. Бунда яна шундай рамз бор. Зеро, инсон тийнатида, аслида, якранглика ҳам интилиш кучли. Лекин бунинг сира иложи йўқ. Эҳтимол шундандир, дунёнинг манзилу маконларида қанчадан-қанча умргузаронлик қилаётган мискинлар ўзларининг мўъжазгина кулбаларини нақадар азиз биладир. Уни тарқ этишни эса тасаввур ҳам қила олмайдилар. Буни ўз вақтида чуқур англаған тараққийпарвар инсонлар уларни табаррук гўшаларидан жилдиришни истамай, балки, аксинча, турфа хилликни саклашга интилаётирлар. Чунки бу нафақат кибру ҳаволикка, балки кўнгилни ўта саҳтлашиб кетишино сунъийликка барҳам берувчи энг муҳим восита ҳамдир.

*Истаса куйган кўнгул ўтлуқ юзунгни қилма айб,  
Ихтиёри йўқтур айларда самандар ўтқа майл.*

Байтнинг қисқача мазмуни: агар ҳажр ўтида куйган, яъни ботиний изтироб чеккан кўнгил жозибали оразингни кўришни истаса, айб қилма! Илло, самандар (ривоятларга кўра, ўтдан пайдо бўлиб, ўт ичида яшайдиган жонивор) ҳам, аслида, ўз ихтиёри билан ўт ичида яшамайди.

*Йўл қилур жиссимида ашк элтур сўнгакларни узуб,  
Ер қазиб хошок оқизғандек қаён юзланса сайл.*

Ушбу байт мазмуни: кўз ёшим жиссим ичра оқиб, шундай бир йўл кўрсатмоқдаки, бу худди ер қазиб, унда-

ги хору хасларни ёмғир ёғинидан пайдо бўлган оқавалар оқизиб кетишини куттган дамга менгзашдир. Нақадар ғаройиб ташбих; шоир демоқчики, гўё кишилар устухон уза тик турсалар, мен ғам устуни билан тикман.

*Қатраи саҳбо Сұхайлидин лабинг майгун эмас,  
Ким, ақиқедур бүким ранг олур андин юз Сұхайл.*

Аввало, байтдаги нотаниш бўлган сўз маъносини изоҳлайлик. Бу – арабча сұхайл сўзиdir. Унинг луғавий маъноси «осмоннинг жанубий томонидаги ёруғ юлдузлардан бирининг номи», «порлоқ юлдуз». Форсий манбаларда бу юлдуз Сұхайли Яман ёки Сұхайли Яманий деб ҳам юритилган. Негаки у Яман мамлакатидан янада равшанроқ кўринган. Ушбу маънога кўра, байтни қуйидагича шарҳлаш жоиз: лабинг Сұхайли Яманийга ўхшаш қизил май қатрасидан баҳраманд бўлмаса-да, лекин бир ҳақиқ тошдирки, ундан юз Сұхайл ранг олар.

*Бир мuloиб ҳинду ўлмиши ҳар кўзунгнинг мардуми,  
Кирпигинг ҳинд аҳлидин ҳангома тузган икки хайл.*

Улуғ шоир юқоридаги бадиий кайфиятни ушбу байтда ҳам бардавом эттиради. Байтда мuloиб сўзи луғавий, яъни «ўйновчи», «ҳазилкаш»; «масхарабоз», «найрангбоз» маъносида қўлланилган. Айни шу маънода, бу байт мазмуни қуйидагича: бир ажойиб ўйнаб турган кўзларинг гавҳари, яъни қорачиги ёки қораси худди ҳиндуларнинг қора холига ўхшайди. Киприкларинг эса, гўё ҳинд аҳлидан йиғин тўплаган икки қўшин тўдасига менгзашдир.

*Такя қилма тақвию тоатқаким, нафъ айламас,  
Фазлдин етмай башорат Бишр бўлгил, гар Фузайл.*

Улуғ шоир биринчи байтдаги бадий кайфиятни бу ўринда тўла поёнига етказади: бас, аслида, инсон унтувчи ва ожиз ҳамdir. У ўзининг ана шу сифатларини илғамас экан, албатта, залолатга юз тутади. Бундай кишига қуруқ «тақвию тоат» – тоат-ибодатга берилиш ҳам фойда бера олмайди. Зоро, Тангридан бир фазл – ишора бўлмай киши то ҳатто Бишр ёки Фузайлдек илоҳий кудрат соҳиби бўлса ҳам, бундан унга бирор-бир нафъ йўқ, яъни ҳар қанча урингани билан киши комил инсон бўлиши мушкул. Ҳолбуки, қадимда Бишр ва Фузайл ўз замонасининг машхур шайхларидан бўлган. Бири башоратчиликда, бири тақвода<sup>1</sup>.

*Шоми ҳажр эрмас шафақ, балким Навоий гуссадин  
Йиглади қон анчакум гардунга рангин бўлди зайл.*

Бу байт замирида яширинган теран илдизли маъно, образли ифодалар шоми ҳажр – «фироқ туни»; «айрилиқ шоми»; гардун – «осмон», «олам»; зайл – «бирор нарсанинг этаги»; «холат»дир. Лекин бу образли ифода Навоий шеъриятида бундан ҳам кенг фалсафий-суфиёна, ботиний илоҳий маъноларни англатиб келади. Шу маъноларга кўра, байт мазмунини қўйидагича шарҳлаш мумкин: бу кечдаги қизиллик фақат ҳажр шоми туфайлигина содир бўлган эмас, балки бу кеч Навоий ботинан шунчалар қон йиғладики, ундан гардун – осмон этаги рангин бир тус олди ва шундай тавр юз берди.

Умуман, ғазал зохиран шеърий тарз, ботинан эса, таҳайюлий ва мажозий маънолар касб этганлиги билан Навоий ғазалиётида муҳим ўрин тутади. Ғазал ўзбек миллний поэтик тафаккур тарзида янгича бир тавр уйғотади, киши кўнглига эса асл шеъриятни англаш сирларини солади.

<sup>1</sup> Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. МАТ. 17-жилд. – Т., 2001. – 21 –39-бетлар.

## «Бўлмагай эрди мұяссар "Хамса"...»

Сир эмаски, ҳазрат Алишер Навоий девонлари муқаддимасидаги ҳамду наътлардан ташқари, уларнинг ичида наът ғазаллар ҳам талағина. Албатта, улардаги ҳамду наът, бағишловлар бўйича алоҳида тадқикотлар, илмий рисолалар юзага келган. Буларнинг барчаси бой меросимизни туб моҳияти билан диний негиз асосида кенг миқёсда англаш, қиёслаш, тушуниш учун ва шарҳлашга имконият туғдиради. Биз ҳам қуида Алишер Навоийнинг наът ғазалларидан бирини қурбимиз етганча шарҳлашга уриндик.

Табиийки, улуғ шоир ғазаллари маъно қатида кучли бир руҳоният илмларига муттафиқ исломий эътиқод уйғунлиги мужассам. Улардаги бундай хусусиятлар, асосан, рамзий-ботиний бир тилда баён қилинади. Яъни, улар Оллоҳ ва унинг севимли расули Мұхаммад (с.а.в.) нинг азалий қўриниши илоҳий ҳодисалар билан муштарак тарзда талқин қилингандагина бўй қўрсатади. Бу тарз – ғазалиётда азал-азалдан анъана тусини олиб ултурган бир йўсин. Аммо улуғ шоирнинг айрим ғазалларида бу ҳолат ўзгача бир тус-тароват олади.

Ҳазратнинг чуқур диний эътиқодига кўра ҳам, ҳар бир мўмин-мусулмон, айниқса, ғазаллар замиридаги диний эътиқодни теран мушоҳада қилиш учун, аввали, Парвардигор тўғрисида, сўнг Мұхаммад (с.а.в.)нинг яшаш тарзи, аҳволи руҳияси, авлод-аждоди хақида етарли билимга эга бўлиши жоиз. Чунки улуғ мутаффакир наздида, чин тафаккур соҳиблари майда туйғуларга берилмайдилар. Зоро, «У дунё денгиз кабидир. Бу дунё эса унинг кўпиги» (Румий). Демак, бу фоний дунёдаги баъзи қўринишлар, аслида, алдамчидир. Пайғамбаримиз бир ўринда «Нарсани менга бўлгани каби кўрсат», деб бежизга Оллоҳга илтижо қилмаганлар. Айни маънода, арзу самодаги улуғ ўзгаришлар фақат Оллоҳ ва унинг

сўнгги элчиси Муҳаммад (с.а.в.) воситасида рўй беради. Илло, бусиз шеърхон бу набийнинг сурат ва сийратию унинг замон ва макон эврилишлари аро тутган мақомини чуқур ҳис ва теран идрок эта олмайди. Демак, Навоий ғазалиёти замиридаги бундай ботиний хусусиятларнинг маълум бир қисми Расулуллоҳ (с.а.в.) мадҳ этилган ояти карималар таъсирида вужудга келган дейишимизга асос бор. Бу йўсин кўпроқ Ҳазратнинг наът ғазаллари замирида тажассум топгандир.

Энди ана шундай наът ғазаллар сирасига кирувчи «Наводир уш-ша-боб» («Йигитлик нодирликлари») асарининг 7-ғазалини тўла келтирамиз:

*Бедилинг хайли русул, сенсен аларга дилрабо,  
Ё набий, руҳий фидок, аҳлан ва саҳлан марҳабо.*

*Гоҳ давлатлиқ бошингдин кетмайин чатри саҳоб,  
Гаҳ фалакрав маркабингга етмайин пайки сабо.*

*Шоми васлинг топмаганга субҳи содик ҳар саҳар,  
Панжайи хуршид ила пироҳанин айлар қабо.*

*Туфроғ ўлмишимен, қўяй деб останбўсунгга юз,  
Холима раҳм айлабон қилма бу ранжимни ҳабо.*

*Шери гардун ул кишига бўйни боғлиғ бўлгай им  
Ким, эшигинг имларин топқай ўзига ақрабо.*

*Бўлмагай эрди мұяссар «Ҳамса», яъни панж ганж,  
Қылмаса эрди мадад ҳолимга беш оли або.  
Эй Навоий, чорайи дардингни қилгай улки бор  
Ҳам расулу ҳам амин, ҳам мустафо, ҳам мұжтабо.*

Айтиш жоизки, етти байтли бу наът ғазал сўнгги мурсал – пайғамбар ва унинг аҳли байтлари борасидаги

тасаввурларимизни янада кенгайтиришда муҳим адабий манба бўлиб хизмат қилади. Энди байтлар шарҳига ўтайлик.

*Бедилинг хайли русул, сенсен аларга дилрабо,  
Ё набий, руҳий фидок, аҳлан ва саҳлан марҳабо.*

Бу матлаъда муламмаъ лафзий санъати қўлланилган: «Муламмаъ андин ибораттурким, шеърнинг бир қисми бир тилда ва бошқа бир қисми ўзга тилда бўлур»<sup>1</sup>. Айни маънода ушбу байтнинг биринчи мисраси туркий, иккинчи мисраси эса араб тилида ёзилган.

Мазкур матлаънинг қисқача мазмуни: «Кўнгил берганинг, яъни ошиғинг пайғамбарлар аҳли, сен эса, улар учун жон қадар муҳибсан. Эй Пайғамбарларнинг сарвари Мұхаммад (с.а.в.), хуш келибсиз кулбай аҳзоримизга, яъни кўнгил мулкимизга! Сизга руҳим фидо бўлсин!».

*Гоҳ давлатлиқ бошингдин кетмайин чатри саҳоб,  
Гаҳ фалакрав марқабингга етмайин пайки сабо.*

Аввало, байтдаги нотаниш бўлган характерли ибора маъносини изоҳлайлик. Бу – чатри саҳоб иборасидир. Унинг лугавий маъноси «булутлик чодир, соябон». Шунингдек, пайк сўзи пайки сабо тарзида «тонг хабарчиси» маъносини ифодалайди. Ушбу маъноларга кўра, байтни қўйидагича шарҳлаш мумкин: Эй Пайғамбар, гоҳо улуғ бошингдан булатлар кўланкаси ҳеч вақт кетмади, гоҳида эса, фалақдай тез учадиган Буроқингта майин шамол элчиси-да ета олмади. Зоро, бу ўринда «меъроҳ» (нурли нарвон) воқеасига ишора қилингани эҳтимоли кўпроқдир. Яъни, Мұхаммад алайҳиссалом «меъроҳ»га чиқаёт-

<sup>1</sup> Атоулоҳ Ҳусайнӣ. Бадойеъ ус-санойеъ (А. Рустамов таржимаси). –Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1981. – 92-бет.

ган кечада Буроқ номли отлари билан маълум масофагача кўкка кўтариладилар, шу кеча кўқдан нурли нарвон тушади ва шу нарвон ёрдамида кўкка нур тезлигига кўтарилиб, Тангри таолога икки қош оралигича яқинлашадилар.

*Шоми васлинг топмаганга субҳи содик ҳар сахар,  
Панжайи хуришид ила пироҳанин айлар қабо.*

Ушбу байт маъносига қўра, висол кечаси, яъни сирли меъроj кечасини топа олмагани учун чинакам тонг гўё бетоқатликдан қуёшнинг заррин панжалари билан ўз чодирин ёза бошлади. Лекин улуғ шоир мазқур байтда қабо сўзининг иккинчи маъноси, яъни Мадинадаги бир манзил ва масжид ҳамда у билан боғлиқ воқеаларга ишора қилганлигининг эҳтимоли ҳам йўқ эмас. Чунки пайғамбар хижратдан сўнг бу манзилда қанча кўп қийинчилклар кўришига қарамай, яна ҳақ динни тарғиб қилишга мушарраф бўлади.

*Туфроғ ўлмишмен, қўяй деб останбўсунгга юз,  
Холима раҳм айлабон қилма бу ранжимни ҳабо.*

Байтнинг муҳтасар мазмуни: останангни ўпиш, унга бош қўйиш истаги йўлида, ахiri, тупроққа айландим, яъни фано бўлдим. Тағин бу забун ҳолимга раҳминг келиб, ҳеч вақт менинг бу ширин қайғумни асло ғубордек кўкка совура кўрма!

*Шери гардун ул кишига бўйни боғлиғ бўлгай им  
Ким, эшигинг итларин топқай ўзига ақрабо.*

Улуғ шоир юқоридаги бадиий кайфиятни ушбу байтда ҳам бардавом эттиради: «Худдики эшигингдаги итларни ўзингга қариндош деб билганинг каби осмон шери (фалакиёт илмида осмоннинг ўн икки буржи-

дан бири, «асад») ҳам гүё у киши (Бу ерда Мұхаммад (с.а.в.)нинг меъроjгa чиққан кечасидаги бир ҳолатта ишора қилинмоқда. – M. A.)га азалдан илохий ҳукмга кўра, бўйсундирилган ит сингари боғланган. Шунингдек, шоир шери гардун – осмон шери деганда, у кишининг куёвлари Алиниng садоқатини ҳам назарда тутган. Умуман, бу байтда яна бир рамз ҳам йўқ эмас. Бу мусҳафнинг ўн саккизинчи «Асҳоб ул-Каҳф» – «Гор эгалари» сурасидаги Тамлиҳо, Игсиг Мино, Мартолус, Сарриниус, Зу Анас (айрим диний манбаларда бу исмлар бошқача тарзда ҳам юритилган) исмли йигитлар ва уларга йўлда эргашган Қитмир лақабли ит қиссасидир. Яъни улар, Дақёнус замонидаёқ иймон келтирган ва бу воқеа дин тарихида ғор кишилари номи билан машҳур бўлган. Бунда, асосан, иймон йўлида, ҳатто ўлимни афзал кўрган йигитларга эргашган Қитмирнинг илохий садоқатига рамз қилинган. Дарҳақиқат, улуғ шоир бошқа ўринларда ҳам чин садоқат, вафодорликни фақат Каҳф ити тимсолидагина ифодалаган.

*Бўлмагай эрди муяссар «Ҳамса», яъни панж ганж,  
Қилмаса эрди мадад ҳолимга беши олиabo.*

Дастлаб ушбу байтдаги энг характерли иборага эътиборни қаратайлик. Бу – арабча оли абодир. Зеро, унинг замирида шоир назарда тутган ажиб бир тарихий тимсоллар бор. Бу ибора Алишер Навоий асарларида оли расул тарзида ҳам келади. Умуман, мумтоз адабиётда бу иборанинг Аҳли байт шакли «қутлуғ хонадон», «қутлуғ оила» маъносида келади. Албаттa, бу рамз фақат Мұхаммад (с.а.в.)га нисбатандир. Агар шарҳланаётган байт мазмунига асос бўладиган манбаларга эътиборни қаратадиган бўлсак, у қуйидагича тус олади: диний манбалардан маълумки, Иброҳим (а.в.)га ўз ўғлини қурбон

қилиш буюрилади... Ана шундай Тангри имтиҳонлари Мұхаммад (с.а.в.)ни ҳам четлаб ўтмади. Унинг тўртта қизи бўлиб, улардан кенжаси, суюклиси Биби Фотима эди. У Алига никоҳланади. Фотима Ҳасан-Ҳусайн – икки эгизак ўғил кўради. Айни шу маънода байтнинг қисқача мазмуни қуйидагича шарҳланади: «Агар мени (Навоий назарда тутилган) бу нотавон аҳволимга беш киши, яъни Мұхаммад (с.а.в.), у кишининг қизи Фотима, кўёвлари Али ва набиралари Ҳасайн ва Ҳусайн рухлари кўмак бермаганда эди, менга «Хамса»дек дoston – беш хазинани ёзиб тугатиш баҳти насиб этмаган бўлур эди». Чунки, шоир фикрича, булар нафақат Пайғамбаримизнинг аҳли байтлари бўлғанлари учун улуғ мақомдадир, балки ўн саккиз минг оламнинг бунёдкори ҳар ишга қодир Оллоҳ ҳатто айримлари тақдирiga карбалолардан бўлишиликни битди. Улуғ шоир эса пайғамбар ва карбалоларнинг руҳидан ҳам тарбият тошиб, «Хамса»дек улуғ ишни ёзишга мушарраф бўлдим, деб буни мамнуният билан изҳор этган. Зотан, улуғ мутафаккир бу ўринда иймон фақат наслу насаб билан белгиланмаслигига сирли ишора қилган. Сўнгги мурсал авлоди киборлардан эмас, улар чинакам иймон кишиларидир. Ахир, улар ўз вактида Тангрининг нақадар оғир бўлган, яъни инсон боласи бардош бера олмайдиган ўта машаққатли синовларидан ўтиб, ўз иймонларига содик қолдилар.

*Эй Навоий, чорайи дардингни қилгай улки бор  
Ҳам расулу ҳам амин, ҳам мустафо, ҳам мужтабо.*

Мақтаъ шарҳи: эй Навоий, сенинг бу ботиний изтироб-ларинг чораси бор. У ҳам бўлса, пайғамбар, пайғамбар, пайғамбар ва яна фақат пайғамбардир. Яъни улуғ шоир бу ўринда Мұхаммад (с.а.в.) ва унинг расул, амин, мустафо, мужтабо сингари тўрт сифатлари қаторига бешин-

чи бўлиб ўз исми туришини жуда-жуда хоҳлайди. Зеро, шоир бунга кўпроқ ботин тилида рамз-ишора қиласди.

Инсон – ботиний изтироб аралаш диний эътиқод билан событ. Бу тавр кўнгилнинг энг бебаҳо зийнати. Бусиз у манқуртликка маҳкум. Зотан, Навоий йиллар кўнгил дуржида ана шу эътиқодни авайлаб-эъзозлаб ўстирган. Ва буни ҳеч кимга ҳеч вақт писандаги қилмаганлар ҳам. Ҳаттоқи у кишини дин пешволари шеър уйини тузиб, дин уйини бузәётир, деб маломат қилғанларида ҳам... Аслида эса, «Хазойин ул-маоний»нинг маълум бир қисми мусҳафнинг бадиий тафсиридир. Албатта, бу тахайолий тарз, бу қадар хокисорлик инсон кўнглини мангу ғафлат уйқусидан халос этади. Китобхон кўнглига эса бетақрор завқ-шавқ баҳшида этади ва уни иймон нури билан музайян қилиб туради. Илло, чинакам диний эътиқод – кўнгил камолидир.

### **«Иста маъни оламиким...»**

Ҳазрат Алишер Навоий шеърияти ўзининг рамзий сир-синоати билан неча асрлардан буён инсониятни ҳайратга солиб келади. Айниқса, улуғ шоир ғазаллари адабий мулкимизда илоҳий ишқ билан рамзланган энг сара гўзаллик тимсоли намуналари саналади. Зотан, бугун ҳам Навоий шеъриятига хос образ – рамзли мажозий, илоҳий ишққа хос оламий уйғунлик, инсонийлик шевасининг очилиш сир-асрорларини билишга кучли бир эҳтиёж бор. Бу сирлар, бундай хусусиятлар, албатта, ботиний бир рамз тилида баён этилади.

Қуйида ана шундай ғазаллар сирасига кирувчи «Фавойид ул-кибар»даги 184-ғазални тўла келтирамиз:

*Гулни найлай, хотир ул рухори гулгун соридур,  
Кўй Гулафционни, кўнгул боғи Ҳумоюн соридур.*

*Чекти қатлим тиғини гардуну мен ҳам ох ўқин,  
Оҳким, қатлимға оҳим дөги гардун соридур.*

*Күзларинг девона күнглум жонибин тутти, не тонг,  
Ишқ дашида кийиклар хайли Мажсун соридур.*

*Номасин күргач недин күзу күнгүлга бўлди раишк  
Ким, агар ул бўлса хат сори, бу мазмун соридур.*

*Эл қадинг зикрин қилурда оқса ёшим тонг эмас,  
Тифли софийтабъ майли сўзда мавзун соридур.*

*Подиоҳеким қаноат маҳзанин истар, эрур  
Бир гадодекким, хаёли ганжи Қорун соридур.*

*Эй Навоий, иста маъни оламиким, келди дун,  
Ҳар кишиким майли ушбу дунёи дун соридур.*

Етти байтдан таркиб топган бу ғазал матни зоҳирий ва ботиний маъноларига кўра, ҳам халқона, ҳам рамзий бир тилда битилган. Газал рамали мусаммани маҳфуз (фо-ъи-ло-тун, фо-ъи-ло-тун, фо-ъи-ло-тун, фо-ъи-лун) баҳрида ёзилган. Қуйида ушбу ғазални имкон қадар шарҳлашга уринамиз.

*Гулни найлай, хотир ул рухсори гулгун соридур,  
Кўй Гулафционни, кўнгул bogи Ҳумоюн соридур.*

Аввало, матлаъдаги энг характерли сўзларга эътиборни қаратайлик. Булар – гулгун, гулафшон сўзлари-дир. Зеро, уларнинг замирида улуғ шоир назарда тутган ажидир бир манзара ниҳон. Гулгун Алишер Навоий асарларида «гулранг», «пуштиранг», «қизил» сингари маъноларда қўлланилади. Умуман, мумтоз адабиётда бу

сўз «тез югурувчи чопқир от» маъносида ҳам келади. «Фарҳод ва Ширин» достонининг XXXI бобида чиройли – гулдор чопқир от, яъни Ширин минадиган отнинг номини ҳам ифодалаган: «Ўзи гулрангу гулмонанд зоти /Бўлуб Гулгун халойиқ ичра оти». Ушбу байтнинг настрий баёни қуидагича: «У отнинг ўзи гул, ранги ҳам зотига ўхшаш гулранг бўлиб, халойиқ унинг исмини Гулгун деб қўйган эди. Жаҳон боғида бундай елқадам йўқ, унинг тезлиги гул баргини учиргувчи тонгги сабодек эди». Гулафшон сўзи эса, «гул сочувчи», «гулдек очилиб турувчи»; «нур сочувчи», «нурафшон», «қадимги оташбозликнинг бир тури», шунингдек, форсий манбаларда гулафшони тарзида «худнамолик» маъносини ҳам англатади. Албатта, байтда қўлланилган иштиқоқ санъатига кўра, ушбу сўз ва ҳатто байтнинг маъноси-да бошқачароқ изоҳланиши мумкин. Лекин бу ўринда ғазалнинг байтлари аро ботиний умумий бадиий тафаккур уйғунлиги, қиёсийлик қуидаги изоҳларни талаб қиласади. Улуғ шоир гулафшон сўзининг маъносига талмиҳ санъати орқали ишора қиласади. «Бадойеъ-ус-санойеъ» асарининг муаллифи Атоулоҳ Ҳусайний бу ҳақда шундай ёзади: «Талмиҳ каломда машҳур қисса ё машҳур нодир шеър ёки машҳур мақолға ишорат этмактин иборатдир». Айни маънода бу ишорат гулафшон касаллиги учун ўқиладиган машҳур шеърий қасида бўлиб, у халқ орасида тuya (баданда тангача-тангача шаклида белги бўлади) ва кичик гулафшон (эт орасида бўлади) номи билан машҳур бўлган. Ушбу касаллик билан оғриган бемор қирқ кун обжӯш, тузсиз нон ёки талқон истеъмол қиласади. Бу шеърий қасида ҳозиқлар, дуогўйлар томонидан шипирги билан беморнинг усти шипириб-шипириб мулойим оҳангда ўқилган. Бу бемор руҳиятини кўтариб, унга кучли бир меҳр ҳолатида таъсир кўрсатган. Қасидада дастлаб сўнгги мурсалнинг

рухи равонини хотирлаш, сўнг чорёрлар, Фотима она-мизнинг меҳр, иймон, ҳаё каби юксак ахлоқий фазилатлари ва ботиний бир тавр тараннум этилган. Бу шеърий қасида ҳалқ ичида гулафшон касали билан оғриган беморга катта сабр, тоқат, қаноат бағишлайдиган дуо сифатида ҳам кенг тарқалган. Чунки унда ҳалқ оғзаки ижодига хос шундай мазмундаги мисралар ҳам бор: «Тоқати сабрам набуд, тоқати ман ёр-ёр/Мушкули ман аз мушкул, мушкули ман ёр-ёр». Бу анъана ҳозирда ҳам Қашқадарё кенгликларидағи ҳалқ оғзаки ижодида бардавом. Ҳақиқатан ҳам, гулафшон сўзининг тиббий маъноси айрим лугатларда учрайди<sup>1</sup>. Шуларга кўра, байтнинг маъносини, яъни ундаги руҳият эврилишларини қўйидагича тасвирлаш мумкин: «Эй дардимга малҳам изловчи киши, айни дамда кўнгил гулни нима қилисин, илло, ул маъшуқнинг гулдор отининг хиромон юришини, яъни елдек учишини яна бир кўришга муштоқ. Чунончи, тахайюл шуни истаюр. Бас шундай экан, усиз бу дунёning гулини нима қиласай?». Агар шарҳланётган байт мазмунига кўра, бир ботиний рамз шоир гулафшон касалига чалинганилигига ҳам ишора қилинаёттир десак, у ҳолда шоир гул деганда, нафақат баданга тушган гул, балки кўз оқига тушадиган гулга ҳам ишора қилаётганлигининг эҳтимоли кўп. Унда байт маъносида яна шундай бадиий тафаккур бор: менинг ботинимда шундай бир исмсиз дард жўш урмоқдаки, унинг олдида дунёвий дард, яъни кўзга тушган бир кичик гул нима бўпти (шоир наздида, бу «гул» аслида, ҳақдан келаётган бир рамзий муждадир). Қолаверса, хушхабар келтирувчи ул ёр отининг бутун бир бадани-да гул белгиларидан иборат бўлганидан сўнг! Модомики шундай экан, эй дуогўй, гулафшон дуосини ўқиши ҳам бас қил! Зеро, бу дам кўнгил фақат қадим оҳанглари сари йўналтирилган,

<sup>1</sup> Миллер Б. В. Персидско-русский словарь. – М., 1953. – С. 425.

илло, кўнгил ана шундай қадим андуҳгин оҳангларни тинглашга илҳақдир.

*Чекти қатлим тигини гардуну мен ҳам оҳ ўқин,  
Оҳким, қатлимга оҳим догои гардун соридур.*

Бу байтда ҳам юқоридаги бадиий кайфият, яъни улуғ шоирнинг ҳолати руҳиясидаги ҳолат давом этаётир: мен нола чекканим ҳамон фалак гўё кўксимга ажал ханжарини санчди. Аслида, оҳларим ҳам ана шу кажрафтор туфайли тортган андуҳларим маҳсулидир.

*Кўзларинг девона кўнглум жонибин тутти, не тонг,  
Ишқ даشتida кийиклар хайли Мажнун соридур.*

Байтнинг муҳтасар мазмуни: худдики, ишқ даشتida кийиклар тўдаси Мажнун тарафига ўтгани сингари фаттон кўзларинг ҳам девона кўнглим эҳтиромини қозонди, яъни у томонга ўтди. Бунда бадиий тафаккурнинг гўзал эврилишларию, ботиний рамзнинг мужиблиги кишини оҳанрабодай ўзига тортаверади.

*Номасин кўргач недин кўзу кўнгулга бўлди рашик  
Ким, агар ул бўлса хат сори, бу мазмун соридур.*

Яъни: негадир, ёр мактубин кўргач кўнгилга рашик ўти тушдиким, агар у хат туфайли бўлса, унга шу мазмун, яъни рух боисдир. Ушбу байтдаги рамз шуки, ишқ аҳли хатога йўл қўймаслиги учун, аввало, моҳият-мазмунни англаши жоиз. Зеро, моддий дунёдаги нарсалар ҳодисадир. Моҳият – Мутлақ рух. Демак, бу дунё – шакл, рух эса маъно оламидаги мазмун. Киши шакл ва ҳодисаларга чуқур берилмаслиги жоиз.

*Эл қадинг зикрин қулурда оқса ёшим тонг эмас,  
Тифли софийтабъ майли сўзда мавзун соридур.*

Байтнинг қисқача мазмуни: сўз айтишда пок кўнгилли боланинг рағбати зоҳирий гўзаллик, яъни шакл сари бўлгани каби эл қаддингни таърифу тавсифин баён қилганда кўз ёшим оқса, ҳеч ажабланма! Зеро, бунда шундай рамз бор: кўзда ёш қалқиши, сўзда шаклбозлик, аслида, моддий дунё касратига хос бир кўриниш. Шоир наздида, шу андух дейилса, катта иштибоҳ бўлади. Бу фақат ботинга ишора, холос. Илло, ботиний ғамни ҳатто «заррабин» билан ҳам кўриб бўлмаслиги аён ҳақиқат. Ботин сирларини инсон фақат ишқ «заррабин»и орқалигина идрок этиши мумкин, холос.

*Подиоҳеким қаноат маҳзанин истар, эрур  
Бир гадодекким, хаёли ганжи Қорун соридур.*

Бу сатрларда шундай бир бадиий кайфият илгари сурилади: подшоҳ қаноат хазинасини исташи мушкул юмуш. Чунки унинг ўзи дунё дафинаси устида ўтирибди. Зотан, бу худди бирор-бир гадонинг Қорун хазинаси ҳақида хаёл суришига ўхшаб кетади. Ҳолбуки, Қорун хасислигидан ўз хазинасини ер остида ўта маҳфий сақлаган. Зеро, диний манбаларга кўра, ер остидаги ҳаракатланувчи (ҳаракатланиб турувчи ёки ҳаракати Қорун томонидан бошқарилиб турувчи) тахтиравонга туташган Қорун хазинасидир. Энди бундай дафинани сақлаш салоҳиятига мушарраф бўлмаган гадо қандай қилиб Қорун хазинасини тасаввур қила олади ва бу ҳақда яна қандай хаёл суриши мумкин?

*Эй Навоий, иста маъни оламиким, келди дун,  
Ҳар кишиким майли ушибу дунёи дун соридур.*

Ушбу мақтаъда шундай бадиий тафаккур илгари сурилади: эй Навоий, гарчи бу оламда кишининг кўнгли мод-

дий дунё касратига мойил бўлса ҳам, сен фақат маъно ола-мини иста! Бордию шундай бир имконият туғилганда ҳам.

Умуман, ғазал ҳар икки жиҳатни ўзида тажассум этган. Ҳусусий ҳолатга кўра, у улуғ шоирнинг аҳволини англатса, умумий ҳолатга кўра, инсонгарчилик каби башарий муаммоларни бартараф этишга ҷоғланганлиги билан чуқур аҳамият касб этади. Чунки инсон бу дунёга, аслида, моддий ва ғайримоддий олам сирларининг кашшофи сифатида одамийлик деган мушкул вазифани аъло даражада бажармоғи учун сафарбар қилинган. Зеро, у ҳеч вақт шаклларга маҳлиё бўлиб қолмаслиги жоиз. Ғазал ана шу жиҳатлари билан инсонийлик шевасини йўқотмаслик йўлида нақадар чўнг бир тафаккурий қиёсийликни ўзида жо этган ҳазрат Алишер Навоий ғазалиётида муҳим ўрин тутади. Бу ғазал ўзбек миллий шеъриятимиздаги шарқона румузиёт, яъни ботиний рамзлар оламини янада теран инкишофт этишда дастуруламал бўлиб хизмат қилади.

### **Маъно ва тимсоллар сири**

Алишер Навоий шеъриятида доимо шакл-мазмун мутаносиблиги бир маром ва меъёрда бўлган. Мумтоз шеъриятдаги бундай бенихоя гўзаллик-мукаммаллик, яъни назмдаги шаклий-маънавий мувозанат, айникса, ундаги суфиёна, ботиний ҳусусият Навоий шеъриятига нақадар хосдир. Зотан, мумтоз шеъриятда маъно ва шакл, яъни сурат ва маънонинг вобасталиги ҳамда тасвир ва тимсолнинг уйғуллиги муҳим аҳамият касб этади. Шу ўринда айтиш жоизки, тасаввуф шеъриятида «соқий», «муғбача», «майпараст», «қадаҳ» ва «май» сингари поэтик тимсол, ирфоний рамзлар гўё тасаввуфнинг тамал тошидек бўлиб қолган. Аслида, бундай поэтик тимсоллар кўп маротаба тадқиқот обьекти бўлган. Эндилиқда эса улуғ шоир назмиёти янгича талқинларда ўрганилишига катта

эҳтиёж бор. Дарҳақиқат, навоийшунос олимлар айтганидек, «Биз истаймизми-истамаймизми, навоийшуносликда маълум бир якранглик ва турғунлик кўзга ташланиб турибди. Буни бартараф этиш осон эмас. Бунинг учун, биринчи навбатда, Навоий шеъриятининг руҳонияти ва туйғулар оламига қарашни тубдан ўзгартириш лозим; янгича тадқиқ усул ва йўлларини жорий этишга уриниш керак; Навоий шеърларида санъаткорлик билан тасвирланган маъно ва тимсолларнинг зоҳирий «қатлам»лари хусусида баҳс юритиш билан чегараланмасдан, уларнинг ботиний «қатлам»ларини очиш лозим»<sup>1</sup>. Айни маънода, Навоий шеъриятида бадиий ғояни ифодаловчи, ҳам ботиний-рамзий, ҳам тасаввуфий маъноларга уйғун шеърий образлар қаторида бодом тимсолини ҳам санаб ўтиш мумкин. Бу, айниқса, образли шаклларда ўз ифодасини топган. Зеро, «шеърнинг руҳий ва ғоявий қудрати образда марказлаштирилади. Сўз сехри ва маъно қатламлари ҳам образ бағрида яширингандир»<sup>2</sup>. Шунга кўра, шоир шеъриятида қўлланган бодом – поэтик образ, ирфоний рамз хисобланади:

*Кут бир бодому ерим гўшайи меҳроб эди,  
Горати дин этти ногаҳ бир балолиг кўзу қоши.*

Байтда қўлланган «бодом», «гўшайи меҳроб» – поэтик тимсол, суфиёна рамз. Бодом – қаноатнинг зайли, поклик. Зотан, тасаввуфнинг туб моҳияти ҳам сабр, қаноат, покликдир. Гўшайи меҳроб – холи жой, меҳроб бурчаги, масжидда имом турадиган тепаси қайрилма энг муқаддас жой. Шунингдек, «гўшайи меҳроб» (ёрнинг қайрилма қоши) мажозий маънода ошиқ қўнгилнинг маскани – пок ишқ, илохий муҳаббат. Энг мухими, бу

<sup>1</sup> Навоийнинг ижод олами / Мақолалар тўплами. – Т., 2001. – 8-бет.

<sup>2</sup> Ўша а сар. – 56-, 152-бетлар.

поэтик тимсолни қўллаш улуғ бобомизнинг «Оразин ёпқач кўзумдин сочиур ҳар лаҳза ёш /Ўйлаким пайдо бўлур юлдуз, нихон бўлғач куёш» деган энг машхур ғазалидан бошланади.

Навоий шеъриятида бодомнинг «пўсти» ва «мағзи» маъно ва шаклнинг мутаносиблиги ҳамда тасвир ва тимсолнинг уйғунлигини ифодалаган:

*Кирди ики жисм бир кафанга,  
Йўқ, йўқ, ики руҳ бир баданга.  
Бир наъши ила ул ики дилором,  
Андоқ эдиким ду дона бодом.*

Мисралар маъноси: ҳар икки хилқат бир кафанга жойланди, йўқ-йўқ, балки икки жон бир баданга кирган эди. У икки дилоромнинг бир тобутда ётиши, худди бир бодом пўсти ичидаги қўшалоқ данагига ўхшар эди. Яъни шоир бу икки хилқат (Лайли ва Мажнун назарда тутилган. – M. A.)ни бодом мағзига, тобутни эса шаклан бодомга менгзаётгани ёки унинг бодом шаклида эканлигини ўз рамзий чизгиларида санъаткорона ифодалаганлиги ҳам маълум бўлади. Шу ўринда айтиш жоизки, Никлсон Мажнун тимсолини шарҳлаб, шундай ёзган: «Суфиёна адабиётда «Мажнун» ўз нафсига барҳам берган, нафсини буткул тарқ этган ёхуд ўлдирган деган маъноларни билдиради». Айни маънода бодом нафсни жиловлашга қаратилган ботиний рамздир.

*Кўзунг фикри била тан хилватида нотавон кўнглум,  
Риёзат айнидиндур кунда бир бодом ила қонеъ.*

Байтда ишлатилган «нотавон кўнгул», «риёзат айни» ва «бодом» – тасаввуфий рамзларга ишора. Нотавон кўнгул – нотинч, бетоқат; бечора кўнгил; доимо ёр васлига муштоқ бўлган кўнгил. Риёзат айни – риёзат назари, ишқ

туфайли чекилган риёзат. Бодом – қаноат тимсоли. Бодом нафақат Навоийнинг назмиётида, балки насрий асарларида ҳам жуда кўп маротаба қайта-қайта риёзат, поклик, ҳалоллик, қаноат каби ирфоний рамзларда қўлланган: «Ва ул (Шайх Алоуддин Хоразмий қ.с.), бодом мағзалини манга берур эрди ва мен ер эдим. Ва ул емади, бир мағзалин ўзга ё иккидин ўзга». Шунингдек, Навоийнинг «Насойим ул-муҳаббат» асарида бир қатор абдол, шайхларнинг комиллик даражалари, риёзатлари бодом тимсолида жуда теран ифодаланган. Юқорида қайд этилганидек, шеърий образда шоирнинг руҳий ва ғоявий қудрати ўз аксини топган бўлади. Айни маънода бодом тимсоли иштирокидаги яна айрим байтларга мурожаат этайлик:

*Шайху, бир бодому қон ютмоқки, пири дайрнинг  
Нуқл ила майдин фано аҳлига кўп эҳсони бор.*

Ушбу байтда ҳам «бодом», «пири дайр», «нуқл», ««фано аҳли» – шеърий тимсол. Навоий илгари сурган бадиий тафаккурни англаш учун эса бу тимсолларнинг туб моҳиятига эътиборни қаратиш керак. Бодом – сабр, қаноатлик тимсоли. Пири дайр – майхоначи; бутхона бошлиғи. Нуқл – майдан сўнг тановул қилинадиган газак. Фано аҳли – ўзлиқдан кечганлар, ҳаёт басталиклирини улоқтирганлар, йўқлик ихтиёр қилганлар. Демак, байтда қўлланилган бодом тимсоли – сабр ва нафсни тийиш орқали покликка эришишdir.

Албатта, Навоий шеъриятида бодом фақат истиора, ўхшатиш каби бадиий тасвир воситаларини ифодалашда ҳам қўлланилган:

*Кўз маҳди аро тутуб ул ором,  
Зарфу мазруф, мағзу бодом.*

Байтнинг маъноси: бодомнинг ичидаги мағз сақланганидай, бу бола ҳам кўз бешигида фароғатда яшарди.

*Гаҳеки кўргузасен заҳри чаим тонг эрмас,  
Бўлур чу бодомнинг донаси берарди талх.*

Маъноси: гоҳо кишига бодомнинг мағзи аччиқлик қилганидек, сен (ёр, маҳбуба назарда тутилган) ҳам тонг отмасдан ёмон кўз билан қарап қилмоқдасан.

*Сутиким, согибон оғзиға доя,  
Ки жисми андин олгай қути моя.  
Анга ичмак бўлуб ноком янглиғ,  
Мавизу шираи бодом янглиғ.*

Байтлар маъноси: доя унинг жуссаси куч-қувватга тўлсин деб оғзиға сут соғарди. У эса касал одам бодом ширасини ёқтирумагани каби сут ичишни истамас эди.

Дарҳақиқат, Навоий шеъриятида поэтик рамзлар ва суфиёна маънолар билан боғлиқ тушунчаларни ифодалашда қўлланилган бодом сўзи шоир шеъриятининг руҳий-гоявий қудрати ва гоявий-бадиий қимматини оширишда муҳим ўрин тутган. Зеро, шоир ўз шеърларида поэтик образ тимсоли сифатида бодом сўзини такрор-такрор қўллаган. Гўё шоир бир комил инсоннинг ўсиб-улгайганидан то сўнгги манзилига кузатиб қўйунга қадар бодом тимсолидан санъаткорона фойдаланган:

*Чун қора бодом тобут узра расмидур қадим,  
Кўз жанозам сари солким, сенсизин бўлдум қатил.*

Энг қизиги шундаки, юқорида эътироф этганимиздек, бу поэтик тимсолдаги характерли хусусият икки жиҳати билан ҳайратланарлидир: биринчиси, бу поэтик тимсол иштирокидаги ғазалнинг радифли қисмини ёш шоир Мавлоно Лутфий ҳазратларига ўқиб берадилар. Иккинчиси, уни устоз ғазалига мухаммас битганда яна қўлладилар.

Бодом тимсоли XVII аср мумтоз шеъриятида ҳам ма-  
ромига етказиб қўлланилган. Айниқса, бу ҳол форсигўй  
шоир Мирзо Бедил шеъриятида яққол намоён бўлади:

*Дар чаман ҳам аз газанди чашими бад эмин мабош,  
Парда занбурест он жо дидай бодомро.*

Байт таржимаси: эй инсон, бу – чаманзорлардаги  
гўзалликларга кўп ҳам ошуфта бўлаверма, ундан кўра,  
ҳамиша бу чаманлар ортида писиб ётган зааркунанда-  
ларнинг ёмон кўзларидан сақланишга ҳаракат қил! Зеро,  
сенга ҳар вақт бодом қоғотлари ичидаги парда ортида  
яшириниб ётган арилар нишидан озор етиши муқаррар.  
Ушбу байт мазмунидан англашиладики, Мирзо Бедил  
ҳам бодом тимсолида инсониятни дунёга басират кўзи  
билан қарашга чорламоқда.

Шоир асарларида бодом ўз луғавий маъносида сер-  
мой ва лаззатли ёки аччиқ, инсон саломатлиги учун кони  
фойда бўлган табиатнинг яна бир неъмати сифатида ҳам  
ишлатилган:

*Базм бу навъ ўлди эса нуқли ҳадисин демаким,  
Гунча била наргисидин шаккару бодом етар.*

Бодом сўзи ҳозирги ўзбек адабий тилида, асосан,  
сермой ва лаззатли мағзи учун экиладиган дараҳт, шу да-  
раҳтнинг меваси ҳамда гўзал ёрнинг қовоғини бодомга  
ўхшатиш каби луғавий, кўчма маъноларда ишлатилади.

Навоий шеъриятида бодом юқорида қайд этилган  
маъноларидан ташқари яна қуидаги маъноларда ҳам  
қўлланган:

1) ёр (маҳбуба)нинг бодом шаклидаги кўзини ифо-  
далаган:

*Кўзларинг бодоми ҳажридин бўлуб жиссими сақим,  
Чиқти жоним, эй қора кўз, баски ҳажринг берди бим;*

2) кўз косаси маъносини ифодалаган:

*Равшан эрур кўзки, тутар ком ила,  
Гўшаи меҳроб ики бодом ила;*

3) бодом шаклида ясалган муҳр маъносини англатган:

*Ишқ нақи кисасининг ҳифзига бодома муҳр,  
Гар тилар бўлсанг муносибдур бу чок ўлган юрак.*

4) инсон тана аъзоларидан бири – кўз (Юсуф пайғамбарнинг чиройли кўзлари назарда тутилган):

*Кўзи оллида, эй бодом, қилдинг ишива даъвосин,  
Магар кирпиклари диндору нишони жисми афгоринг.*

Хуллас, Алишер Навоий шеъриятида бодом тимсолининг ўрни, ирфоний рамзлари ва суфиёна маънолари ни талқин этиш нафақат шоир шеъриятининг ботиний хусусиятларини, балки шоир ижодиётининг дин руҳи, улухият асрори ва рубубият илми билан чамбарчас боғлиқлигини ўрганишга ҳам яқиндан ёрдам беради. Зотан, Имом Ғаззолий ҳам ўзининг «Иҳёи улум ид-дин» асарининг «Таваккүл» бобида тавхиднинг тўрт мартабаси борлигини писта мисолида бундай изоҳлайди: 1) пистанинг ташқи яшил пўсти; 2) бу пўстнинг остидаги қаттиқ пўст; 3) пистанинг ичи; 4) пистанинг ичидаги ёғ. «Биринчисига қиширул қишир (пўстнинг пўсти), иккинчисига қишир (пўст), учинчисига лубб (мағзи), тўртинчисига луббул лубб (мағзининг мағзи) дейилади. Зоҳирий олимлар назидидаги тавҳид ё пўсти, ё пўстининг пўстидир. Орифлар

назаридаги тавхид эса ўз мағзи ёки мағзининг мағзидир. «Улуг орифлар дин рухи, улухият сирри ва рубубият илмидан воқифдирлар»<sup>1</sup>. Кўринадики, шоир асарларидан, янги аниқланган айрим сўзларнинг суфиёна маънолари ни фақат бадий талқин усули орқалигина очиш мумкин. Шу маънода, Исмоил Анқаравийнинг ёзмишлари бунга яна бир далилдир: «Ёр васлига етишмоқ ихтиёрий ўлим воситасида хосил бўлади. Шунингдек, муҳаббатнинг натижаси ўлим оқибатидир. Ҳар чанд бу йўл хатарли ва қонлидир, ушшоқ аҳли учун ғоят неъмати мўлдир. Зоро, ҳақиқий ҳаёт аносирий ўлим билан бошланади». Айни шу ҳолат ва хусусиятлар бодом тимсолида дарждир.

### **Бадий сўз мақоми**

Ҳазрат Алишер Навоий асарларида шундай сўзлар борки, зоҳирان кишига маънолари тушунарлидек туюлса-да, ботинан ундай эмас. Зоро, уларнинг замирида муайян бир сирли маънолар яширин. Оддий китобхон учун бу маъноларни англаш ҳар доим ҳам осон кечавермайди. Улар бадий сўз мақомининг санъаткорона ифодаси намуналаридир.

Дарҳақиқат, «Муҳокамат ул-луғатайн»да сўзниңг бадий мақоми, қадр-қіммати ҳақида шундай жўшкин фикрларни ўқиймиз: «...сўз дурредурким, аниңг дарёси кўнгулдур ва кўнгул мазҳаредурким, жоми маонийи жузв ва куллдур. Андоқки, дарёдин гавҳар ғаввос воситаси била жилва намойиш қилур ва аниңг қиймати жа-воҳирига кўра зоҳир бўлур. Кўнгулда доги сўз дурри нутқ шарафиға соҳиби ихтисос (хос бўлиш) василаси (йўл; сабаб) била гузориш (баён) ва оройиш кўргузур ва аниңг қиймати фаҳм мартабаси нисбатига боқа интишор (ёйилиш, тарқалиш) ва иштихор (шуҳрат) топар. Гавҳар қийматига нечукки, маротиб асру кўпдур, ҳаттоқи бир

<sup>1</sup> Усмон Турап. Тасаввуф тарихи. – Т. 1999. – 29–30-бетлар.

дирамдин юз тумангача деса бўлур». Рамз-ишораларга бой улуғ шоир шеъриятининг ботиний маънолари сирини – бадиий сўзнинг тагмаъноларини теран англашга ҳар доим кучли бир эҳтиёж бор.

Айни шу маънода қуйида «Хазойин ул-маоний»даги ана шундай айрим белгили сўзлар маъноларини тўғри изоҳлаш ва талқин этишга уринамиз.

*Журму гунаҳлардин ўтуб, келтурма юзга қўрқутуб,  
Лола агар согар тутуб, мусича гар қилмии зино.*

Навоий ўз асарларида ҳеч вақт бирор-бир сўзни но-жоиз ишлатмаган. Юқоридаги мисрада «зино» сўзини мажозий маънода образли қўллаган. Зеро, наинки инсон, балки бу фоний дунёнинг бевафолиги шоирнинг илохий ишқقا лиммо-лим кўнглини ларзага солади. Унинг кўнгли сўз уммони ичра ана шундай бир сўзга эҳтиёж сезади. Қизифи шундаки, бу сўз Навоий шеъриятида фақат бир ўринда учрайди. Бунда шоир гўё сўз сарҳадлари оша аниқ бир мезон, аниқ бир чегарани қидираётгандек туюлади. Шу маънода ушбу байтни қуйидагича талқин қилиш мумкин: агар лола мусичага қадаҳ тутсаю, у бундан сархуш бўлиб, зинога қўл урса, эй Оллоҳ, фақат буни гуноҳ санаб, уни жазога мустаҳик қилма! Ахир бунинг сабабчиси ўша лола эмасми?

Шоир наздида, никоҳ хоҳ осмоний (бу ўринда Одам Ато ва Момо Ҳавво никоҳлари назарда тутиляпти. – *M.A.*), хоҳ заминий бўлсин, унда наинки вафо, садоқат, иймон сингари барча инсоний сифатлар, балки илохий маъноларга эш рамзлар (аслида, никоҳ инсон ботинида мужассам. Бунинг зоҳирий кўриниши сифатида эса, мусҳафда Ҳаввонинг Одам этидан яратилиши борасидаги қайднинг ўзи кифоядир. Инсон унга, яъни никоҳга содик қолсагина, ўзидаги ички инсонлик хусусиятини

сақлаб қолади) мужассам. Илло, никоҳ азал-азалдан ўн саккиз минг олам ичра Оллоҳнинг наздида азизу мукаррам саналмиш инсонгагина тақдим этилган эди. Шундай бўлса-да, улуғ шоир бунга, яъни никоҳ аҳдларига инсон-ку инсон, ҳаттоки пайғамбарга уммат саналмиш қушлар-да риоя қилишига орзуманд бўлган эди. Лекин буни ҳам шоир кишини ўсал қилмай, яъни ҳар галгидек ўта бадиий назокат билан тарранным этади: баҳор айёми – айни Наврӯз кунларидан бирида обдан очилган бир лола тонг саҳарда шабнам тўла соғар – майи ноб (яъни «ваҳдат майи») тўла қадаҳни бир беозор мусичага тутади. Ва мусича қадаҳни кўтариб сархуш бўлади, натижада ўзидан ихтиёри кетиб, шодлик оғушида зинога қўл уради. Шунда шоир Тангрига қаратса шундай нидо қиласи: бечора беозор мусича майни ичиш оқибатида зино қилган бўлса бордир. Аммо бу кечиримлидир. Шу боис, эй Оллоҳ, буни гуноҳ санаб, кўп писанда – маломат қиласавермай, шу бечора мусичанинг гуноҳидан кеча қол. Ва, энг муҳими, улуғ шоир бу мажозий образ орқали байт замирига илоҳий ишқка бўлган садоқат, Тангрига муножотни жо этади. Зотан, шоир фикрича, илоҳий ишқ булардан-да устун. Чунки у инсонга шундай бир чек-чегарасиз эрк, жасорат бағишлайдики, уни бирор нарса (холат)га қиёслаб бўлмайди.

*Бордур Навоий бекасе, ишқ ичра андоқким хасе,  
Чун ўртадинг ани басе, куйдурма дўзахда яно.*

Бу мақтаъда юқорида келтирилган байтдаги бадиий кайфият «хас» сўзи тимсолида образланади: ошиқ илоҳий ишқ ичра нафақат бор-йўғи бир хас, балки унга ҳам арзигулик эмас. Модомики, шундай экан, охиратда уни жоиз-ножоиз сўзлари учун тағин дўзахда хас сингари куйдирмагин. Буларнинг бари, ахир, ишқ туфайли

бехудлиқда юз берди. Дарҳақиқат, мазкур байтда «хас» сўзи – рамз. У байтда хокисорлик тимсоли даражасига кўтарилади. Чунки шоир, аслида, бу мақтаъ иштирокидаги ғазалда кибрлилик ва хокисорликнинг аслига, яъни пайдо бўлишига эътиборни қаратади: «Чекмай малак лутфунг куни жуз зикр ила тасбих уни/Одам дебон қаҳринг туни ҳар дам «зalamno раббано». Яъни бу байтнинг умумий мазмунига кўра, Тангри Одамга жон ато этаётган вақтда малойикларнинг собиқ мударриси бўлган шайтон ножоиз сўзлаб кибрга кетади ва унга, яъни Одамнинг яратилишига қарши чиқади. Шу билан биргаликда, улуг шоир бу ўринда Тангри дастлаб Одамни яратмоқчи бўлганида коинотдаги барча унсурлар уни биздан ярат деб тама қилади.Faқат Ер мен барча унсурлардан заифман. Менда кувонарли нарса йўқ, деб хокисор сўзлайди. Байт диний рамзларга ҳам ишора қиласиди.

Яна бир мисол:

*Навоий, чорадин кўп дема сўзким,  
Гамингга чорасизлиг чора бўлмиш.*

Бу мисралар қатида яширинган теран илдизли образли ифодалар (чора – «илож», «тадбир»; «қочиши»; «даво», «дармон»; «макр», «хийла»; ғам – «қайғу», «кандух», «ғусса», «хафагарлик», «кулфат», «алам», «ташвиш»; «дунё бойликларига аҳамият бермаслик»; «севги», «муҳаббат»; «ишқ», «илоҳий ишқ»; чорасизлиф – «иложсизлик»; «ожизлик»; «дармонсизлик»; «танг аҳволга тушиб қолганлик») Навоий шеъриятида бундан ҳам кенг фалсафий, ботиний маъноларни англатиб келади. Айниқса, чора сўзи шоир шеъриятида «чорарас», «чоражўлук», «чорандеш», «чорагарлик», «чоракўш», «чорапайванд», «чоррасанж», «бечоралиф», «чораи кор истамак» тарзида қўлланилганда янада ўзгача чуқур маъно-мазмун касб этади.

Ғазалда ифодаланган бадиий кайфиятни юқорида келтирилгандай байт мазмунидан англаңбай олиш мүмкін: «Навоий чора ҳақида күп сүз айтишинг ножоиз. Аслида, сенинг ғамингга, яъни ишқдан яраланган мосуво қалбингга ана шу «чорасизлик» малҳам бўлди». Зотан, шоир наздида, чорасизлик шоирлик қисматидир. Кўринадики, ошиқ, аслини олганда, ўзининг бу нотавон аҳволидан (илохий ишқдан яраланган забун ҳолатидан) мамнун. Ахир, бунинг акси бўлиб, у «чорасоз» бўлганида бу ажиб туйғу, бу фараҳбахш чоғлардан бенасиб бўлур эди. Бундай мазмунни Навоийнинг яна «Даҳр золин тўрт мазҳаб бирла қилдим уч талок», «Жаҳони хокий эрур бир кесак, vale нопок», «Жаҳонни бир кесак англа, ҳавоси – гарди бало» сингари кўплаб жозиб мисраларидан англаңбай олиш унчалик мушкул эмас. Кўринадики, шоир буларнинг барида Қуръони Каримда келтирилган «Инсон ожиз қилиб яратилгандир» мазмунидаги ояти карима маъносига ишора қилаётир.

Айни шу маънода ҳам ботиний мумтоз шеъриятнинг асл маншаи, яъни келиб чиқиши – «қайғу», «ғам», «андух», «нотавонлик», «ишқ», «ҳажр», аникроғи, «чорасизлик олами». Бу тарзни шоирнинг «Фалакдин гар манга ҳар лаҳза юз қайғу келур ўтру/Агар ҳар қайғудин сўнг бир севинмак бор, эмас қайғу», «Ғамки юз йиллик рафиқимдур, нетиб мен телбаға/Қўрмайин кўксумда юз минг доғи ҳижрон танимас» қабилидаги образли ифодаларида ҳам аниқ-тиник кўрамиз. Демак, Навоий ҳазратлари «чорасизлик» деганда анъанавий шеъриятимизга хос «тафрид», «тажрид» – айрилиқ, яъни ҳижрон, ёлғизлик каби илохий ишққа эш маъноларни ҳам назарда тутади.

Шоир фикрича, буларсиз чинакам шеърият ғарилашади. Шоир шу «чорасизлик олами»да осуда хотир – «кўнгли тинч», яъни шоирнинг музтар кўнгли унда кўз очади, унинг кўнгил боғи эса ана шу оламда ястаниб ётади. Зеро, улуғ шоир бир ўринда «Хотирни жамъ ис-

тар эсанг аввал хавотир дафъин эт, Кимда хавотир бўлмаса осуда хотир бўлгуси», деб бежизга айтмаган эди.

Айтиш жоизки, улуғ шоир бадиий матнадаги сўзниг мақомини муносаб белгилаш орқали умумбашарий шеърият тарихи зарварақларида ўчмас из қолдирди («Назм ул-жавоҳир»дан):

*Рифъат аро фавқи Арии аъзам сўз эмиши,  
Жонбахш дами Масиҳи Марям сўз эмиши,*

*Маъни дур(р)и анда барча мудғам сўз эмиши,  
Улким анга маъни ўлмагай ҳам сўз эмиши.*

Шоир талқинича, сўз Оллоҳ иродаси билан азалдан қиймат ва мартаба бобида энг юксак аршдан, яъни Оллоҳнинг «Лавҳи маҳфуз»идан жой олган эди. Унинг ҳаётбахшлиги эса Масиҳи Марям нафаси сингари. Сиррасини айтганда, у маъно оламида ҳам ўзгача – маҳфий маънолар факат унда мужассам. Бинобарин, шоир унга боис бўлмаган ҳам сўз эди, дейди.

Навоий наздида, сўз дур(р)ининг қиймати ва мартабаси сўзниг руҳида мужассам («Назм ул-жавоҳир»дан):

*Ҳар бириси тўрт ришидаи дур(р)му экин?  
Ё луълуи дарёйи тафаккурму экин?*

*Ё ҳар биридин дур(р)га тафоҳурму экин?  
Сўз руҳига йўқса тўрт унсурму экин?*

Шоир ушбу тўртликда биргина «дур(р)» сўзини асл луғавий маъносидан ташқари «маънолар тизими», «илоҳий ишқ» ва, эҳтимолки, Фаридиддин Аттор, Саййид Ҳасан Ардашер, Паҳлавон Муҳаммад, Абдураҳмон Жомий сингари нозиктаъб шоирлар асарларига ишора

тарзида ҳам қўллайди. Энг асосийси, улуғ сўз санъаткори бу сўзни «сўз» замиридаги яширин (махфий) маъноларни тўла-тўкис инкишоф этиш учун қўллайди ва сўз руҳи – тириклиги сув, ҳаво, ўт, тупроқ каби тўрт унсурга алоқадормикан деган бадиий фикрни илгари суради. Дарҳақиқат, шоир шунга ўхшаш умумэътирофни «Хазойин ул-маоний»да ҳам келтиради: «Жинси башар йўқ огаҳинг, хуршид ҳоки даргаҳинг/Кўк маҳд аро тифли раҳинг етти атоу тўрт ано».

Ҳазрат Алишер Навоийнинг инсон руҳига илоҳий қувват бағишлиовчи чиройли сўзлари нозикфаҳмли-дир, улардаги ҳар бир сўз ва ибора олийқадр ва юксак мақомда. Ҳар сўзи қиймат ва мартабада бебаҳо дурдан юксакроқ. Илло, шоирнинг мўъжизавий қаломи руҳнинг ишку камолоти ва комил кайфиятига вобастадир.

Хуллас, улуғ шоирнинг сўз борасидаги рамзий ишораларидан англаймизки, азалдан Парвардигори оламнинг Каломи, аслида, Пайғамбар алайҳиссаломга сўз руҳи воситасида етиб келганлигини инсониятга такрор-такрор эслатишдан иборат. Эътиборлиси шундаки, Алишер Навоий ҳазратларининг ўзлари ҳам Оллоҳнинг «Лавҳи маҳфуз»идан жой олган ҳам сўз, ҳаттоки «Байт ул-муқаддас»нинг тўрт девори ҳам, аслида, Сўз дейишигача боради. Улуғ шоирнинг чукур диний эътиқодига кўра, дунё «Бўл сўзидан бино бўлгандир». Демак, дунё бир бино бўлса, унинг маънавий тарҳи сўздир. Қачонки сўз тимсолга айлансангина, бемисл илоҳий қудратга эга бўлади. Дарҳақиқат, бадиий сўзнинг энг асосий хусусияти ҳам унинг образлилигида. Зоро, бадиий сўз кўнгил косасида зухурланади, унинг мақоми эса самолар қадар юксакдадир. Шу ўринда хотирга келтириш жоизки, шоир ўз асарларида миллий сўз қадри ҳақида жон қадар қайғуради ва бу ҳеч замонда инсонни бефарқ қолдирмаган. Навоий мумтоз бадиий сўзимиз такомили-

да сўз билан ифодалаб бўлмайдиган даражада илоҳий жасорат кўрсатган. Эҳтимол, инсоннинг ҳар доим ҳам бу ҳақда бош қотиришга фурсати етмас. Лекин қаердан чинакам бадиий сўз йўқолса, ўша ерда маънавий жасорат ҳам сустлашади. Айни шу маънода чинакам бадиий сўз бардавомлиги учун Навоий шеъриятини янада янги-ча усулларда қайта-қайта таҳлил қилмоқ, хусусан, улуғ шоир сўзлари замиридаги ботиний маъноларни янада кенг талқин этмоқ ва ўрганмоқ жоиздир.

### **Нафосат хазинабони**

Мир Алишер Навоий меросининг муҳим қирраларидан бири унинг тарихдан диний манбалар билан узвий боғлиқлигидадир. Улуғ шоир асарларида суфиёна тимсоллар ва суфийлар тимсоли матншунос, адабиётшунос олимлар томонидан бир қадар кенг таҳлил этилган. Аммо Навоийнинг диний манбаларга муносабати, хусусан, шоир асарларидағи исломий сўзлар тадрижи айтарли ўрганилмаган. Бу ҳол собиқ шўролар даврида узоқ давом этган. Ҳолбуки, Навоийнинг диний мазмун-моҳиятдан йироқ бўлган бирор-бир асари йўқ. Шоирнинг деярли барча асарларида диний манбалар (адабиётлар)га, Куръони Каримга муносабат билдирилган:

*Оlam эли ичра гар гадо, гар шоҳ эрур,  
Не дардки, ул кўнгли аро ҳамроҳ эрур,*

*Куръонни тиловат этсун гар огоҳ эрур,  
Эл кўнглига чун даво Каломуллоҳ эрур.*

Шоирнинг «Назм ул-жавохир» асаридаги ушбу мисралардан англашиладики, ўзини маънан огоҳ деб билган ҳар қандай «дардли» киши, яъни у хоҳ шоҳ бўлсин, хоҳ

гадо, күнглига малҳамни фақат Қуръонни қайта-қайта тиловат қилишдан топади. Зеро, ҳар қандай оғир дамларда «эл», «улус», «раият» күнглига Каломуллоҳ мудом даво бўлиб келгани каби.

Тарихий манбалардан маълумки, Навоий яшаган даврда Ислом дини, дин пешволари катта мавқега эга бўлиб, Қуръонни ёд олган нуфузли, қувваи ҳофизаси кучли қорилар кўп бўлган ва дин ақидалари, хусусан, фикҳ илми жуда ривож топган. Табиийки, ўша даврда ҳам мутаассиб диндорлар, ўз руҳоний илмига мағрур уламолар кўп бўлган. Қолаверса, ўз даврида Оллоҳнинг инояти билан узоқ асрлар башарият орзу қилган «валиюллоҳ», «харобот ахли»нинг «дурри ятими» бўлмиш Навоийдек даҳо санъаткорнинг ижод майдонида «тавсан суриши» анча-мунчадин аҳлини ҳайратга согланлиги аниқ. Бундай мутаассиб кимсаларнинг шоир шеърияти маъно-мазмунини тўлатўкис идрок эта олишлари ҳам ақлдан йироқ кўринар эди. Улар ҳатто шоирни назмгўйликда айблаб, Ислом динига зид «куфр» ишларни авж олдиряпти, «ислом дини уйини» бузяпти, деб айтилари ҳам ҳеч гап эмас эди. Агар шундай бўлмаганда, улуғ шоир бу борада баъзи фикрларни ошкора илгари сурмаган бўлур эди:

*Эшииттим базмининг бир нуктадони,  
Шоҳи соҳибқирон жон дармиёни.*

*Демии: не суд гар бир уйни тузмии  
Ки, назми шайнидин кўп уйни бузмии.*

*Ўқугон эл онинг шеърини пайваст,  
Тилар бўлгай ҳамиша ошиқу маст.*

*Солиб ислому дин уйига ошуб,  
Бинойи хайр буткармак не маҳсуб.*

Бироқ, шоир шахсиятидаги бу қадар хокисорлик ҳатто ана шундай уйдирма, фиску фужур гапларни түғри танқид, деб айтишга изн беради. Буларни улуғ шоир күнгил мулкига олмай, ички бир сукут билан бадий тафаккурни содда бир тилда баён этади. Бунда у ортиқча билимдонлик ёки донишмандлыкка берилмайды. Бу тавр китобхонни чунон ҳайратлантирмай қолмайды. Гүё шоир бу «қийлу қол» (гап-сўз)лардан түғри хулоса чиқаради:

*Тушуб бу нуктадин жиссими аро печ,  
Чу билдим, чин эмии дам урмадим ҳеч,*

*Дедимким, айлайн бир нусха мастур  
Ки, бўлгай дину ислом уйи маъмур*

деб шоир ўзининг «Сирож ул-муслимин» («Мусулмонлар чироги», 1499–1500 йилда ёзилган) номли асарини битади. Асар Ислом динининг асоси бўлган иймон ва унинг шохобчалари баёнига бағишланган.

Биз кейинги йилларда Алишер Навоийнинг «Сирож ул-муслимин» асаридаги сўзларни «Алишер Навоий асарларининг изоҳли луғати» (1983–1985 йиллар)га қурбимиз етганча матний-қиёсий таҳлил килиб чиқдик. Натижада, лихия, истиншоқ, таҳири, фарзият, таҳаққуқ, мазмаза қилмоқ, муволот, алҳамду, нафсфармой, ташаҳҳуд, таяммум, тасаддуқ сингари «Сирож ул-муслимин»да кўлланилган, лекин мазкур лугатлардан тушиб қолган соғ исломий сўзларни аниқлашга муваффақ бўлдик. Куйида изоҳланаётган ана шундай исломий сўзлар намуна сифатида келтирилди:

*Истиншоқ – таҳорат вақтида бурунга сув олиш ёки чайиш учун сув ишлатиш:*

*Оғизга мазмаза қилмоқ билгил,  
Бурунга даги истиншоқ қилгил.*

*Тахи́р – ихтиёр бериш, эркинлик бериш:*

*Яна тартиб, яъни улча таҳрир,  
Қилинди берма лек анга тахи́р.*

*Лихия – соқол, эркак кишининг юз, чакка туклари:*

*Яна таҳлил қилмоқ лиҳияга зам,  
Оёг бирла илик бармоғлари ҳам.*

*Фарзият – Оллоҳ йўлида буюрилган фарзлар, фарз баёнлари, вожиб амаллар:*

*Вале фарзиятида шартлар бор,  
Кулоқ тутким, қилай борини изҳор.*

*Таяммум – ислом дини қоидаларига қўра, сув бўлмаган жойда тупроқ ёки қум зарралари билан юз-қўл ва бошқа яширин аъзо (аврат)ларига таҳорат олиш мумкин:*

*Таяммум фарзи аввал бўлди ният,  
Илик туфроққа урмак икки навбат.*

*Тасаддуқ – садақа бериш, Худо йўлига холис садақа қилиш; хайрот бериш:*

*Бу сийм аҳкомидур қилмоқ тасаддуқ,  
Яна ашёда мундоқ бил таҳаққуқ.*

Луғатлар мумтоз асарларни ўқишиш ва уқишиш, уларга ҳаққоний баҳо беришда кўзгу вазифасини ўтайди. Ҳар бир ҳалқнинг тарихан миллий маънавияти шаклланишида ҳам луғатларнинг ўрни бекиёс. Албатта, Алишер Навоий асарлари учун тарихда ўнлаб луғатлар тузилган.

Жумладан, «Луғати Амир Навоий», «Дар баёни луғати Навоий», «Абушқа», «Санглоҳ» ҳамда Порсо Шамсиев, Собиржон Иброҳимов томонидан тузилган «Ўзбек клас-сик адабиёти асарлари учун қисқача луғат» (1953) ва яна шу муаллифлар иштирокида «Алишер Навоий асарлари луғати» (1972) сингари китобларни санаш мумкин.

Шу пайтгача «Алишер Навоий асарларининг изоҳли луғати» ҳам улуғ шоирнинг бебаҳо асарларини ўқиш ва тушуниш учун китобхонларга муҳим манба бўлиб келди. Аммо кейинчалик шоир ижодини чуқурроқ англашга бўлган талааб-эҳтиёж ортиши боис, бу луғат манба тўлиқ эмаслиги сезилиб қолди.

Ушбу луғат Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг «Тарихий лексикология ва лексикография» (1983–1985 йиллар) бўлимида таёrlаниб, нашр этилган. Аслида, луғат Навоий асарларидаги диний сўзларни ҳам қамраб олиши жоиз эди. Афсуски, бундай бўлмаган.

Айрим исломий сўзларнинг изоҳли луғатга кирмай қолиши бошқа омилларга ҳам боғлиқ бўлган кўринади. Баъзи сўзлар, бизнингча, луғат тузувчи жамоа ёки ноширлар назаридан четда қолган. Бу жараён ҳозир ҳам давом этмоқда. Масалан, улуғ шоир асарларидаги «Насух» сўзи изоҳли ва замонавий луғатларда учрамайди. Бу сўзнинг маъноси ҳануз очилмай қолган. Зоро, янги нашрда ҳам бу сўз кичик ҳарфлар билан ёзилганлиги юқоридаги хulosага келишимизга сабаб бўлди. Умуман, мусҳафдан келтирилган иқтибосларнинг аксарияти бу луғатда ҳам эътироф этилмаган.

«Иқтибос луғатга илм ўзлаштироқдур, – деб ёзади Атоуллоҳ Ҳусайнӣ, – ва ўт олмоқ маъносинда ҳам келиптур. Аташ важҳи биринчи маъносига кўра зоҳирдур, иккинчи маъносига кўра Қуръон ва ҳадисни нур ва айшу суурү воситаларин ҳозирламоқта ўтқа ўхшатмоқтур ва

аларни бир нимани каломға анинг зийнату равнақи учун кирилмакни нур ва айшу сурур воситаларин ҳосил қилмоқ учун ўт олмоққа ўхшатмоқдур»<sup>1</sup>.

Иқтибос санъати намунаси нафақат Навоий ижодиёттида, балки деярли барча мумтоз шоирларимиз асарларида кўп ишлатилган. Шундай бўлса-да, шу пайтгача бошқа санъат турларига нисбатан камроқ ўрганилган.

Адабиётшунос олим В. Раҳмонов... «иқтибос санъати таркибидағи ҳадис келтириш ҳодисасига мустақил санъат мавқеини бериш»<sup>2</sup> таклифини билдиради. Унинг наздида: «Негаки, Мұхаммад алайхиссалом ҳадисларини ўрганишнинг ўзи буюк бир илм бўлгани каби, байтда шоир томонидан ҳадис келтириш ҳодисасини ҳам санъат ҳисоблаш ва унга алоҳида атама бериш жоиздир»<sup>3</sup>.

Бизнингча, ҳадис келтириш ҳодисасига алоҳида санъат мовқеини бериш зарурати сезилмайди. Чунки бу даражада кичик турларга бўлиб, санъатлар сонини янада кўпайтириш, фикримизча, уларни ўрганиш ишини мураккаблаштиришга олиб келади. Мумтоз шеъриятилиздаги ҳадис келтириш ҳодисасини иқтибос санъати сифатида ўрганилса ҳам, зарур натижаларга эришиш мумкин. Қолаверса, Атоуллоҳ Ҳусайнининг ёзишича: «Ибнulasир иқтибосни тазминга кириптур ва ани алоҳида санъат деб ҳисобламактур»<sup>4</sup>. Энди Қуръондан келтирилган «Насух»нинг маъносини шарҳлайлик.

*Буюрма тавба яна, носиҳоки, музбачалар  
Ҳавоси қилди мени тавба тавбасида Насух.*

<sup>1</sup> Атоуллоҳ Ҳусайний. Бадойеъ ус-санойеъ (А.Рустамов таржимаси). – Т : Адабиёт ва санъат, 1981. – 243-бет.

<sup>2</sup> Раҳмонов В. Ҳадис келтириш санъати // Имом ал-Бухорий сабоклари. 2002. № 2. – 148-бет.

<sup>3</sup> Атоуллоҳ Ҳусайний. Бадойеъ ус-санойеъ (А.Рустамов таржимаси). – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1981. – 148-бет.

<sup>4</sup> Ўша асар. – 243-бет.

Табиийки, бу сўзниң маъносини чуқурроқ англаш учун, аввало, диний манбаларга мурожаат қилиш жоиз. Уларга кўра, қадим замонда бир подшоҳнинг ҳарамига қарашли аёллар ҳаммомида аёл қиёфали, хушсурат бир йигит хизмат қилган экан. Унинг исми Насуҳ бўлган. У ўзининг ташқи кўринишидан фойдаланиб, подшоҳ ҳарамига ўрнашиб олган. Бир куни ҳарамдаги аёллардан бирининг узуги йўқолиб қолади. Подшоҳ мулозимлари ҳарам аёлларини бирма-бир тафтиш қила бошлайдилар. Насуҳ энг орқа қаторда бўлади. Мулозимлар ҳарам ҳаммомидаги ҳар бир аёлни текширганда Насухнинг жони гўё ҳалкумига келади, жони танасидан чиқаёзади. Навбат Насухга етганида мулозимлардан бири узук топилди, деб қолади. Жони омон қолган Насуҳ Оллоҳга минг бора шукроналар келтиради. «Бу ҳарамни елкамнинг чукури кўрсин, то тирик эканман, ҳаргиз бу ишни бошқа тақрорламайман», деб онт ичиб, тавба қилади ва ҳарамга бошқа йўламайди. Насуҳ умрининг охирига қадар шу ваъдасига содик қолади. Шунинг учун ҳам, Қуръони Каримда «Я айюҳаллазина аману тувбу илаллоҳи тавбатан насуҳан» – «Эй иймон келтирганлар, агар тавба қилсаларинг худди Насуҳ тавбасидай чин тавба қилинглар», дейилган («Таҳрим» – 8). Тасаввуфий манбаларда ҳам, аслида, ҳакиқий тавба Насуҳ тавбасига нисбатан айтилиб, илоҳийдир дейилади. Зотан, нақшбандия тариқатининг машҳур намояндаларидан бири Ҳожа Аҳрор Валий ҳам «Барча дунёвий, ухровий, маънавий ва суварий азобларга мустаҳиқ бўлган солик – бу балодан «Тавбай Насух»га эришиш орқали фориғ бўлади»<sup>1</sup>, деган фикрни илгари сурган.

Умуман, улуғ шоир асарларида чин илоҳий тавба билан боғлиқ бу тушунча, яъни Насуҳ тимсоли атиги бир неча бор қўлланилганлиги ўзи ҳайратланарли бир ҳол.

<sup>1</sup> Ҳожса Убайдуллоҳ Аҳрор. Табаррук рисолалар. – Тошкент: Адолат, 2004. – 117-бет.

Аслида, тавба сўзи «Ҳайрат ул-аброр» девонидаги ўн бешинчи мақолатнинг биринчи қисмида 13 марта, иккинчи қисмида ҳам айнан шундай қўлланилганлигининг ўзи янада сирлидир. Ушбу мақолатда тавба сўзи жами 26 марта шу тарзда қайтарилади. Айни шу маънода, девон матнининг бу қисмлари рамзий-ишоравий илоҳий тавба тимсолига бағишиланган десак, ҳеч муболаға бўлмайди:

*«Тубу илolloҳ» ила топса футуҳ,  
Бўлса бу тавбаки, топибдор Насуҳ.*

Юқоридаги байт маъносидан англашиладики, шоир Насуҳ тавбасидек илоҳий тавбага мушарраф бўлиш инсон учун нақадар баҳт эканлигини алоҳида таъкидлайди.

*Ҳақ бу карам қилмаса нетсун киши,  
Ўзлук бирла нечук этсун киши.*

Ушбу байтда агар Оллоҳ марҳамат қилмаса, киши ўзлигича қандай қилиб чин тавбага эришиши мумкин, деган диний ғоя илгари сурилади.

*Тавба эмас етмайин илҳоми гайб,  
Кимки ўзи қилса ушатмоқ не айб.*

Навоий мазкур байтда ҳам тавба ҳақидаги олдинги бадиий тафаккурни давом эттириб, кишига ғайбдан илҳом етишмагунча, унинг ўзича қилган тавбаси тавба ҳисобланмайди, деган илоҳий тамойилни илгари суради. Шунингдек, оддий инсон тавбасининг бузилмоғи ҳам табиий. Зотан, инсон нуқслардан холи эмас. Лекин у ҳар сония огоҳ бўлиб, гуноҳ қилмасликка ҳаракат қилиши ва бунинг учун тинимсиз риёзат чекиб, Оллоҳнинг лутфу карамидан умидвор бўлиши жоиз. Шунда

киши қалбига Оллохдан юборилган сирли муждагина ҳақиқий тавбага йўл очади, деган фикр баён этилади.

*Одам ўз журмига мухтор эмас,  
Тавбасидан доги хабардор эмас.*

Мазкур байтдан маълум бўлладики, инсоннинг ихтиёrsиз равишда нуқсон ва камчиликларга, хатога йўл қўйиши ўз ихтиёридан ташқарида. Зеро, у келажакда ўзи қилган тавбаси бузилишидан хабардор ҳам эмас. Яъни уни олдинда қандай сирли синовлар кутяпти, шу синовлардан унинг иймони пок ва саломат ўтадими ё йўқми? Бу ёлғиз парвардигорга аён.

*Амр бўлиб тавба деса чин дурур,  
Гар они ҳифз этмасалар синдирур.*

Ушбу байтда агар ожиз бандани Оллоҳ гуноҳлардан сақламаса, у хатога йўл қўяверади. Унга фақат Оллоҳдан илоҳий мужда етиб, тавба қилсагина, ҳақиқий тавбасига етишади деган фикр илгари сурилган.

*Тавбага ҳар кимгаки тавфиқ эрур,  
Синмас анинг тавбаси таъкиқ эрур.*

Мазкур байтда шоир ҳар ким тавба қилаётганда Унинг (Оллоҳ) ёрдамида бўлсагина, бу тавба ҳеч қачон бузилмайди деган фикрни баён этган.

*Ўзлик ила тавба табоҳи дегил,  
Қилмогидин тавба илоҳий дегил.*

Улуғ бобомиз ушбу байт замирида юқоридаги барча мисралар маъноларидан келиб чиқиб, қуйидаги бадиий тафаккурни мужассамлаштирадилар.

Кишининг ўзича ёки шунчаки қилган тавбаси тавба эмас, зеро, у омонат, яъни бузилиши мукаррар. Эй инсон! Сендан ҳақиқий тавба қандай бўлади, деб сўрасалар, Оллоҳ бандасининг кўнглига солган тавбагина ҳақиқий тавбадир, деб айт! Аммо бундай тавбани Оллоҳ ўзи севган бандаларига беради. Агар Оллоҳ тавбани банданинг кўнглига солмаса, у ҳақиқий тавба қилмай, бу дунёдан қалби сўқир ҳолда ўтиб кетаверади. Алишер Навоийнинг «Ҳайрат ул-аброр» асаридағи ўн бешинчи мақолатнинг иккинчи қисмида ҳам айнан шундай сирли ҳолат баён этилган.

Мазкур баёндан кўриниб турибдики, Навоий ҳазратлари асарларида мазмун-моҳияти очиб берилмаган бундай сўзлар талайгина. Улуғ шоир асарларидағи маъноси янги аниқланган сўзлар қомуслар ва умумтилшунослик манбаларини тўлдириш учун хизмат қилибгина қолмай, балки ёш адабиётшунос, муаррих, қолаверса, кенг китобхон мухлисларга ғоя ва бадиий образларни янада кенг таҳлил қилишда қўл келади. Бундай сўзлар мумтоз маънавиятимиз дурдоналаридағи мазмун-моҳиятни чуқур идрок этишга, демак, ўзлигимизни янада теранроқ англашга имкон беради.

### **Комиллик сири**

*Фақр эрур бир лафзу шарҳи ёзилур юз минг ки  
Не учунким, хуш келур айтурда итноби аниң.*

Байт мазмунидан англашилишича, агар фактрга доир биргина истилоҳнинг ўзи тасаввуфий моҳият жиҳатидан батафсил шарҳланса, ҳажман юз минг китобга этиши мумкин. Дарҳақиқат, тасаввуфшунос олимлар яхши биладиларки, ўтмишда факт қалимаси ҳақида кўплаб китоблар ёзилган. Аммо факт лафзини батафсил таҳлил этиш ва бу билан комиллик сирларини ошкор этавериш

жоизмикан ёки гапни итноб, яъни чўзавериш кишига хуш келармикан?

Дарҳақиқат, бу байт мазмунида сўзбозлилка берилиб, ғайб асрорини бемаврид ошкор этувчи дор ул-ғуурурдаги аҳли ғуурурга ҳам ишора бор. Буюк Яратувчи инсониятнинг қазо ва қадарини азалдан белгилаб қўйган. Шунинг учун инсон ҳар қанча уринмасин, қисматдан ортиғи бўлмайди. Байтда кўзда тутилган муҳим масалалардан бири – илмбозлик, яъни илмга ҳаддан зиёд чуқур кетиш ҳам нафсга берилишнинг бир кўриниши экандир. Баъзи илмли кишиларда иддаонинг пайдо бўлиши бунга мисолдир. Бунда иккита хавф мавжуд: биринчидан, илмга боши билан шўнғиган киши бутунлай хато йўлдан кетиб, ўзини ҳам, жамиятни ҳам ҳалокат ёқасига олиб бориб қўйиши эҳтимоли бор. Бундай бўлмаган тақдирда ҳам, кўп билим ҳосил қилган инсон илмига ғууруланиб, ҳатто Оллоҳга ҳам ширк келтириши мумкин. Шунингдек, байтда бандай ожиз қанчалик фасиҳ сўзли бўлгани билан Оллоҳнинг каломидан ортиқ бир сўз айта олармикан, деган фикр ҳам баён этилади.

Ҳазрат Навоий ижодида фақр калимаси жуда кенг тасаввуфий маъноларни қамраб олган. Шоир фикрича, комил инсон бўлиш учун факат фақру фано моҳиятини чуқур ўрганиш ёки тасаввуф илмини эгаллашнинг ўзи кифоя қилмайди. Негаки, гоҳо унчалик илмли бўлмаган, лекин иймони мустаҳкам одамлар Оллоҳ иродаси билан тез фурсатда комилликка эришади. Бунга сабаб кишининг эътиқодда событилиги, самий тавбаси, ибодатда комиллигидир. «Насойим ул-муҳаббат»да баён этилишича, Ҳабиб Аъжамий чин тавбаси билан ана шундай бахтга мушарраф этилган абдоллардан бўлган: «...Ва Шайх Ҳасан Басрий қошида кундуз илм ўрганур эрди ва кеча тонг отгунча тоат қилур эрди. Ва ани «Аъжамий» анинг учун дерлар эрдики, Қуръонни ду-

руст ўқуй олмас эрди, аммо соҳибкамоллар анинг қошида тифли мактаб эрдилар».

Шоир талқинича, ўтмишда шу қадар улуғ шайхлар ўтганки, дуёвий ва диний-тасаввуфий илмларни пухта билишларига қарамай, хокисорлик сабаб ўзларидан бирор китоб, ҳатто икки энли дастхат ҳам қолдирмаганлар. Хаёлотини бот-бот ана шундай хислатли суфийлар ўзига жалб этган шоир ҳақиқат сирларини улардан ўрганишга интилган.

Ҳазрат Навоийнинг кузатишича, факру фано сирларидан боҳабар суфийнинг асосий сифатларидан бири унинг сукути ва айбларни беркитувчи). Шоир ана шу фазилатни устози Абдураҳмон Жомий тимсолида кўради: «Турфа будурким, Хожа Муҳаммад Тайёбодийким, бир қарн ул ҳазратнинг маҳсус мулозими эрди. Назмларидан бир байт билмас ва билса ҳам назм ва насрларидан бир нукта фаҳм қилмас ва қилса ҳам мақсадки мувофиқ демас. Боракаллоҳ, камоли қобилият мунча – ўқ, бўлғай! Ул ҳазрат йиллар анинг бадхўйлуғин кўруб сингурубдурлар ва ўзларига кетурмайдурлар».

Ҳазрат Навоий кишидаги кўп билиб, кам сўзлашни, сукуту айбларни ниҳоятда қадрлайди. Улуғ ҳақиқатлар сирини юксак тафаккур билан муҳтасар тарзда очиш шоир услубига хос хусусиятдир. Зеро, Тангри таоло берган истеъдоди билан ўттиз, қирқта китоб эмас, балки юзлаб битиклар ёзиб қолдиришга қодир эди. Ўзидаги истеъдоддан унумли фойдаланишни сўзбозлиқда эмас, аксинча, салоҳият кўп ўрганишу кам сўзликда деб билгани Навоийнинг ҳақиқатни, орифлик сирларини ниҳоятда теран англағанини кўрсатади.

## Ҳайрат туйнуклари

Бугунги шеърхон, айниқса, улуғ бобомиз Навоий ҳазратлари шеъриятидаги анъанавийликка хос диний-фикрий муддаони теран англаши учун ундаги тасаввуттый сўзларнинг истилоҳий маъноларини яхши билиши жоиз. Акс ҳолда, шеърхон улуғ шоир назарда тутган ирфоний маъно оламини тўлиқ англамай қолиши айни ҳақиқат. Шу маънода кўйидаги бир байтни шарҳлашдан олдин унга алоқадор диний-суфиёна «файз» сўзининг истилоҳий маъносини очишга ҳаракат қиласиз. Баъзан эса мутафаккир назмиётидаги бирор-бир байтнинг ирфоний рамз ва маъноларини очиш шоирнинг бошқа бир байтлари шарҳини талаб қиласиз.

Улуғ шоир «Бадоеъ ул-бидоя» асарида:

*Файз кўз тутма риёзатда тешилмай юрагинг  
Очмайин равзана, уй ичра қуёш соглади зав, –*

дейди. Яъни дарчасиз уй ичида қуёш нурлари тажаллий қилмаганидек, инсон қалбида ҳам ҳайрат туйнуклари очилмагунча, унга файзи ҳақиқийдан баҳрамандлик етмайди. Аслида, ҳар бир инсон қалб вужудида тешиклар бўлади, фақат у ғализ парда сабабли зоҳир бўлмайди. Агар инсон доимо ўзликни таниш, борликни зикр этиш билан машғул бўлса, бу ғализ пардалар очилиб, шу тешикдан тажаллий бирликдан иборат нур таралади ва инсон жисмида сайр қиласиз. Бундан инсон ақли ва бошқа тана аъзолари беҳад ҳайратланади. Улар мана шу қалб ҳайрат туйнукларидан таралаётган нури тажаллийдан батамом хушнудланадилар. Кейин уларда бирорта сарф-харажат на зоҳирда ва на ботинда намоён бўлади. Шунинг учун бу туйнук «ҳайрат» (ал-баҳт) деб аталади. Зотан, Ҳожа Аҳрор Валий таъкидлаганидек, «Қачонки Оллоҳ таоло бу банданинг боқий қолишини

ирода қилса, унинг қалбига бир булут юборади. У қалб мана шу нуктадан кенгаяётган нур орасини ўраб олади. Шундан сўнг нур унда акс эта бошлайди. Рух билан аъзолар ҳайратдан халос бўладилар. Мана шу ёниб йўқ бўлиб кетишидир, мустаҳкам барқарорликдир (Тасаввуфда дейилмоқчи. – M. A.). Демак, мана шу булут ортида расми қолганлиги учун шоҳид бўлиб қолаверади. Тажаллий эса ҳамиша боқий қолади. Ҳеч қачон бу қалб тешикдан йўқолмайди». Улуғ шоир шеъриятида рамзий маъноларга омухта хилма-хиллик, яъни мантиқий бир тавр зуҳурлана боради. Зотан, шоир замон ва макон ҳодисотларига нафақат зохир, балки ботин кўзи билан назар ташлайди: шоир бир ички сезим орқали буюк интизом билан арзу самони ҳаракатлантирувчи Тангри мўъжизотидан қаттиқ ҳайратланади. Ҳақиқатан ҳам, одамият яралибдики, ижод аҳлига хос бундай ҳайратлар азал-азалдан мавжуд эди: «... ҳайъат аҳлининг (юлдузлар илми билан шуғулланувчи мунахжимлар) эътироф этишича, ёлғиз Ер шаридан кўринадиган миллионларча юлдузларнинг ҳар бири камоли интизом билан буюк бир вазифани ижро этарлар; ҳаракат жараёнида бири бирига зиён етказмас, мутеъ хизматкорлар каби муайян ва мунтазам замон ҳамда сувратда ҳаракат этиб, аввалан-ниҳоя ҳарорат бахш этарлар. Уларнинг жараёни шу қадар мунтазамки, масалан, юз, юз эллик йилдан сўнг бир юлдузнинг осмон кенгликларида янги бир нуктада пайдо бўлиши нужум аҳли учун сахвсиз (хатосиз) маълум бўлади» (Румий).

Навоий фикрича, файз тушунчасининг маъно кўлами ниҳоятда кенг. Бу суфиёна истилоҳ мазмун-маъно жиҳатдан ирфоний ҳақиқатлар сирини очишга доир масалаларни қамраб олади. Дарҳақиқат, файз тасаввуф адабиётида «файзи ақдас», «файзи мукаддас», «файзи раҳмоний», «файзи илоҳий», «важҳи нос» каби турларга ажратилади. Шулардан «важҳи нос»да борлиқда ҳар нарса мавжуд бўл-

са, ўшанинг зотий тажаллийдан насибаси бўлади. Шоир айтганидек, арбоби завқдан бўлган ҳар бир инсон «Эй соқий, сафосини ол, ифлосини ташла!» («Айюҳа-с-соқий лано дай мо кадар хуз мо сафо!») маъносини ўйлаб, ўзларининг ахлоқларини поклаш мақомида бўлишлари керак. Файзи илоҳийдан нимаики етса, шукр қилиб, риёзат чекишни тарк этмасликлари энг тўғри йўлдир. Аниқроқ айтганда, инсон қалб қаъбасини поклаш учун тинимсиз риёзат чекиши, кўнгилни дунёвий майллардан буткул узуб, узлатга олиши керак.

Ҳазрат Навоий талқинига кўра, исломиятдан илгари ўтган яхудий ва насронийлардан бўлган Абдуллоҳ ибн Салом, Ҳабашистон подшоҳи Нажоший каби айрим тарихий шахслар илоҳий файз орқали Қуръони Карим (Муҳаммад с.а.в.га) нозил бўлганидан хабар топишгач, ўзларининг китоблари Таврот ва Инжилдаги Тангри таоло ўзининг охирги пайғамбарини юбориши борасида берган ваъдаси амалга ошганидан шодланиб, Муҳаммад алайҳиссаломга иймон келтирган эканлар:

*Файз ар ўтдин етар, Парvez этиб ул ер тутар,  
Чун наби сари хаёл ичра Нажоий эврулур.*

Улуғ шоир фикрича, илоҳий файз тушунчасини тे-ран англамаган киши Пайғамбар (Муҳаммад с.а.в.)нинг қандай зот эканликлари, сурат ва сийратларини чукур ҳис ва идрок этиш баҳтига мушарраф бўла олмайди. Аслини олганда, шоир назарда тутган ушбу байтдаги бош мақсад ҳам шеърхонга пайғамбарнинг хислат ва фазилатларини тасаввур қилдиришдан иборат (Мазкур байтдаги Парvez, Нажоший тарихий шахс номлари нашрда кичик ҳарфлар ҳамда айрим нуқсонлар билан ифодаланган: парвиз, начоши. – M. A.). Шу маънода анъанавий-ликка хос Навоий лирикасидаги Пайғамбар (Муҳаммад

с.а.в.)нинг тимсоли ана шундай ирфоний ишора ва маънолар билан идрок этилиши мақсадга мувофиқ. Бинобарин, мазкур байтнинг кенг талқини қуидагича: ривоятларга кўра, қадим замонларда Шарқда Ҳурмуз бинни Ануширвон деган бир золим подшоҳ бўлган. Унинг Парvez исмли ўғли бўлган. Кунлардан бир куни Ануширвон салтанатида фитна юз беради. Ануширвон бу фитна содир бўлишида ўғли Парвезнинг ҳам қўли бордеб гумон қиласди. У мулозимларига ўғлини тезда ушлаб, қатл эттиришларини буюради. Аммо Парvez отаси тазиикидан Арман вилоятига қочишига улгуради. Орадан анча йиллар ўтгандан сўнг Ҳурмуз салтанати инқизатга юз тута бошлади. Бундан норози бўлган давлат аъёнлари Ҳурмузнинг кўзига мил тортиб, қатл этадилар ва унинг ўрнига ўғли Парвезн подшоҳ қилиб тайнлайдилар. Демак, шоир назарида, агар Тангридан илохий файз етса, ҳар қандай қабоҳат, албатта, барҳам топажак. Зеро, шоир ўшандай алғов-далғов замонларда Парвездек бир бечоранинг подшоҳлик мақомига кўтарилиши кимнинг ҳам хаёлига келган эди, дейди. Шу маънода шоир илохий файзнинг муқаррарлигини, унинг асосини Пайғамбар (Муҳаммад с.а.в.)га боғлади ва у зотнинг тимсолида илохий файзни янада аниқрок, илмийроқ мукошафа этишга ҳаракат қиласди: диний китоблардаги тарихий шахс Нажошийнинг илохий файз топганлигини эътироф этади. Яъни Нажоший ва унинг сафдошлиари ўзларининг илохий китобларидан келажакда Муҳаммад (с.а.в.)нинг таваллуд топиши, унга Қуръони Карим тушиши, у охирги пайғамбар бўлиши каби муздани пайқайдилар ва унга иймон келтирадилар. Бунга сабаб уларнинг илохий файздан баҳраманд бўлишларидир. Бинобарин, шоир лирикасидаги кўплаб ғазаллар исломий ҳарактердаги ғоялар маҳсулидир. Илло, Навоий ўз шеъриятида диний-анъанавийлик ва исломий тим-

солни қўллашда нақадар чукур ёндашган. Айни пайтда эса шеъриятга бундай ёндашиш миллий адабиётнинг диний-анъанавий узлуксизлигини таъминловчи мезон ҳамдир. Бунинг учун ўрни билан шоир ғазалиётида-ги ўта ботиний, мураккаб, аниқроғи, тушунилиши қийин диний руҳдаги ғазалларни тўлиқ шарҳлаш, уларни изоҳлар билан таъминлаш керак.

Хуллас, ҳазрат наздида, файз ва ҳайрат тушунчаси ана шундай ирфоний рамз ва маъноларга эга. Шу билан бирга, файз – нафақат ирфоний тушунча, балки улуғларнинг тўғри йўлидан ташқарига чиқмаслик, ўзликни таниш, юксалиш истеъдодига эга бўлиш сирини очувчи маънавий кўпrik ҳамдир. Ана шу боғлиқлик сирини англаган кишигина орифлик мақомига эришади.

### **«Эсиб раҳмат насими...»**

Мумтоз шеъриятимизга хос маъшуқ васли қўйи, айниқса, «илоҳий ишқ» сирини чукур англаш – инсоннинг ботиний шеърий тафаккур тарзи учун ниҳоятда жоиз хусусиятдир. Зоро, «илоҳий ишқ» таври инсоннинг кўнгил мулки қадар кенг ва терандир. Навоий ғазалиёти замиридаги бундай ботиний хусусиятларнинг маълум бир қисми Расулуллоҳ васф этилган ояти карималар таъсирида вужудга келган, дейишимиз мумкин. Бу тарз қўпроқ Ҳазратнинг наът-ғазаллари замирида мужассамдир.

Энди ана шундай наът-ғазаллар сирасига кирувчи «Ғаройиб ус-сигар»нинг 7-ғазалини тўлиқ келтирамиз:

*Зиҳи жавлонгаҳинг афлок уза майдони «ав адно»,  
Буроқингга тўқуз гунбад бу тўққуз гунбади ҳазро.*

*Қилиб чун хай гулоби майл наълайнинг, бўлуб ондин  
Малак раъноларининг жабҳасига бўлуб чарх сандалсо.*

*Эсиб раҳмат насими чун дамодам сунбулунг сори,  
Бўлуб руҳонийлар жайби лаболаб анбари соро.*

*Фалак қолиб Буроқингдин, эмас васфи фалаксурат,  
Қамар ёруб жамолингдин, эмас наътиң қамарсиймо.*

*Юзунгдин анжум, анжумдин қуёши нур иктисоб айлаб  
Анингдекким, қуёшидин ою ойдин қийргун габро.*

*Фалак водийлари қатъига азминг чун суруб маркаб,  
Хирад пайкига ҳам аввал қадамда ранж ўлуб пайдо.*

*Рафиқинг тойир андоқким Сулаймон оллида ҳудҳуд,  
Буроқинг сойир анжум шоҳи устинда сипеҳросо.*

*Қилиб бу сайр аро маъшуқ васли кўйида манзил,  
Тилаб саргашта ушишоқига ҳам раҳмат уйин маъво.*

*Навоий хуши кўрар оламни отинг зикридин, йўқса,  
Анга дўзах аро ўтдекдуурур дунёву моғиҳо.*

Бу наът-ғазал тўққиз байтдан таркиб топган бўлиб, унинг ўзига хос хусусияти ўқувчига шарқ шеъриятига хос илохий ишқнинг не чоғли руҳий мақомда эканлигини янада чукурроқ англатишдан иборатdir. Айтиш жоизки, бу наът-ғазал сўнгги мурсалнинг кавну макон, яъни коинот ичра маъшуқ (Тангри таоло назарда тутилган – М.А.) кўйи манзили сари интилиш таври бу борадаги тасаввуримизни кенгайтиришда муҳим адабий омил бўлиб хизмат қиласи.

Энди байтлар шарҳига ўтайлик.

*Зиҳи жавлонгагинг афлок уза майдони «ав адно»,  
Буроқингга тўқуз гунбад бу тўққуз гунбади хазро.*

Аввало, ушбу матлаъдаги энг характерли сўзга эътиборни қаратайлик. Бу – Мусҳафнинг «Нажм» – («Юлдуз») сурасидаги «ав адно» иқтибосидир. Бу иқтибос Алишер Навоий асарларида «ёки яқинроқ» маъносига қўлланилиб, «фа кона қобақавсайни ав адно»га ишорадир. Умуман, мумтоз адабиётда бу мусҳафий иқтибос «Бас, (Муҳаммад с.а.в.га) икки камон ёки ундан-да, яъни икки қош оралиғидек яқинроқ бўлди» маъносига келади. Айни шу маънода матлаънинг қисқача мазмуни қуидагича: эй мурсал, сен учун фалаклар узра сайр қилиш худди «ав адно» сингаридир. Зоро, Буроқинг, яъни шу номли учқур отинг гўё бир кечада самонинг «фалакулафлок» манзилига, яъни сўнгти тўққизинчи қаватига кўтарилиди. Шу кечада сен Тангрига гўё икки қош оралиғича яқинлашдинг... Бунда меъроҳ кечаси таърифланади. Яъни, бу унинг Маккадан то Масжиди Ақсогача, сўнгра у ердан осмонлар узра кўтарилиб, Оллоҳ буюрган жойгача самовий сайр қилишига рамзdir.

*Қилиб чун хай гулоби майл наълайнинг, бўлуб ондин  
Малак раъноларининг жабҳасига бўлуб чарх сандалсо.*

Шоҳбайтдаги бадиий ҳақиқат наълайн («бир жуфт ковуш») сўзи маъносига мужассам. Зоро, у шоҳбайт маъносининг очқичидир. Аммо, бу ўринда наълайн отинг туёқ изларига ишора тарзида қўлланилган: ўша кеча, яъни ўша меъроҳ туни Буроқинг билан ердан кўкка кўтарилаётганингда, отингнинг туёғига ердаги бир сангпора, мен ҳам бораман, деб илашган эди. Отинг ҳавога кўтарилгандан сўнг, сен сангпорага қол деб амр қилдинг ва у ҳавода «санги муаллақ» ҳолида қолди. Бунда шундай ташbih бор: ана шу муаллақ қолган тошга Буроқингнинг туёқ изи ва баданидан чиққан хушбўй терлар нишонаси қолди. Кечада у шундай жилваланиб

туардикى, бу худди аршдаги хүрүзли малоикларнинг манглайига тортилган сандал дарахти сингари сабзранг фалакнинг нишоналарига, аникрофи, тақдири азал қолдирган асорат белгиларига менгзаш эди. Нақадар ғаройиб ташбиҳ! Бу ташбиҳ шунга ишора этади: эй инсон, күр, бил, бу сенга ибратидир. Зотан, оламлардаги барча нарса ва ҳодисалар Тангрига хизматкордек ҳаракатда. Уларга бундан ортиғи берилмади. Ортикрофи эса инсонга берилди. Чунки Худо ўз-ўзидан билиш санъатини фақат инсонгагина инъом этди. Инсон ўз-ўзига түсиқ бўлмаса, бас!

*Эсиб раҳмат насими чун дамодам сунбулунг сори,  
Бўлуб руҳонийлар жайби лаболаб анбари соро.*

Ғазалнинг умумий мазмунига кўра, бу байтда қўлланилган қўйидаги сўзлар ушбу маъноларда келган: раҳмат – гуноҳларни афв этувчи шабада; руҳоний – фаришта; жайб – кўнгил, дил. Бунда шундай бадиий тафаккур илгари сурилади: эй сўнгги мурсал, бу кеча сенинг хушбўй соchlаринг сари ажиб бир шабада, яъни Парвардигори олам томанидан гуноҳларни афв этувчи майин шамол кетма-кет эсди. Бу шамол шу кеча каби тим қора соchlаринг бўйини кенг оламга ёйди. Бу хушбўйликдан, то ҳатто малоиклар қалбида лиммо-лим тўлди.

*Фалак қолиб Буроқингдин, эмас васфи фалаксуръат,  
Қамар ёруб жамолингдин, эмас наътинг қамарсиймо.*

Байтнинг муҳтасар маъноси: Меъроj кечасида Буроқинг, яъни отинг тез ҳаракатланиши гўё фалакни ҳам ортда қолдирди. Лекин бу билан бу ҳолни фалаксуръат деб ҳам бўлмайди. Негаки, сенинг сифатинг учун бу васф камлик қиласи. Шу кечада жамолинг партави ол-

дида ой ҳам хижолатда эди. Аммо бу қамарсиймо дегани эмас. Чунки жамолинг тажаллийси азалиятга дахлдордир. Зеро, сенинг нурингни улуғ Тангри башариятни яратмасдан бурун яратиб қўйган эди. Аслида, инсонни яратишидан мурод ҳам сен эдинг. Улуғ мутафаккир бу манзарани бошқа бир асарида шундай образли тарзда баён этади: «У Одам Атодан ҳам илгари мавжуд бўлиб, ҳам набий, ҳам сирлар огоҳи эди. У олти кунда яратилган оламдан бурун ҳам нур ҳолида бор эди. Бу шундай нурки, у юз иззат ва шараф эгасидир. У – маъшук, Яратувчи – ишқивоз эди. Оллоҳ Булбашарни яратгунига қадар, бу нур узок йиллар, Ҳақ назаридан баҳраманд эди. Булбашар вужуди яратилганда унинг юзи шу юлдуз нуридан камол топди».

*Юзунгдин анжум, анжумдин қуёши нур иктисоб айлаб  
Анингдекким, қуёшдин ою ойдин қийргун габро.*

Бу байтда шундай маъно бор: эй Расулуллоҳ, ер юзида қуёшни ой, ойни қоп-коронгулик тўсган бўлса, бунинг зидди ўлароқ, бу кеча юзинг, яъни жамолинг шундай партавландики, гўё жамолинг тажаллисидан юлдуз, юлдуздан қуёш нури ҳосил қилингандай эди.

*Фалак водийлари қатъига азминг чун суруб маркаб,  
Хираð пайкига ҳам аввал қадамда ранж ўлуб пайдо.*

Байтнинг муҳтасар мазмуни: фалак водийларини кезиш учун от суришни мақсад қилганингда, ақл элчисига ҳам, биринчи қадамдаёқ мashaққат зоҳир бўлди.

*Рафиқинг тойир андоқким Сулаймон оллида ҳудҳуд,  
Буроқинг сойир анжум шоҳи устинда сипеҳросо.*

Бу байтнинг биринчи мисрасида Қуръони Каримнинг «Намл» («Чумоли») сурасининг қушлар тилидаги файб хабарлари маъносига ишора қилинади. Аниқроғи, инс ва жиндан туғилган Сабо мамлакатининг қизи Билқис, яъни Сулаймоннинг бўлғуси ёри ўртасида «номабарлик» (хат ташувчилик) қилган Ҳудҳуд номли қушнинг азму шижаоти ва донолигига рамз қилинган. Айни шу маънода байт мазмуни қўйидагича: эй мурсал, дўстинг, яъни Буроқингнинг жасорати олдида бир пайтлар Сулаймонга хат ташувчилик қилган Ҳудҳуд қушининг жасорати ҳеч бўлиб қолди. Зеро, тавсанинг, яъни учкур отинг бу кеча сайрёralардан ҳам юксакда сайр қилди.

*Қилиб бу сайр аро маъшуқ васли қўйида манзил,  
Тилаб саргашта ушиюқига ҳам раҳмат уйин маъво.*

Байт мазмуни: бу сайрдан асосий мақсад, биринчидан, маъшуқ, яъни Парвардигор васлига етишиш йўлида бир манзил тутиб, у билан юзма-юз келиш бўлса, иккинчидан, саргашта, яъни ёр (Худо) қўйида паришон бўлган ошиқларига ҳам гуноҳларни мағфират этувчи уйни мақом тутишларини ундан (Парвардигордан) тилаш ҳам эди.

*Навоий хуши кўрар оламни отинг зикридин, йўқса,  
Анга дўзах аро ўтдекдурур дунёву мофиҳо.*

Мақтаъда шундай фикр баён этилади: қачонки, номинг мазкур бўлганда, Навоий бу оламни яхши қўриб кетади. Йўқса, дунё ва ундаги мавжудотлар унинг учун дўзах ичидаги оловдайдир.

Ҳазрат Алишер Навоийнинг биз юқорида шарҳлашга уринган ғазалида шарқона шеъриятга хос маъшуқ васли қўйида мақом тутиш сўнгги мурсалдан не чоғли машаққатли ажзу ниёз, аниқроғи, ботиний заҳмат та-

лаб қилгани кўзда тутилади. Кўринадики, мазкур ғазал мисралари замираиди ана шундай зоҳирий ва ботиний маънолар олами ястаниб ётибди. Шу боис Ҳазрат ғазалиётини ўрганаётган ҳар бир ўкувчи бу хусусиятларни теран англаб олиши жоиздир.

## Жасорат тимсоли

Алишер Навоий Ҳазратларининг аксар ғазаллари зоҳиран инсонийлик шеваси таҳқиқи инкишофидек кўринса-да, аслида, уларнинг зумрасида комил инсоннинг ғайриихтиёрий кечмишлари, айниқса, андуҳга чўлғанганд сафоли туйғулари янада пурдард тарзда тараннум этилади. Зоро, ўз замонида киши ҳақиқатини билиш нафақат бадиий ҳақиқат кашшофлари учун, балки эл, улус раият тарбияти учун ниҳоятда зарур эди. Шунингдек, улуғ мутафаккир назарида хос кишилардаги маънавий бедорликка пайвасталик – ботиният зумраси ичра Худони таниш тавридир. Эҳтимол шуларданdir шоир ғазалларидан бирида қадим манбалардан келтирилган «жаваз-ал-иснайни шоъ» – («далирлик, яъни ботирликнинг икки нишонаси») ибораси замиридаги ботиний маънога ишора қилинади... Унга кўра, ҳақиқий жасоратнинг аломатларидан бири киши эл сўзини тинглаши, яъни уларнинг сўзига нописанд бўлсмаслиги бўлса, иккинчиси инсон ўз нафсини енгишидир. Бундай хусусият ҳалқнинг чинакам ботирлари қалбida мужассам бўлади. Чунки эл кўнгли Тангрининг назаргоҳи, агар бандай ожиз унинг сўзига эътиборсиз бўлса, бегумон Ҳақнинг қаҳрига дучор бўлади. Нафсни тиёлмасликнинг оқибати ҳам шундай аъмолга менгзашдир. Улуғ шоир ушбу иборанинг рамзий маъноси орқали кишидаги шижаат, билим ва туйғу ҳам амалий, ҳам табиийлик касб этиши жоиз деб ҳисоблайди. Баъзан, оқ қоғоз шундайлигича дурустдир, худди ножоиз нарсаларни кўрмаган, билма-

ган киши тийнати бедог қоғоз мисоли пок ва бегубор туйғулар сохиби бўлгани каби. Билим ҳам шундай. Чунки инсон ундан турли хил мақсадларда фойдаланади, бироқ у билан ҳамма нарсага эришиб бўлмайди... Бундай тавр шоирнинг биз қуида шарҳламоқчи бўлган ушбу ғазалида ўз аксини топган.

*Истасангким ургасен давронга тийги инқитоъ,  
Ул видоъ эткунча сен қилгил бурунрог алавидоъ.*

*Жон бериб ширину муҳлик жсоҳ учун илгингда тийғ,  
Назъ вакти шарбати марг истаб айлайсен низоъ.*

*Асрадинг каттон кафан қилмоқ учун, не судким  
Ҳашр бозорида бекийматдуур мундоқ матоъ.*

*Масканинг охир чу туфроғдур, не ўткармакдуур  
Мадфанинг айвонига кўк гунбазидин иртифоъ.*

*Сандалойин эв ясад, элдин кўтарсен сарзаниш  
Ким, бу янглиг кўрди сандалники, еткургай судоъ.*

*Ер ўпарсен ризқ учун миннат юкидин ҳам бўлуб,  
Тенгри ёрингким, қилибсен хуши намозе ихтироъ.*

*Дур қулогингда момикдин бир чигитдур, эл сўзин  
Бу момуқ бирла чигитдин айламассен истимовъ.*

*Беша шерин гар забун қилсанг шижсаотдин эмас,  
Нафс итин қилсанг забун оламда йўқ сендек шужсоъ.*

*Эй Навоий, Тенгри асрорига тил маҳрам эмас,  
Чок кўнглунг ичра тутким «жаваз-ал-иснайни шоъ».*

Бу – «Ғаройиб ус-сиғар»нинг 288-ғазали бўлиб, тўққиз байтдан таркиб топган. Ғазал юксак ғоялари ва бетакрор ботиний туйғулар мужассами эканлиги билан ажralиб туради. Унинг ўзига хос хусусияти шундаки, ўқувчига шарқ шеъриятига хос инсонийликнинг не чоғли руҳий мақомда эканлигини янада чуқурроқ англатишдан иборат. Зотан, инсон инон-ихтиёри тизгини, аслида қазо қўлидадир. Яъни инсон учун бу дунё синовдир. Бас, шундай экан инсон ўз-ўзини алдаб, риёкорлик йўлига кирмаслиги жоиз. Ундаги чин хислат, фазилатларнинг сири инсонийлик шевасининг қандай таҳқик килиниши билан очилади.

Энди байтлар шарҳига ўтайлик.

*Истасангким ургасен давронга тийги инқитоъ,  
Ул видоъ эткунча сен қилгил бурунроғ алвидоъ.*

Дастлаб ушбу матлаъдаги энг характерли сўзга эътиборни қаратайлик. Бу – арабча инқитоъ сўзиdir. Бу сўз Алишер Навоий асарларида «кесиш», «узилиш», «тугаш»; «тўхтаб қолиш» сингари маъноларда қўлланилади. Бундан ташқари, мумтоз адабиётда бу сўз «танҳолик», «жудолик», «одамлардан узоқда, яъни узлатда яшашлик» маъносида ҳам келади. Айни маънода матлаънинг қисқача мазмуни қўйидагича: эй инсон, агар сен астойдил истасанг, даврондан бутунлай узилишинг мумкин, ҳолбуки, сен буни истамасанг ҳам бир кун келиб, у сен билан хайри маъзур қилиши тайин. Шунинг учун сен ундан бурунроқ у билан видолашиб қўя қол! Аниқроғи, шоир бунда дунё билан ботинан хайрлашишни назарда тутган. Бу тавр, яъни буни эртароқ англаш, аслида эса, Тангрининг севган қулларига берилган илоҳий инъом.

*Жон бериб ширину муҳлиқ жоҳ учун илгингда тийғ,  
Назъ вақти шарбати марг истаб айлайсен низоъ.*

Байтнинг қисқача мазмуни: аслида, инсон учун энг хатарли бўлган дунё моли учун қўлингга тиф олиб ширин жонингни ҳам беришга тайёрсан, худдики, бу ҳолат ўлаётган инсоннинг момик пахта билан оғзига томдирлаётган ўлим шарбатига типирчилаб интилишига ўхшаб кетади.

*Асрадинг каттон кафан қилмоқ учун, не судким  
Ҳашр бозорида бекийматдуур мундоқ матоъ.*

Бунда шундай бадиий тафаккур илгари сурилади: ўлимтигинг учун йиллар канопдан тўқилган энг қиммат матони асраб келдинг. Сенга бундан қандай фойда бўлиши мумкин? Агар билсанг қиёмат кунида бўладиган бозорда бу матойингнинг зигирча қиймати йўқ. Яъни у сариқ чақага ҳам арзимайди. Чунки шоир наздида, инсон зоҳирий кўринишларга маҳлиё бўлиб, худнамоликка юз тутиши – бу чинакам ботиний ғафлатдир. Агар Навоийнинг бу фикрлари янада соддароқ талқин қилинса, ўз-ўзидан шундай жўн савол туғилади. Хўш, ҳашр бозорида, аслида, нима қийматга эга? Аввало, инсондаги риёсиз барча ботиний амаллар. Хусусан, у кишиларга қилган меҳру муруватини мутлақ эсдан чиқариши. Бунда... ўзини мудом гуноҳкор деб билиши жоиздир. Кейинги байтлардаги ташбехлар ана шу бадиий тафаккурни тўлдиришга хизмат қилади.

*Масканинг охир чу туфроғдур, не ўткармакдуур  
Мадфанинг айвонига кўк гунбазидин иртифоъ.*

Байтнинг муҳтасар маъноси: эй инсон, охир сўнгги манзилинг тупроқ бўлади. Шундай экан, нима учун

қабринг бошига қўқ гунбазидай баланд айвон кўтарасан? Зеро, буларнинг бари, аслида, нокерак нарсалардир. Ортиқча дабдаба риёкорликка йўл очади ва бу ҳолат киши рухиятини синикишига олиб келади. Бу ерда улуғ шоирнинг муҳим ижтимоий қараши жо этилганлигини кўрамиз.

*Сандалойин эв ясаб, элдин кўрарсен сарзаниш  
Ким, бу янглиг кўрди сандалники, еткургай судоъ.*

XIV–XV асрларда сандал дарахти юқори қийматга эга бўлган. Ундан фақат сарватманд одамлар уй бино қилишган. Айни маънода байт мазмуни қуидагича: эй инсон, хуш исли, яъни сандал дарахтидан уй бино қилиб, халқдан дашном эшитасан, зеро, ҳозирнинг ўзида бунинг оқибатини кўряпсан. У бош оғриғидан бошқа нарса эмас.

*Ер ўпарсен ризқ учун миннат юкидин ҳам бўлуб,  
Тенгри ёрингким, қилибсен хуши намозе ихтироъ.*

Улуғ шоир юқорида келтирилган бадиий қайфиятдаги мавхумликни энди ушбу байтда янада аникроқ давом эттиради: миннатдан келган ризқ учун, яъни уни жон баҳосини қадрлаш учун икки букилиб гўё ер ўпасан, худдики, пинҳона Тангри билан дўстлашиш мақсадида намоз ўқиганинг каби. Лекин, бу ўринда яна бир сирли ишора бор. Зеро, шоир фикрича, кишидаги иймон, эътиқодталаблик биргина исломнинг фарз, суннат ёки диний ақоидларини адo этиш билан амалга ошиб қолмайди. У жуда кенг тушунч... Дарҳақиқат, Ҳазратнинг иймонга нисбатан кенг қарааш ва асрий даъватлари кейинчалик ҳам ўз ифодасини топди. Одамият буни турли кўринишларда бўлса-да, англаб етди: «Иймон – фақат муайян диний таълимотларнинг маҳрига тушган фавқулодда бойлик эмас. Энг яхши иймон – бўлиб ўтган, ҳо-

зир мавжуд ва энди бўладиган нарсаларнинг ҳаммасида Камолотга интилувчи бир ирода мужассам эканига қатъий ишонч. Кимда-ким шу эътиқодга эга бўлса, у мумкаммаллашиш жараёнида иштирок этади» (Жон Голсупорси). Энг муҳими, бунда инсон ботиний хотиржамлик ва ростликка эришади...

*Дур қулогингда момиқдин бир чигитдур, эл сўзин  
Бу момуқ бирла чигитдин айламассен истимоъ.*

Бу байтда гўё ғазал мақтаъидаги умумлаштирувчи бадиий тафаккурга, аникроғи, «жаваз-ал-иснайни шоъ» иборасининг маъносига рамз қилинади. Яъни қулогинга бир чигитдай, яъни инжудек момиқ пахта тиқилган. Ахир, шу момиқ пахта билан чигит туфайли халқнинг маъноли сўзларини эшитмай қоласан-ку!

Навоий ижодида нафс тарбиясига ҳам зоҳирий, ҳам ботиний жиҳатдан жуда кенг ўрин берилган. Энг муҳими, буни улуғ шоирнинг ўзи амалда бошидан ўтказади ва сўнгра тилга келтиради. Масалан:

*Қут бир бодому ерим гўшаи меҳроб эди,  
Горати дин этти ногаҳ бир балолиг кўзу қоши.*

Байтда қўлланган «бодом», «гўшаи меҳроб» – поэтик тимсол, суфиёна рамз. Бодом – қаноатнинг зайлӣ, поклиқ. Зотан, тасаввуфнинг туб моҳияти ҳам сабр, қаноат, поклиқдир. Гўшаи меҳроб – холи жой, меҳроб бурчаги, масжиdda имом турадиган тепаси қайрилма энг муқаддас жой. Шунингдек, «гўшаи меҳроб» (ёрнинг қайрилма қоши) мажозий маънода ошиқ кўнгилнинг маскани – пок ишқ, илоҳий муҳаббат. Энг муҳими, бу поэтик тимсолни қўллаш улуғ бобомизнинг «Оразин ёпқач кўзумдин сочишур ҳар лаҳза ёш, Ўйлаким пайдо бўлур

юлдуз, ниҳон бўлғач қуёш» деган энг машхур ғазалидан бошланади. Унинг бардавомлиги Навоий ижодиёти сил-силалари оша янада яққол намоён бўла боради:

*Кўзунг фикри била тан хилватида нотавон кўнглум,  
Риёзат айнидиндур кунда бир бодом ила қонеъ.*

Байтда ишлатилган «нотавон кўнгул», «риёзат айни» ва «бодом» – тасаввуфий рамзларга ишора. Нотавон кўнгул – нотинч, бетоқат; бечора кўнгил; доимо ёр васлига муштоқ бўлган кўнгил. Риёзат айни – риёзат назари, ишқ туфайли чекилган риёзат. Бодом – қаноат тимсоли. Бодом нафақат Навоийнинг назмиётида, балки насрый асарларида ҳам жуда кўп маротаба такрор-такрор риёзат, поклик, ҳалоллик, қаноат каби ирфоний рамзларда қўлланилган: «Ва ул (Шайх Алоуддин Хоразмий қ.с.), бодом мағизларидин манга берур эрди ва мен ер эдим. Ва ул емади, бир мағиздин ўзга ё иккидин ўзга». Шунингдек, Навоийнинг «Насойим ул-муҳаббат» асарида бир қатор абдол, шайхларнинг комиллик даражалари, риёзатлари бодом тимсолида жуда теран ифодаланган. Юқорида қайд этилганидек, шеърий образда шоирнинг рухий ва ғоявий қудрати ўз аксини топган бўлади. Энг қизиги, бу билан улуғ шоир кунни бир дона бодом ис-теъмол қилиш билан ўтказдим демоқдалар. Чунки шоир фикрича, ўтмишда нафс ҳақида юзлаб китоблар мужаллад қилинган. Аммо, у амали билан бўлмаса бефойда, яъни қуруқ чўпчак бўлиб қолаверади. Зоро, нафсга бе-рилмаслик шоир ижодиёти маъно миқёсининг амалий интиҳосини белгилайди:

*Беша шерин гар забун қиласанг шижсоатдин эмас,  
Нафс итин қиласанг забун оламда йўқ сендек шужсоъ.*

Байтнинг қисқа мазмуни: баҳодирлик бу ўрмондаги шерни енгишинг дегани эмас, балки ўз нафсингни мағлуб қилишингда намоён бўлади. Ана шундагина бу оламда сенга етадиган жасоратли паҳловон топилмай қолади ва бунга зинҳор ажаблана кўрма!

*Эй Навоий, Тенгри асрорига тил маҳрам эмас,  
Чок кўнглунг ичра тутким «жаваз-ал-иснайни шоъ».*

Мақтаънинг муҳтасар мазмуни: эй Навоий, Тангри сирларига кишининг тили сирдош бўла олмайди. Агар буни астайдил истасанг, энг аввало, кўнгилга ғамни сирдош тут! Шундагина, ботирликнинг ҳар икки белгиси ҳам сенда намоён бўлади... Навоий ушбу ташбих мисолида кишидаги шижаат, ботирлик хислатлари, аслида, ботиний ҳодисалигини назарда тутмоқда.

Хуллас, ғазал зоҳиран кўнгил кўзининг очилиши, ботинан эса орифлик тарзини англаш йўлида қиёсийликни ўзида жо этган бадиий тафаккур маҳсули сифатида Ҳазрат шеъриятида мухим ўрин тутади. Бу ғазал ўзбек миллий поэтик тафаккур тарзида янгича бир тавр уйғотади, киши кўнглида эса инсонийлик шевасини пайдо қиласди.

### **Нўймон лоласи...**

Ҳазрат Алишер Навоийнинг аксар ғазаллари замидаги ботиний ишқ жараёни қанчалик камол топгани сари унинг қатида ранго-ранг суратлар партавлана боради. Аслида, мумтоз адабиётда ишқ бесурат ҳам тасаввур этилаверади: «...Ишқ суратсиз нечун тасаввур этилмасин?.. Ҳатто суратни ишқ майдонга келтирди ва ундан юз минглаб сурат ҳосил бўлди. Булар айни замонда рўёбга чиққан, шаклу шамойил олган суратлардир» (Румий). Улуғ шоир асарларидаги бундай ғазаллар зоҳирий

ва ботиний бадиий кайфият уйғунлигининг маҳсули бўлиб, уларнинг аксари «ҳасби ҳол» руҳида ёзилган. Албатта, ботиний ишқ Ҳолик ва унинг бандаси ҳақиқатини кашф этиши баробарида, хоҳ ўз даври воқеалари, хоҳ мозий сабоқлари мисолида бўлсин, уларга уйғун тарзда камол топади. Уларнинг ҳеч бирини бир-биридан айро тарзда тасаввур қилиб бўлмайди. Кўринадики, ботиний ишқ дарди чек-чегарасиздир. Чунки шоир умрининг сўнгги йилларида ёзилган асарларида ҳам бу тавр муҷассам: «Яна «Фавойид ул-кибар» («Кексалик фойдалари») девони, уни ҳаёт охирида замирим хомаси – хаёлим қалами Чин рассоми устахонасининг ҳасади ва жаннат рашки келадиган қилибдики, унда катталарга фойдаларнинг тоза сувини етказибман ва ҳаваслари шуъласига насиҳатлар сувидан сув урибман...» Энди ана шундай ғазаллар сирасига кирувчи «Фавойид ул-кибар»нинг 343-ғазалини тўла келтирамиз:

*Тоза доз атрофида жиссимида тим-тим қон кўрунг,  
Дарду ғам тогида, ваҳ-ваҳ, лолаи Нўъмон кўрунг.*

*Нафй қилганлар қуруғ жиссими ҳалоку заъфини,  
Танга кўнглумдин тиралган ҳар тараф пайкон кўрунг.*

*Халқ ииғлаб туфроғим бошида юз ҳасрат била,  
Ўқларин ҳар ён таним омоҷида хандон кўрунг.*

*Ғам туни юммас кўзум давринда киприк хайлини  
Сағ чекиб, кўзниң қарорған ҳолига ҳайрон кўрунг.*

*Ишқин этканлар ҳавас, ийнак бу тухматдан мени,  
Боғланиб бўйнум фано бозорида, урён кўрунг.*

*Чарх баҳри нақдини қилған таманно зарралар,  
Мехр гаввосин бу игрим ичра саргардон кўрунг.*

*Үқларидиндур Навоий жисми меҳнат гулбуни,  
Гуллар ийнак тоза қонлиг дөгидин ҳар ён күрунг.*

Ушбу етти байтли ғазал замирида ботиний ишқ бағрида меҳр пинҳон. Буни ғазал ботинидаги пурмаňо рамзлар инкишофисиз тушуниш мушкул. Илло, киши ишқ боис чинакам маънавий ҳаёт завқини, аниқроғи, ижод шавқини ҳис қиласы. Энди байтлар шархига ўтайлик.

*Тоза дөг атрофида жисмимда тим-тим қон күрунг,  
Дарду ғам тозида, ваҳ-ваҳ, лолаи Нўъмон күрунг.*

Маълумки, мумтоз адабиётда дөғ сўзи «куюк», «куйган жой»; «қоралик»; «қиздирилган темир билан инсон ёки ҳайвонлар танасига босилган белги, «нишон», «нақш», «из», «жароҳат» ва «ғам-андух», «қайғу-алам» сингари маъноларда келади. Тим сўзи эса, «томчи», «қатра»; «катта карвонсарой», «усти ёпилган бозор», «раст»; «ғам», «андух» сингари маъноларда келади. Байтда эса, дөғ ва тим сўзларини бадиий маъно оламидаги чексизлик жараёни сари қўлланилган тушунчалар дейиш мумкин. Биринчи мисра ҳасбу ҳол руҳида ёзилган бўлиб, мазмуни қуйидагича: жисмимдаги янги жароҳат атрофида пайдо бўлган қатра-қатра қонни кўринг. Бу худди дарду ғам, яъни гўё ғам тоги теварагидаги лолаи Нўъмон (қизил лола)га ўхшайди. Матлаънинг ботиний маъноси эса қуйидагича: чукур қайғулар боис кўнглимда ғам-андух усти ёпиқ бозордаги шовқин мисоли ҳаракатланади. Бу худди гўё асрлар давомида шаклланган дарду ғам тогининг оҳ-нолалари туфайли унда пайдо бўлган қизил лола аъмолига менгзашдир. Нақадар ғаройиб ташбиҳ! Бу матлаъда шоирнинг бағоят бир ички сукути хукм суреба, бу тарз унинг бутун мазмун-моҳиятини, аниқроғи, чин ошиқнинг ботиний аҳволи руҳиятини,

сини яққол намоён қиласы. Аммо ушбу байтда тажохул ул-ориф санъати құлланилғанligини ҳисобға оладиган бүлсак, унинг замирида яна бир бошқа маъно ҳам борлиги маълум бўлади. Атоуллоҳ Ҳусайнининг ёзишича: «Тажохул ул-ориф»андин ибораттурким, сўзлагучи бир нимани билур, аммо бир нукта била ўзни билмагандек кўрсатур. «Мифтоҳ» соҳиби бу санъатни суку-маълум масоқа ғайриҳ, яъни маълум сўзни номаълум ўрнида юрутмак деб атаптур ва дентурким, мен бу санъатни тажохул деб атамоқни севмасмен, сабаб улдурким, Тенгри таолонинг каломинда воқеъ бўлуптур, Аллоҳ таборака таоло дентур: инна ав иййакум лаъала худан ав фи за-лалин мубин, яъни ҳақиқаттабиз ё сиз ҳар ҳолда тўғри йўлдамиз ё йўлдан очиқ озғанмиз. Бу ояттағи маълумни номаълум йўл била ифода эткан нукта куфр аҳлиға арз этилмиштур» (Атоуллоҳ Ҳусайний. Бадойеъ ус-санойеъ. Таржима, изоҳ ва шарҳлар муаллифи Алибек Рустамов. Т., 1981, 132-бет). Яъни, байтда доғ ва тим сўзлари ло-лаи Нўъмон орқали ўзаро боғланади. Мумтоз адабиётда Нўъмон турлича талқин этилган: масалан, араблардаги Тоиф шахри яқинидаги дарёning номи деб ҳам фараз қилинган. Лекин форсий лугат манбаларга кўра, Нўъмон подшоҳ бўлиб, у аслида тоғдан лола келтириб, парвариш қилгани учун унга лолаи Нўъмон деган нисбат берилган (ФЗТ. – М., 1969, 603-бет). Ҳақиқатан ҳам, ўтмишда шундай нисбатли шахс бўлган. Тарихий манбада қайд этилишича, бу тарз шундай рамзий тус олади: ажам мулкида Яздижирд Бинни Баҳром деган бир золим подшоҳ бўлиб, у 8 йил деганда бир ўғил фарзанд кўради, лекин негадир ўғлини ўша подшоҳ Нўъмон бинни Мунзирга топширади. Нўъмон унинг ўғлини, яъни Баҳромни худди тоғ лоласи сингари хушҳаво ерларда яхши тарбия қилган. Кейинчилик, аниқроғи, отаси вафотидан сўнг, Баҳром Нўъмон ёрдамида золим отаси подшоҳлигини қўлга киритади. У

отаси бузган ишларни тузади ва мамлакатда адолат ўрнатади... («Тарихи мулуккай ажам». – Т., 2000, 234–235-бетлар). Шоир умидича, Ҳусайн Бойқаро ҳам гүё шундай йўл тутганда эди, балки унинг мамлакати келажаги ҳам ана ўшандай тоза булоқ сувини ичиб унган тоғ лоласидек қобил фарзанд қўлига ўтган бўлар эди. Эҳтимолки шундандир, улуғ шоир ушбу ғазални битаётганда унинг тахайюли бир муддат «Мажолис ун-нафоис»нинг 8-мажлисида шоҳ ва шоир Ҳусайн Бойқаро ғазалларидаги ўзи шарҳлаган бир байт таҳлили сари ўрлашган бўлса, не ажаб: «Манзурнинг лаби табассумини ва ўзини қонағон додгини гунчай хандон ва лолаи Нўъмонға ташбих қилибдур ва маъниси шеър саноеъидин «тажохул ул-ориф» услубида хуш воқеъ бўлубтур:

*Айлади лаъли табассум, гунчай хандон эмас,  
Додгини кўнглум қонатти, лолаи Нўъмон эмас.*

Бу санъат иштирокидаги ғазалнинг биринчи байтида ҳайрат изхор қилинса, иккинчи байтида мадҳ мубоблағаси, учунчи байтида зам, яъни жамлаш ёки ташбих, тўртинчи байтида ҳамранглик ёки маломат ва қолган байтларида ҳам ана шундай хусусиятлар ифодаланади:

*Нафй қилғанлар қуруғ жиссими ҳалоку заъфини,  
Танга кўнглумдин тиралган ҳар тараф пайкон кўрунг.*

Байтнинг қисқача мазмуни: эй рад қилувчилар ахли, агар қуриган жиссими ни заифлашиши ёки фано бўлишини кўрмоқчи бўлсангиз ҳар тарафдан танамга тирагиб турган камон ўқларига боқинг.

*Халқ йиғлаб туфроғим бошида юз ҳасрат билади,  
Ўқларин ҳар ён таним омочида хандон кўрунг.*

Байтнинг муҳтасар мазмуни: ҳалқ бу оламдан ўтганимдан сўнг тупроғим бошида юз ҳасрат билан йифлади. Аслида, кўксим гўё азалдан ўқ отиб машқ қилиш учун бир нишон бўлганлигини билишгач, яъни ҳар тарафдан кўксимга йўналтирилган ўқларни кўришгач хандон отиб қулишади.

*Ғам туни юммас кўзум давринда киприк ҳайлини  
Саф чекиб, кўзниң қарорган ҳолига ҳайрон кўрунг.*

Байтнинг умумий маъноси шундай бадиий тафаккурни тақозо қиласди: андуҳ туни, яъни қўнглим ўша ғамга ботган қоронғу тунда гўё кўзим теварагидаги мижгон гуруҳлари бу аҳволимдан огоҳлиги боис мижжа қоқмадим. Шунда улар, яъни киприклар тўдаси гўё аскарлардек саф тортиб, ғамдан қорайиб торайган кўзимнинг бу маҳзун ҳолатига лолу ҳайрон боқишиди.

*Ишқин этканлар ҳавас, ийнак бу түхматдан мени,  
Богланиб бўйнум фано бозорида, урён кўрунг.*

Бунда Навоий шундай бадиий тафаккурни илгари суради: ёр ишқини ҳавас этганлар шу ишқ боис, яъни зиммамдаги ана шу оғир савдо туфайли мени фано бозори кўйида иложсиз, имконсиз холи қолганлигимни кўриб таажжубландилар. Ёки: маъшуқа ишқини ҳавас этганлар шу ишқ боис, менинг гарданим фано бозорида иложсиз, имконсиз яланғоч қолганлигимни кўриб қаттиқ таажжубландилар.

*Чарх баҳри нақдини қилған таманно зарралар,  
Мехр гаввосин бу игрим ичра саргардон кўрунг.*

Байтнинг умумий мазмуни: аслида, даврон қимматбаҳо хазиналарга тўла дengiz ашёларини орзу қилганли-

гига сабаб зарралар – нурлардир. Агар ана шу нурлар ден-гизни ёритмаганида эди, кишилар бу гўзалик сирларидан воқиф бўлмас эдилар. Уни орзу қилишга ҳожат қолмас эди. Мехр ғаввоси, яъни сув ичига шўнғиган ёки балқиган қуёшнинг ўзи эса, гўё ҳеч нарсадан бехабардек бу гирдоб ичида сарсон-саргардан бўлиб юрганини қўринг!

*Ўқларидиндур Навоий жисми меҳнат гулбуни,  
Гуллар ийнак тоза қонлиг дөгидин ҳар ён кўрунг.*

Мақтаънинг қисқача маъноси: ўша ўқлардан Навоий жисми гўё дард гулларига айланди. Бунинг бари, яъни шу умид гулларининг униб-ўсиши худди шундай бафоят даражада покиза қонлик сирли доғ туфайлидир.

Умуман, ғазал, хусусан, ундаги ишқ ва сурат образлари замиридаги ботиний туйғу ва тимсолларнинг беназиру бетакрорлиги кишини ҳайратга солади. У ботинан ишқ маъноларига бойлиги, суратан эса, ишқ йўлида бетимсол қиёсийликни ўзида жо этган гўзал бадиий тафаккур жараёни сифатида Ҳазрат ғазалиётида мухим ўрин тутади. Бу ғазал китобхон тасавурида ишқни сурату суръатлантиради ва унинг тафаккур тарзида янгича бир эврилиш пайдо қиласди.

### Ишқ ҳавоси

Алишер Навоийнинг ҳар бир ошиқона руҳда ёзилган ғазали замирида «ошиқи покбоз»нинг забун ҳолати, сурату сийрати ва унинг ботиний ҳазинлиги мунаққаш этилган. Зеро, бу синоатни улуғ шоир кўнглига, аввало, азал ишқ суратгари (Оллоҳ) нақш этган эди. Албатта, ошиқнинг ҳижрон онларидағи маҳзун аҳволи руҳияси, тимсол-тасвири, аслида, миллий мумтоз адабиётимиздаги энг кўхна мавзулардандир. Лекин шу кўхна мавзу Ҳазратнинг нақадар пурдард шеъриятида янада ян-

ги-янги күринишларда күнгиллардан-күнгилларга ўтиб бардавом этган. Чунки шоир шеърияти хузн тасвири-нинг бу қадар синоатдорлиги киши күнгил мулкининг ички кенгликларига ҳам турлича жило билан таъсир қиласди. Улуғ шоир асарларидағи бундай ғазаллар зохирий ва ботиний бадиий кайфият уйғунлигининг маҳсулли бўлиб, уларнинг аксари «ҳасби ҳол» руҳида ёзилган. Энди ана шундай ғазаллар сирасига кирувчи «Наводир уш-шабоб» («Йигитлик нодирликлари»)нинг 504-ғазалини тўла келтирамиз:

*Агар ишқинг ҳавосида ёғар ҳар жола тоши ўлсун,  
Нишиона ҳар бирига, дермен, ушибу хаста боши ўлсун.*

*Йузунгнунг меҳридин бир зарра сотмон, гар фалак  
жавфи,  
Тўла бўлсан филурӣ, ҳар филурӣ бир қуёши ўлсун.*

*Ситам зангин темурдек күнглидин, ваҳким, қира  
олмас,  
Нечаким нолаи зоримда суҳондек хароши ўлсун.*

*Қуёшини бўлмас, эй гардун, ул ойга айламак ташбих,  
Оғиз гар зарра, Чўлпон – кўз, янги ой анга қоши ўлсун.*

*Агар пайконларинг кўз истабон топти кўнгул, гам йўқ,  
Келиб ииғлар маҳал ул қатра сулар кўзга ёши ўлсун.*

*Сипоҳий ҳуснунга бир маҳчаси рахишон алам бўлгай,  
Қуёши кўзгусига оҳим сутуни гар тутмоши ўлсун.*

*Кўнгулда сирри ишқин асрай-асрай ўлдум, эй соқий,  
Қадаҳ тутким, харобот аҳлига фоши ўлса фоши ўлсун.*

*Күнгүлга жон била бир дөгинг оздур, қүй яна бир ҳам,  
Нече икки гадога бир дираң узра талош ўлсун.*

*Үларда тенгдүүрүр шоҳ айласун гулшан гулин мафраш,  
Вагар гулхан кули узра гадо соҳибфирош ўлсун.*

*Навоий ашик дүрридек тиларким күзда ер бергай,  
Агар ишқинг ҳавосида ёғар ҳар жола тош ўлсун.*

Ушбу 10 байтли ғазал азалий сурат ва маъно мутано-сиблигига қай тарзда дахлдорлиги борасидаги тасаввуримизни янада кенгайтиришда муҳим адабий манба бўлиб хизмат қиласди. Энди байтлар шарҳига ўтайлик.

*Агар ишқинг ҳавосида ёғар ҳар жола тош ўлсун,  
Нишиона ҳар бирига, дермен, ушибу хаста бош ўлсун.*

Улуг шоирнинг бу матлаъи бафоят бир жўшқин кай-фиятда ёзилган бўлиб, ғазалнинг бутун мазмун-моҳиятини, аникроғи, ошиқнинг ахволи руҳиясини яққол на-моён қиласди: агар илоҳий жазба теккан ошиқ кўнглим, яъни ишқ ҳавоси ичра ёр ишқи кўйида руҳий парвоз қиласар маҳалида бордию фалакдан, яъни самодан дўл ёғса тош бўлсин. Чунки чин ошиқ учун кавну макон кенгликларида писанд эмас. Илло, у руҳий ҳаракатда – бу йўлда фано бўлишга тайёр. Бунга бир белги сифатида, энг аввало, бу «ошиқи покбоз», яъни илоҳий ишқ кўйида bemor – Навоий тошга айланган ёғинларнинг ҳар бирига бош бўлсин. Бу суратланиш ғазал мисралари оша бардавомдир:

*Юзунгнунг меҳридин бир зарра сотмон, гар фалак  
жавфи,  
Тўла бўлсан филурий, ҳар филурий бир қуёш ўлсун.*

Юз (сурат)нинг Навоий тахайюл ва тасавурида жилоланган мужассами, айниқса, Румий Ҳазратлари талқинида янада равшанлашади: «Сурат (юз) ишқ нуридир. Чунки ишқсиз у ҳам қийматдан маҳрум. Нур – аслсиз номавжуд нарса. Шунга кўра, Тангрига сурат дейилмаганидек, нур ҳам дейилмайди. Чунки сурат нурдир.

Бири: «Ишқ суратсиз бўлмаганига, рўёбга чиқмаганига кўра суратнинг нури бўлиши керак» – дейди. Биз «Ишқ суратсиз нечун тасаввур этилмасин?» – деймиз. Ҳатто суратни ишқ майдонга келтириди ва ундан юзминглаб сурат ҳосил бўлди. Булар айни замонда рўёбга чиққан, шаклу шамойил олган суратлардир». Зоро, юз илохиёт жамоли тимсоли ва комил инсон чехрасидир. Айни маънода ушбу байт мазмуни қуйидагича: эй ёр, юзингнинг меҳридан, яъни нуридан ҳам бирорта зарра сота олмайман. Чунки сени қуёшдек меҳринг, яъни нуринг менинг ошиқ қалбимни қиздирди. Жамолинг мушоҳадаси кўнглимда кучли завқ-шавқ пайдо қилиб бўлди. Модомики шундай экан, бу ишни қилмаслик эвазига менга фалак осмон тўла қуёшдек-қуёшдек келадиган тиллаларни ҳадя этса ҳам мен уларни рад этаман.

*Ситам зангин темурдек кўнглидин, ваҳким, қира  
олмас,  
Нечаким нолаи зоримда суҳондек харош ўлсун.*

Байт мазмуни: кўнглимдан чиқаётган нолаю зоримнинг эговдай хириллашига барҳам бериб бўлмагани сингари ундаги зулм-ситам зангларини қириб олиш ҳам гўё темирни қиргандай оғир юмуш. Бу байтни яна қуйидагича талқин қилиш мумкин: агар инсон жаҳон молига қаттиқ боғланса, кўнглини занг босиб, темирдай қалб соҳибига айланади. Бундай кўнгилни дунё зангларидан тозалаш нақадар мушкул.

*Күёшни бўлмас, эй гардун, ул ойга айламак ташбих,  
Оғиз гар зарра, Чўлпон – кўз, янги ой анга қош ўлсун.*

Аввало, ушбу байтдаги энг характерли сўзга эътиборни қаратайлик. Бу – «чўлпон» сўзиdir. Бу сўз Алишер Навоий асарларида «ёруғ тонг юлдузи»; «гўзал», «чиройли», «порлок» сингари маъноларда қўлланилади. Умуман, мумтоз адабиётда «Чўлпон» – «Зухра», «Ноҳид» номлари билан ҳам юритилади. У «куёш системасидаги тўққизинчи катта сайёralардан бири, Ерга энг яқин, қуёшдан ҳисобланганда иккинчи сайёра» хисобланади. Форсий ривоятларга кўра эса, у афсунгар Ҳорут ва Морут ошиқ бўлган аёлдир. Улар ҳақида Куръони Карим «Бақара» сурасининг 102-оятида мұжда, яъни хабар келтирилган. Аникроғи, бунда яна шундай маъно бор: ишқ шундай таврдирки, бу кўйга тушган инсон-ку инсон, то ҳатто фаришталар-да йўлдан озишлари муқарар. Зеро, ўша малоиклардан бири, яъни Ҳорут ишқ туфайли қўқдаги юлдуз оҳанжамасига, иккинчиси, Морут ердаги бани башар авлодига мансуб бўлган аёл жинсига ошиқи бекарор бўлиб қолган эди.

Ушбу байтда «муроатун-назир», яъни «мутаносиб» (Изоҳ: бир-бирига мос ва монанд лафзларни бир байтда тўплашдир. Масалан, қуёш ва ой, кўз ва қош сингари сўзлар) бадиий санъати қўлланилган. Бу санъат мумтоз адабиётда «таносуб», «талфикс», «тавфикс», «ийтилоғ» деб ҳам юритилади (Атоуллоҳ Ҳусайнин. Бадойеъ ус-санойеъ. Таржима, изоҳ ва шарҳлар муаллифи Алибек Рустамов. Т., 1981, 232-бет).

Шоир фикрича, Күёшни Тонг юлдузи-ку Тонг юлдузи, балки у ойга ҳам ташбих қилиб бўлмайди. Эй фалак, нидоимни эшит! Майли, ташбихда сенга бир йўл кўрсатай. Агар сен ёрнинг оғзини бир зарра деб билсанг, унинг шахло қўзини Чўлпон юлдузи, қошини эса, янги

чиққан ойга қиёс қила қол?! Бу ўринда Навоий «чўлпон» сўзини гўзаллик тимсолида қўллаш баробарида сонияда минглаб чақирим йўлни босиб ўтадиган тез учар сайёра – Чўлпон, аммо у вафо, муҳаббатда ҳеч қачон қуёшдек гаронжон, яъни оғир, вазмин бўла олмаслигини поэтик рамзларда ифода этади.

*Агар пайконларинг кўз истабон топти кўнгул, гам йўқ,  
Келиб ииғлар маҳал ул қатра сулар кўзга ёши ўлсун.*

Байтнинг муҳтасар маъноси: киприкларинг гўё найзадек кўнгилга санчилишни истаган бўлса, начора. Бундан ғам йўқ. Чунки йифи келган маҳалда, ўша найза теккан кўнгил булоғидан кўз очган чашма сувлари вақти келиб сўқир кўзларга кўз ёш бўлишга асқотиши мумкин.

Навоий Ҳазратлари ғазалларида ошиқнинг ҳолати қанчалар забун бўлишидан қатъи назар, унинг рухи самолар қадар юксак экани гўзал шоирона ташбих воситасида тараннум этилади:

*Сипоҳий ҳуснунга бир маҳчаси ражишон алам бўлгай,  
Куёши кўзгусига оҳим сутуни гар тутоши ўлсун.*

Ушбу байтда шундай бадиий тафаккур илгари суриласди: сипоҳий, яъни ҳарбий хизматчи сенинг жамолингга түғнинг учига ўрнатилган олтиндан ясалган яrim ой шаклини тутгани монанд менинг оху нолаларимдан ясалган устун қуёш кўзгусига рўбарў бўлиб, куйса-куйсин!

*Кўнгулда сирри ишиқин асрай-асрай ўлдум, эй соқий,  
Қадаҳ тутким, ҳаробот аҳлига фоши фоши ўлсун.*

Байтда қўлланилган «соқий», «қадаҳ» ва «ҳаробот» – тасаввуфий рамзларга ишора. Соқий – пири комил, Ҳаққа

етишган киши; маърифат булоғи. Қадаҳ – май ичиладиган идиш; ориф инсон қалби. Харобот – пир даргохи, пири комил хузури, комил инсонлар йиғини. Ана шу маъноларга кўра байт мазмуни қуйидагича: кўнгилда ишқ сирин асрәйвериб тоқатим тоқ бўлди. Эй пир, комил инсонлар ахлига бу маҳфий сирим, яъни Ҳаққа ошиқлигим ошкор бўлса бўлсин, энди менга «қадаҳ» тут!

*Кўнгулга жон била бир дөгинг оздур, қўй яна бир ҳам,  
Неча икки гадога бир дирам узра талоши ўлсун.*

Маълумки, мумтоз адабиётда дод сўзи «куюқ», «куйган жой»; «қоралик»; «қиздирилган темир билан инсон ёки ҳайвонлар танасига босилган белги, «нишон», «нақш», «из», «жароҳат» ва «ғам-андух», «қайғу-алам» сингари маъноларда келади. Байтда эса, дод сўзи кўпроқ «ғам-андух» маъносида келган. Байт мазмуни қуйидагича: икки гадо бир дирам устида талашгани унинг камлигидандир... Лекин сен кўнгилни унга ташбиҳ қила кўрма! Ахир, кўнгил битта бўлса ҳам, унга битта ғам-андуҳинг камлик қилади, шу туфайли яна ғам-андуҳлар қўшавер!

*Ўларда тенгдуурүр шоҳ айласун гулшан гулин мафраш,  
Вагар гулхан кули узра гадо соҳибфирош ўлсун.*

Бу байтда шундай ҳикматли маъно бор: майли, бу ўткинчи дунёда шоҳ, то ҳатто дунёдаги барча чаманзор гулларидан гилам қилиб устига ўтирсин, гадо эса, буни акси ўлароқ, гулхан кулидан ўзига тўшак қилсин! Аммо, ҳар иккиси ҳам оламдан ўтгандан сўнг улардаги ўша фарқ йўқолади, яъни уларда тенглик пайдо бўлади.

Улуғ шоирнинг ушбу ғазалида матлаъдаги биринчи мисра мақтаъда иккинчи мисра бўлиб қайтарилади.

Мумтоз адабиётда бу санъат лафзий санъат турларидан ҳисобланиб, у«радди матлаъ» деб юритилади. Бу ҳолатни ушбу ғазалнинг мақтаъидан билиб олиш мумкин:

*Навоий ашк дурридек тиларким кўзда ер бергай,  
Агар ишқинг ҳавосида ёғар ҳар жола тоши ўлсун.*

Мақтаъ маъноси: Навоий кўзида абадий макон тутиш учун дуру жавоҳирга ўхшаш кўз ёш истайди. Гарчи бу йўлда, яъни ёр ишқига етишиш орзуси йўлида кўқдан ёғаётган ҳар бир дўл унинг бошига тошдек урилсин! Лекин, у бу ботиний аҳдидан ҳеч вақт қайтмайди, аксинча, унга тоабад содик қолади.

Умуман, ғазал, хусусан, ундаги «юз», «ишқ» ва «хусн камоли» образлари замиридаги туйғу ва тимсолларнинг беназири бетакрорлиги кишини ҳайратга солади. У ботинан ишқ маъноларига бойлиги, суратан эса, ишқ йўлида бетимсол қиёсийликни ўзида жо этган бадиий тафаккур маҳсули сифатида Ҳазрат ғазалиётида муҳим ўрин тутади. Бу ғазал китобхон тасаввурида ишқни сурату суръалантиради ва унинг тафаккур тарзида янгича бир эврилиш пайдо қиласди.

### Ишқ ифшоси

Алишер Навоий назарида сўз қоидасига мунтазам риоя килиш – шеърий тафаккур тарзи учун ниҳоятда муҳим омил эди. Эҳтимол шундандир, шоир ижодида такрор қўлланилган сўз аслида бетакрор маънога эга. Унинг ғазалиётида ҳар бир сўз ёки тимсол маъносининг зидди бор.

Сир эмаски, шоир ғазаллари замирида ботиний ишқ мужассам. Зотан, шоир фикрича, илоҳий ишқ, аслида ботинийдир. Албатта, Шарқ шеъриятида уни китобхонга уқтириш учун турли бадиий воситалардан, то ҳатто зоҳирий тимсол-размлардан кенг фойдаланилади. Бунда

китобхоннинг зоҳирий мушоҳадалардан сўнггина ботиний маъно сари интилиши кўзда тутилган. Биз қуида ана шундай ғазаллар сирасига кирувчи «Бадоеъ ул-васат»нинг 51-ғазалини шарҳлашга уринамиз.

*Ишқинг ихфосига не янглиғ бўлайин муртакиб  
Ким, бўлурмен, ҳар киши отингни тутғач музтариб.*

Эйки, дерсен: бормасун ул юз сари қўнглунг қуши,  
Ким кўрубтур шаъмдин парвона бўлмоғ мужстаниб.

Кўрмаган мушикин саҳоб ичра паёпай соиқа,  
Дуди оҳимдин дамо-дам шуълалар кўр мултаҳиб.

Гаҳ кўзидин ўлтуур, гоҳи лабидин жон берур,  
Шўхлигидиндор анга ҳар дам бурайи мунқалиб.

Риндлар, ифлосдин ғам йўқ, тўкилган бодадин  
Айш этарсиз, чунки муг дайрига кирди муҳтасиб.

Итларингга нисбатимни рост қилсан, Каҳф ити  
Одамиларга ўзин қилган кебидир мунтасиб.

Маркабинг жавлонида бошин Навоий қилди гўй,  
Ишқ аро бўлди ажаб саргашталикка муртакиб.

Бу ғазал ўқувчига Шарқ шеъриятига хос лирик ишқнинг не чоғли руҳий мақомда эканлигини янада чукуророқ англатишга қаратилган.

Энди байтлар шарҳига ўтайлик.

*Ишқинг ихфосига не янглиғ бўлайин муртакиб  
Ким, бўлурмен, ҳар киши отингни тутғач музтариб.*

Аввало, ушбу матлаъдаги энг характерли сўзга эътиборни қаратайлик. Бу – арабча ихфо сўзи. Зеро, унинг замирида шоир назарда тутган ажиг бир манзара ниҳон. Бу сўз Алишер Навоий асарларида «яшириш», «бекитиш»; «махфий» сингари маъноларда қўлланилади. Умуман, мумтоз адабиётда бу сўз «ифшо» – «фош этиш», «очиши», «ошкор қилиш» маъносидағи сўзниң зидди сифатида келади. Айни маънода матлаънинг қисқача мазмуни қўйидагича: гўё ҳар бир киши номингни тилга олганида қаттиқ изтироб чекаман, токатсизланаман. Бас, шундай экан, қандай қилиб яширин, аниқроғи, ботиний ишқинг сари отланаман! Шоир фикрича, аслида чинакам ишқ хоҳ заминий, хоҳ мажозий, хоҳ ҳақиқий бўлсин, у маҳфийдир. Зеро, бу ҳол, айниқса, хос кишиларининг наинки кўз, юз, то ҳатто кўнгил ифодаларида ҳам сезилиб турмаслиги жоиз. Бу – сир... Аммо киши бу йўлда доимо руҳий ҳаракатда бўлмоғи маъқул.

*Эйки, дерсен: бормасун ул юз сари кўнглунг қуши,  
Ким кўрубтур шаъмдин парвона бўлмоғ мужстаниб.*

Байтнинг қисқача мазмуни: яна дейсанки, кўнглинг қуши маъшуққанинг гўзал юзи сари ҳаводис қилмасин! Бунинг ҳеч имкони йўқ. Ахир, ҳеч кўрган ёки эшитган-мисан парвона ўзини шамдан олиб қочганини?!

*Кўрмаган мушкин саҳоб ичра паёпай соиқа,  
Дуди оҳимдин дамо-дам шуълалар кўр мултаҳиб.*

Бунда шундай бадиий фикр илгари сурилади: гарчи чақмоқ қора булатлар тўқнашувидан ҳосил бўлса-да, лекин ҳеч вакт у ўша ерда кўним топмаган. Бу ҳолат худди ботиний ишқ дардлари маҳсули бўлган, яъни ўтли оҳимдан алангаланиб чиқаётган шуълалар аъмолига менгзашдир. Нақадар гаройиб ташбиҳ!

*Гаҳ қўзидин ўлтуур, гоҳи лабидин жон берур,  
Шўхлигидиндур анга ҳар дам бурайи мунқалиб.*

Байтнинг қисқача маъноси: ёр гоҳ фаттон кўз қа-  
рашлари билан кишини фаноликка маҳкум этса, гоҳида  
эса буни акси ўлароқ, лабидан чучук сув бериб яна ки-  
шига жон ато этади. Буларнинг бари, яъни ёрнинг ўзга-  
рувчан феъли унинг шўхлиги туфайлидир.

*Риндлар, ифлосдин гам йўқ, тўкилган бодадин  
Айш этарсиз, чунки муг дайрига кирди муҳтасиб.*

Байтнинг дунёвий мазмуни: эй ринд ахли, яъни май-  
парастлар, аслида сизларни қашшоқликдан ҳеч ғамин-  
гиз йўқ. Баъзан ўз риёкорлигингиз учун ҳар қанақасига  
бўлса ҳам йўл топасиз. Агар дин нозири (яъни шариат  
қоидаларининг бузилмаслиги учун масъул бўлган шахс)  
майхонангизга ташриф буориб қолса, унга етти қатла  
букилиб таъзим бажо келтирган киши бўлиб, филҳол  
ерда тўкилиб ётган майни ялаб-юлқаб айш ҳам қила-  
сиз! Сиз гўё бу орқали ўзингизни қанчалик итга тақ-  
лид қилганингиз билан, аслида, ит садоқати олдида ҳеч  
ким эмассиз. Аммо байт замирида яна шундай суфиё-  
на маъно ҳам бор. Байтда қўлланилган «ринд», «бода»,  
ва «муғ дайри» – тасаввуфий рамзларга ишора. Ринд –  
пири комил, Ҳаққа етишган киши. Бода – илоҳий тажал-  
лийдан сархушлик, илоҳий нусрат ва ишқ. Муғ дайри  
– пир даргоҳи, пири комил хузури. Айни маънода байт  
мазмуни қўйидагича: эй риндлар, ҳаробот ахли, сизлар  
аслида чорасизликдан ҳеч ғам чекмайсиз, ахир, ана шу  
чорасизликдан етишиб чиққансиз. Демак, бундан қано-  
ат, факр йўлига кирган кишилар, аниқроғи, хокисорлик  
рутбасига қўтарилилганлар Ҳақ йўлида мудом ит сингари  
вафодордирлар, деган ботиний маъно келиб чиқади.

*Итларингга нисбатимни рост қилсам, Каҳф ити  
Одамиларга ўзин қилган кебидир мунтасиб.*

Улуғ шоир юқорида келтирилган бадиий кайфиятдаги мавхумликни энди ушбу байтда янада аниқроқ давом эттиради: худдики, останангдаги итларни ўзимга яқин олганлигимни рўй-рост айтсам, аслида бунга боис ўша садоқатли, яъни «Каҳф ити» тимсолидир. Чунки бу ит ўзини одамзодга алоқадор, гўё азалдан қандайдир боғлиқдек тутди. Бу чин вафо рамзи шу эмасми? Бу Мусҳафнинг ўн саккизинчи «Асҳоб ул-Каҳф» – «Фор эгалари» сурасидаги Тамлиҳо, Иғсиг Мино, Мартолус, Сарриниус, Зу Анас (айрим диний манбаларда бу исмлар бошқачароқ тарзда ҳам юритилган) исмли йигитлар ва уларга йўлда эргашган Қитмир лақабли ит қиссасига ишорадир. Яъни улар Дақёнус замонидаёқ имон келтирган ва бу воқеа дин тарихида ғор кишилари номи билан машҳур бўлган. Бунда, асосан, имон, эътиқодталаблик йўлида, ҳатто фанони афзал кўрган йигитларга эргашган Қитмир номли итнинг илохий садоқатига рамз қилинган. Зеро, улар Тангрининг марҳамати билан шу ғорда, «Асҳоб ул-Каҳф» ғорида 309 йил уйқуга кетишади... Дарҳақиқат, шоир бошқа ўринларда ҳам чин садоқат, вафодорликни фақат Каҳф ити тимсолидагина ифодалаган. Демак, шоир бунда ошиқ ишқ йўлида худди Асҳоби Каҳф ити, яъни Қитмир сингари содик қолишига ишора қилинган. Бунда инсон қанчалик оддий, хокисор ҳаёт кечирса, моддий кўз билан кўриб бўлмайдиган маънавий ҳаёт неъматларидан чинакам баҳраманд бўлади, деган бадиий кайфият илгари сурилади.

*Маркабинг жавлонида бошин Навоий қилди гўй,  
Ишқ аро бўлди ажаб саргашталикка муртакиб.*

Шоир одатдагидек бу мақтаъда ҳам умумлаштирувчи бадиий фикрни мутараққий эттиради. Яъни елдиримдай (лирик маъшуқанинг оти назарда тутилган) елиб бораётган чопқир отинг пойига Навоий ўз бошини худди чавгон тўпи сингари ташлади. Бу эса, ишқ туфайли ҳайратланарли ажаб саргашталикка боис бўлди.

Хуллас, ғазал ботинан мажозий ишқ маъноларига бойлиги, зоҳирان эса, садоқат, вафо йўлида қиёсийликни ўзида жо этган бадиий тафаккур маҳсули сифатида Ҳазрат шеъриятида муҳим ўрин тутади. Бу ғазал ўзбек миллий поэтик тафаккур тарзида янгича бир тавр уйғотади, киши кўнглига эса ишқ доимо руҳий ҳаракатда бўлмоғи жоизлигини солади.

### «Мехр юз кўрмай ўчашди...»

Алишер Навоий Ҳазратларининг жуда кўп ғазаллари ишқ, яъни илоҳий муҳаббат мавзуида. Ғазаллар замирида эса, улуғ шоирнинг сўзи қадар қадр топган шахсияти, пок эътиқоди, садоқати, юксак бадиий тафаккури, илоҳий туйғуси ва, энг муҳими, унинг гўзал ҳақиқати мужассамдир. Бу сунъийликнинг зидди ўла-роқ, ҳаёт билан бақамти кайфиятда кўз очиши бот-бот ҳайратлантиради. Чунки ўз даврининг ҳам эҳтимолият, ҳам заруриятига кўра Навоий ижодиётидаги бундай ғазаллар нафақат тасаввуф илми, балки шариат, тариқат, маърифат ва ҳақиқат илмларининг ўзаро уйғунлигига юзага келган ғаройиб туйғу ва тафаккур маҳсулидир. Улуғ шоир ғазалларини биргина шариат ёки тариқатга боғлаб талқин қилиш ҳақиқатдан йироқ, албатта. Эҳтимол, шунинг учун ҳам, етти яшардан етмиш яшаргача банибашар авлоди борки, улардан ўзига хос тарзда баҳраманд бўлаверади. Бундай хусусият шоирнинг биз қуида қурбимиз етганча шарҳлашга уринмоқчи бўлган ушбу ғазалида ҳам ўз аксини топган.

*Жаҳдим андоқдур етишигайменму деб васлингга бот,  
Ким қабул этман оғир деб чиқса эгнимдин қанот.*

*Сабр този бирла қилмоқ пўя бўлмас, эй кўнгул,  
Ташла ул юкни етишимак истасанг васлига бот.*

*Шаҳсуворимнинг буроқи пўясидин қолди барқ,  
Ким анинг феъли шитоб эрмиш, мунунг расми сабот.*

*Кўп Maciҳодин дам урма, қил ҳаётингни Туфайл  
Ангаким, топмии Maciҳ онинг туфайлидин ҳаёт.*

*Мехр юз кўрмай ўчашиби пардадин чиққач юзунг,  
Олгали қўймас сариг юзин қора ердин уёт.*

*Чун юди кўзлар саводин ашк ёрут юз очиб,  
Ким дирамсиз элга бой эл фарздор бермак закот.*

*Эй Навоий, хоки поии васфида ширин сўзунг  
Бор биайнүх тўтиё ичинда солғандек набот.*

Бу – «Ғаройиб ус-сиғар»нинг 73-ғазали бўлиб, етти байтдан таркиб топган. Ғазал юқори тахайюл ва бетак-рор ботиний ишқ туйғуларини ўзида мужассам этган. Унинг ўзига хос хусусияти шундаки, китобхонга шарқ шеъриятига хос илоҳий ишқнинг самолар қадар юксак мақомда эканлигини янада чукурроқ англатади.

Энди байтлар шарҳига ўтайлик.

*Жаҳдим андоқдур етишигайменму деб васлингга бот,  
Ким қабул этман оғир деб чиқса эгнимдин қанот.*

Ёр васлига етишиши нақадар мушкул бир савдо... Чунки у чек-чегарасиздир. Чексизликнинг чекларига етар-

манму, – деб шоир Ҳаққа ёлворади. Унинг «жаҳди», яъни шаҳду шиддату жасорати ич-этига сифмаса нетсин! Айни маънода матлаънинг мухтасар мазмуни қуидагича: эй маҳбубам, ҳозир шундай бир ҳолатдаман, яъни илоҳий ишқ ичра васлингга етишиш орзусида шу қадар ҳам ғайратли, ҳам бехудманки, бордию эгнимдан қанот ўсиб чиқса, уни оғир деб қабул қила олмайман. Аникроғи, на нағимни, на зараримни биламан. Зеро, бу таврни ботинан англаш учун ўзимда қурб топа олмаяпман.

*Сабр тоги бирла қилмоқ пўя бўлмас, эй кўнгул,  
Ташла ул юкни етишимак истасанг васлига бот.*

Ушбу байтда шундай бадиий тафаккур бор: сабр тоғи, яъни ботиний сабрнинг юки шундай оғирки, аслида у билан ҳеч вақт юксак орзуларга, айниқса, ёр васлига етиб бўлмайди. Чунки ботиний сабр юки билан маънавий жиҳатдан елиб-югуриб бўлмайди. Шунинг учун, эй кўнгил, агар маҳбуба васлига етишишни чиндан истасанг, аввало, бу юкни ташла, яъни ундан халос бўл! Бу байтдаги мавхумлик ёки тугал маъно кейинги байтда ойдинлашади:

*Шаҳсуворимнинг буроқи пўясидин қолди барқ,  
Ким анинг феъли шитоб эрмииш, мунунг расми сабот.*

Бунда шаҳсувор сўзи чавандоз ёки гўзал маҳбуба эмас, балки сўнгти мурсал маъносига келяпти. Бу сўз-нинг қаратқичи буроқ – диний эътиқодга қўра, учар от бўлиб, Муҳаммад (с.а.в.) Меъроҷ туни унга миниб Маккадан Байт ул-муқаддасга, у ердан самога кўтарилганлар. Меъроҷ тунида сўнгти мурсалдаги шитоб, яъни маъшуқ васли қуидаги суръат шу даражада тез эдики, ҳатто ётган ўрни совимасдан яна тунги тўшагига қайтиб

тушди. Бунинг акси ўлароқ, улуғ шоир ишқ йўлида гўё ўзидаги суст ҳаракатни таҳқирлади. Кейинги байтлардағи ташбиҳлар ана шу бадиий тафаккурни тўлдиришга хизмат қиласди.

*Кўп Masixodin дам урма, қил ҳаётингни Туфайл  
Ангаким, топмии Masix онинг туфайлидин ҳаёт.*

Мазкур байтдаги энг характерли сўзга эътиборни қаратайлик. Бу – арабча туфайл сўзи. Зоро, унинг замирада улуғ шоир назарда тутган ажиг бир тимсол мужассам. Туфайл Алишер Навоий асарларида «чакирилмаган меҳмон», «Ўзи чақирилмаган бўлса ҳам, чақирилган кишилар қаторида, уларга эргашиб, тўй-маъракаларга борувчи»; «сабаб», «боис», «баҳона», «важ-корсон», «восита» сингари маъноларда кўлланилади. Умуман, диний адабиётларда бу тимсол «араблар қабиласига мансуб Умайя авлодидан бўлган Туфайл исмли шахсdir. У жуда камбағал, факир бўлганлиги туфайли, ҳатто бирорларни кига меҳмондорчиликка ҳам бора олмаган. Демак, шоир бунда қайсиdir маънода камбағаллик айрим кишилар назарида фазилат бўлмаслиги мумкин, лекин бу айб ҳам эмас, деган бадиий тафаккурни илгари суради. У камбағал, факирдир, лекин ботинида ажиг меҳрга ташна садоқатли кўнгил яширин. Ахир, азалдан тақдир, аниқроғи, илоҳий ҳукм унга шу факирликни ихтиёр этган бўлса, не ажаб. Ҳолбуки, шоир Туфайл шахсида қандайдир бир илоҳий ҳикмат борлигини кўради. Энг муҳими, унинг ўз шахсий олами мавжуд. Шунингдек, у ҳаётда доимо ўз жодасини, яъни ўрнини яхши билади. Айни шу жиҳатлари билан бошқалардан фарқланиб туради. Яна унда Худо берган шундай табиий булоқ сувидай жиҳат мавжуд: у кимсалар меҳмондорчилигига бориш учун бойиш у ёқда турсин, ҳатто бу тарзни хаёлига ҳам келтиролмайди. Улуғ

шоир ушбу байтда гўзал ташбих орқали айни шу ҳолатга рамз-ишора қилганининг эҳтимоли кўпдир. Чунки давр ахли унинг сўзини англаши қийин. Айни маънода байтнинг қисқача мазмуни куйидагича шарҳланади: Масиҳнинг кишига ҳаёт бағишловчи нафаси ҳақида кўп гапириш айни дамда унчалик жоиз эмас, балки кишига худди Туфайлдай оддий, табиий ҳаётингни бахшида эт! Зеро, бундан ҳатто Масиҳнинг ўзи ҳам жон топган бўларди. Эҳтимолки, бунда улуғ шоир ҳаёлотида яна шундай бир сирли рамз ўрлашган. Яъни бунда Масиҳ – Исо келажакдаги ўз тақдирি – вақти-соати етганда, тўртинчи осмондан Ерга тушиб, гўё чакирилмаган меҳмон Туфайлдай сўнгги мурсал авлодига меросхўр бўлиши назарда тутилган. Айни маънода улуғ мутафаккир тахайюл оламида дунёнинг бир кунжида томлари хувиллаб ётган Туфайл ҳаёти – кулбаси жонланади. Балки чинакам кўнгил шу боис барҳаётдир.

Улуғ шоир шеъриятида «юз» рамзий образи такрор ва такрор келиб, ҳар сафар ўзгача бетакрор бадиий маъно-мазмун, тутилмаган лирик образ касб этади:

*Мехр юз кўрмай ўчашиди пардадин чиққач юзунг,  
Олгали қўймас сариг юзин қора ердин уёт.*

Бунда «юз» ташбиҳининг турли бадиий маъно жилолари, айниқса, тажнис бадиий санъати орқали кўхна Шарқ шеъриятига хос маъшуқанинг лирик тимсоли яратилади. «Мехр юз кўрмай ўчашиди...» Нақадар ғаройиб ташбих. Умуман, улуғ шоир бу ташбиҳни бошқа ўринларда ҳам ҳадди аълосига етказиб қўллади: «Мехр паст ўлған замон андоқки топқай соя тул». Шоирнинг самовий қарашлари «мехр» тимсолида мужассам. Айни маъноларга кўра байтдаги бадиий кайфият шундай: меҳр – қуёш ҳали юзланмай туриб, яъни намоён бўлмасдан

парда ортидаги юзингни кўриши биланоқ ўчакишди-кўйди. Бу худди қүёш сариф, яъни гўё касалманд юзини ердан кўтаролмаётганидан хижолат чекаётган тарзга менгзаш эди. Лекин улуг шоир мазкур байтнинг иккинчи мисрасида тааммул, яъни андиша, ийманиш туйғусини илгари суриб, бурун ўчакишган бўлса ҳам, сўнг ошиқ бу аҳдидан қайтади. Аниқроғи, бундан руҳий изтироб чекиб, у чинакам меҳру вафо муҳофизига айланади.

*Чун юди кўзлар саводин ашк ёрут юз очиб,  
Ким дирамсиз элга бой эл фарздор бермак закот.*

Шоир байтда шундай элсеварлик кайфиятини очиқ баён этади: дирамсиз, яъни ҳеч вақоси йўқ элга бойлар фарз деб закот бериши – бу худди кўз косаси ичидаги кўзга кўринмас модданинг вақти-қақти билан кўз қорачигини ювиб туришига ўхшайди. Албатта, буни ҳеч ким пайқамайди. Негаки, закот ҳам мискинга, аслида ошкоро эмас, балки пинҳона берилгани дуруст. Шоир фикрича, тариқдай беминнат қилинган саховат киши кўнглини тоғдай сарбаланд қиласди, унга кўзга кўринмас куч-кудрат ато этади. Демак, бунда улуг шоир элни кўз қорачигига менгзайди. Нақадар ғаройиб ташбиҳ! Аммо бу ўринда яна бир сирли ишора бор. Зоро, шоир фикрича, кишидаги иймон, эътиқодталаблик биргина исломнинг закот ёки диний ақоидларини адo этиш билан амалга ошиб қолмайди. У жуда кенг тушунча... Ҳақиқатан, Ҳазратнинг иймонга нисбатан кенг қараш ва асрий даъватлари кейинчалик ҳам ўз ифодасини топди. Одамият буни турли кўринишларда бўлса-да, англаб етди: «Иймон – фақат муайян диний таълимотларнинг маҳрига тушган фавқулодда бойлик эмас. Энг яхши иймон – бўлиб ўтган, ҳозир мавжуд ва энди бўладиган нарсаларнинг ҳаммасида Камолотга интилувчи бир ирода мужас-

сам эканига қатъий ишонч. Кимда-ким шу эътиқодга эга бўлса, у мукаммаллашиш жараёнида иштирок этади» (Жон Голсуорси). Энг муҳими, бунда инсон ботиний хотиржамлик ва ростликка эришади.

*Эй Навоий, хоки пойи васфида ширин сўзунг  
Бор биайниҳ тўтиё ичинда солгандек набот.*

Мактаънинг муҳтасар мазмуни: эй Навоий, лирик маъшуқанинг хоки пойи – оёқ ости тупроғи йўлидаги фидойилик ва қурбонлик борасидаги таърифинг нақадар шириндирки, гўё тўтиё (кўз дориси), яъни оч кўк рангли, кумуш каби ялтироқ модданинг оксиди ёки купорос – қандайдир сульфат кислотаси ичида ётган новвот ёки бир обакидандонга менгзашдир. Эҳтимол бу модда ичида новвотнинг шакли ёки мазаси аллақандай ўзгаришларга учрар?! Энг асосийси, агар киши ўз айтган сўзига амал қилмаса, унинг сўзи ҳар қанча фасих, гўзал, ширин бўлмасин – у алдамчи кўринишдир. Зеро, бундай сўзнинг замирига нигоҳ ташланса, худди ўша модда ичида шаклсиз, маънисиз бир нарсадирки, уни таърифлашга тил ожиздир... Навоий ушбу ташбиҳ мисолида инсоннинг рост, ҳаққоний сўзи, аслида ботиний ҳодисалигини назарда тутмоқда.

Хуллас, ғазал зоҳиран Шарқ шеъриятига хос лирик маъшуқа васлига етишиш йўлидаги саъй-ҳаракат, ботинан эса илоҳий ишқ сари яна бир гом, яъни руҳий бир қадам қўйиш, шу билан бирга, комиллик сирлари ва орифлик тарзини англаш йўлида қиёсийликни ўзида жо этган бадиий тафаккур маҳсули сифатида Ҳазрат шеъриятида муҳим ўрин тутади. Зотан, бунда улуғ шоир нафақат бадиий тафаккур ёки жўшқин туйғулар соҳиби, балки илми ҳайъат, кимё сингари билимларни чукур эгаллаган улуғ олим сифатида ҳам намоён бўлади. Бу

ғазал ўзбек миллый поэтик тафаккур тарзида янгича бир тавр уйготади, кўнгилу жону рухиятда эса илохий ишқ сари интилиш туйғусини пайдо қиласи.

### **«Асҳоби Каҳф» ити ёҳуд садоқатли ит тимсоли**

Алишер Навоий Ҳазратларининг аксар шеърлари замирида чинакам садоқат, вафодорлик ит тимсолида ўз аксини топган. Айтиш жоизки, бу тарз, аслида мумтоз адабиётимиздаги энг кўхна мавзулардан бири саналади. Лекин шу кўхна мавзу шоир асарлари мазмун-мундарижасини шунчалар кўп ва хўп бойитганки, уларнинг маъно кўлами ўзбек миллый адабиётининг янги-янги саҳифаларининг очилишига боис бўлади ва у бизнинг бу борадаги тасаввур оламимизни янада кенгайтиради. Лекин, Навоий сатрлари қатидаги шу тимсол билан боғлиқ сўз ва иборалар бирорта луғатда тўлиқ қайд қилинмаган ёки баъзиларининг маъно-мазмунни фақат қисмангина баён қилинган. Ҳолбуки, улуғ шоир ижодида кўп маънолилик жуда кучли бўлиб, бир сўзга кўплаб маънолар юкландиган. Ҳақиқатан ҳам қадим мумтоз адабий манбаларида ушбу сўз кучук, саг (ит), сагишикорий (овчи ит) саги обий (кундуз, яъни сув ҳайвони), калб (ит), сагбон/сакбон (итбоқар), сакбонлиғ, саклов (сув ити, жонивор), калбак (кучук, ит) сингари кўплаб маънодошлари билан тақрор ва тақрор намоён бўлади. Бундай пайвасталик замиридаги тимсол улуғ шоир асарларида бундан-да пайдар-пай маъно-мазмун касб этган десак, муболаға бўлмайди. Айни маънода биз қуида Навоийнинг айрим шеър ва ғазалларидаги ит тимсолини қурбимиз етганча талқин қилиб ўтмоқчимиз:

*Ким кучук бирла ҳўтукка неча қилсанг тарбият,  
Ит бўлур, дози эшак, бўлмаслар асло одамий.*

Ушбу байтда шундай бадиий тафаккур илгари суррилган: эй оқил, кучук – итнинг ёки хўдук, яъни хўтиқ – эшакнинг боласига қанчалар меҳр бериб тарбия қилмагин бу барибир бефойдадир. Чунки улар шундай яралган. Аниқроғи, тақдири азалнинг ҳукми шундай, сен буни ўзгартира олмайсан!

Зеро, бу тарбиянгдан кучук нари борса катта қопоғон итга, хўтиқ эса бир тепонғич эшакка айланади, лекин асло одам бўлмайди. Албатта, бу – мажоздир. Лекин бунда яна шундай рамз борлигининг эҳтимоли кўп: инсоннинг ичида қандайдир бир «қора девор» бор. Агар киши шу «қора девор» ортида бир умр қолиб кетса, у одамийлик касб этмай, балки шу ҳайвонийлик қобиғи ичра мангу қолиб кетар... ана шунда унга ҳеч қандай тарбия кор қилас...

*Гар ит узумига киши май бирла берса сув,  
Бу тарбият била қила олгайму ани ток.*

Бу байтнинг муҳтасар баёни шундай: киши ит узумига шунчалар май билан сув берса, яъни уни қалб қури билан тарбиялаб вояга етказаман деса, шубҳасиз, катта иштибоҳ – хато қилган бўлади. Негаки, киши бу қилган тарбияси билан уни ҳеч қачон ток узуми даражасига етказа олмаслиги аниқдир. Унинг бу ҳаракати зое кетади. Бунда бу сўз «итузум» маъносида қўлланилган.

*Мен киму зулфунг таманноси, агар куфр истасам,  
Итларинг бўйни танобидин манга зуннор бас.*

Ушбу байтнинг қичқача мазмуни қуйидагича: эй маҳбубам, зулфингнинг таманноси олдида мен ҳеч ким эмасман. Мен учун сенинг васлингга етишиш бор-йўғи бир хаёлдир. Бордию, бу тарзни куфрга, яъни кофирлик-

ка берилиб баён этадиган бўлсам, шундай деган бўлардим. Эй ёр, итларингнинг бўйнига осиғлиқ арқондан менга бир зуннор ясад бер! Менга шунинг ўзи кифоядир. Юқоридаги байтда бу сўз «ёр ити» маъносида келган. Бироқ ушбу мавзу кейинчалик Навоий асарларида чукур диний рух ола бошлаганлиги шоирнинг айрим мисралари қатидаги тагмаънолардан аён бўла боради:

*Чекмай малак лутфунг куни жуз зикр ила тасбиҳ уни  
Одам дебон қаҳринг туни ҳар дам «зalamno раббано».*

Шоир ушбу байтнинг иккинчи мисрасида Қуръони Каримдан «заламно раббано» («заламно раббано анфусано» – «эй Раббим, биз ўзимизга зулм қилдик») иқтибосини келтиради. Бундан мурод Оллоҳ одамга жон ато этаётганида у (одам)нинг биринчи бор акса уриши ва барча малоиклар истиғфор келтириши, шайтон алайҳи лъяна эса мен оловдан, одам балчиқдан яралди деб, сажда қилмай, аксинча, унга тупуриб кибрга кетганлиги каби илохий маъноларга ишорадир. Диний ақидаларга кўра, унинг тупуги одамнинг киндигига тушади ва Тангри таоло дарҳол у жойни бир парча эти билан бирга юлиб ташлайди. Ана шу этдан надир бир кучук пайдо бўлади. Шунинг учун ҳам бошқа жонзорларга қараганда, у одамга яқин ва вафодор ҳисобланган.

*Шери гардун ул кишига бўйни боғлиғ бўлгай им,  
Ким эшигинг итларин топқай ўзига ақрабо.*

Юқоридаги бадиий кайфият ушбу байтда ҳам бардавом эттирилган. Аммо бунда сўз сўнгги мурсал васфига қаратилган: худдики эшигингдаги итларни ўзингга қариндош деб билганинг каби осмон шери (фалакиёт илимидан осмоннинг ўн икки буржидан бири, «асад») ҳам гўё

у киши (Бу ерда Мұхаммад с.а.в.нинг меърожга чиққан кечасидаги бир ҳолатта ишора қилинмоқда – М.А.)га азалдан илохий хукмга кўра, бўйсундирилган ит сингари боғланган. Шунингдек, шоир шери гардун – осмон шери деганда, у кишининг куёвлари Алининг садоқатини ҳам назарда тутган. Умуман, бу байт замирида яна бир рамз ҳам йўқ эмас. Аниқроғи, бунда мусҳафнинг ўн саккизинчи сурасига қаратилган ишора бор. Ҳақиқатан ҳам бу рамз, айникса, улуг шоир ғазалиётидан кенг ўрин олган:

*Итларингга нисбатимни рост қилсан, Каҳф ити  
Одамиларга ўзин қилган кебидур мунтасиб.*

Энди бунда ушбу рамз нафақат байт замирида, балки зоҳирона, яъни очик-ойдин ифодаланган: остоңандаги итларни ўзимга яқин олганлигимни рўй-рост айтсан, аслида бунга боис ўша вафодор, яъни «Каҳф ити» тимсолидир. Чунки бу ит ўзини одамзодга алоқадор, гўё азалдан қандайдир боғлиқдек тутди. Бу чин вафо рамзи шу эмасми? Бу мусҳафнинг ўн саккизинчи «Асҳоб ул-Каҳф» – «Гор эгалари» сурасидаги Тамлиҳо, Игсиг Мино, Мартолус, Сарриниус, Зу Анас (айрим диний манбаларда бу исмлар бошқачароқ тарзда ҳам юритилган) исмли йигитлар ва уларга йўлда эргашган Қитмир лақабли ит қиссасига ишорадир. Яъни улар Дақёнус замонидаёқ иймон келтирган ва бу воқеа дин тарихида фор кишилари номи билан машхур бўлган. Бунда, асосан, иймон, эътиқодталаблик йўлида, ҳатто фанони афзал кўрган йигитларга эргашган Қитмир номли итнинг илохий садоқатига рамз қилинган. Зеро, улар Парвардигорнинг инояти билан шу «Асҳоб ул-Каҳф» ғорида 309 йил уйқуга кетишади... Дарҳақиқат, шоир бошқа ўринларда ҳам чин садоқат, вафодорликни фақат Каҳф ити тимсолидагина ифодалаган. Демак, шоир бунда чин

ошиқ ишққа худди «Асҳоби Каҳф» ити, яъни Қитмир сингари содиқ қолишига ишора қилган. Бунда инсон қанчалик оддий, хокисор ҳаёт кечирса, моддий кўз билан қўриб бўлмайдиган маърифий ҳаёт неъматларидан чинакам баҳраманд бўлади, деган бадиий кайфият илгари сурилади.

Хулоса қилиб айтганда, улуғ шоир ўз ижодиётида итни тимсол мақомига кўтариб, чин ботиний садоқат, вафодорликни Каҳф ити мисолида тараннум этган. Зотан, шоирнинг диний эътиқодига кўра, итда ҳам азалдан заррадек бўлса-да, инсонийликка хос қандайдир бир фитрат ёки унга боғлиқлик бўлган. Бордию, ундағи ўша кичкина тавр очила қолса, у «намиқдор» бўлса ҳам гўё одамийлик касб этиши эҳтимолдан холи эмас. Унинг зидди ўлароқ, гарчи шу хусусият инсонда жуда юқори бўлгани билан, у очилмаса инсон «қора девор», яъни ўша ўз худбинлик девори ортида абадий қолиб кетаверади. Яъни гарчи инсонлар сафида бўлса-да, аслида унда одамийликдан асар ҳам бўлмайди. Энг муҳими, бу йўсин шоир эътиқодини янада чуқурроқ ўрганишга йўл очади. Бу тарз ўзбек миллий поэтик тафаккур тарзизда янгича бир тавр уйғотади, айниқса, азалдан инсон ва итнинг бир-бирига пайвасталиги, вафодорлиги ёхуд қиёсийлигини ўзида жо этган бир тарз сифатида ўқувчи кўнглида доимо садоқат ва вафо уруғини экиб, ажиб бир эврилиш туйғуларини пайдо қиласи.

## **ХХ АСР ЎЗБЕК АДАБИЁТИДА ТИМСОЛ ТАДРИЖИ**

**Анъанавийликка эш, янгиланишга ташна**

*(Чўлпон шеъриятида анъанавийлик)*

Миллий адабиётимиз равнақига улкан ҳисса қўшган сўз санъаткори Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон поэзияси анъанавийликка эш бўлган адабиётимиз тарихидаги катта ўзгаришлар даври шеъриятидир. Бу шоирнинг адабий эстетик қарашларини тушуниш, шеърлари замиридаги рамзий маъноларни теран илғаш ва уларга муносабат билдиришдан аввал Алишер Навоий ҳазратлари шеъриятига бир назар ташлаб ўтиш жоиз. Зоро, «Адабиётнинг хусусияти, мазмуни ҳамда вазифаси ҳақида бафоят маънодор бир таъриф Навоийнинг шеъриятига қарашини тўғридан-тўғри ва очиқдан-очиқ ифодалайди»<sup>1</sup>. Илло, Навоийнинг анъанавий, халқона оҳангга бой, кўнгил нидоси билан битилган анъанавий шеърияти тажрибаларидан улги олиб ижод қилиш ҳар бир ижодкор учун юқори самара бериши сир эмас.

Ҳар бир миллат шеъриятининг халқаро нуфузи миллий қадрияtlари халқининг мезонларига таяниши, чинакам анъанавийлик асосида шаклланиш тарзи билан белгиланади. Зотан, миллат шоирининг бадиий услуби, шеъриятидаги поэтик образ, рамзларнинг ривожи, барда-

<sup>1</sup> Мақсуд Шайхзода. Фазал мулкининг сultonи. – Т., 1972. – 195-бет.

вомлиги миллий анъаналар замирида янги-янги жиҳатлари инкишоф этилиши билан боғлиқ адабий жараёндир. Хусусан, Навоий ҳазратлари ўз шеъриятида анъанавийлик ва рамз-ишораларни қўллашга изчил ва теран ёндашган. Аслида, бундай ёндашиш миллий адабиётда анъаналар узлуксизлигини таъминловчи мезон ҳамдир.

Айни шу маънода Чўлпоннинг «Улуг Ҳиндий» мақоласидаги анъанавий мумтоз шеъриятимизга дахлдор қўйидаги хитобига баҳоли кудрат муносабат билдириб ўтиш жоиз кўринади:

«Навоий, Лутфий, Бойқаро, Машраб, Умархон, Фазлий, Фурқат, Муқимиylарни ўқийман: бир хил, бир хил, бир хил!

Кўнгил бошқа нарса – янгилик қидирадир: Боту, Гайратий, Олтой, Ойбек, Жулқунбойларни ўқиймен, кувонтирадир, холос! Улар менинг учун ёнғон чироклар бўлса, менинг эртам учун! Авлоний, Тавалло, Сиддикий ва Ҳакимзодаларни ўқимаймен, ўқимаймен, мени шу ҳолга солғон ўшалар!..»<sup>1</sup>.

Шоирнинг ушбу рамзий хитоби – анъанавийликка муносабати адабиётшунос олимлар томонидан турлича талқин қилиниб келинаёттир. Бу талқинларни ривожлантириб яна шуни ҳам айтиш лозимки, шоирнинг рамз ва гўзал бадиий тафаккурга ўралган сирли, жумбоқли ушбу хитобини ўша даврдаги айрим дилозор, адабий идроки ҳаминқадар қаламкашларга қаратса айтилган зардаси, дейиш ҳам жоиздир. Негаки, улар ўша кезларда зўр бериб шоир ижодидан сиёсий хатоларини кидираётган, унинг номини, ижодини қоралашга уринаётган эди. Чўлпоннинг бу хитоби замиридаги муддао эса барча ижодкорларни бир мақсад сари – миллий адабиёт равнақи йўлида бирлаштиришдан иборат эди, холос. Унинг наздида, шеър жозибаси фақат қофия, шакл ва мазмун

<sup>1</sup> Адабиёт надур. –Т.: Чўлпон, 1993. – 57 –58-бетлар.

үйғунлигидагина эмас, балки ундаги поэтик образнинг ҳаётийлиги, ҳаққонийлигига. Энг муҳими, ҳар бир давр шеърияти ўзига хос тарзда эркин ҳаракатланмоғи ва ян-гиланмоғи керак. Демак, Чўлпон шеърияти аслида анъанавийликка эш, янгиланишга ташна шеъриятдир. Негаки бу даврда худди шундай шеъриятга кучли бир эҳтиёж бор эди. Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, шоир шеъриятга янги нафас олиб киришда фақат кўр-кўронга анъаналарга таяниб қолиш ножоизлигини назарда тутган. Собиқ шўро даври мафкурасининг исканжасига тушган ҳар қандай фидойи ижодкор бу масалага ана шундай сирли ёндашиши табиий бир ҳол эди.

Маълумки, шоир шеъриятининг замирида яссавиёна, навоиёна, машрабона анъанавий услугуб бор. У ўз поэзиясида мумтоз шеъриятимизга хос поэтик анъанавийлик ва тимсоллардан тортиб, лафзий ва маънавий, ҳатто «тажоҳул-ул-ориф» (билиб билмасликка олиш) сингари бадиий санъатлардан кенг фойдаланган. Зоро, чўлпоншуносликда таъкидланганидек, шоирнинг биргина машхур «Гўзал» номли шеърида қарийб ўнга яқин мумтоз адабиётимизга хос (тазод, интоқ, тасбиғ, ташхис, ружуъ, муболаға, иғроқ, тадриж, иштиқоқ, ташбих каби) бадиий санъатлар қўлланилган. Чунончи, Навоий шеъриятига муҳаббати баланд шоир ўз шеърларида «қуёш», «ой», «қўк» каби поэтик тимсол ва рамзларни қўллаб, анъанавийлик меъёрларига риоя қиларкан, «қуёш» поэтик тимсолидан турли маъноларда фойдаланади. Масалан, «Қаландар ишқи» номли шеърида ўқиймиз:

*Муҳаббат осмонида гўзал Чўлпон эдим, дўстлар,  
Куёшининг нурига тоқат қилолмай ерга ботдим-ку.*

Бир қарашда ушбу мисралар маъноси рамзий ифодалар талқинисиз ҳам тушунарлидек кўринади: худди

шоир Чүлпоннинг адабиёт оламида тутган ўрни ҳақидағи умумий шарҳлардек. Аммо бу шеър синчковлик билан шарҳланса, шоирнинг бадиий кайфияти янада аниқлашади: Чүлпон – тонг юлдузи тунги сайдан сўнг, яъни қуёш чиқишидан олдин гўё қўз илғамас даражада яна бир лаҳза қўзга ташланадио, тезда қўздан ғойиб бўлади. Шоир бу ўринда ушбу юлдузнинг бошқа сайёralарга қараганда жуда тез, журъат билан ҳаракат қилишига ҳам ишора этади. Яъни шоир талқинича, Чүлпон юлдузи жасорат тимсоли ҳамдир. Бу ерда яна бир рамз ҳам бор: муҳаббат шундай бир ажиб туйғуки, ундан тараляётган меҳрни факат қуёш нурларига қиёслаш мумкин. Бу нурга Тонг юлдузи бардош бера олмаслиги айни ҳақиқат. Зоро, бу мисраларда «чўлпон» сўзи нафақат шоир тахаллуси, балки ўрни билан анъанавий шеъриятимизга хос поэтик образ – маънавий бедорлик рамзиdir. Бинобарин, бу талқинлардан шоир шеърияти замирида қучли бир миллийликка вобаста анъанавий издошлиқ борлиги аниқ сезилади. Айни шу маънода Алишер Навоийнинг «Наводир уш-шабоб» («Йигитлик нодирликлари») асаридаги «Агар ишқинг ҳавосида ёғар ҳар жола тош ўлсун, Нишона ҳар бирига, дермен, ушбу хаста бош ўлсун» матлаъи билан бошланувчи 504-ғазалидан бир байтни ғазалнинг умумий мазмуни шарҳи билан бирга келтирамиз:

*Күёшни бўлмас, эй гардун, ул ойга айламак ташбиҳ,  
Оғиз гар зарра, Чўлпон – қўз, янги ой анга қоши ўлсун.*

Аввало, ушбу байтдаги энг характерли «чўлпон» сўзига эътиборни қаратайлик. Бу сўз Алишер Навоий асарларида «ёруғ тонг юлдузи»; «гўзал», «чиройли», «порлок» сингари маъноларда қўлланилади. Умуман, мумтоз адабиётда «Чўлпон» – «Зухра», «Ноҳид» номлари билан ҳам юритилади. У Қуёш тизимидағи катта сай-

ёралардан бири, Ерга энг яқин, Күёшдан ҳисобланганда иккинчи сайёра. Форсий ривоятларга кўра эса, Чўлпон – Ноҳид афсунгар Ҳорут ва Морут ошиқ бўлган аёлдир.

Ушбу байтда «муроату-назир», яъни «мутаносиб» (бир-бирига мос ва монанд лафзларни бир байтда тўплаш; масалан, қуёш ва ой, кўз ва қош сингари сўзлар) бадиий санъати қўлланилган. Яъни ушбу байтда қуёш ва ой сўзлари «гардун» сўзи орқали ўзаро боғланади. Бу санъат мумтоз адабиётда «таносуб», «талфиқ», «тав-фик», «ийтилоф» деб ҳам юритилади<sup>1</sup>.

Шоир поэтик талқинича: агар ишқ туфайли осмондан дўл ёғса, майли, тошга айлансин. Фалак қуёшдек келадиган тиллаларни ҳадя этса ҳам, мен уларни рад этаман. Эй ёр, сенинг қуёшдек меҳринг ошиқлар қалбини қиздиради. Эй фалак, нидоимни эшит! Күёшни, тонг юлдузику тонг юлдузи, балки ойга ҳам ташбих қилиб бўлмайди. Майли, ташбихда сенга бир йўл кўрсатай. Агар сен ёрнинг оғзини бир зарра деб билсанг, унинг шаҳло қўзини Чўлпон юлдузи, қошини эса янги чиққан ойга қиёс қила қол!

Бу ўринда Навоий «чўлпон» сўзини гўзаллик тимсолида қўллаш баробарида сонияда минглаб чақирим йўлни босиб ўтадиган тезучар сайёра – Чўлпон вафо, муҳаббатда ҳеч қачон қуёшдек вазмин бўла олмаслигини поэтик рамзларда ифодалайди. Айни шу маъноларни назарда тутсак, Чўлпонга бу мисралар таниш бўлиши эҳтимоли кўпdir. Зотан, шоир шеъриятидан бой анъана ва улуғ янгиланишларга хос навоиёна мумтоз услугуб уфуриб туради.

Навоий ҳазратлари ғазалларида ошиқнинг ҳолати қанчалар забун бўлишидан қатъи назар, унинг рухи самолар қадар юксак экани гўзал шоирона ташбих восита-сида тараннум этилади:

<sup>1</sup> Атоуллоҳ Ҳусайнӣ. Бадойеъ ус-санойеъ. – Т., 1981. – 232-бет.

*Күйдуруб, эй ишқ ўти, гардунга совурдунг кулум,  
Пояда охир бу янглиғ кўкка еткурдунг мени.*

«Бадоєъ ул-бидоя» девонининг «Эй қуёш, невчун қошингдин соядек сурдунг мени /Равшан айлаб жумлаи оламни, куйдурдунг мени» матлаи билан бошланадиган 745-ғазалидан келтирилган мазкур байт маъносига асосланиб айтиш жоизки, Чўлпон шеъриятида ҳам Навоий шеъриятига хос юксак ишққа уйғун тимсол ва халқона оҳанг устунлик қиласидиган анъанавийлик мавжуд. Фақат камдан-кам санъаткоргина улуғ шоирнинг ижодий маҳоратидаги бетақрор услугуга янгича рух, оҳанг қўша олиши, яъни уни санъаткорона давом эттира олиши мумкин. Ана шундай баҳт Чўлпонга насиб этган.

Мазкур мулоҳазаларимизни атоқли адиб Ойбекнинг: «Символист шоир (Чўлпон назарда тутилган. – M. A.) Навоийни энг юқори даражага қўйиб, унинг бутун методларини ўрганишга қистаб, шунинг билан бирга бизнинг ёш ёзувчиларимизга символистикани ўргатиб келдилар. Навоий йўлида сугар котғон Чўлпонни текшириб, шунинг учун ундаги услуб ва шаклини ўрганишга киришадилар», деган фикри ҳам тасдиқлайди. Шунингдек, устоз Озод Шарафиддинов ҳам «Чўлпонни англаш», «Адабиёт яшаса – миллат яшар» номли мақолаларида шоир шахсияти ва шеърияти ҳақида қимматли маълумотлар бериб ўтган. Хусусан, Чўлпоннинг ҳар қандай оғир вазиятда ҳам ўз метин эътиқодига содик қолган, «ғоявийлик», «партиявийлик» деган иллатлардан юқори тургани ҳам ишонарли тарзда баён этилган. Албатта, Чўлпон ижодиёти борасидаги бундай маълумот ва талқинлар бошқа адабиётшунос олимларимизнинг илмий ишларига ҳам мавжуд. Уларнинг изланишларини давом эттириш эса айни муддаодир.

Хуллас, 20–30-йиллар ўзбек миллий адабиётидаги анъанавийлик, шеърият замиридаги тимсол ва рамзлар-

нинг янгича такомили Чўлпон шеъриятида ўз аксини топди. Эндиликда ана шу шеърият моҳиятини тўла англашга эҳтиёж ортаётир. Кўриниб турибдики, бу – шоир шахсиятига доир адабий манбаларни янада теран, шоир шеъриятига хос навоиёна анъанавийлик хусусиятларини кенг миқёсда ўрганишни тақозо этади.

## **«Ихроj» сўзининг маъносини биласизми?**

*(Усмон Носир шеъриятида анъанавийлик)*

Ўзбек тилининг имкониятлари ниҳоятда кенг. Улуғ бобомиз Алишер Навоий ҳазратлари бу тилнинг чексиз имкониятлари ҳақида шундай ёзган эдилар: «...турк алфозига дағи мулоҳазани лозим қўрулди – оламе на зарға келди, ўн саккиз минг оламдин ортуқ, анда зебу зийнат; ва сипехре табъға маълум бўлди, тўккуз фалакдин ортуқ, анда фазлу рифъат; ва маҳзане учради – дурлари кавокиб гавҳарларидин раҳшандароқ; ва гулшане йўлукти, гуллари сипехр ахтаридин дурахшандароқ...» («...туркий сўзларга ҳам мулоҳаза лозим қўрилди – бундан шундай олам намоён бўлди, ўн саккиз минг оламдан ортиқ. Унда таъбга зеб ва зийнат осмони маълум бўлди, тўққиз фалакдан ортиқ. У ерда фазилат ва буюклиқ хазинаси учради – дурлари юлдуз гавҳарларидан ёрқинроқ ва гулшан йўлиқтики, гуллари фалак юлдузларидан кўра тиник, ёрқинроқ...»). Демак, гап бу тил имкониятларидан фойдалана билишда. Зоро, тилимизда шундай сўзлар борки, баъзан уларнинг маъно тараққиётини белгилашда ёки маънодошларини аниқлашда ўзга тиллардан қилинган таржима ишларидан фойдаланишга тўғри келади. Бошқачароқ айтганда, бундай сўзларни шарҳлашда маъно сўздан хорижда ёки сўз маънодан хорижда тамойилига асосланиш керак бўлади: «Маъно сўздан ташқарида ёки сўз маънодан хорижда бўлмайди,

дайишлари мумкин. Йўқ, турли тилларда айни бир ту-шунчани бошқа-бошқа сўз билан ифодалаш ёки айни бир сўз бошқа-бошқа маъноларни ҳам бериши мумкин. Бундан ташкари, муайян бир ҳодиса турли халқларда ҳар хил талқин этилиши ҳоллари учрайди. Бу ҳар бир халқнинг моддий ва маънавий турмуш шароитларига боғлиқ» (F. Саломов).

Дарҳақиқат, сўзларнинг ранг-баранг истилоҳий маънолари, айникса, муайян тилдан бадиий асарларни таржима қилиш жараёнида намоён бўлади.

Масалан, «Ўзбек тилининг икки жилдли изоҳли лугати»да изоҳланишича, тилимизда «ихрож» сўзи «захарли, сутсимон шира чиқарадиган ўт»; «сурги»; «одатда, баҳор пайтида ични тозалаш мақсадида турли кўкатлардан сомса, чучвара каби овқатлар қилиб ейиш» маъноларинигина ифодалар экан. Бу сўз асли арабча бўлиб – «чиқариш», «хайдаш», «қувиш», «сургун»; «хориж этиш» деган маъноларни англатади. Бугунги тилимизда «ихрож» сўзининг «харж» («бирор эҳтиёж учун ишлатиладиган пул, сармоя, маблағ, сарф»), «хирож» («солик», «бож-хирож»), «хуруж» («ногаҳондан хужум қилиш»; «хужум»; «табиат кучларининг инсон иродасига нисбатан қаршилиги; авжига чиқиши»), «хориж» («бирор нарсадан холи, озод, бўш киши»); «хорижий давлат», «чет эл», «маҳраж» («оддий касрда бутуннинг нечага бўлингандигини кўрсатувчи, каср чизифи остига ёзилган рақам»; «талаффуз ўрни») каби бошқа арабча шакллари билан бирга «қувгинди», «сургун», «бадарға» маънодошлари ҳам сермаҳсул ишлатилади.

«Ихрож» сўзи тилимиз тарихида, хусусан, Алишер Навоий асарларида ҳам худди шу маъноларда эътироф этилган:

*Олти жиҳат қайдидин ихрож ўлуб,  
Тўрт гуҳар марки анга тож ўлуб.*

Дарвоқе, биз бу сўзнинг «Алишер Навоий асарлари ти-лининг изоҳли луғати»да қайд этилмаган «махориж» [1) чиқиш жойи; 2) нутқ товушларининг чиқиш жойи] шаклини шоирнинг «Ҳайрат ул-аброр» асаридан аниқладик:

*Гунбади рукнига маҳориж бўлуб,  
Шаҳр йўлидин йўли хориж бўлуб.*

Сўз билан ишлашнинг ўзига хос сир-синоатлари бор. Аммо биз бу сўзнинг кейинги даврлардаги, яъни ҳозирги ўзбек тилидаги маънодошлари маъно тараққиётини М. Ю. Лермонтов «Демон» достонининг Усмон Носир таржимасидан аниқладик:

*Кувгинди руҳ, қайғули Демон  
Гуноҳкор ер узра учарди.  
Масъуд кунлар хаёли шу он  
Кўз ўнгидан бир-бир ўтарди...*

Ушбу таржимада «ихрож» сўзининг ўзбекча «кувгинди» маънодоши гўзал тарзда қўлланилиб – «кувилган», «узоқлаштирилган», «четлаштирилган», «бадарға қилинган» маънолари билан бир қаторда, мажозий, илоҳий маъноларни ҳам ифодалаб келган. Бироқ бу сўзнинг яна бир синоними «матруд» бугунги тилимизда ҳам, луғатларимизда ҳам учрамайди. Ўзбек халқининг беназир шоири, ҳассос таржимони Усмон Носир эса, ўз таржималарида «ихрож» сўзининг айнан ана шу ноёб маънодошини санъаткорона тарзда худди шу маъноларда қўллайди:

*Гўзал Кавказ осмони – шишиа,  
Қанот қоқар жсаннат матруди.  
Пастда Казбек. Унда ҳамиша  
Қор ярқирап – олмос ҳудуди.*

Шоир М. Ю. Лермонтов мазкур сатрлари орқали қа-  
чонлардир Парвардигор ҳузурида малоикларнинг бош  
мударриси бўлган («Демон» – «Иблис») ва кейинчалик  
унинг томонидан «ронда қилинган» – «қувғин қилин-  
ган» хилқат – «иблис» образини тасвирлайди. Таржи-  
мон эса, аслият руҳини тўлиқ бериш учун ўзбек тили-  
нинг ички захира имкониятларидан кенг фойдаланган  
ва бу билан у, шубҳасиз, аслият руҳини сақлаб қолиши-  
га муваффақ бўлган. Энг муҳими, у сўзниң маъно та-  
раққиётига яна бир асос солган. Қолаверса, таржимон  
она тилимиз имкониятлари нақадар кенг эканлигини  
аслиятдаги биргина русча «изгнаник» сўзининг ўзбек  
тилидаги бир неча маънодошларини кўрсатиш орқа-  
ли исботлай олган. Бинобарин, бу мисраларда шоир  
«матруд» сўзини жуда ўринли қўллаган. Пироварди-  
да шеърнинг оҳанги жарангдор чиққан. Сир эмаски,  
Усмон Носирнинг бетакрор туйғулари шеърий асарла-  
ри сингари мазкур таржимасида ҳам акс этган. Демак,  
ижодкор матнда бир сўзни у ёки бу маъноларда қўл-  
лаш, унга қўшимча маъно юклаш учун унинг синоним-  
лари маъно тараққиёти тадрижи билан машғул бўлади.  
Бу – тил имкониятларидан кенг фойдаланишга замин  
хозирлайди. Сўз маънодошлари маъносини ўрганиш  
эса, шу сўз маъносини мукошафа этишга қўйилган би-  
ринчи қадам. Шу маънода, бугунги тилимизда ишлати-  
тилаётган «ихрож» сўзига ўхшаш сўзларнинг ёки маъ-  
нодошларининг турфа маъно қирраларини инкишоф  
этиш учун уларни таржима асарлар тилига ҳам қиёслаб  
ўрганишга тўғри келади.

## «Жунун занжири бўйнумда... » (Қодирий ижодиётида анъанавийлик)

Ўзбек миллий адабиёти ривожига улкан ҳисса қўшган бетакрор ёзувчи Абдулла Қодирий прозаси – анъанавийликка эш бўлган, адабиётимиз тарихидаги эврилишлар даврининг илк романчилигидир. Бу ёзувчининг адабий-эстетик қарашларини тушуниш, асарлари зимнидаги миллийлик билан тўйинган рамзий маъноларни теран илғаш ва уларга муносабат билдириш кишидан Алишер Навоий ҳазратлари ижодиётига бир назар ташлаб ўтишни талаб этади. Айниқса, ўзбек ижодкори услубини таҳлил қилиш жоиз бўлса, бу тарз улуғ шоир ижодига қиёсийликни янада такозо қиласи. Чунки Навоийнинг анъанавий, халқона оҳангга бой меросидан руҳланиб ижод қилиш ҳар бир ўзбек ижодкорига хос хусусиятдир. Илло, бу адабий маҳзан ўзбек халқининг асрий ғам-андухлари маҳсули ўлароқ майдонга келган. Ундан халқ анъаналари чуқур ўрин олган. Бу тавр асрлар оша ўзбек халқи руҳияти ички пайвасталигини турли кўринишларда ўзида нашъу намо топтирган. Зоро, улуғ шоир асарлари ўзбек халқининг беназир ёзувчиси Абдулла Қодирий ижодига ҳам бир олам таъсир ўтказганилиги табиий ҳол, албатта. Бу тарз ёзувчининг «Ўткан кунлар», «Мехробдан чаён» сингари юксак бадиий савияли романларида аниқ-тиниқ кўринади. Шу туфайли ҳам адаб асарлари ўз даврида халқни тўлқинлантирди ва миллий кечмишлар занжирини давом эттиришда мухим ўрин тутиб, уларга янгидан қуч-кудрат бағишилади. Чунки ёзувчи яратган ҳар қандай янгилик замирида кўхна мумтоз адабиётимиз замиридаги кўнгил наволари пой-девор бўлиб туради. Ёзувчи мозийга қайтиб иш кўриш деганда, нафақат яқин ўтмиш, балки қадим адабиётимиз анъаналари бардавомлигини ҳам назарда тутган ва бунга ўз асарлари орқали кучли рамзий ишора қиласи.

Яхши асар фақат ижодкорнинг воқеликни теран хисва идрок эта олиши лаёқати сингари улкан сезги, туйғу сохиби бўлиши билангина рўёбга чиқиб қолмайди. Балки ижодкор ботинан нимадандир айни кучли бир таъсирланиш онларидағина халқ руҳиятига нақадар пайваста бир асар яратади. Бундай асар, шубҳасиз, халқ кўнглида мангу яшайди. Масалан, адабнинг «Ўткан кунлар», «Мехробдан чаён» романларидағи биргина қатлгоҳ тимсоли фикримизга шоёндир. Бунда «қатлгоҳ» билан боғлиқ манзаралар ниҳоятда ишонарли тарзда тасвирланади. Зеро, бу шунчаки оддий қатл эмас, балки ғам қатлгоҳидир. Зохиран қараганда, ёзувчи бу тимсол орқали «ишқ»нинг мўъжизакор қудрати ошикни не кўйларга солишини баён этади. У дунёвий қонуниятларга эмас, балки кўнгил амрига бўйсуниб яшайдиган, боболардан мерос қолган ўша кўхна ишқ деб аталмиш сирли хилқатдир. Булар асар руҳониятининг асоси – қон томирларидир. Аммо бунда яна қандайдир ботиний-илоҳий нидо ҳам бор... Унинг бу асарлари ҳақнинг ҳақлиги, халқнинг халқлигини ўзида жо этган. Албатта, ҳассос ёзувчи бу манзарани тасвирлашда мумтоз асарларимизга кўп маротаба мурожаат қилган. Эҳтимолки, бу ёзувчи тунлари бедор Навоий асарларини ким неча маротаба варақлаб ўқиб, улардан қанчалар мутаассир бўлгани ёлғиз Парвардигори оламга аёндир. Хусусан, Навоийнинг «Фавойид ул-кибар» девонидаги 565-ғазали бунга боисдир. Энди ушбу ғазалдаги айрим байтларнинг қиёсий шарҳига ўтайлик.

*Кўрунг, ғам қатлгоҳида, бало жаллоди қошимда,  
Жунун занжири бўйнумда, сиёсат тиги бошимда.*

Аввало, матлаъдаги энг характерли сўзга эътиборни қаратайлик. Бу – «қатлгоҳ». Бу сўз Алишер Навоий

асарларига бағишланган луғатларда «қатл қилинадиган майдон» деган лугавий маъносида қайд этилган. Улуғ шоир бу сўз ёрдамида ғаройиб лавҳа чизади. Демак, бунда ўз-ўзидан киши тахайюлида ҳам зоҳирий, ҳам руҳий-ботиний ва шундай бир маҳзун ҳолатдаги ғаройиб лирик манзара ўрлашади: ишқ туфайли шунчалар ғам-андуҳ чеккан, жунун занжирини ўз ихтиёри билан бўйнига осган ошиқнинг забун ҳолини кўринг! Бало жаллоди унинг қоши узра мунтазир, боз устига, гўё бу ҳам камлик қилгандай, сиёsat тифи боши узра ярақлаб турибди. Аммо ошиқ шунда ҳам жисму жон ташвишида эмас, у ҳамон ишқ ичра сармастдир. Зеро, чинакам ишқда ошиқ бехудликка юз тутади. Унинг фикру хаёли, ботини, борингки, бошдан-оёқ ҳар бир туки ишқ дея зорланади. У ўладими ё қоладими, унга барибир. Бадиий нисбатлаш усулига кўра, бу тарзни Қодирий насридаги «қатлгоҳ» манзарасига қиёслаганда тасаввурларимиз янада кенгаяди. Зеро, Қодирий асарларида ҳам Навоий бадиий тафаккурига хос юксак ишққа уйғун тимсол ва халқона оҳанг устунлик қиласиган анъанавийлик мавжуд. Айниқса, бу тарз хоҳ зоҳирий, хоҳ ботиний маънода бўлсин, «Ўткан кунлар» ва «Мехробдан чаён»даги қатлгоҳ манзараси ҳам турли персонажлар орқали бағоят маромига етказиб тасвирланган. Биринчисида кишинбанӣ, яъни бўйнига занжир осиғлиғ Отабек гоҳ дор сари йўлда, гоҳ дор остида, гоҳида хон ҳузурида афто даҳол тарзда суратланса, иккинчисида эса Мирзо Анвар ўз хоҳиши билан ўлимга, яъни хон ҳузурига ҳимоясиз ҳолда ўз бошини қундага кўйишга боради. Буларнинг барчаси чин муҳаббат, садоқат туфайли юз беради. Ахир ишққа бадал йўқ. Унинг эвазига жон нисор қилинади. Айни маънода ёзувчи Навоийнинг ижодий маҳоратидаги бетакрор услугига янгича рух, оҳанг қўша олган, яъни уни санъаткорона давом эттира олган.

Навоий ҳазратларида ошиқнинг ҳолати қанчалар забун бўлишидан қатъи назар, унинг руҳи самолар қадар юксак экани гўзал ташбиҳ воситасида тараннум этилади:

*Ичимнинг қону дөгидин тошимга ҳам асар етти,  
Нишиондур лоладек ул гул ғамидин ичу тошимда.*

Зеро, бунда ошиқ шу мақомга кўтарилганки, ботинидағи маҳфий ишқ асоратлари – ичидағи қондоғлари туфайли, ахирни унинг ташқарисига ҳам урди. Бу «ичу ташим»даги белгилар ўша лоладай гўзал гул ғамида куйганлигим боисидир. Бу ҳолат ҳам, айниқса, зоҳирлан Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар» ва «Мехробдан чаён» асарларининг айни «қатлгоҳ» тасвиридаги Отабек ва Мирзо Анварнинг маҳзун кайфиятига ниҳоятда ҳамоҳангидир.

Шунингдек:

*Эрур ул гул ғамидин саргузаштимдин аён хатлар,  
Хубобу мавжским, зоҳир бўлур гулранг ёшимда.*

Улуғ шоир олдинги байтдаги бадиий кайфиятни, яъни ботиндаги белгиларни ташқарига чиқишини ушбу байтда янада яққолроқ тасвиirlайди: кечки қуёш ёғдулари остида денгиз тўлқини узра сув юзида пайдо бўладиган қабарчик, пуфаклар гўё атиргул тусли кўз ёшим томчисида намоён бўлади. Бу тасвир худди ўша санам туфайли манглайимда пайдо бўлган тақдирни азал чизиклари тўлқинига ҳам менгзашдир.

Хуллас, 20–30-йиллар ўзбек миллий адабиётидаги анъанавийлик, романнавислиги замиридаги тимсол ва рамзларнинг янгича такомили Қодирий асарларида ҳам ўз аксини топди. Эндиликда ана шу дурдона наср мохијатини тўла англашга эҳтиёж ортаётир. Кўриниб турибдики, бу – сўз санъаткори шахсиятига доир адабий ман-

баларни янада теран, ёзувчи асарларига хос навоиёна анъанавийлик хусусиятларини кенг миқёсда ўрганишни тақозо этади.

## **Ойбек ижодида анъанавийлик**

Бетакрор қалам соҳиби Ойбек мероси ранг-баранг-лиги билан ўзбек адабий тили тараққиётида муҳим ўрин тутади. Зеро, у Навоий асарларининг билимдони сифатида «Навоий» романини ўз вақтида китобхонларга тақдим этди.

Навоийни англаш, асарларининг тагдор маъно-мазмунларидан тўла-тўкис баҳраманд бўлиш учун малакали мутахассис ёки адабиётшунос, тилшунос бўлишнинг ўзигина кифоя қилмайди, балки мashaққатли ижод йўлини босиб ўтишга тўғри келади. Дарҳақиқат, Ойбек ана шундай ижодкор эди.

Яқин ўтмишда Ойбек шахсияти ва унинг асарлари анча нохолис ёритиб келинди. Хусусан, қатағон йилларида адибнинг руҳий-маънавий қийноқларни бошидан кечириши каби масалаларга кенг ўрин берилган эди. Натижада Ойбекнинг руҳий-ботиний олами, асарларининг туб мазмун-моҳияти унчалик ёритилмай қолган эди. Ойбекнинг ёшлик чоғлариданоқ диний тарбия кўрганилиги, кейинчалик ҳам ўз эътиқодига ич-ичидан содик қолганлигини эътиборга оладиган бўлсак, масалаларга бошқачароқ ёндашибимизга тўғри келади. Қолаверса, Ойбекнинг навоийшунос сифатида ҳам зоҳир, ҳам ботин илмларидан бирдек хабардор эканлиги бу масалаларга янада ойдинлик киритиши муқаррар.

Ойбекнинг узоқ йиллар Навоий асарлари устида ишлаши натижасида унинг ижодиётида навоиёна услугуб, навоиёна сўз қўллаш анъаналари кенг ва изчил ўрин топди. Адибнинг биргина «Навоий» романида жуфт ва такрорий сўзлар шундай кўп, такрор қўлланилганки,

баъзан кишига бу керагидан ортиқ қўлланилгандек ту-юлади. Аслида эса ундан эмас. Бу тарз асар тилининг услугбий-ифодавий қатламини изчил бойитиб борган ва ёзувчи китобхонни шундай маҳорат билан ўз тафаккур оламига аста-секин олиб кирган.

Такрорий сўзлар дастлаб қадимги туркий тил манбаларида ҳам қўлланилган: булдур-булдур (ДЛТ, I, 77)<sup>1</sup> – (товуш) – «звукоподражательное слово», «глухой звук подающего предмета»; ісріқ-ісріқ (ДЛТ, I, 93) – «кўз тегишидан сақлаш учун қўлланилдиган сўз» – «заговор», «употребляемые от сглаза»; mah-mah (ДЛТ, I, 253) – «личинни чакирадиган сўз». Кўринадики, такрорий сўзлар айнан такрорлаш орқали ҳосил бўлади ҳамда маълум грамматик шаклларни қабул қиласди. Такрорий сўзлар грамматик жиҳатдан ҳам маълум сўз туркумига кирувчи мустақил грамматик бирлик саналади.

Бу борада ҳам тилшунослиқда бир-бирига қарама-қарши фикр-мулоҳазалар, қарашлар мавжуд, хусусан, тилшунос олим Р. Аганин туркий тил манбаларига таяниб, жуфт сўзлар такрорий сўзлардан вужудга келган, деган фикрни билдиради<sup>2</sup>. А. Гуломов фикрига кўра, «Такрорнинг энг қадимги шакли оддий такрор бўлиб, кейингиси шундан туғилган»<sup>3</sup>. Умуман, А. Гуломов, Ф. Камол, А. Ҳожиев каби олимлар «Ўзбек тили грамматикаси», «Ҳозирги замон ўзбек тили» дарслкларида жуфт ва такрорий сўзларни алоҳида сўз категорияси деб қарайдилар.

Ойбек асарларида Навоий ижодининг таъсири алоҳида ўрин тутади. Навоий қўллёзма асарларини синчиклаб

<sup>1</sup> Қавс ичидаги шартли кисқартмалар, ракамлар асар номи ва саҳифаларини билдиради: ДЛТ – «Девону луготит турк», Индекс. – Т., 1966, 77-саҳифа; Н – «Навоий» романи, 318-саҳифа. Кейинги ўринларда шу тарзда берилади.

<sup>2</sup> Аганин Р. Повторы и парные сочетания в современном турецком языке. – М., 1959. – С. 7.

<sup>3</sup> Гуломов А. Ўзбек тили морфологиясига кириш. – Т., 1953. – 18-бет.

кузатиш шуни кўрсатадики, улуғ мутафаккир кўп ўринларда сўзларни жуфт ёки такрорий қўллаш орқали янги сўзлар ҳосил қилиш ва шу йўсин билан байт ёки тугалланган жумла маъносини кучайтиришга ҳаракат қилган ва бу муваффақиятли чиққан:

*Мулойим-мулойим суруб ҳар нафас,  
Анингдекки Хоқонга бир-бир ҳавас*<sup>1</sup>.

Ёки:

«Аёл ва атфол ториқиб мухофазатидин. Навкар ва чокар озиқиб анинг мулояматидин. Турлук-турлук иллат бадани уйида ўқулуб, ажаб-ажаб мараз касратидин ҳаётдин тўнгулуб»<sup>2</sup>.

Ойбек ҳам худди шу анъанавий тарзга қатъий риоя қилиб, «Навоий» романида ҳар бир сўзни мантиқан ифодали ва тушунарли қилиш, ўзбек тилининг ички имкониятларидан тўлароқ фойдаланиш мақсадида навоиённа сўз қўллашга интилади: «Томларда болалар, ҳатто кўкраги билиниб қолган дуркун-дуркун қизлар тўдатўда бўлишиб ўйнашиб юрадилар, жарангли овоз билан шўх қўшиқлар айтадилар»<sup>3</sup>.

Ёки:

«Бу қат-қат тоғ каби юксалган, муazzзам қулалари кунгирадор қалин деворлари, тепа-тепа тупроқ уюмлари эди» (6, 116).

Бу тавр факат туркий тилнинг ички анъанавий имкониятларидан тўлақонли фойдаланиш учунгина жоиз бўлиб қолмай, балки китобхон кўнглига мозий руҳияти-

<sup>1</sup> Алишер Навоий. Садди Искандарий. – Т.: Фан, 1993. – 357-бет.

<sup>2</sup> Ўша асар. – 116-бет.

<sup>3</sup> Ойбек. Навоий. Танланган асарлар. Учинчи жилд. – Т.: 1957. – 291-бет.

ни яқинлаштириш, унинг тахайюл оламини бойитиша  
нақадар нозик сўз қўллаш санъати ҳамдир.

Булардан ташқари, романда жуфт ва такрорий сўзлар гурухига алоқадор бўлган бир қанча сўзлар борки, улар энди нафақат асар тилининг бадиий ифода қатламини бойита борган, балки асарнинг нуфузини, бадиий жозибадорлигини янада оширган: тарақ-турук (Н, 318), гангур-гунгур (Н, 32), қинғир-қийшиқ (Н, 332), такрор-такрор (Н, 15), қўша-қўша (Н, 15), урина-урина (Н, 6), турли-туман (Н, 16), жуфт-жуфт (Н, 315), билқ-билқ (Н, 321), одим-одим (Н, 332), ямоқ-ясқоқ (Н, 332), камбағал-чамбағал (Н, 332), ялиниб-ялпоғланиб (Н, 332), ағрая-ағрая (Н, 333) ва бошқалар.

Ойбекнинг «Навоий» романи тилида навоиёна сўз қўллашнинг айrim жиҳатларини кузатиш шуни кўрсатадики, адаб Навоий қўллёзма асарларини синчковлик билан ўрганган етук тилшунос ва матншунос олим ҳамдир.

## **ЗАМОНАВИЙ ЎЗБЕК ШЕЪРИЯТИДА ТИМСОЛ ТАДРИЖИ**

**«Хайр энди, шеъриятга кўмилган ҳаёт...»**

Ўзбек адабиёти бадиий тафаккурида XX асрда бир йўла уч маротаба туб бурилиш кузатилади. Дастлабки ўн йилликларида жадидлар, 60-йилларда «илиқлик даври» шарофати билан бир қатор шоирлар авлоди, ниҳоят, 90-йилларнинг охирларида миллий адабиётда, хусусан, шеърияти кескин юксалиш бўлди. Бу шоирлар шеърияти ранг-баранг рамз ва тимсолларга бойлиги билан ажralиб туради. Рауф Парфи шеърий машқларининг илк давриданоқ Чўлпонга пайравлик қилди, эргашди. Унинг қўлма-қўл ўқиладиган шеърларини ёд олиш билан кифояланмасдан қалб сардафтарига тоабад муҳрлади. Рауф Парфи Чўлпонни устоз билгани, унинг шонли йўлини давом эттириш ниятида эканини йигирма беш ёшида 1968 йили чоп этилган «Карвон йўли» илк шеърий мажмуасининг дастлабки шеъри – мунгзада сонет-даёқ баралла овоза қилган. Унда Чўлпоннинг «Киshan кийма, бўйин эгма, ки сен ҳам хур туғилғонсен» деган даъватига ҳамоҳанг, чўлпонона, бироқ Рауф Парфи кўнгил мулкида тобланган илохий жазба янграйди:

*Эй само, эй замин, эй инсон – қодир,  
Гуллар, чечакларга тўлсин ойдин йўл,  
Нафосатга ахир чидамли одам.*

*Бу кун Сен бошқасан, дунё бошқадир...  
Сен-да ҳур түгилдинг, бир куйла, бир ўл,  
Ва билгил қайларда сарсондир алам...*

Шоир 1980 йилда ёзилган машхур «Оғриқ» сонетлар туркумида:

*Рұхга иймон бергил, эй қодир ҳаёт, –*

дея хайқиради.

«Ижодкор эътиқодига хиёнат құлмаслиги керак», де-ган нақлни умрбод шиор қылган Рауф Парфининг бундай эътиқодталаблиги ажаблантирмайды. Бироқ унинг то ҳатто «қизил мафкура» ҳукмронлиги шароитида мана шундай мардона иймоналааблиги кишини ҳайратта солади.

Биз Толстой, Достоевский, Фолкнер, Вульф, Думбадзе, Шукшин, Распутин, Евтушенко, Қодирий, Чүлпон, Усмон Носир сингари улуғларга эргашиб, рухиятимиздаги кишанлардан халос бўлиш йўлларини изладик.

Рауф Парфи ўзбек адабиётини жаҳон модерн шеъриятига боғлаш билан ўзига, ўзбек адабиётига янги йўл очиб, унинг асосчиси бўла олди. Аскад Мухтор бошлаган «эксперимент»ларни чинакам санъат, бутун, яхлит адабиёт даражасига кўтара билди.

Рауф Парфи ижодида Бодлер шеърияти билан ҳамоҳанглик мавжуд. Бодлер: «Страданье – путь один в обитель славу вечной» («Изтироб – мангу шухрат қасрига элтар ёлғиз йўл»), – деб таъкидласа, Рауф Парфи: «Шоирнинг онаси изтироб ахир», – дея ёзғиради<sup>1</sup>. Икки хил ифода қилинган ягона шоирона фикр. Бодлер шоирона илҳом жазаваси, изтиробни йўлга қиёслайди. Рауф Парфи эса бу фикрни ривожлантиради, кучайтиради, изтиробни

<sup>1</sup> Рауф Парфи. Сўнгги видо. – Т.: Алишер Навоий номидаги Миллий кутубхона нашриёти, 2006. – 128-бет.

шоирнинг онаси деб таъкидлаш асносида, уни шоирлик исдеъдодининг тамал тоши сифатида талқин этади.

Рауф Парфи шеърларида, айниқса, «ой», «тун», «ём-тир» сўзлари тимсол даражасига кўтарилиган.

Шоир шеърларида «юрак», «қалб», «кўнгил», «кўкс» сўзи билан баравар мақомда «руҳ», «хуррият», «рухимнинг қуши» иборалари ҳам тилга олинадики, бу калимаю иборалар негизида рамз ва тимсолларга бой мазмун-моҳият яширин. Шоир «Изтиробдан ўлмас шоирнинг қалби», «Юрагимда кўхна андуҳлар» дея баралла хитоб қилар экан, ўзининг қалб кишиси эканлигини таъкидлайди. Тўғри, кўнгил тимсоли қадим мавзу. Лекин шоир шу кўхна мавзуни янада ривожлантириб, уни янги рамзлар билан бойитишда давом этади: «Рамз – воқеликнинг тимсолидир. Воқеликнинг айнан ўзи гўзал эмас, унинг тимсоли гўзалдир. Илло, тош эмас, тошга йўнилган хаёл гўзал. Адабиётнинг илоҳий кучи – ана шу хаёлни яратса олишда кўринади. Ижод яратишдир. Яратиш эса илоҳиётга дахлдорликдир. Яратиш завқи барча завқдан, яратиш азоби барча азобдан юксакроқдир. Гўзаллик яратиш эса – бу илоҳиётни чархлашдир»<sup>1</sup>.

*Мен хонамга киргайман алҳол,  
Юрагимда кўхна андуҳлар.  
Деразамга урилар шамол,  
Қайдасан сен? Қайда ул руҳлар?..*

Энг муҳими, Рауф Парфи шеъриятида мумтоз шеъриятимиздаги анъанавийликка хос тажрид, тафрид (ёлғизланиш) ҳолатлари қаламга олинади. Бинобарин, Рауф Парфи ёлғизлик изтиробларини «Сабр дарахти», «Сўнгти видо» шеърий тўпламларида кўп маротаба тилга олади.

<sup>1</sup> Назар Эшонқул. Ижод кудрати, гўзаллик илоҳиётга дахлдорликдир // Миллий тикланиш рўзномаси. – Т., 1998 йил 19 май).

Шу ўринда Рауф Парфининг «Ёмғир эмас, марварид ёғар» сатрлари билан бошланувчи шеърида ёмғир поэтик образлилиги билан ажралып туришини алоҳида таъкидлаш зарур:

*Ёмғир эмас, марварид ёғар,  
Ёмғир – кеча шаклинда бу он.  
Сув сингари жислдираб оқар,  
Кеча кечар шод ва беармон.*

Фикримизча, «ой», «тун», «ёмғир», «күнгил» ва «ёл-ғизлик» тимсоли шоир шеърларида «рухий хуррият», «маънавият», «маърифат», «казалият ва абадият» каби чукур фалсафий-ирфоний тушунчаларни ҳам ифодалаб келган.

Шоир учун сўз нон-сув каби кундалик эҳтиёжи дир. У ҳар бир сўзга заргарона ишлов беради. Албатта, қадимдан чинакам сўз санъаткорлари сўзга ана шундай ёндашгандар. У поёнсиз уммондир. Зеро, сўз ҳақида қадим IV–VI аср Веда адабиёти матнларида қизиқарли маълумотлар учрайди, яъни уларда Сўз (Нутқ) илоҳий қўшиқ ва билим воситасида тараннум этилиб, илоҳийлаштирилади. Албатта, бу – қадим хиндларнинг Веда адабиётлари даги сўз илоҳаси таъсирида бу шоир шеъриятида ҳам кўплаб мунозарали мушоҳадалар, қизғин баҳслар, айниқса, мужиб – ажойиб шеърлар юзага келган эди. Уларда Веда адабиётларида тилга олинган инсон – Йама (бу сўз қадим хинд матнларида «Йима», «Жама» тарзида ҳам қўлланилган) – «у дунё», «ўлим маъбути», яъни унинг даврида инсоният фаровон ҳаёт кечирган, Сарасвати – «фан ва санъат илоҳаси», Шива – «бунёд ва барбод маъбути», Срабон – «тинимсиз ёмғир ёғадиган ой» сингари бадиий образлар ўз ифодасини топган эди: «Йаманинг руҳига сокин сўйладим / Соҳир Сарасвати! Надир бу ақлим / Тупрок-

ни булғаманг. О, Шева, етар! / Товонимни тешди срабон ёмғир» сингари шеърий сатрлар шулар жумласидандир<sup>1</sup>.

Айтиш мумкинки, қадимги ҳинд матнларида сўз илоҳий қудрат даражасида улуғланади. Фикри ожизимизча, унинг инсон руҳига алоқадорлиги очиқ эътироф этил маса-да, лекин матн замиридаги тагмаънолар шунга ишора қиласи. Зоро, «Ҳиндларнинг эътиқодига қўра, инсон руҳи тамоман покланмагунча танадан танага кўчиб юраверади. Шу жараёнда инсон руҳи нафсоний иллатлардан кутулиб, асл илоҳий моҳият касб эта боради... Агар инсон эзгу ишларни кўп қилиб, маънавий камолотга интилса, унинг руҳи олдинги «юқ» – камчиликларидан кутула боради. Бу эса, инсон руҳининг илоҳлар маконидан мангу жой олиш жараёнини тезлаштиради. Илоҳлар мақомига эришиш – ҳар бир ҳинднинг сўнмас орзусидир».

Албатта, қадимда Ўрта Осиё алломалари ҳам сўз ҳақида кўплаб қизиқарли баҳс-мунозараларни ўртага ташлаганлар. Жумладан, XI–XII асрларда яшаб ижод этган Шайх Фаридиддин Аттор (вафоти 1220). «Ўз кўзинг билан боқ ўзингга, сўзга ўралгин. Дунё одамлардан эмас холи. Икки оламнинг асоси Сўздир, чунки Сўз Ҳақдан мужда бўлиб келди. Ахир арши аълода битилган «Лавҳи маҳфуз» (азалдан кўкда инсонларнинг яхши ва ёмон амаллари маҳфий сақланган ёзув лавҳи. – M. A.) ҳам Сўздир. Ҳамма нарса Сўздан ижод этилган ва Сўзга қайтади», – дейди. XII–XIII асрларда Мавлоно Жалолиддин Румий ҳам сўзга шундай тавсиф беради: «Ҳар нарсанинг асли – сўз. Сенинг сўздан хабаринг йўқ ва уни менсимайсан. Сўз амал дарахтининг мевасидир. Чунки у амалдан туғилади. Улуғ Тангри оламни сўз билан яратди ва «Бўл» дейиши билан у ҳам бўла қолди». Бундан ташқари, у «Хаёл олами тасаввурлар оламига қара-

<sup>1</sup> Рагф Парфи. Сўнгти видо. – Т.: Алишер Навоий номидаги Миллий кутубхона нашриёти, 2006. – 107–109-бетлар.

ганда янада кенгдир. Чунки бутун тасаввурлар хаёлдан туғилади. Ўз навбатида, хаёл олами ҳам уни бор этган оламнинг қаршисида йўқсилдир. Сўз-ла фақат шу қадар англашилади, холос. Йўқса, ҳақиқий маънонинг калима ва жумлаларда ошкор бўлмоғи имконсиздир. Биттаси: «У ҳолда жумла ва сўзниңг фойдаси нимадир?» – деб сўради. Сўзниңг фойдаси шуки, сени истамакка йўллайди, илҳом беради. Йўқса, исталган (талаб қилинган) сўзла ҳосил бўлмайди. Агар ҳосил бўлсайди, мужоҳадаю фидокорликнинг нима ҳожати бор эди?». Тაъбир жоиз бўлса, XX–XXI аср руҳоният шоирларидан Рауф Парфи «Оллоҳим мадад бер. Бир сўз бер менга/Сўзниңг гулханида руҳим исинди/Ҳеч тузалмас яра, у Сўзdir ахир/Адашган йўлчини йўллаган, эй Сўз/Лойикманни Сўзга, билмадим нетай?/Сўз мени таъқиб қилас/Чирқириларар ўйиб кўксимни/Сен кимнинг божисан, эй Сўз» сингари сўз руҳига талпинишлари ҳам бежизга эмас эди. Зеро, ижод асносида сўз санъаткори руҳиятидаги кўтаринки ёки тушкун ҳолатлар, аслида, бадиий тафаккурнинг қалби бўлган сўз руҳи, яъни сўзниңг таъкиби натижасида зохирланади. Бошқачароқ айтганда, бунда, ижодкор чинакам сўз руҳининг асирига айланади...

### **Кўнгил қуши наволари**

Шеърият бир дараҳт бўлса, унинг илдизи анъанавийлик заминидан, «кўнгил дурҷ»лари яратган латиф туйғулар, изтироблар манбаидан баҳра олиб, ривожланади. Ана шу баҳрамандлик даражаси қайсиdir маънода бу дараҳтнинг баъзан тотли, баъзан нордон мевалар беришига сабаб бўлади. Зеро, нақл қилинишича, «Биз инсонни ҳасратда яратдик», мазмунидаги ояти карималар диний манбаларда такрор-такрор учрайди. Дарҳақиқат, «Қисаси Рабғузий» асарида таъкидланишича («...Қирқ йил ул туфроқ уза ёғмуру ёғди, ўтуз тўқуз йил қазғу ёғму-

ри ёғди, бир йил севунч ёғмури ёғди. Ул йўлдин Одамға севунчдин қазғу ортуқроқ бўлди...»), Оллоҳ Одам сафий алайхиссалом тупроғи узра қирқ йил ёмғир ёғдирди: ўтиз тўққиз йил қайғу ёмғири ёғди, бир йил шодлик ёмғири ёғди. Бундан шу нарса англашиладики, инсоннинг бу дунёдаги асл шодликлари, яъни баҳтли онлари бир ерга жамланиб, ҳисоб-китоб қилинса, бир йилга тўғри кела-ди, холос. Бинобарин, инсоннинг чинакам инсонийлик касб этиши ҳам кўпроқ унинг ички руҳий изтиробларида намоён бўлади. Илло, бу изтироб машаққатлари қан-чалик нордон, борингки, аччиқ бўлмасин, пировардида у инсонга тотли онларни багишлайди. Нихоят, у (инсон) бу ҳолатдан ўзлиги, яъни инсонийлигини топади ва шубҳасиз, унга тинимсиз интила боради. Мана шу ме-зон, интилиш кучи инсонни комиллик сари етаклайди. Шу маънода таниқли шоир Икром Отамурод инсоннинг ички кўнгил руҳи изтироблари оламидаги нозик ҳолат-лар, яъни ундаги кўнгил ичидаги кўнгил қуши наволари реал воқеликка асосланиб, гўзал тарзда қаламга олина-дики, Бу ҳар бир шеърият муҳибига алоҳида бир эсте-тик завқ-шавқ бағишиласа, ажаб эмас.

Адабиёт оламида «Агар Замин ёрилиб кетса, дарзи шоир юрагидан ўтган бўлар эди», деган машҳур нақл бор. Дарҳақиқат, ҳар бир ҳақиқий шоир юрагида доимо ўз ҳалқининг шодлик ва қайғулари уфуриб туради. Икром Отамурод ҳам дунёга шеър дарди билан келган ана шундай шоирлар сирасига киради.

Яқинда шоирнинг «Харитага тушмаган жой» номли шеърий китоби чоп этилди. Тўпламнинг номланишида ҳам катта рамзий маъно бор. Зотан, инсоният ўзи ўй-лаб топган қонунларига бўйсунмайдиган хилқат, ҳатто унинг яратган харитасига тушмаган жой – кўнгилдир. Ушбу кўнгил китобидан шоирнинг сара шеърлари би-лан бирга достонлари ҳам ўрин олган.

Тўплам «Юрагингни оч садоларга» номли шеър билан бошланади. Унда киши кўнглининг ички олами, табиат манзаралари гўзал тарзда тараннум этилади. Мана бу мисралар ўқувчи хаёlinи узоқ-узоқларга олиб кетади. Уларда шоирнинг ўзига хос нигоҳи, образлар дунёси шоирона тимсолларда очилади:

*Сарин-сарин эсган бир гўзал насим –  
Ёмғирлар ҳидини келтирган садо.  
Чирқираб чарх урган тўргайлар саси –  
Қовжирауб бужсмайган ялангоч саҳро.*

Кўрамизки, шоир шеъриятида сўзнинг ботиний маъно олами, сўзнинг тимсолга айланиши ва, энг муҳими, рамз, тимсоллар тадрижи яққол кўзга ташланади.

Икром Отамуроднинг мазкур шеърий мажмуасида ҳам кўнгил тимсол даражасига кўтарилади. Шоир кўнгил – «кангул»га ургу бериши асносида мазкур сўзга инсоннинг ўзлигини кашф этиши ҳамда Эътиқод, Иймон, Виждон маъноларини ҳам юклайди. Зеро, шоир келажакда олимларнинг виждонни ўлчайдиган қурилма яратишини орзу қиласди:

*Ҳамон сирли қолар Бермууд бурчаги:  
Фаразлар, тахминлар бермас тасалли.  
Шундай бир ихтиро – виждон ўлчагич  
Олимлар фикрига келмаган ҳали.*

Шоир сара шеърларида ҳар бир сўз, ҳар бир иборага баҳоли қудрат сайқал беришга, шоирона туйгулару тафаккурнинг санъаткорона уйғунлигига эришишга интилади ва бунга имкон даражада эришади ҳам. Илло, шоир дил билан бирга тилни ҳам яхши хис этади.

Чунки шоир қадимги туркий тил, мумтоз асарлар ва шева материалларидағи анъанавийликдан такрор-так-

рор фойдаланади. Жумладан, шеърий тўпламда «чунгирак», «сира», «ялавоч», «табаддул», «Ҳақиқат – дунёнинг жулдур жандаси», «Хувиллайди бўм-бўш совиган инлар/юлғун сужкларин ғажир нимжон ўт» сингари сўз ва шеърий мисраларнинг кўплаб қўлланилиши эътиборга молик. Бизнингча, шоир шеъриятидаги «туфроғ», «тош», «дараҳт», «ёбон», «дашт», «сукут» каби анъанавий шеъриятимизга хос шеърий образлар мазмун жиҳатидан, тимсол даражасига кўтарилиган. Шоирнинг ушбу шеърий тўпламидан жой олган «Ичкари... Ташқари...», «Истарим», «Харитага тушмаган жой» каби достонлари адабий жамоатчилик томонидан эътироф этилганинг сири ҳам шунда. Айни достонларнинг номланишидан ҳам шоирона хилватнишинлик, ёлғизликни соғиниш, кўнгил ҳайратлари билан яшашга мойиллик кайфиятлари уфуриб туради.

Хозирги даврнинг умумбашарий муаммоларидан бири инсоннинг ўзлигидан, қалбидан бегоналашуви экани ҳакида файласуфлар ўтган асрдаёқ бонг урган.

Шоирнинг кўнгил оламида ва кўнгил даъвати билан яшашга иштиёқини инсоннинг ўзлигини соғиниш сифатида талқин қилиш мумкин. Инсоннинг ўзлигидан бегоналашуви, Имом Ғаззолий таърифи билан айтганда, қалб хасталигига чалиниш демакдир.

*Ёмғирдан сўнг... ойнинг сочини  
эркалаб силайди насимлар.  
Суманбардай кетар очилиб,  
ёмғирдан сўнг осмон тирсиллаб.*

*Ёмғирдан сўнг... юлдузлар чақнаб,  
нозланар карашма, ишвали.  
Ёмғирдан сўнг... гулларнинг қақнаб  
лабларин сўради кишивари.*

Ёмғирдан сүнг... ажиб бир тусда  
ер билан күк кетар қовушиб,  
Ёмғирдан сүнг... олис-олисдан  
эшишилар сойлар довуш.

Ёмғирдан сүнг... қияни күзлаб –  
даштар үмганин керади.  
Ёмғирдан сүнг... ястанган бўзлар  
қўзигуллар теради.

Ёмғирдан сүнг... тарқар хилма-хил  
ташвишлар, сиралар, тангликлар.  
Ёмғирдан сүнг... мовий, ям-яшил  
руҳимда уйғонар кенгликлар.  
Ёмғирдан сүнг...  
Ём-ғирр-дан сў-ў-нг...

Шоир талқинида ёмғир ёғиб бўлгандан сўнг манзаралар ажиб бир тус ва тароват олади. Манзарапар гоҳ «насим», «мусаффо осмон» шаклида кўринса, гоҳ самодаги «юлдуз»ларнинг чақнашида, гоҳ ердаги «гул»ларнинг бетакрор жилоси, рангида намоён бўлади. Аммо шеърнинг ёзилишидаги рамзий муддао бу ҳам эмас. Чунки бу манзарадаги шоир назарда тутган асосий муддаолардан бири худди ана шу табиат ҳодисаларига урғу бериш асносида инсон руҳининг тозариш ҳолатини тасвирлашдир. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, айниқса, шоирнинг ушбу шеърдаги «Ёмғирдан сўнг... мовий ям-яшил/руҳимда уйғонар кенгликлар» сатрлари шеъриятимизда руҳият шоири сифатида эътироф этилган Рауф Парфининг «Ёмғир эмас, марварид ёғар» каби руҳий ҳуррият тараннум этилган шеърларига ҳамоҳанг янграйди. Зотан, ёмғир тимсолида кўнгил даъвати билан руҳий изтиробларни баён қилиш йўсими Икром Отаму-

род шеъриятида муҳим ўрин тутади. Демак, шеърларидаги сиқиқликда, аслида, қадим анъаналарга суюнган ана шундай руҳий кенгликлар мавжуд.

Шоир шеърларини мутолаа қиласиз, хокисорлик, аслида, азалдан инсоннинг инсонлик фитратида мавжуд – бу ундаги камёб фазилатлардан бири эканлигини дил-дилдан ҳис этасиз ва бунга жавобан беихтиёр ана шундай фазилат соҳибларидан бири бўлган авар халқининг машҳур шоири, чинакам ҳассос сўз санъаткори Расул Ҳамзатовнинг қуидаги сатрлари кўз ўнгингиизда намоён бўлади:

*Шеъримнинг нуқсони, кучи ҳақида  
Олим, танқидчилар китобидамас,  
Шу чолларнинг шинам саклаларида  
Бир сўз айтилишин қиласман ҳавас.*

Шоирнинг ижодий такомили тадрижини кўздан кечирсак, шеърдан-шеърга мавзулар доираси кенгайиб, анъанавийлик, халқоналик ёрқин тус олаётгани ва уларни чўнг бир инсоний дард ичдан нурлантириб бораётганини қўрамиз. Бу шоир шеър ва достонларида мумтоз адабиётга хос анъаналар билан бирга, жаҳон шеъриятидаги энг яхши йўналишларни умумлаштиришга тинимсиз интилмоқда.

### **Нур соғинчи**

Шеърият боғлари кўнгил боғини турфа хил гуллар билан музайян қиласиди.

Илло, «...бу кўнгил боғи энг гўзал, энг барокатли манзилдир. Яхшилар ундан таомланадилар, ўз чанқоқларини қондирадилар, ҳаво ва ҳаваснинг бандидан озод бўлганлар ундан шодмон ва баҳравардир». Замонлар ўтади,

аммо унинг сархил мевалари уруғи рухга сингиб, яна бардавомлик касб этаверади.

Бу улуг интизом азалдан халлоқи оламнинг инсониятга тақдим ва тақдир этган инояти эди. Инсон борки, бу улуг неъматдан баҳраманд бўлиб, шеър дарди билан яшайди. Шу маънода таникли замондош шоиримиз Икром Отамурод шеърияти ўзига хос ботинийлиги билан ҳам кенг жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотади.

Яқинда «Ёшлиқ» журналида Икром Отамуроднинг «Руҳдан сизган нур» достони эълон қилинди. Асар номи кўнгилга яқинлиги билан шеърият муҳиблари кўнгил кўзига бир нур, нозик тахайюлига самовий парвоздар бахш этган бўлса, ажаб эмас. Демак, бу номда катта умид ва рамзий маъно бор. Умид шуки, ҳар куни уст-бошини тозартираётган инсон худди шундай кўнгил поклигини ҳам канда қилмаслиги керак. Аммо кўнгилни тозартириш кишидан сермашаққат маънавий азобни талаб қиласди. Бунда киши мудом маънавий бедор бўлиши жоиз. Зеро, бу улуг тайёргарлик – улуг НУР соғинчи.

Достон «...Тонг аввали» сатрлари билан очилади:

*...Тонг аввали.*

*Ёйиб чодирин қуюқ*

*Кетгиси келмас түннинг...*

Кўринадики, шоир тонг аввали – эрта тонгдан қоронғи тунгача, ҳатто кечалари субҳи содиққа қадар бедор «фонус» ёкиб, ўз кўнгил каъбасини супуриб-сидиради. «Кўзда су, кўнгулда қайфу, тан заифу жон наҳиф» қабилида минг бир андиша, минг бир мулоҳаза билан қўлига қалам олиб, кўнгил кайфиятини баён этишга киришади: унинг тахайюли замонлар оша юксалади, кўнгли сокинлашади. Шоир ниманидир англаб етади. Бу кўнгилни чунон ўртайди. Шунда шоир хаёлоти бе-

ихтиёр улуг Тангри яратиғи бўлган инсоният қисматио турмуш тарзидаги уйғунлик, яъни унинг замон зайли ва макон мезонидаги эврилишлари сари қанот ёзади:

*Ўтар кимларгадир бўйсуниб замон,  
Замонга бўйсуниб ўтар кимлардир.  
Кимларнидир чептиб ташлагай замон,  
Чептиб ташлагай замонни кимлардир.*

Икром Отамурод асарда асрлар қаъридан то шу кунгача инсон, аниқроғи, улуғларимиз руҳий имкониятлари арзу само ичра чек-чегара билмаслигини, уларнинг маънавий харакатлари эса замон ва макон эврилишларига муштарак эканлигини образли тарзда тараннум этади:

*Компаслардан чиқиб кетган улуглар  
Дилида Шарқу Farb муштарак макон.  
Кундуз байзо ҳувуридай тўлуглар,  
шабда қамар сиймосидай нурафион.*

Булардан сўнг шоир бадиий кайфиятни анъанавий шеъриятимизга хос тарзда, яъни нозик хилқат (инсон) учун шунчалар қайғурган, унга шунчалар беминнат имкониятлар яратган Парвардигори оламга қаратса юқори эҳтиросда талқин этади:

*Руҳни руҳ айлаган ҳур,  
Ўзи – руҳдан сизган нур –  
Ул зот.*

Шоирнинг ушбу сатрларида ўз-ўзидан зухур бўлган ва ўзгаларни зоҳир қилган улуг Тангри васф этилиб, Унга тавалло нашъу намо топади. Қолаверса, бу – шоир тахайюлида катта бир эврилиш содир бўлаётганлигидан яна бир нишонадир.

Шоир шеъриятида рамзий маъноларга омухта хилма-хиллик, яъни мантиқий бир тавр зуҳурлана боради. Негаки достонда қадим асотирларга омухта арзу само манзаралари ажиб кўринишда мазҳарланади ва ниҳоят, у шоир нигоҳида гоҳ етти қат ер, гоҳ етти қат само ботинидаги буюк эврилишлар мужиб бир тарзда жонланади.

Асарда Ҳақ ва ҳақиқат ҳақидаги манзаралар ҳам худди шундай тус олади ва бу шоирона тимсолларда янада партавланади:

*Ҳақиқатда юксалгайдир мазҳарнинг раҳти,  
мазҳарнинг тус қаватида ҳақиқат қат-қат.*

Нақл борким:

*«Ҳақиқат ердан ҳам кенгроқ»...*

Ушбу мисраларда илгари сурилган бадиий кайфият Ҳақ ва ҳақиқат, озодлик ва ҳуррият зимнида шакллана боради ва бу ҳолат ботиний-тафаккурий кенгликларда таққосланади: агар инсон Ҳақдан ўзгани тан олса, унинг рухи бадан қафасида занжирбанд бўлади, яъни парфиёна рамзий ифодалар билан айтганда, худди эркисиз ҳақиқат – ҳақиқат бўлмагани сингари, инсон ҳам бунда ўз эркини бутунлай йўқотади:

*Ахир ҳақиқатга эрк ҳам керак-ку...  
Мондарда<sup>1</sup> тангрilar ёвуздир ахир.  
Бўрон кўзларига келмайдир уйқу.*

Шоир Икром Отамурод кўнглида бу тушунчалар шу қадар кенг, шу қадар гўзал тус ва тароват оладики, уни шеър билан таърифлашга гўё шоирнинг забони ожиз, зеро, энди у «Ҳақиқат ердан ҳам кенгроқ» қабилидаги қадим нақлларга мурожаат қила бошлайди. Бунда шоир

<sup>1</sup> Ривоятларга кўра, худолар мажлис киладиган тог.

ўқувчи кўнглида ҳақиқат нақадар кенг тушунча эканлигини шакллантиришга эришади. Зеро, бирор нарса ёки фикрни асослаш ҳали ҳақиқат эмас, аслида, у инсон тийнатида азалдан мавжуддир. Фақат уни уйғотиш юмуши инсон ихтиёрида. Бўлмаса, у тутқунлигича қолиб кетаверади. Илло, ҳар бир инсон арзу само ичра ана шу улуғ неъматдан тотиб кўришга ҳақли. Эҳтимол, бу нозик хилқат (инсон) уни ўз вақтида англаб етмаса, унинг ботинида кўпроқ ёвузлик ҳукм сурар. Албатта, бунга фақат дунёвий-фалсафий тушунчалар нуқтаи назаридан қаралса, катта иштибоҳ бўлади...

Шоир асарда инсон Ер шарида бир муддатгина меҳмон эканлигига, ҳаттоқи бу фурсат ичидаги инсонни инсонга қилган барча дунёвий савоб ишлари, аслида, зигирча эмаслигига ҳам рамзий ишора қиласди. Илло, шоир инсонга жуда кўп нарса эмас, балки озгина меҳр, мурувват, эътибор кераклигини рамз-ишораларда акс эттиришга ҳаракат қиласди ва буни ғам мазҳарига жо этади:

*Бул қалбимда уммон-уммон  
қалқиб-қалқиб ётар гам.*

*Бул қалбимда тумон-тумон  
ҳалқиб-ҳалқиб ётар гам...*

Замондош шоримиз Икром Отамуроднинг мазкур достони ўзига хос услубда ёзилган бўлиб, асар адабиётимиз равнақи учун беназир тортиқдир. Эҳтимолки, «Рұхдан сизган нур» замонавий достоннавислигимизда қарийб унутилаёзган анъанавий издошлик тарзининг бардавомлигига замин ҳозирлар. Нима бўлганда ҳам бу – шоирнинг ҳажр достони, зеро, унинг хотирлари шунчаки бир ўткинчи эмас, балки абадиятга дохилдир.

## Орзуманд шеърият

2008 йилда шоир Абдуҳамид Парданинг бир йўла уч китоби чоп этилди. «Чорлов» тўплами улар орасида алоҳида хусусиятга эга. Унда жамланган аксарият шеърлар ҳам, таржималар ҳам ботиний изтироб, теран фалсафийлик, шоирона нағислик, ҳақ-адолатга ташналиқ ва адолат ғалабасига комил ишонч руҳи билан йўғрилган. Тўплам юксак «юлдузлар гулшани» орзуси билан бошлиниб, Рабиндрнат Тагордан таржима қилинган Тангрининг байти – ибодатхона ҳақида баҳс юритувчи манзума билан якунланишида ўзига хос ҳикмат мавжуд.

Ҳофиз Шерозий ғазалларидан бирида орзулар оламига талпиниб, шундай хитоб қиласиди:

*Билимдонлик ва хушионлик эмас Шерозда ҳеч манзур,  
Кел, эй Ҳофиз, ки биз юзни бўлак юртга ўғиргаймиз.*

Абдуҳамид Парда ҳам шоирона тахайюл кучи билан ўзига хос афсонавий олам яратади. Бинобарин, шоирлар хаёл фарзандлари. Шу боис Абдулҳамид Чўлпон шундай деб ёзганди:

*Хаёл. Хаёл. Ёлғиз хаёл гўзалдир,  
Ҳақиқатнинг кўзларидан қўрқамен.*

Шуниси эътиборга моликки, Абдуҳамид Парда ҳақиқатнинг кўзига тик қарашга-да журъат этади.

Шоирнинг ижодий такомили тадрижи кўздан кечирилса, шеърдан шеърга мавзулар кенгайиб, фикр-мулоҳазалар ёрқин тус олиши баробарида, шоирона маҳорат ҳам ортгани кузатилади. Жумладан, «Чорлов» шеъри ёлғиз «Бир кун узилгай тайнин/Гуноҳкор ер кишияни» деган фикрни айтиш учун дастлабки даврда ёзилган шеърлар жумласига кириши сезилади.

«Тавалло» шеъри ҳам шу жумлага киришидан қатъи назар ўзгача қимматга эга:

*Беҳишт дея билдим дунёни,  
Ҳар инсонни фариишта, ҳур деб.  
Захмин татиб аксар риёни,  
Газабландим минг карра панд еб.*

Бу шоир тафаккурида бурилиш рўй берганини, унинг кўнглида шубҳа-гумон пайдо бўлганини кўрсатади. Иосиф Бродскийнинг эътироф этишича, наинки шеърият, балки умуман санъат айни шубҳа-гумондан бошланади.

Шоир «Риёлар дунёси ҳисобланмиш гунохкор ер» иллатлари ҳақида дастлабки шеърларида умумий маънода баҳс юритса, ижодининг кейинги даврларида битилган шеърларида мавжуд иллатларни бирма-бир тилга олади. Айни шундай шеърлар, Асқад Мухтор таъбири билан айтганда, «эзгулик билан ёвузлик, поклик билан чиркинлик, ёруғлик билан зулмат, кураш билан лоқайдлик, ёлғон билан ростгўйлик ўртасидаги баҳс»га айланади.

Аввало, Абдуҳамид Парда лирик шоир. Айни пайтда унинг шахсига маҳдудлик бегона. Шоир лирик қаҳрамонига илохий юксакликлар орзуси асло тинчлик бермайди. Айни пайтда шоир шеърхон-китобхонни ҳам юксакликларга чорлаши, айниқса, диққатга сазовор.

Мунаққид Эргаш Очилов шоир ижодига шундай таъриф беради:

«Абдуҳамид Парда шеърлари содда тузилиши, оддийлиги, самимий фикр-туйғуларга йўғрилганлиги билан, ташқи ялтироқлик, ортиқча безаклардан холилиги билан алоҳида ажralиб туради. Лекин уларни чўнг бир инсоний дард ичдан нурлантиради. Тирикчилик ташвиши билан оёғини тушовлаган заминдан узилиб, тоғларга, кўкларга интилиши унинг беором қалби, безовта руҳининг парвозга ташналигидан».

Таниқли мұнаққид әътироф этганидек, шоир «Юрагимда дардим күп, дардим» сатри билан бошланувчи шеърида ўзига хос «бадиий топилма» қашф этади.

«Чорлов» түпламидан жой олган қатор шеърларнинг «Илтижо», «Тавалло», «Муножот» тарзида номланиши миллий шеъриятимизга азалдан хос исломий оханглардан далолат беради. Айни пайтда Абдуҳамид Парда лирик қаҳрамонининг Парвардигори оламга интилиши мутаассибона художўйликдан тубдан фарқ қиласи. Унинг наздида Тангри мутлақ адолат, ижтимоий фаровонлик, инсоний баҳт-саодат ва баркамоллик тимсоли.

«Ғалвирдай тешилган юрагим хаста» дея фифон қилишидан қатын назар, шоир чорасизликдан умид чечакларини ўстиради. Гёте таъкидлагандек, Шоир қалбида «дунёни кезиш, янги қашфиётлар қилиш ва кенг бўшлиқлар оғушига талпиниш ниҳоятда кучли», қолаверса, «энг буюк, энг тотли ҳислар лаззатига ташна». Лаҳзалик оний кайфият ҳосиласи ўлароқ яралган «Наво истаб» шеъри ҳалқона содда йўсинда ҳазин қўшиқдай янграгани боис ҳам икки-уч ўқиши асносида хотирага муҳрланади:

*Кўксимдаги доғларга,  
Шифожў даво топсам.  
Чиқиб баланд тоғларга,  
Илоҳий наво топсам.*

*«Кўксингдаги доғларнинг  
Давоси йўқ!» – дедилар.  
«Сен учун бу тоғларнинг  
Навоси йўқ!» – дедилар.*

*Мен ҳамон бор доғларга  
Бедорман даво истаб  
Ва хаёлан тоғларга  
Чопарман наво истаб.*

Агар синчиклаб назар ташлайдиган бўлсак, шоир шифо ва даво сўзларини тилимизга хос луғавий имко-ниятлардан санъаткорлик билан фойдаланган ҳолда бир йўла учала бандда турли мақсадларда қўллаб, шеърнинг таъсиричанлигини оширган.

Китобнинг катта бўлаги жаҳон шеъриятидан қилингани таржималардан ташкил топган. Блок ва Есениндан таржималар, айниқса, ўйноқи чиққани диққатни тортади. Блокнинг қўйидаги сатрларини ўқир экансиз, улар бегона тилдан таржима қилингани асло хаёлингизга келмайди. Айни пайтда ёвқур Блок руҳига таржимон шоир руҳи яқинлигига беихтиёр ишонч ҳосил қиласиз:

*Ҳаловатга, ҳузурга ташна,  
Бу гўшага бегонаман мен.  
Бўронларга, курашга ташна,  
Жаҳонга шта девонаман мен.*

Блокнинг «Кузғун» шеъри таржимасида ҳам шафқатсиз ҳаёт ҳақиқати «Шашмақом»ларга хос юракни беаёв ўртайдиган дардчиллик билан йўғрилган ҳолда ёрқин акс этган.

«Чорлов» муаллифи мажнунона муҳаббат дардига мубтало. Шоир лирик қаҳрамонининг ўзига хос жиҳати шундаки, оташин муҳаббати билан кифояланмайди. Чунки унинг пировард мақсади шахсий баҳт-саодати эмас, балки дунёни обод, инсонни комил ва фаровонликдан шод кўришдан иборат. Шунинг учун ҳам Яратгандан «Юрагимга қанча муҳаббат бўлса, шунча нафрат жойлагин», – дея илтижо қиласиди. Мазкур покиза алангча воситасида жамики иллатлар кулга айланиб, олам мукаммалик, бани башар эса баркамоллик касб этишини тилайди.

«Чорлов»да шоир шахси ярқ этиб кўзга ташланади. «Илоҳий наволар» илинжида қалам тебратадиган шоир

ўз ҳаётига ҳам, макон ва замонга ҳам ниҳоятда юксак мезонлар, ўта талабчанлик билан ёндашади.

Кейинги пайтларда бошқа шеърий жанрлар қатори тўртлик жанрида ҳам шоирлар баракали қалам тебратяпти. Китоб жавонларини тўртликлар тўпламлари ҳам безаётгани кишини қувонтиради. Абдуҳамид Парда ҳам мазкур жанрда эркин қалам тебратади. Ҳар бир тўртликда янги фикр айтишга интилади, самимияти билан китобхон кўнглига йўл топади:

Ишим йўқ нариси-бериси билан,  
Ҳамон авжида кўпкариси билан.  
Минг бир ҳамду сано, Парвардигорим  
Никоҳлаган илҳом париси билан.

«Илҳом париси билан никоҳланган» шоирнинг «Яхши-ёмон кўнглин олай деб қалбини Жоми Жамшид – май коса» қилиши, «Бор-будини шеърга бахш этиб, иймоналааб, эътиқодталаб қалбларга бош олиб кетиши» ҳам табиий қабул қилинади.

Мумтоз адабиётимизда беназир рубоий намуналари мавжуд. Абдуҳамид Парда тўртлик ёзишда салафлар меросини қунт билан ўрганади. Улардаги фикрларни ривожлантиради.

Убайдий рубоийларидан бирида ёзади:

Дунёнинг ўтар аввали нодонлиғ ила,  
Ўртаси анинг ғаму паришонлиғ ила.  
Охири доғи ўтгусидур, оҳким, анинг  
Ҳасрат била, андуҳу пушаймонлиғ ила.

Абдуҳамид Парда айни фикрни индивидуаллаштирган ҳолда ривожлантириб, тўртала сатрни қофиялаштириб, ўзига хос тўртлик яратади:

*Болаликда ношуду нодон,  
Йигитликда телба-паришион;  
На бирон ном, на бирон нишон –  
Бу кун ўртар минг бир пушаймон.*

«Чорлов» шеърий жанрларнинг ранг-баранглиги билан девонни ёдга солади. Шоир туюқлардан бирида «Камина ҳам, ниҳоят, туздим девон», – дея бу фикрни эътироф этади. Тўпламдан жой олган ғазал йўлидаги яратилган шеърлар мумтоз ғазалиётимизга хос залвор билан йўғрилган.

Бадий ижодда Шахс ҳамиша ҳал қилувчи аҳамиятга молик. Гомер асарларининг бекиёслиги, Навоий ғазалиётининг боқийлиги, Шекспир трагедияларига хос афсунгар сир-синоат моҳияти, аввало, бадий ва лирик қаҳрамонлар бетакрор шахс экани билан изоҳланади

Бинобарин, Абдуҳамид Парданинг лирик идеали барча эзгу ниятли сиймолар сингари дунёни поклашдек юксак мақсад билан майдонга чиқади. Бу хусусият унинг иирик манзумалари, бағишловларида, жумладан, «Навоий» достонида ҳам ярқ этиб кўзга ташланади.

Мухаббат армони шоирни дунёга келтиради, изтироб чекишга кўникитиради, дард-изтироб эгизагига айлантиради. Илло, «Шоирнинг онаси – Изтироб» (Рауф Парфи). Бодлер эса, изтироб – мангу шуҳратга элтувчи ягона йўл, дея ҳайқиради:

*Страданье – путь один в обитель славы вечной,  
Туда, где адских ков, земных скорбей конец;*

*Из всех веков и царств Вселенной бесконечной  
Я для себя сплету мистический венец!*

Адабиётшунос Султонмурод Олим фикрига кўра, «иймон – Абдуҳамид Парда ижодининг бош мавзууси.

Унинг шеърларини ўқиб, бу – адабиётимиз учун неча-неча ўн йиллар унут бўлган, қайта куртак отаётган йўналиш эканини англайсиз». Бинобарин, «Чорлов» тўплами ўзига хос замонавий девонни эсга солади. Фазал йўлидағи шеърлардан тортиб фардларгача жой олган.

Абдуҳамид Парда шунчаки ҳақиқат жарчиси эмас, балки ҳақ-адолат ҳимоячиси сифатида унинг ғалабасига комил ишонч билан қалам тебратади:

*Адолатни эзиб-топтаб янчганлар,  
Юрагим поралаб қилич санчганлар.  
Қай қаттол ҳақиқат узра от солар,  
Қалқонсиз кўксимни ниишонга олар.  
Ҳақиқат қуёши бўлиб порлайман,  
Иймон-эътиқодга элни чорлайман.*

Асрлар мобайнида шоирлар томонидан камолга етказилган қатор шеърий жанрларга кейинги йилларда яна қайтадан ҳаёт бахш этилмоқда. Хусусан, шоирдан катта маҳорат талаб қиласидиган туюқлар тўпламлари чоп этилмоқда, ҳикматомуз фардлар яратиляпти. Абдуҳамид Парда айни шеърий жанрларда ҳам эркин қалам тебратади.

Мунаққид Улуғбек Ҳамдам шоирнинг анъанавий йўсинда ижод қилишини таъкидлар экан, бу хусусда шундай ёзади:

«Абдуҳамид Парда шеърият орқали ҳикмат айтишини севади. Дарҳақиқат, шеърият ҳикматдангина иборат бўлмаса-да, ҳикматдан холи эмас. Яъни шеърият ҳикматга teng эмас. Лекин унинг бағрида ҳикмат яшайверади. Шу маънода қуйидаги ҳикматомуз мисралар ўқувчининг маънавий-эстетик дунёсига завқ беради:

*Келдиму, кетмоқлик кўйига тушидим,  
Беш кунлик дунёда ахир меҳмонман.*

Яхши шоирларда ёдласа арзийдиган мисра бўлади. Юқоридаги каби бандлар шоир А. Парданинг ана шундай арзийдиган, ёдлаб айтиб юришни кўтарадиган баланд мисраларирид».

Абдуҳамид Парда шеърлари самимиятдан холи эмаслиги қувонтиради. Бироқ шеърий санъатни пухта эгаллагани, шеърхон қалбини ларзага соладиган фалсафий мушоҳадалар етишмаслиги қатор ўринларда шоирга панд беради. Айни пайтда шеърларга етарли даражада сайқал берилмагани, поэтик фикр ёрқин ифодаланмагани ҳам шоир ҳали қўп тер тўкиб, жиддий изланиши жоизлигини кўрсатади. Бинобарин, шоир навбатдаги тўпламларида баркамол шеърий асарлари билан талабчан шеърхонларни мамнун этади, деган умиддамиз.

### «Доф ботинда ўсади...»

Таниқли шоир Икром Отамурод замонавий ўзбек достоннавислик шеъриягини ўзининг нақадар ҳалқона, ҳам анъаналарга уйғун, ҳам ҳаёт билан ҳамнафас руҳда ёзилган достонлари билан бойитиб келаётир. Айниқса, сўнгги йилларда бу шоирнинг чинакам «ходис»ларга уйғун тарзда «Тағаззул» (2008), «Харитага тушмаган жой» (2011), «Муқаддар» (2012), «Доф» (2014) сингари гаройиб шеър ва достонлари кетма-кет яратилди. Зеро, шоирнинг бу шеърлари, кўпинча, пойу пиёда машрабона юришлар асносида қаламга олингандилиги билан янада ҳайратланарлидир.

Шоир эътирофича, кўкламнинг хушҳаво, ёмғирли кунларидан бирида у юртимизнинг событ ва собиқ гўшаларидан бири бўлмиш кўхна «Дофистон» кўчаси муқобилидаги катта шоҳ кўча ёқалаб табиат зиёратига ошиқади. Шунда у, ногаҳон бор-йўғи бир кунлик умргузаронлик қиласидиган, дунёнинг нозик хилқати – капалакни эндиғина бир гулга кўнаётганига шоҳид бўлади:

«...Шу маҳал, боғдаги қайсиdir дарахтнинг эгилган новдасига мих сингари санчиб тирноғин, анчадан бери капалакни синчиклаб, кузатиб турган кўзлари олазарак, муғамбир майна ҳовлиқиб, капалакка чанг солиб нохос ва оғзин очиб, фавқулодда ютиб юборди – жонсарак... Боғ ўксинди...» Бунда шоирнинг кўнгли нақадар чўнг бир изтиробга эш тарзда тўлқинланади. Айни шу «ходислар содири» шоирнинг навбатдаги «Доғ» достонининг яратилишига боис бўлади.

Бу достон 2014 йил «Шарқ юлдузи» журналининг 5-сонида чоп этилди. Достон ушбу сатрлар билан бошлиланади:

... Қаер  
қаергадир  
талпинар?!...

.....

Шоир наздида, «ходис»лар хоҳ моддий бўладими, хоҳ маънавий бўладими, улар, албатта, ўз ечимини топиши жоиз. Аслида, уларнинг, айниқса, ботиний жиҳатдан қай томон, қай манзилга йўналиши, интилиши, талпиниши сабаблари ёлғиз Халлоқи оламга аён. Шундай бўлса-да, шоир уларнинг ботиний сирларини англаш ва ечимини топишга бирмунча руҳан ҳаракат қиласида. Ва у энди ўзида ўзига хос ички бир бехудуд руҳий ҳорғинликни туди ва алҳол хокисорлик билан уларнинг ботиний ечимини топишни кўп нукталар орқали келажак авлодга ҳавола қиласида. Бу тарз, шубҳасиз, шеърхон кўнглига алоҳида бир завқ бағищлайди ва уни ботиний шеърият оламига тортади.

Шоир кўнгли ҳаётнинг ҳар бир ҳодисасига ички бир сезим билан жавоб излайди. У бунда кўпроқ ҳодисалар шаклига эмас, ботинига назар ташлайди. Бироқ шоир наздида, инсон қуруқ ҳодисалар қурбонига айланиб қол-

маслиги учун, энг аввало, кўнгил ботинидаги ботиний ҳаракатларни, яъни ундаги ҳазин «доғ»ларнинг ёлқинланиши, мазмун-моҳияти ва уларнинг кўнгил зоҳирига қай даражада таъсир қўрсатишини қалбан ҳис этиши жоиз. Зотан, бугунги давр шоири зиммасига юкланган энг оғир, энг катта маънавий юмуш ҳам, аслида, шудир.

Шоир достон мисралари оқими жараёнида:

*«Ҳодислар содирдир кетма-кет,*

*баъзан,*

*баъзан,*

*узоқ муҳлат мум ютиб –*

*қотар.*

*Кангул ботинига доз солиб аҳзан,*

*Кангул зоҳирига гайбурдай ботар» –*

деганда нақадар ҳақлидир. Шоир ёзувлари гўё оқ қоғозга бирин-кетин кўнгил ғалвирида эланиб, гарду ғуборлардан тозаланиб тўкилади. Гўё ҳар бир шеърий он ва ундаги бетакрор сўз шодалари йиллар унинг кўнгил ботинида доғланиб ўсади. Ҳақиқатан ҳам, Борис Пастернак «Шеърият оёқ остида, илғаб, гарду ғубордан холи этиб, сўздан либос кийдирсангиз, бас», – деганда нақадар ҳақ эди.

Шоир сатрма-сатр достон замиридаги ботиний маъно кўламини кенгайтира боради. Унда шоир руҳиятнинг ақлга бўйсунмайдиган эврилишлари, товланишларию қайроқи бадиий тафаккури акс этади:

*Вақт қалитин солиб макон қулфига*

*тоғларнинг бастини борар қулатиб.*

*Қайрангларни тақиб қирғоқ зулфига*

*дайроларга тўрин ёяр –*

*тўлатиб.*

Шоир бунда вақт тушунчасини ғоятда сирли ифодалайди. Илло, у кейинчалик бундан «Вақт – тарози. Вақт – афсус. Вақт – тасалло...», деган ниҳоятда кенг ботиний хулюсалар чиқаради-да.

*...Қай вұжудда меҳр узилар төрдай...*

*...Қай вұжудда сабр новдадай синар...*

*...Хаётда биргина манфаат бордай,*

*манфаат әгарига*

*манфаат минар...*

Холислик ҳамма даврларда ҳам қадрланган. Аммо, уни қўнгил ботинидан ўтказиб чуқур ҳис қилиш, унга риоя қилиш ҳар кимга ҳам насиб этавермайдиган бир ҳол. Илло, шоир достонидаги энг асосий хислатлардан бири – бу ички ҳиссиётнинг зўрлигидир. Зеро, у хаёт фалсафаси китобини қайта-қайта вараклайди. Лекин, бу билан фақат манфаат тузофидан чиқиб кетиб бўлмаслигини қалбан ҳис этади. Айни шу тарз шоир кўнглига ҳеч тинчлик бермайди. Кўринадики, инсон токи манфаатга қўл экан, у ҳеч қачон ўзликни идрок этишда ўзида қурб топа олмайди.

Мазкур достондаги асл иддао, мақсад ундаги доғ поэтик образ замираша мужассам. Бу сўз достонда «андух»; «ҳасрат», «алам», «ҳажр»; «жароҳат», «захм»; «белги», «асар», «из», «нишон»; «нақш» сингари маъноларда қўлланилади. Бу тарз достоннинг очилишидан тортиб то хотимасигача ана шундай образли тус ва тароват олади ва у достоннинг бутун ботиний моҳияти, мазмун-мундарижасини ўзида жо этади:

*...Доғ доғлагайдир доғни доғлантириб...*

*...Оҳ оҳлагайдир оҳини оғлантириб...*

Ёки:

... *Дөг ботинда ўсади...*  
... *Дөг –*  
*ботинда қақраган виждон.*  
... *Дөг –*  
*ботиннинг чирқираган умиди...*  
... *Эҳ...*  
... *Боғга термуламан...*  
... *Канглумда дөг...*

Кўринадики, унинг достонида бог ва доғ сўзлари бирин-кетин қўлланади, бироқ моҳияттан бетакрор. Зоро, доимо шеърда шаклдан кўра мазмун устувор бўлиб келган. Чунки чин шоир ҳеч вақт шаклни кўзлаб шеър ёзмайди. Зоро, муайян шоир эътиқодини англаш учун оддий кишилар ўқийдиган китоблардан ташқари яна нималарнидир ўқиш ва ўқиш жоиз. Айни маънода Алишер Навоий ҳам бежизга шундай ёзмаган:

*Сафҳаи ҳуснунгда Ҳақ суррин кўрар кўнглум аён,  
Тонг эмас булбулга мусҳаф ўрнида гул дафтари.*

Шоир ўз хаёлот оламида ўзини эркин ҳис қилмас экан, бусиз унинг шеърлари бир муддатгина яшаб, ахирин таназзулга юз тутмоғи аён ҳақиқат. Бу шоир ўз руҳий кечинмаларини маддоҳлик қилмай, ялтоқланмай, безамай-бежамай, очик-ойдин – эркин ифодалайди. Бу ҳол унинг чинакам шоирлигидан нишонадир. Қолаверса, ижодкор тахайюлида тиниқлик, сокинлик бўлмас экан, у воқеликни ҳам теран ҳис этиши маҳол. Албатта, буларнинг зимнида, аввало, поклик, ҳалоллик, эътиқод, айни виждон амри билан иш юритиш ётади:

*...Қай вужудда қадр йўқолиб борар...  
...Қай вужудда қалб юради ииғлаб...  
...Ёлғонлар  
Ёлғонни ёлғонга қорар,  
ЭБТИҚОД аҳдига тигини тиғлаб...*

Икром Отамурод достонда асл муддаога эришади. Унинг ҳар бир шеърий мисраси чинакам кўнгил ботинида сайқал топади. Назаримизда, шоирнинг бу достони ғоят характерли. Чунки шоир ҳаёт манзаралари ботинидаги воқелик лавҳаларини тасвирлаш асносида кўнгил ботинига қандай нигоҳ ташлаш жоизлигини ботиний рамз-ишоралар тилида баён этади.

Таниқли шоиримиз Икром Отамуроднинг ушбу достони ўзига хос йўсинда қаламга олинган бўлиб, у замонавий достончилигимиз тадрижига қўшилган яна бир муносиб улушдир. Энг муҳими, бу шоир инсон руҳиятига гизли таъсир этиш, унинг гўзал ботиний қарашларини ўстириш, унга ниҳоятда эҳтиёткорона муносабатда бўлиш жоизлигини таъкидлайди. Зоро, унинг ботиний кўнгул сўзи ана шу жиҳатлари билан янада қадрлидир.

### **«Қадр – канглум суюнган дараҳт...»**

Таниқли шоир Икром Отамуроднинг «Муқаддар» номли шеърий тўплами ўзига хослиги билан ажralиб туради. Ундан шоирнинг лирик шеър ва достонлари ўрин олган. Китоб мазмун-мундарижасидаги ўзаро уйғунликни биргина «саҳро» ва «қадр» тушунчалари замиридаги соғинчда ҳам кўриш мумкин. Чунки, инсонигят яралибдики, то ҳануз сахролар сахролигича инсонни тўлқинлантириб келаётир. Албатта, кимлардир то ҳатто хаёлан бўлса-да, «намиқдор» сахродан йироқлашишни истайди. Зоро, унинг қийинчиликлари кўнгилдан узоқ кишиларнинг юрагига мудом қўркув солиши табиий-

дир. Аслида, сахро – азалдан идрок этувчи инсоннинг Тангри олдидағи бурчини англаши учун яратилған бир имкониятдир. Сахро кишига чинакам маҳзунлик кайфи-ятини ато этади. Чунки чин ижодкор қалби сахро каби ёниб туради. У ўткинчи фароғатлардан четда бўлади... Киши уни ботиний ҳис ва идрок этиши билан ботиний қадр топади. Бу, шубҳасиз, сахронишинлик жоиз, дегани ҳам эмас. Бунинг акси ўлароқ, ҳаёт фақат боғу-роғлардан иборат эмаслиги ҳам кундай аён. Модомики, шоир сахро фарёдини англамас экан, уни шоир дейиш ундан-да мушкул. Бу тарз шоирнинг ушбу тўпламидаги аксар шеърларида бениҳоя гўзал тасвирга олинганлиги билан таҳсинга лойик:

*...Карвонидан адашиб, лоҳас чўк тушиган тужа...*

*...Нафаси қисилар ҳазорисвоннинг...*

*...Ҳалтиллаб югурап ҳалиққан ялиқ,*

*тиллари бир қарич осилган итдир – ялиқ...*

*...Жавзонинг куйдиргич дамида куяр,*

*ёвшанлар чирқираб-чирқираб...*

Бунда шоир руҳияти чўлу барханлар ичига чуқур сингиб боради. Унинг ботинида азалий сир-синоат ҳукм суриб ётади. Унда бу шоир гўё қадр-қимматини, яъни ўзлигини топади. Ёнаётган кўнгил тафтидан сахро су-кунати, кўйи ва бўйи уфуриб туради. Аслида ҳам, юрак ҳарорати тарзи сахрого ҳамоҳангдир.

Ҳазрат Навоий сўз ҳақида бир ўринда шундай ёзган:

*Жон ўлуб ул, руҳ аниңг қолиби,*

*Ким танида руҳ, аниңг толиби.*

Мазмуни: «Сўз жон бўлиб, руҳ унинг қолипидир. Кимнинг танида руҳи бор бўлса, у сўзга эҳтиёж сеза-

ди». Шоир борки, мудом сўзга эҳтиёж сезиб яшайди. Сўзнинг тафаккур ҳиссини йиллар кўнглида ўстирган бу шоир шеърларида бу ҳолни ортиғи билан кўриш мумкин. Зеро, биргина муқаддар сўзи «андоза», «миқдор»; «озгина», «андак», «зифирча»; «қадар», «қадр», «ёзмиш», «такдир», «сарнавишт», «насиб»; «манзур бўлиш», «эътиборга олиш», «кўзга илиш» сингари маъноларни ўзида мужассам этган. Икром Отамурод бу китобида «қадр» тушунчасига алоҳида эътибор беради. Эҳтимол шоир кўнглидан кечайётган шу пурмаъно шоирона кечинмалар тошқини, аслида, замона зайдидир. Илло, «қадр» сўзи муқаддас каломи шарифнинг 16 та сурасида 22 маротаба қўлланилиши бунга кифоядир. Агар ана шу маъно ёки тушунчаларни ифодаловчи муқаддар сўзининг, яъни «эътиборга олиш», «кўзга илиш» маъноларини шоирнинг биргина шеъри қамраб олган десак, ҳеч муболага бўлмайди:

*Айтавергин, тортинмай айтгин,  
тўйкин юрагингда борини.  
Феълинг қайтиб, имконинг қайтиб  
йигилган дардоларинг барини.*

*Мен сени тинглайман чурқ этмай,  
тушуниш истайман кангулдан.  
Ўксинишилар оҳига етмай,  
дақиқалар йўргалар илдам.*

*Лоқайдлик қолдириб асорат,  
бекадрлик от ўйнатган чоқ.  
Бировни эшишмоқ – жасорат,  
жасорат – бировни тушунмоқ...*

Аслида ҳам шеъриятнинг талаби, истаги, матлаби инсонни тинглаш, унинг кўнгил кечинмаларини тўғри

идрок этиш эмасми? Унинг оҳу зорларини эшитиш эмасми? Наҳотки гоҳида инсон шунга ўзида қурб тополмаса?! Энг муҳими, шоир шеърларининг наботот олами сингари ўта беғуборлигидадир:

*Соғиндим қўзигул исини,  
тўргайлар сасини соғиндим.  
Чизиб олис даштлар тусини  
канглумга хотирлар огинди...*

Икром Отамуроднинг мазкур шеърий тўпламида муқаддар, яъни қадр тимсол даражасига қўтарилади. Шоир қадр тушунчаси асносида, айниқса, ижодкор зиммасига ўта масъулиятли шарафни – ҳар сония, ҳар вақт қадрни қадрига этиш жоизлигини юклайди. Шоирнинг қарашларида иккилик, яъни туйғу ва хаёл ўртасида ги ўзаро уйғунлик қадр тушунчасида намоён бўлади. У ички сукути или борлик ботинидаги ўзгаришларни чуқур хис этади... Нима бўлганда ҳам аслият аслият-да. Унинг ўрнини ҳеч қандай изоҳ ва шарҳлар боса олмаслиги аён ҳақиқат. Шу туфайли сўзимиз адогларида аслиятдан намуналар келтирамиз:

*Сенинг исминг,  
сенинг соғинчинг  
жонимга битилган муқаддар:  
Замин қадар ёвук bogичи,  
Олис дурур,  
хув,  
осмон қадар.*

*Ёки:*

*Галвирак дунёнинг доғлари  
пўпанак бойлайди раҳтма-раҳт.  
Хотира – канглумнинг тоғлари,  
Қадр – канглум суюнган дараҳт.*

*Осмоннинг бепоён кенгликларида,  
улоқиб-улоқиб йиғлар абрлар.  
Касби қўргонининг дўнгликларида  
сассизгина чўкар ерга қабрлар.*

Китобдаги «Ярадор умид отлари» достонида ҳам ана шундай рамзий ишоралар кўзга ташланади:

*Тошлар уйғонсин-эй,  
уйғонсин тошлар,  
етар шунча сукут сақлаб келгани.  
Нечун шу заминининг кўксига яшар,  
ярамаса гар уни ёқлагани?*

Бу шоир шеърлари руҳий сукунатни талаб қиласидиган, лекин шу руҳий сукунат ичра яна бир синоат борки, у шеърхон кўнглини потратади. Зеро, шеърлардаги ички сас кишини гўё суратдаги тасвирнинг рангин сирларини англаш каби туйғулар оламига сафар қилишга чорлайди.

Икром Отамуроднинг «Муқаддар» тўпламидаги шеърий тасвирларда ранг, оҳанг ва руҳий манзаралар ҳам бир қадар янгиланганлигини кўрамиз. Яқин йилларда яратилган шеърлари ботиний руҳи билан ажralиб туради. Бугунги кунда эса, айниқса, замонавий шеъриятимизда умрини шеъриятга бағишлаган сиймолар саноқли. Улар орасида Икром Отамурод ҳам борлиги аниқ. Шоирга хос руҳий сукунатни чукур англаб, шеъриятга садоқат билан йўғрилган нуқтаи назар асосида қалам тебратадиган ижодкорлар эндиликда ҳам жуда зарур.

Шоир «Қадр – канглум суюнган дарахт» дея бизни ҳайратлантирас экан, бундан-да кучлироқ ботиний ҳайратга соладиган асарлари билан шеърият ихлосмандларини шодмон этади, дея комил ишонч билан умид қилишимиз мумкин.

## СҮЗ МАХЗАНИ

### Алишер Навоий асарларидағи эътибордан четда қолган сўз ва иборалар

Туркий тилдаги сўз ва ибораларни тўплаш, уларни илмий асослаш анъанаси XI асрда яратилган «Девону луғотит турк»нинг бой тажрибасига бориб тақалади. Зоро, лугат муаллифи Маҳмуд Кошғарий ўз давридаги турли қабила-уруғлари тилига мансуб сўз ва ибораларни йиғиш принципларини белгилаб, ўз асарида акс эттирган. Бу борада лугатшунос шундай ёзади: «Мен турклар, туркманлар, ўғузлар, чигиллар, яғмолар, қирғизларнинг шаҳарларини, кишлоқ ва яйловларини кўп йиллар кезиб чиқдим, лугатларини тўпладим, турли хил сўз хусусиятларини ўрганиб, аниқлаб чиқдим. Мен бу ишларни тил билмаганим учун эмас, балки бу тиллардаги ҳар бир кичик фарқларни ҳам аниқлаш учун қилдим. Уларни ҳар томонлама пухта бир асосда тартибга солдим».

Ўрта асрларда туркий қабилалар тилларини бу қадар кенг қамровли ўргангандардан Кошғарийга фақат Алишер Навоийни қиёслаш мумкин. Зотан, улуғ шоир асарларида «Девону луғотит турк»даги кўплаб этнонимлар, соғ тиљшуносликка оид лингвистик атамалар, қадимги илмий-бадиий ёзма ва оғзаки ижод намуналари билан бирга кенагас, қовчин, қўнғирот, чигатой, барлос, қиёт, тархон, арлот, жалойир, туркман, найман, манғит ва бошқа туркий уруғ, элатларнинг номи такрор-такрор келади.

Шоирнинг бой адабий, илмий меросидаги сўз ва ибораларни тўғри шарҳлаш, чукур талқин қилишда луғат манбаларнинг ўрни бекиёс. Шу жиҳатдан Навоий асарлари юзасидан ўтмишда ва ҳозирда ҳам бир қанча луғат манбалар яратилган. Масалан, «Бадоеъ ул-луғат», «Хамса бо ҳалли луғат», «Абушқа», «Санглоҳ», «Луғати атрокия», «Луғати туркий», «Луғати чигатои ва туркий-усмоний», «Ҳалли луғоти чигатои «Хамса»йи Навоий», «Нисоби Навоий», «Луғати Амир Навоий», «Дар баёни луғати Навоий», «Ҳалли луғоти чигатои»<sup>1</sup> ҳамда Порсо Шамсиев, Собиржон Иброҳимов томонидан тузиленган «Ўзбек классик адабиёти асарлари учун қисқача луғат» (1953) ва яна шу муаллифлар иштирокида «Алишер Навоий асарлари луғати» (1972), «Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати» (1983 – 1985), Ботирбек Ҳасанов томонидан тузиленган «Навоий асарлари учун қисқача луғат» (1993), Баҳром Бафоев томонидан тузиленган «Кўхна сўзлар тарихи» (1991) каби луғатлар шулар жумласидандир. Бу луғатларда Навоий асарларида қўлланилган минглаб туркий, форсий ва арабий сўз ва ибораларни изоҳлаш мақсад қилиб қўйилган. Шулардан ҳозирча нисбатан тўлароғи «Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати» (4 жилдли) хисобланади. Ушбу луғат буюк мутафаккир шоирнинг бебаҳо асарларини ўқиш ва тушуниш учун китобхонларга катта ёрдам берувчи фундаментал тадқиқотdir.

60-йилларнинг иккинчи ярмида академик Эргаш Фозилов раҳбарлигида ЎзРФА Тил ва адабиёт институтида тарихий этимологик луғатлар бўлими очилиб, изоҳли луғатни тузиш ишлари бошлаб юборилади. Кенг жамоатчилигимизга яхши таниш бўлган, араб, форс, туркий тил-

<sup>1</sup> Айни пайтда ушбу қўлёзма луғатлар ЎзРФА Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар хазинасида №7863, 9954, 6803, 3324, 5197 каби инвентар рақамлар остида сақланмоқда.

лар билимдони Кутбиддин домла Мухиддинов ҳам луғатни тузишда фаол иштирок этади. Домла луғатни тузишда қатнашган туркийшунос олимлар ва бошқаларга қадимги туркий тил ҳамда форсий луғатларни ўрганиш, Навоий асарлари тилининг асл ҳамда кўчма, мажозий маънолари ни англаш борасида ўз қимматли ўгит ва маслаҳатларини беради. Кейинчалик луғат Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг тарихий лексикология ва лексикография (1983–1985) бўлимида тайёрланиб, нашр этилади. Унинг нашр қилиниши ўз даврида тадқиқотчилар учун ҳам бой фактик материаллар берди. Изоҳли луғатдан фақат ўзбек мумтоз асарлари тилинигина эмас, балки кўпгина бошқа туркий халқларнинг адабий ва тарихий қўлёзма манбаларини ўрганишда ҳам фойдаланилади. Аммо шоир асарларининг тил хусусиятларини ўрганиш, унинг янги-янги кирраларини кашф этиш давом этаверади. Зоро, Алишер Навоий мероси мангуликка даҳлдор сўз маҳзани ҳамdir.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, диний қадриятларга, ота-боболаримизнинг меросига муносабат ўзгарди. Илгари мумтоз асарларда «Худо», «Пайғамбар» сўзлари, ғазаллардаги ҳамд, наътлар тушириб қолдирилган бўлса, эндиликда уларни ёзиш, ўқиш имкониятига эга бўлдик. Бу эса шоир асарларини тўлароқ англашга, тушунишга ёрдам беради. Шоир асарларининг тўла нашр қилиниши унинг луғатини ҳам тўла ҳолда нашр қилишни тақозо қиласди. Дарҳакиқат, биз ана шу имкониятдан фойдаланиб, аслият асосида шоирнинг 20 жилдли асарлар тўпламидаги сўз ва ибораларни қарийб чорак аср муқаддам яратилган «Алишер Навоий тилининг изоҳли луғати»га қиёслаб чиқдик. Натижада ҳали жуда кўп сўз ва иборалар изоҳланиши зарурлиги маълум бўлди ва биз уларни аниқлаб, изоҳлашга киришдик. Шу маънода Навоий асарлари тилидаги янги аниқлан-

ган сўз ва ибораларни илмий асослаб тўплаш, уларнинг шоир назарда тутган маъно инкишофи алоҳида илмий аҳамиятга эга.

Навоий асарларига шунчалик кўп луғат тузилган бўлса-да, ҳатто уларнинг барчаси биргаликда ҳам улуғ бобомизнинг сўз бойлигини тўла акс эттира олмайди. Навоий асарларидаги баъзи сўзлар биронта луғатда қайд қилинмаган бўлса, баъзиларининг маъноси фақат қисман баён қилинган. Ҳолбуки, улуғ шоир ижодида кўп маънолилик жуда кучли бўлиб, бир сўзга кўплаб маънолар юкландган. Биз куйида шундай сўз ва иборалардан бир нечасининг тагмаънодаги талқинини келтирмоқчимиз:

*Солиб мажмарга тун уди қаморий,  
Ўти хуршид бўлуб, анжум шарорий.*

Маълумки, Шарқда маҳсус мажмар (мижмар, мажмар) деб аталган манқалга қора рангли дараҳт чўплари – удни ташлаб ёқимли ҳид тарқатиш одати қадимдан мавжуд. Ҳиндистоннинг Кумор деган шаҳрида эса энг сара уд бўлар экан. Шоир байтда қаморий сўзини ана шу шаҳар номига нисбат бериб, уди қаморий – уднинг энг яхши тури маъносида қўллаган. Қаморий айрим тарихий манбаларда қуморий шаклида ҳам ишлатилади.

«Хантила бинни Сафвон Қаҳр бинни Қаҳитон ўғлидур. Они Тенгри таоло Асҳоб ур-Раъсқаким, Каломуллоҳда мазкурдур, йиборди ва подшоҳе эрди...»

Ушбу мисолда Асҳоб ур-Раъс сўзи «Раъс дўстлари», «Раъс сухбатдошлари», «фаҳш аҳли», «фоҳишалар» каби маъноларни ифодалаган. Бироқ шоир бу билан нима демоқчи эканлигини янада аниқлаштириш зарур. Манбаларга кўра, қадимда (Фарбда) Самуд авлодидан Раъс исмли бир худопараст подшоҳ бўлган. Лекин у умрининг охирларида ўз тожу тахтига мағрурланиб, ху-

доликни даъво қилади. Унинг даврида фаҳш ишлар авжига чиқади: «Ва хотунлар чарм ва теридан олат ясаб, ўзлариға истиъмол қилурлар эрди. Ва ҳоло гўёки бу навъ зуафони Раъс ҳам дерлар...». Раъс Ҳақ ҳукмига ишонмай, бир мис қопламадан ясалган қўрғонга кириб яширинади, аммо бу фойда бермади.

Зеро, Куръони Каримда «Валав кунтум фи бурувжим мушайядатин» – «Қаерда бўлмангиз, ҳатто мустаҳкам қалъалар ичидаги бўлсангиз ҳам, ўлим сизларни топиб олур», дейилган («Нисо» сураси, 78).

*Кўрки не бир лаҳзада бўлди қатил,  
Тайри абобил ила асҳоби фил.*

Мазкур байтда «Асҳоби фил» сўз бирикмаси диний тушунчани ўзида мужассам этган. Куръони Каримнинг «Фил» сурасидан хабар келтирилишича, исломиятдан илгари ўтган Абраҳа исмли ҳабашистонлик Яманга ҳоким қилиб тайинланган тарихий бир шахс филлар хужуми билан Макка шаҳридаги Каъбани вайрон қилишга отланади. Бироқ жанг чоғида Оллоҳнинг иродаси билан осмондан Абобил қушлари учиб келиб, душманлар устига тош ёғдиради, Абраҳа ва унинг қавми қирилади. Тарихда пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) таваллуд топишларидан эллик кун олдин содир бўлган бу воқеа «Фил минган аскарлар», «Фил жанги» ёки «Фил қавми» номи билан хотирланади. Зеро, Пайғамбаримизнинг «Фил йили»да туғилганлар дейилиши ҳам шунга ишорадир.

«Таъола шаънука ва амма эҳсонука ва ло илоҳа ғайрука. Ё вадуд ва Маъбуд вожиб ул-вужуд».

Алишер Навоий ушбу муножотида вожиб ул-вужуд сўзини диний-тасаввуфий тушунчаларни теран ифодалашда қўллаган. Негаки, ўрта аср Шарқ фалсафасидаги тасаввуфий тушунчалардан бири вожиб ул-вужуд (зару-

рий мавжуд нарсалар). Форобий бутун мавжудотларни 8 даражага бўлади. Шулардан биринчиси вожиб ул-вужуд – Оллоҳ, қолган 5 таси – ақл, жон, шакл, борлик, осмон – мумкин ул-вужуд. Қуръони Каримда эътироф этилганидек, вожиб ул-вужуд Оллоҳни билдиради. Демак, ушбу диний-тасаввуфий атама байтда «вужуди унинг ўз зотига боғланган ва ҳеч кимга муҳтоҷ эмас», «қатъий мавжуд зот», «Оллоҳ» деган маъноларни беради.

Хулоса қилиб айтганда, Алишер Навоий асарларидағи ҳозиргача эътибордан четда қолган сўз ва иборалар талқини ҳам, шубҳасиз, шоир ижодиёти ҳақида қимматли маълумотлар беради. Уларни алоҳида ва қиёслаб ўрганиш ҳали қилинажак ғоят муҳим ишлар сирасидандир.

### «Сўз қоидасида интизом...»

Алишер Навоий ҳазратлари дафъатан сўзга бенихоя шоён таърифу тавсиф бериб ўтиш баробарида, аслида, сўз қоидасида азалдан маълум бир муназзамлик, яъни қатъий бир интизом мавжудлигини хотирга келтириб ўтадилар. Зоро, улуғ мутафаккир назарида сўз қоидасига мунтазам риоя қилиш – шеърий тафаккур тарзи учун нихоятда муҳим омил эди. Бошқачароқ айтганда, шоир наздида шеъриятдаги сўз – салмоғи билан эмас, балки маъно теранлиги билан бадиий кашфиёт, ҳаттоқи илоҳий қудрат касб этади. Дарвоҷе, баъзи олимлар улуғ шоир асарларида 26 мингдан ортиқ сўз қўлланилган десалар, баъзилари шоир асарларига бағишлаб тузилган, нисбатан энг тўлиқ тўрт жилдли «Алишер Навоий асарларининг изоҳли луғати»да атиги 17 минг атрофида сўз изоҳланганлигини маълум қиласидилар. Яна баъзилари эса ана шу изоҳли луғатда қайд этилмаган яна беш мингдан ортиқ янги изоҳланган, тушунилиши қийин сўзлар ҳақида баҳс юритадилар. Бунга мисол тариқасида шоир асарларидаги ана шу изоҳли луғатга кирмай

қолган күйидаги айрим қадимги туркий сўзларни изоҳи билан келтириб ўтиш мумкин: аваламақ – «уйилмоқ», «тўпламоқ»; «қўймоқ», «ясамоқ»; аёғлуқ – «косалик»; аёқ – «у ёқ», «у томон», яъни «осмон ё ўзга макон»; айрулук – «бошқалик», «ўзгалик»; «айрилиқ»; айтилма- мақ – «айтилмаган»; андиф – «бир оз», «озгина», «пича»; «атрофи», «гардиши»; анши – «хушхол», «мамнун», «хурсанд»; ҳавр этмак – «ҳайдамоқ», «кувмоқ»; қўнг – «қарға»; қўнгранмақ – «дўрилламоқ», «фўнғилламоқ»; қусмақ – «қусмок», «қайт қилмоқ»; ўйла – «пешин вақт»; қулмақ – «хотинликка қўлини сўрамоқ»; қоз – «сувда сузувчи йирик қуш», «ғоз»; қовғанмақ – «жамғармоқ», «тўп- ламоқ», «оз-оздан йиғмоқ»; қипранмак – «қимирилламоқ», «қўзғалмок»; ўксун – «само»; чўқ – «тўғри»; «рост», «тузук», «дуруст»; чир – «яралар», «захмлар»; «дардлар»; ченг – «бурун суви», «бурундан келган сув»; чевилан- мак – «айланмоқ»; чекин<sup>I</sup> – «ўсимлик»; чекин<sup>II</sup> – «ипак»; чаб – «тақлидий сўз»; канаркамак – «қўндирмоқ», «икрор қилдирмок»; суқадамак – «қитиқламоқ»; дебсамак – «тепинмоқ», «ер тепиб турмоқ» сингари.

Албатта, илмдаги статистик тадқиқ усули бизнинг адабиётимизда бугун ёки кеча Ғарбдан кириб келган эмас. Бунга амал қилиш азалдан Шарқу Ғарб халқла- ри учун 18 минг оламни яратган Парвардигори олам- дан иноят бўлиб келган эди. Илло, сарвари олам на-да дунёни, балки инсоннинг ҳар бир аъзосини ана шундай ўлчамлар асосида яратган эди. Зеро, буларнинг зами- рида, биринчидан, илмдаги ростлик мавжуд бўлса, ик- кинчидан, инсон бадиий тафаккури кўламини аниқлаш ёки унинг келажакдаги бадиий тафаккур тарзи ривожи учун катта имконият бор. Бинобарин, неча асрлардан бўён муфассир (тафсирчи)лар, мушарриҳ (шарҳловчи) лар Куръондаги фақатгина сўзлар микдорини эмас, бал- ки ҳарфлар ададини қайта-қайта кўриб чиқдилар. Бу

жараён, албатта, ҳозир ҳам давом этмоқда. Бизнингча, бунга мисол сифатида исломшунос олимлар томонидан мусҳафдаги биргина «дуо» сўзининг статистик тадқиқ этилиши, яъни унинг мусҳафда 212 марта тилга олинганигини ёдга олишнинг ўзи кифоя. Илло, миллий маънавиятимиз тарихидаги буюк маърифатпарварлар – Имом Исмоил ал-Бухорий (810–871), Абу Райҳон Беруний (973–1048), Маҳмуд Замахшарий (1075–1144), Мирзо Улуғбек (1394–1449) каби қайси бир алломаларимизнинг иши бундан фориг деб айта олишимиз мумкин? Йўқ, албатта. Қолаверса, навоийшунослик имидаги улкан тажрибалар шуни кўрсатадики, ҳатто Навоий ҳазратларининг ўzlари ҳам лексикограф сифатида бу усулдан кенг фойдаланганлар ва ҳеч вақт бу масалага нописанд бўлмаганлар, деб айтиш жоиз.

Айтиш мумкинки, бир пайтлар айрим навоийшунос олимларимиз бежиз мумтоз араб тилининг катта ҳажмдаги изоҳли лугати – «Сабъат абхур» («Етти денигиз»)ни улуғ мутафаккир қаламига мансуб демаган эдилар. Ҳақиқатан ҳам, бу фикр ўз-ўзидан пайдо бўлмаган. Зоро, бунда катта ҳикмат ҳам бор эди. Чунки мумтоз асарлардаги сўзларни ўрганганд ҳар бир адабиётшунос ёки тилшунос олим ҳеч бир асоссиз ҳам шундай хуносага келиши тайин эди. Зотан, Юсуф Хос Ҳожиб, Маҳмуд Кошғарий, Саккокий, Гадоий, Юсуф Амирий, Мавлоно Лутфий асарларига қиёсан қараганда, улардагига нисбатан мутафаккир асарларида қўлланилган арабий сўзлар миқдори икки-уч хисса кўп ҳам эди. Бу нимадан далолат эди? Бу – шоир араб тилининг чуқур билимдони эканлигидан яна бир дарак эди. Зотан, шоир ўз ижодиётида юксак даражадаги бадиий маҳорат билан мумтоз араб тилининг ички захира имкониятларидан шундай кенг фойдаланган эдики, бу ҳол асло шоир асарлари тилининг конструкцион тузилишига заррача ҳам таъсир қилмай,

балки аста-секинлик билан, унинг ҳар бир асари бади-й ифода қатламини бойита борган эди. Айниқса, шоир ҳар бир асарида арабий сўзларни араб тилининг ички флексив хусусиятларига хос тарзда турли сўз шаклла-рида қўллаган эди. Қуйида биргина «Мажолис ун-нафо-ис» асари мисолида ана шундай айрим сўзлар шархини кўриб ўтамиш: «мунқавий» сўзи асарда бир ўринда қўл-ланиб, матний маъносига кўра, «маҳкам», «собит» маъ-ноларини ифодалаган: «Улви ҳимматдин дунёву мофий-ҳога этак силкиб мақсуд каъбасида мунқавий бўлубдур ва ҳамул даражадин мохалақаллоҳ, балки мосиваллоҳ-ни мавҳуми маҳз, балки маъдуми мутлақ билиб вусул ҳаримида эътикоф қилибдур». «Мунқавий» сўзининг «қавий» шакли эса Навоий асарларида сермаҳсул қўлла-нилган. Асардаги бундай сўз шаклларининг айримлари ҳатто бошқа туркий манбаларда ҳам учрамайди. Лекин буларга қўшимча – яна асарда араб тилига хос тўғри кўпликлар иштироқида янги сўзлар ҳам ҳосил қилинганди: мустағалот – «ғалла экиладиган ерлар»: «Фонийваш ва бетакаллуф киши эрди, жузъий мустағалоти ҳосили била қаноат қилиб эрди» (37). Аммо, энг муҳими, бу ҳам эмас. Муҳими шуки, адабиёт оламида шоир шеърияти кўпмаънолилик асосида барпо этилганлиги билан маъ-лум ва машхур. Илло, сўзнинг кундалик турмуш тарзи-даги фаолияти нақадар кенг бўлса бордир, аммо улуғ бобомиз шеъриятидаги сўзларнинг турфа хил рангин маънолари шунча кўп ва жозибки, уларнинг сир-синоа-ти ёлғиз яратган Эгамга аён. Дарҳақиқат, рухиятшунос олимларнинг таъкидлашларича, инсон бир кунда қан-чадир сўз қўллай олиш лаёқатига қодир бўлса-да, аммо ўзи бир кунда қўллаган сўзларининг микдорини эслаб қололмас экан. Шу ерда ўз-ўзидан нега шундай, деган мантиқий савол туғилади. Афсуски, бу саволга инсоният то ҳануз жавоб излаётир.

Улуғ сўз санъаткори сўз қоидаси борасида турли жиҳатлардан ёндашади. Айниқса, унинг қадимги кошғариёна усули ўзига хос содда ва эпкин. Яъни шоир Махмуд Кошғарийнинг «Кўп сўзни тушуниб бўлмайди, қаттиқ тошни синдириб бўлмайди» каби сўз қоидаларига тўлиқ амал қиласди:

*Ким оз деди нукта айшу ком ўлди анга,  
Сўз қоидасида интизом ўлди анга...*

Дафъатан усул, услугуб дейилганда, ўз-ўзидан сўз тартиби, сўзнинг матнаги бадиий ифодаси ҳақидаги қарашларимиз ҳам тушунилади. Албатта, адабиёт сўздан бошланишини назарда тутадиган бўлсак, ҳар бир сўзнинг чинакам бадиий кучи, у ёки бу ҳалқнинг ноёб беназир асарларида ўз ифодасини топиши алҳол ёдга келади. Бинобарин, бу ҳақда рус филолог олимларидан бири «Ҳар бир сўз – бетакрор санъат асари, ҳалқнинг ноёб бадиий кашфиётидир», деганда минг карра ҳақ эди. Зотан, ҳазрат Алишер Навоий бадиий матнаги ҳар бир сўзнинг бетакрор, пурмаъно бўлишига эришган улуғ сўз санъаткоригина бўлиб қолмай, балки ўзининг мунаzzах (пок, латиф) туйғулари ва гўзал ташбиҳлари орқали ҳар бир сўзни мангу кўнгил оламига йўналтира олган буюк зот ҳамдир:

*Занбурнинг эви кеби кўнглум тешук-тешук,  
ЛАЪЛИНГ ҲАЁЛИ ҲАР ТЕШУК ИЧИНДА БОЛ ЭКИН.*

Ҳар ҳолда, ушбу байтни ўқиган, уққан ва унданги юқори жўшқин бадиий кайфиятни тўлиқ идрок этган ҳар бир шоир ақл чироғида беихтиёр нега менга яратган эгам шундай бир салоҳият бермаган-а, деган хаёл ўти чақнаши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Таъбир жоиз бўлса, улуғ рус ёзувчиси Лев Толстойнинг «Санъат менда ҳасад турдиради, ақл учун ҳам шундай, аммо қалбни фақат хур-

санд қиласи», деган дохиёна фикрини эслаш нақадар муҳим, балки айни мавриддир. Аммо юқоридаги байтни шарҳлашдан асосий муддаомиз бу ҳам эмас. Иддио шуки, шоир наздидаги чинакам сўз санъаткорининг мунаzzaҳ – пок кўнгли мудом инсониятни эзгу амаллар сари унда бурувчи, худди заҳматкаш асаларининг уяси сингари саросар сара сўзларга лиммо-лим тўлиб туриши жоизлиги ҳақидаги сўз қоидасини илгари суришдан иборат.

Нафсијамбрини айтганда, шоир асарларидағи сўз кўп жиҳатлардан талқин этилади. Бироқ «Сўз қоидасида интизом...» деганда шоир кўнгил тахайюлотида кўпроқ кўнгилнинг шишадек соғлиги бўй тортади. Шоир кўнгил изтиробини сўзга айлантиради. Бинобарин, унинг кўнглидан не кечса, у сўз бўлиб қофозга тўкилади. Аммо «Шеърнинг қанчалик кучга эга экани қофозга тушган сўзларга эмас, шоирнинг унга сарфлаган юрак қўрига боғлиқ. Унинг аурасини мана шу қувват белгилайди» (Фахриддин Низом). Шу маънода улуғ шоирнинг қуидаги мисралари биз илгари сурган сўз ҳақидаги фикр-мушоҳадаларга янада аниқлик киритади:

*Сўз зоҳир этар замир иши кўпрагидин,  
Тил муҳбир эрур кўнгул ниҳон эмгагидин,  
Фаҳм айла киши ҳолини сўз демагидин –  
Ким, берди хабар ҳадиси кўнглидагидин.*

Шоир ушбу тўртлиги орқали «Кишининг сўзи унинг кўнглидагини фош этиб кўяди», – дейди. Демакки, улуғ мутафаккир «Сўз қоидасида интизом...» деганда, инсоният зиммасига жуда катта маънавий масъулиятни юклайди. Зоро, «Мажолис ун-нафоис» асаридан ҳам маълумки, XIV–XV аср замона шоирларининг сўзни баён этиш кайфияти – сўз қоидасидаги тутумлари, яъни ундаги сифат ва миқдор ўзгаришлар доимо улуғ мутафаккирнинг нигоҳида бўлган.

## **Илмнинг Рауф Парфиси**

Вақт онийдир. Буни ботинан хис этган, кўнглида чин инсонийлик фитрати жўш урган маънавий бедорлар ҳар куни кимгадир яхшилик қилишни ҳеч канда қилмайдилар. Эҳтимол ана шундагина умрнинг ҳар бир лаҳзаси бехуда соврилмас, балки абдиятга дахлдор қадр топар. Қолаверса, улар киши умрини қандайдир жадвалларгагина солиб сарҳисоб қилишдан йироқдирлар. 1940 йил Тошкент шаҳрида таваллуд топган қомусий билимга эга етук туркийшунос, навоийшунос олим, филология фанлари доктори Эргаш Умаров ҳам ана шундай тарзли хокисор, фасиҳ сўзли, ўзгаларга ҳам доимо меҳр улашувчи олимлар сирасига киради. Бу олим зуллисонайн, яъни ўзбек ва рус тилларида бирдек ижод қиласр эди. Шунингдек, у қардош туркий ва форсий тиллар илмини ҳам чукур биларди. Олим 1971 йил Ленинградда «Алишер Навоийнинг «Хазойин ул-маоний» асаридаги фразеологизмларнинг ўрганилиши» мавзусида номзодлик, 1989 йилда эса, Тошкентда «Бадаи-ал-луғат» и «Санглак» как лексикографические памятники и источники изучения староузбекского языка XV-XVIII вв.» мавзусида докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. Шунингдек, муаллифнинг «Урхун алифбоси қандай тузилган?» (2013), «Алишер Навоий унли ва ундошлар ҳақида» (2017) каби ўнлаб китоб ҳамда рисолалари нашр этилган. Олимнинг бетиним илмий фаолиятига ярим асрдан ошди. Зеро, унинг дастлабки илмий мақолалари 60-йилларнинг бошларидаёқ кўзга ташланади. Шулардан «Кур сўзи ҳақида», «Хазойин ул-маоний»даги фразеологизмлар чегараси», «Навоий ибораларини тўғри шарҳлайлик», «Навоий давридаги Ҳирот ўзбеклари тили», «Мумтоз ўзбек адабий тилидаги мавхумлик», «Урхун ёдгорликлари сири» сингари мақолалари нафақат туркийшунослик, балки умумфилологик жиҳат-

дан ҳам ниҳоятда илмий қийматга эгадир. Олим ёзган мақолаларнинг адогига етганимизча йўқ. Эҳтимол у ёзган илмий, илмий-оммабоп мақолалар мингдан ҳам ортар, лекин ундан кам ҳам эмас. Сирасини айтганда, у кишининг тимсолини бу замона кишилари орасидан топиш мушкул. Аммо бу инсоннинг илмга, ўзликка садоқатини ва уни ҳар нарсадан устун қўйишини тили, дили бир хокисор, ҳассос шоир Рауф Парфи тимсоли-гагина менгзаб, шунда ҳам «илмнинг Рауф Парфиси», яъни илмнинг виждони дейиш мумкин... Негаки, олим ҳаётидаги биргина лавҳа бунга кифоядир: 90-йилларнинг бошларида, яъни ЎзРФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт илмий-текшириш институтида ишлаб юрган кезларида у киши АҚШ олимлари томонидан бир неча бор илмий ҳамкорликка таклиф қилинади, аввал, олим буни рад этади, сўнг, ахири шу таклифга рози бўлиб, у ерда бир-икки йил ишлаб Тошкентга қайтади. Ҳайратланарлиси шундаки, олим АҚШ сафаридан қайтаётиб, хориждан орттирган сармоясини мамлакатимизнинг қайсиdir кутубхоналари эҳтиёжига, аникроғи, уларга китоб ҳарид қилиш ишларига сафарбар этади ва ўз уйига аввал қандай бўлса, шундайлигича кириб келади... Лекин у шу сафари ҳакида, ҳатто ёш олимларга ҳам лом-мим демайди. Яна ўша бурунги камтарона ҳаёт тарзини давом эттиради. Яна бунга қўплаб ҳаётий мисоллар келтириш мумкин. Таниқли шоир Икром Отамурод бир куни шаҳар китоб дўконларини айланиб юриб, Эргаш Умаровнинг бир ойлик маошига китоб сотиб олаётгани устидан чиқиб қолади. Ёки шоир, тилшунос олим Ғафуржон Тожибоевнинг у ҳақидаги айтмишлари ҳам кишида ажиб тарзни уйғотади: у бир куни олимнинг яқин кунларда нашр юзини қўрган бир илмий рисоласини сотиб олиш илинжида, ундан шу китобингиз нархи қанча туради, деб сўраб қолади. Олим шу заҳоти

сукутга чўмиб қолади. Лекин эртаси бир қути китобни унга ҳадя этади ва Ғафуржон акага қараб илиқ бир кайфиятда секингина «илм сотилмайди», – дейди. Сирасини айтганда, олим бир умр топган-тутганини халқ билан баҳам қўриб яшади. Афсуски, олим ҳақидаги бу гаплар унинг бу фоний дунёни тарк этганидан сўнг маълум бўлади. Унинг ботиний ҳаёт тарзи ҳамон сирлилигича қолмоқда. Ҳар қандай даврларда ҳам бундай покбоз, ҳалол яшаш наинки ижодкорга, балки тарки дунё қилган кишиларга-да оғирдир. Ана шу ботиний тавр ўта иймонли олим Эргаш Умаровда бор эди. Зотан, у киши биз сингари шогирдлари хаёлотида ботинан шоиртаб сифатида сувратланган ва шундай таассурот қолдирган эди. Албатта, илмсиз шеъриятни, шеъриятсиз илмни тасаввур қилиб бўлмайди. Ҳар икки сирани уйғунлаштириб турувчи нарса эса, Ҳаққа йўғрилган чинакам олим ёки шоирнинг ҳақиқий ақлу туйғулари мужассамлигидир. Аслида, у киши бундан-да ортиғига ҳам лойик, зотан, бундай менгзашдан ҳам устундир. Чунки бу олим дунёning у ёки бу кайфу сафоларидан-да ҳам холи, ҳам сафолидир. Бу сифат фақат шу инсонгагина хос. Илло, устоз нафақат тил илмини, балки адабиётни ҳам теран англар эдилар. Лекин ҳа деганда, буни юзга келтириш ёки қоғозга тушириш бу кишининг касби эмас эди. Энг қизиги, замонамизнинг бу «факр», яъни камтарин олими ҳаётлик чоғлари ўзи ёки ёзмешлари ҳақида икки энли нимадир ёзишни ҳам биз каби шогирдларига ман этган эди. Буни кишига тушунтириш қийин. Аниқроғи, бу тарзни Алишер Навоий Ҳазратларининг ушбу сатрлари изоҳи ёрдамидагина чуқур фаҳмлаш мумкин:

*Факр эрур бир лафзу шарҳи ёзилур юз минг китоб,  
Не учунким, хуши келур айтурда итноби анинг.*

Байт мазмунидан англашилиишича, агар факрға доир биргина истилоҳнинг ўзи тасаввуфий моҳият жиҳатидан батафсил шарҳланса, ҳажман юз минг китобга етиши мумкин.

Ҳазрат Навоий кишидаги кўп билиб кам сўзлашни, сукуту айбпўшликни ниҳоятда қадрлайди. Юқорида келтирилган байтда кўп билиб кам сўзлаш, илм кишидаги сукуту айбпўшлик ниҳоятда қадрланган. Ана шундай фазилат ва хислатлар замонамиз уламоси Эргаш Умаровда ҳам мужассам эди: зеро, илм доирасида кимдир кимгадир илмий раҳбар ёки илмий маслаҳатчи бўлиш илинжида юрган бир пайтда, у кишида бу ҳолатнинг аксини кўрар эдик. Гўё у киши дунёга мудом илм саҳнасининг ортида юриш учун келгандек эди. Эҳтимолки, олим ёзган китоблар мужаллад-мужаллад китоб бўлмас, лекин, энг муҳими, бу олим хаётининг ўзи бетимсолдир. Аслида, бу олимнинг мужаллад-мужаллад китоблар тузишга қурби ҳам етарди. Ҳолбуки, у ёзган тадқиқотлар, айниқса, туркийшуносликка оид юзлаб мақолалар, ҳатто уларнинг ичидаги энг кичик илмий кузатишларда ҳам илмнинг машаққати борлиги яққол кўзга ташланиб туради...

## **АЛИШЕР НАВОЙ АСАРЛАРИ МАТНИНИ**

### **ТАДҚИҚ ЭТИШ УСУЛЛАРИ**

#### **Матнни тадқиқ этиш усули**

Навоий матншунослиги XX–XXI асрларда ҳам, шубҳасиз, салмоқли ютуқларни кўлга киритди ва киритаётир. Жумладан,Faфур Ғулом, Порсо Шамсиев, Ғулом Каримов, Ҳамид Сулаймонов сингари етук матншунос, устоз олимларнинг бу борадаги фаолияти таҳсинга лойик. «Хамса», «Мажолис ун-нафоис», «Махбуб ул-қулуб», «Мезон ул-авzon» каби беназир асарларнинг илмий-танқидий матни яратилгани катта воқеа бўлди. Навоийшуносликда эришилган бу ютуқлар кейинги даврда «Назм ул-жавоҳир», «Муншаот», «Насойим ул-муҳабbat» асарлари мисолида давом этаётганлиги қувонарли ҳол. Айниқса, бу асарларнинг матншунослик аспектида тадқиқ қилинганлиги, асарлар матнининг илмий шарҳ – изоҳлар билан нашр этилаётганлиги бу соҳада сўнгти йилларда кўлга киритилган салмоқли ютуқлардандир. Матншунос олимлар М. Рашидова, Б. Ражабова, Ю. Турсунов ва X. Исломийнинг бу ишлари фақат муайян асарларнинг теран ўрганилгани билангина эмас, балки матншуносликнинг бир қанча назарий-методологик масалалари ҳал этилгани билан ҳам аҳамиятлидир. Бу тадқиқотларда ягона қўлёзма нусхали матн устида ишлаш тамойиллари, матн тарихи, хусусан, тазкиранависликнинг ўзига хос хусусиятлари сингари

матний муаммоларнинг ҳам назарий, ҳам амалий асосда ўрганилганлиги фикримизнинг ёрқин далилидир.

Маълумки, шу пайтгача матншунослик истилоҳи ўзида, асосан, икки тушунчани мужассам этар эди: биринчидан, муайян матннинг аслият асосида илмий-танқидий матнини тузиш, табдил ва мукаммал нашрларини яратиш; иккинчидан, муайян матнни микро, макроанализ усуллари ёрдамида илмий тадқиқ этиш. Аслида, матншунослик тил ва адабиёт билимларининг ўзаро уйғунлашувидан таркиб топган соҳадир. Албатта, бу борада ҳам ўзбек матншунослигига қисман матнни ҳам микро, ҳам макро-анализ нұқтаи назаридан тадқиқ этиш йўлга қўйилган. Аммо ҳозирда дунё матншунослиги матнни тил тарихи соҳаси билан боғлиқ ҳолда ўрганиш борасида анча илгарилаб кетган<sup>1</sup>.

Ўзбек матншунослигига, айниқса, кейинги йилларда Бобур, Огаҳий, Муқимий, Фурқат каби мумтоз шоирлар асарлари матнининг ўзига хос тарзда ўрганилиши матний тадқиқ этиш усулларининг шаклланаётганлигидан яна бир далолатдир. Зотан, Муҳаммад Ризо Огаҳийнинг дунёда ягона кўлёзма нусхаси – Санкт-Петербургда сақланаётган «Шоҳид ул-иқбол»и нафақат матний тадқиқ этилди, балки асар матни тўлиқ ва мукаммал илмий шарҳлар, кўрсаткичлар билан нашр қилинди. Бу ҳолат ўзбек матншунослигининг мазмунан сифат ўзгаришларга юз тутаётганлигини кўрсатади. Шунингдек, Мутрибийнинг «Тазкират уш-шуаро» ҳамда «Нусхайи зебойи Жаҳонгир» асарлари тадқиқи асосида яратилган монографиялар ҳар жиҳатдан эътирофга лойиқ. Матншунос олимларнинг бу ишлари матншуносликнинг бир қанча назарий-методологик ҳамда амалий масалалари ҳал этилганлиги билан ҳам муҳим аҳамият касб этади.

<sup>1</sup> Матншунослик давр талаблари даражасидами?//Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – Т., 2010. № 27.

Бироқ матнни замон талаблари даражасида, айникса, назарий жиҳатдан ўрганиш борасида ўзбек адабий манбашунослиги ва матншунослиги юқори натижаларга эришганича йўқ. «Матншунослик олдида ечимини кутаётган долзарб муаммолар нималарда кўринади? Биринчидан, дунёда фаннинг бу жабҳаси замон талаблари даражасида ривожланаётган бугунги кунда биз ҳануз матншуносликнинг системали яхлит назариясини ишлаб чиқа олганимиз йўқ»<sup>1</sup>, деган мулоҳазаси ҳам фикримизнинг исботидир. Дарҳақиқат, ҳозирги матншуносликда матнни замон талаблари даражасида тадқиқ этиш муҳим илмий-назарий муаммолардан бири сифатида тан олиниб, «матн тарихи», «вариантлилик» «матн таҳрири», «глосс», «интерполяция», «конъектура», «цензура ва автоцензура», «матнни тадқиқ этиш усуллари», бадиий асар структураси, семиотикаси деб номланаётган соҳаларда матн, унинг турли томонлари, матн билан боғлиқ бўлган илмий-назарий масалалар текширилиб, уларга муҳим илмий тадқиқотлар обьекти сифатида қаралмоқда<sup>2</sup>.

Матншуносликнинг ҳар қандай соҳаси соҳалар тизимидан ўрин олар экан, у, албагта, турли хил усул ва методлардан кенг фойдаланади. Бинобарин, жаҳон матншунослигига матн ва унинг турларини ўрганиш усули кейинги қирқ-эллик йил ичида шаклланиб тарақкий этди. Бугунги кунга келиб матнни ўрганишнинг ўнлаб усуллари, методлари ишлаб чиқилган бўлиб, улар матншунослик соҳасида кенг қўлланилмоқда<sup>3</sup>. XX асрнинг 60-йил-

<sup>1</sup> Матншунослик давр талаблари даражасидами?//Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – Т., 2010. № 27.

<sup>2</sup> Расулов А. Концепция зарурати//Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – Т., 2010. № 49.

<sup>3</sup> Бертельс Е. Э. Вопросы методики подготовки критический изданий классических памятников литературы народов Ближнего и Среднего Востока.-В. кн.: Первая всесоюзная конференция востоковедов. Тезисы докладов и сообщений. – Т., 1957. – С. 513; Бертельс Е. Э. К вопросу о филологический основе изучения восточных рукописей//Советское востоковедение. –

ларидан бошлаб, халқаро миқёсда матнни конъектура, глосс ва интерполяция усуллари ёрдамида тадқиқ этиш ҳам кенг йўлга қўйилди<sup>1</sup>. Лекин матнни бундай ўрганиш усуллари ўзбек матншунослиги ва адабий манбашунослигида эндиғина жорий қилинмоқда<sup>2</sup>. Шунга қарамасдан, бу борада ўзбек матншунослигида ҳам айрим қайдлар мавжуд. Галдаги вазифа ана шу илмий ютуқларни яна-да мустаҳкамлаш, матнни тадқиқ этиш усулларига доир монографик тадқиқот ишлари яратиш ҳамда шу асосда муаммонинг амалий ечимиға доир илмий-назарий хуло-салар чиқаришдан иборат. Айни шу маънода, энг бирин-чи навбатда, Навоий асарлари матнини матний тадқиқ этишда конъектура, глосс, интерполяция каби муайян ме-тодлар назарий ишланмаларини яратиш, улардан ўринли ва мақсадли фойдаланиш ўзбек матншунослиги ривожи-га муҳим ҳисса бўлиб қўшилишини амалда исботлаш.

Хуллас, ўзбек матншунослигида ҳозирга қадар матнни тадқиқ этишда бир умумийлик, якранглик кўзга ташла-нади – у, асосан, матн қўлёзмаларини ўрганиш, улардаги мавжуд тафовут ва ўхшашликларни аниқлаш, танқидий матн тузиш ва табдил сингари хусусиятлардан иборат. Зеро, уларда кўпроқ амалий хусусиятлар устувор бўлиб, матншуносликнинг асосий назарий методологик харак-терига хос талқинлар эса кам учрайди. Айни маънода Навоий асарлари матнини ўрганишда турли назарий, матний

М., 1955. №3. – С.184; *Лихачев Д. С.* Некоторые новые принципы в методике текстологических исследований древнерусских литературных памятников. – Известия АССР ОЛЯ, 1955.т. XIV, Вып. 5. – С. 35, 477; *Лихачев Д. С.* По поводу статьи В. А. Черных о развитии методов передачи текста истори-ческий архив. 1956. №3, – С. 508; *Йўлдошев Б.* Матнни ўрганиш лингвистик методлари. – Самарқанд: СамДУ. 2008. – 90-бет; Зубдат ут-таворих [Text] та-рихлар сараси / М. Р. Оғаҳий (Эрниёзбек ўғли); нашрга тайёр., сўзбоши, изоҳ ва кўрсаткичлар муаллифи Н. Жабборов. – Т.: «O'zbekiston», 2009. – 240-бет; *Сироғиддинов Ш.* Алишер Навоий: манбаларнинг қиёсий-типовологик, текс-тологик таҳлили. – Т.: Akademnashr, 2011. – 326-бет ва бошқ.

<sup>1</sup> *Лихачев Д. С.* Текстология. – М.-Л.: Наука, 1964. – С. 62.

<sup>2</sup> Эркинов А. Матншуносликка кириш. – Т., 1997. – 26-27-бетлар.

тадқиқ этиш усулларидан фойдаланиш – янгича усул, матний талқин ва таҳлиллар методологияси бўла олади:

*А) Матнни тадқиқ этишининг бадиий таҳлил усули.*

Навоийшуносликда бадиий матн таҳлил усули ва у билан боғлиқ масалалар, жумладан, Навоийнинг бадиий маҳорати ҳақида Максуд Шайхзода, Ёқубжон Исҳоқов, Нажмиддин Комилов, Иброҳим Ҳаққулов каби олимлар фундаментал тадқиқот ишлари яратишиди<sup>1</sup>. «Хамса» ҳақида устоз Азиз Қаюмов, Навоийнинг ижодий методи борасида филология фанлари доктори, профессор Абдуқодир Ҳайитметов, шоирнинг поэтик маҳорати тӯғрисида Алибек Рустамов, Иброҳим Ҳаққулов, Нажмиддин Комилов, Ботирхон Ақрамов, Суйима Ғаниева, Султонмурод Олимов, Шухрат Сирожиддинов ва Нусратулло Жумахўжаев тадқиқотлари эришилган ютуқлар кўлами ниҳоятда катта эканлигини қўрсатади<sup>2</sup>. Адабиётшунос Д. Салоҳий, Х. Жўраев ва бошқа олимларнинг Навоий асарларининг бадиий таҳлил усулларига қаратилган тадқиқот ишлари ҳам навоийшуносликдаги сўнгти йилларда қўлга киритилган улкан муваффакиятлардан ҳисобланади. Аммо ҳануз шоир асарлари матнининг тагмаъно қатламларини теран мушоҳада қилиш ва очишда бир талай муаммолар мавжуд. Бунинг асосий сабабларидан бири собиқ иттифоқ даврида мумтоз асарлар бўйича амалга оширилган бадиий ижодга синфиийлик ва партиявийлик нуқтаи назаридан ёндашилганлигидадир. Мустақиллик даври ўзбек матншунослигига онтологик, гносеологик қарашлар асосидаги диалектика хурфикрлилик мумтоз асарларни матний тадқиқ этишда

---

<sup>1</sup> Шайхзода М. Фазал мулкининг султони. VI жилдлик. IV ж. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1972; Исҳоқов Ё. Навоий поэтикаси. – Т.: Фан, 1983 ва бошк.

<sup>2</sup> Қаюмов А. Алишер Навоий. – Т.: Камалак, 1991; Ҳайитметов А. Навоийнинг ижодий методи. – Т.: Фан, 1963; Ҳайитметов А. Шарқ адабиётининг ижодий методи тарихидан. – Т.: Фан, 1970; Рустамов А. Навоийнинг бадиий маҳорати. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1979 ва бошк.

кенг қамровлиликни таъминлаётгани, у орқали матнни англашга интилиш тамойилларининг устувор аҳамият касб этажтганлигини адабиётшунос ва матншунос олимлар А. Расулов ва Ш. Юсуповнинг мақолалари мисолида кўриш мумкин. Бу борада, айниқса, адабиётшунос олим А. Расуловнинг фикрлари эътирофга лойик: «Ўзбек адабиётшунослиги манбашунослик, матншунослик соҳасида бой тажрибага эга. Бу – ёзувчилар асарлари академик нашрини тайёрлашда қўл келади. Иккинчидан, матншунослик, манбашунослик бадиий матн структураси билан узвий боғлиқ. Ҳозир бадиий асар структураси, семиотикаси бўйича бაъзи ишлар амалга оширилмоқда. Уларда матннинг тагмаъносини тадқиқ этишга ҳаракат қилинмоқда. Лекин структурал талқин билан шуғулланувчилар бадиий асар услуби, оҳангি, сўз товушларининг функцияси масаласига жиддий эътибор бермаяптилар»<sup>1</sup>. Бу фикр қайсиdir маънода Навоий асарлари бўйича амалга оширилаётган тадқиқот ишларига ҳам тегишли.

Бадиий матн таҳлили матнни синчиклаб ўқиш ва укиш демакдир. Унда матннинг тагмаъно қатламларини очиш, матн моҳиятини чуқур англаб етиш, ҳатто матндаги ҳар бир сўз, ҳар бир ибора маъноларининг жилоси, ранги ва бадиий тафаккури ўз адабий ечимини топиши шарт. Акс ҳолда, бадиий матн таҳлили концепциясидаги айрим масалалар ўз ечимини топмай қолиши муқаррар. Зотан, бу масалага адабиётшунос олим Абдуғафур Расуловнинг куйидаги мулоҳазалари янада аниқлик киритади: «В. Изернинг таъкидлашича, адабий матнда яширин (имплицит) китобхон фаолият кўрсатади. У ҳамиша реал китобхон билан рўбарў келади: асарнинг эстетик бойлиги имкониятини реал китобхонга юқтиради. Адабий матндаги бадиийлик қутби ўзгармаган ҳолда, эстетик

<sup>1</sup> Расулов А. Концепция зарурати/Ўзбекистон адабиёти санъати. – Т., 2010. № 49.

қутб – имплицитив китобхон реал китобхон таъсирида ўсиб, ўзгариб боради – замоннинг эстетик-маънавий эҳтиёжларига юз буради. Шундай асарлар борки, китобхон (танқидчи)даги эстетик эҳтиёж бойиб, ортиб бораверган сайин матндаги захира қаватлар, имкониятлар ўзини намоён эта боради. Буни В. Изер маънолар зич, тифизлигининг континууми (қат-қатлиги), дейди. Адабий матн ҳеч қачон бир йўналишдаги ахборот ёхуд ҳужжат сифатида қабул қилинмайди. У ҳамиша, ҳар қачон маънолар кўп қаватлилиги, зичлиги манбаидир. Бадиий матн талқин қилинган реаллик ортида юз кўрсатган яна аллақандай тушунчалар, холатлардан хабардор қилиши жоиз»<sup>1</sup>. Демак, матн устида иш олиб бораётган тадқиқотчи матнни нафакат ақлий билимлари воситасида, балки билвосита қалб билан чукур англаши ва уни ўзида шакллантириши мақсадга мувофиқдир.

Бадиий матнни ўқиши ва уқиши – бадиий асарни талқин қилиш асосида шакллана боради. Чунончи, «талқин» «таҳлил»дан кўра кенг қамровли тушунчаларни акс эттиради. Демак, бадиий матн таҳлили бадиий асар талқини асосига қурилади. Негаки, талқин умумий характеристери ва фалсафий жиҳатлари билан таҳлил усулидан фарқланиб туради.

Бадиий матнни ўқиши ҳолати оддий китобхон билан матншунос ўртасида кечади: «В. Изернинг «Ўқиши ҳолати» асарида бадиий матннинг мутахассис китобхон (танқидчи) ва оддий қабул қилувчи томонидан ўзлаштирилиши масаласига алоҳида эътибор берилади. Оддий китобхон асарни ўзича қабул қиласи, унинг қараши, тушунчаси ўзига хос бўлади. Мутахассис китобхон – танқидчи асарни ўқир экан, беихтиёр жамиятнинг эстетик қарашларини сингдирив юборади»<sup>2</sup>. Бинобарин, Навоий асарларини матний тадқиқ этишда ҳам янгиланиш ҳолати

<sup>1</sup> Расулов А. Адабий танқиднинг таҳлил йўллари. – Т., 2003. – 4-бет.

<sup>2</sup> Ўша манба. – 5-бет.

кузатилмоқда. Зеро, шоир асарлари матни мустақиллик-нинг эстетик қараашлари замирида ўрганилмоқда. Негаки Навоийнинг ҳам улуғ мақсади туркй тилнинг келажак-даги истиқболи, у тилда сўзлашувчи халқларнинг мустақиллиги эди: «... турк алфозиға дағи мулоҳазани лозим кўрулди – оламе назарға келди, ўн саккиз минг оламдин ортуқ, анда зебу зийнат; ва сипехре табъға маълум бўлди, тўққуз фалакдин ортуқ, анда фазлу рифъат; ва маҳзане учради – дурлари кавокиб гавҳарларидин раҳшандароқ; ва гулшане йўлукти, гуллари сипехр ахтаридин дурахшандароқ...» («... туркй сўзларга ҳам мулоҳаза лозим кўрилди – бундан шундай олам намоён бўлдики, ўн саккиз минг оламдан ортиқ. Унда таъбга зеб ва зийнат осмони маълум бўлди, тўққиз фалакдан ортиқ. У ерда фазилат ва буюклик хазинаси учради – дурлари юлдуз гавҳарларидан ёрқинроқ ва гулшан йўлиқтики, гуллари фалак юлдузларидан кўра тиник, ёрқинроқ...»).

Юқорида эътироф этилганидек, бадиий матн таҳлил усуулларининг асоси – микроанализ имкониятлари-га асосланишидир. Микроанализ нафақат матнни аслият асосида қайта тиклаш, балки асар муаллифи услубини ўрганиш билан ҳам характерлидир. Илло, «Услуб ижодий методнинг конкрет ва хилма-хил кўриниши бўлиб, давр ва ҳаёт характери билан яқиндан боғланади, унинг хусусиятларини ёзувчининг шахсий темпераменти ҳаёт тажрибаси, миллий хусусиятлари, бирор адабий йўналишга тамойили ва ҳоказолар орқали акс эттиради»<sup>1</sup>.

Навоий ижодий услубининг ўзига хос жиҳатлари-ни илмий-назарий тадқиқ этиш ўтмишда ҳам, ҳозирда ҳам услуг ҳақидаги қараашларимизни шакллантиришда муҳим омил бўлиб келган. Чунки ўзбек адабиётшунослигига, аслида, микроанализ имкониятларини жуда

<sup>1</sup> Ҳайитметов А. Табаррук излар изидан//Мақолалар тўплами. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979. – 151-бет.

кенг ёритувчи услуг масаласи энг кам ўрганилган соҳадир. Бинобарин, навоийшунос олим А. Ҳайитметов тақрор-тақрор шоирнинг услуби ёки услуб ҳақидаги қарашларига эътиборни қаратгани бежиз эмас<sup>1</sup>. Зеро, бир қарашда шоир услуби-нинг ёки асарларининг зоҳирий томонлари тушунарлидек кўринса-да, аммо ҳануз бу масалаларни тўла-тўқис ўрганишга монеълик қиласиган, ўз ечимини топмаган матншунослик муаммолари мавжуд. Бу шоир асарлари матнида ҳар қадамда учрайдиган маъноси тушунилиши қийин сўз ва иборалардир. Демак, бундай тушуниксиз сўз ва иборалар шарҳ-изоҳисиз нафақат шоир услубининг мураккаб қирраларини ёритиш, балки муаллифнинг илгор фикр-мулоҳазаларини китобхонга тез ва тўлат-тўқис етказиб бериш ҳам амри маҳолдир. Бу масаланинг ўз ечимини топиши қанчалик муҳим ва зарурлигини қўйидаги равshan мулоҳазалар мисолида ҳам кўриб ўтиш мумкин: «Биз ўтмишда яшаб ижод этган, услуби тушуниш учун маълум даражада оғир шоир ва адилларимиз асарларини замонавий китобхонга яхши ва осон тушуниши учун илмий изоҳларни кўпайтириш, шеърий асарларнинг насрый баёнларини яратиш, маҳсус луғатлар тузиш билан қаттиқроқ шуғулланмоғимиз керак. Токи Навоий ва бошқа мумтоз шоирларимиз асарларида кенг китобхонлар оммаси тушунмаган бирон байт, бирон сатр қолмасин»<sup>2</sup>. Кўриниб турганидек, адабиётшунос олим А. Ҳайитметовнинг бу борадаги қарашлари ҳам бу ҳолат изоҳига мос келади.

<sup>1</sup> Ҳайитметов А. Навоийнинг ижодий методи масалалари. – Т.: Фан, 1963. – 173; Ҳайитметов А. Шарқ адабиётининг ижодий методи тарихидан. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1970. – Б. 331; Ҳайитметов А. Алишер Навоийнинг адабий-танқидий қарашлари. – Т.: Фан, 1959. – 109–112-бетлар; Ҳайитметов А. Адабий меросимизнинг уфқлари. – Т.: Ўқитувчи, 1997. – 91–95-бетлар.

<sup>2</sup> Ҳайитметов А. Адабий меросимиз уфқлари. – Т.: Ўқитувчи, 1997. – 95-бет.

## *Б) Матнни тадқиқ этишининг герменевтик усуллари.*

XIV асрда Европада тушунтириш, талқин санъатига асосланган герменевтик<sup>1</sup> таҳлил усули асосида ҳам Алишер Навоийнинг айрим асарлари тадқиқ этилган<sup>2</sup>. Бу услуб Оврупо матншунослиги фан оламида ёзув ёдгорлик матнини теран англаш, уларнинг матний маъноларига чуқур этиб, таҳлил этиш усули сифатида донг таратди. Мазкур матний тадқиқ этиш усули матншунос олимлар томонидан ўз даврида ҳам юқори баҳоланди. Кейинчалик ҳам бадиий асар матнини ўрганишда бу усулдан кенг миқёсда фойдаланилди. Ҳозирги ўзбек матншунослигида герменевтиканинг муҳим аҳамият касб этиши эътироф этилмоқда. Бу усул икки тушунчани ўзида мужассам этган: 1) матн талқини назарияси ва амалиёти; 2) замонавий фалсафадаги оқим. Демак, бадиий асарни матний тадқиқ этишининг яна бир усули герменевтика деб номланган. У ёзув ёдгорликлар матнининг тагмаъносини очиш усули бўлиб, ҳозиргача муайян ўзгаришлар билан этиб келган қадимги матнларнинг дастлабки маъносини қайта тиклашга қаратилган бир таълимот ҳисобланади. Шунингдек, у ўтмишда яратилган ёзма ёдгорликларнинг ҳақиқий, асл матнини тиклашга ва унинг мумтоз адабиётимиз тарихидаги ўрни, аҳамиятини кўрсатиб беришга қаратилган матний тадқиқот усуллари мажмууни ташкил этади. Бу соҳа таҳлил йўсинининг асосий назарий тамойиллари қуидагилардан иборат:

---

<sup>1</sup> И з о ҳ: «Герменевтика» сўзи «hermenevtika» сўзидан олинган бўлиб, қадимги Рим мифологиясидаги Гермес номига бориб тақалади: унда Гермес олимпия тангрилари элчиси сифатида тасвирланган. Барча пайғамбарлар сингари у ҳам Парвардигор муждалари матнини инсониятга етказиб турган ва уни талқин этиш, одамларга тушунтириш унинг вазифаси хи собланган [Боев Ю. Теория художественного восприятия и методология критики и герменевтики. – М., 1988. – С. 430].

<sup>2</sup> Эркинов А.С. «Хамса»анинг герменевтик таҳлили: ф.ф.д... дисс. – Т.: ЎзРФА, 1996.

а) умумий контекстуал талқин тамойиллари; б) шу соҳа доирасига киравчи талқин усуллари; в) муаллиф назарда тутган аниқ мақсад ва мулоҳазаларга асосланган ҳолда матннинг тарихий-тадрижий ва ижтимоий-сиёсий шароитдаги ҳаёти, унда содир бўлиши мумкин бўлган ўзгаришлар ва унинг бошқа қўлёзма нусхалари таҳлили; г) муаллиф мантиқий фикр-мулоҳазалари маъноларини очиш; д) таҳлилда муайян матннинг юзага келишида бевосита ёки билвосита аҳамиятга эга бўлган прагматик имкониятларга ҳам асосланиш. Яъни қўлёзманинг яратилиш жараёни, муаллиф шахсияти ва ижодиётига доир биографик маълумотлар, асар муаллифининг услуби каби барча масалаларга таянишдир.

Немис олим Ю. Борев каби хориж матншунос олимларининг таъкидлашича<sup>1</sup>, бу усул бадиий матн мазмунини тўғри идрок этишни ўргатувчи амалий санъат тури сифатида ҳам мутахассислар эътиборини қозонган.

Бу борада адабиётшунос оlimа Дилором Салоҳий шундай эътироф этади: «Бошқа бир олим, Фр. Бласснинг фикрича, матнни талқин этиш жараёни икки босқичда содир бўлади: биринчисида матн муаллифини тўла тушуниш лозим бўлса, иккинчиси муаллиф ижодига баҳо бериш, шарҳлашдан иборатдир. Бунинг учун интерпретатор ёки талқинчи, матн тилини унинг муаллифи даражасида билиш, улкан сўз захирасидан матн муаллифи руҳи муқобилида ва матн мазмунидан келиб чиқиб, ҳар сафар муаллиф кайфияти ва психологик ҳолатига мос сўз ва ибораларни танлай олиш қобилиятига эга бўлиши лозим»<sup>2</sup>.

Албатта, бу борада немис олим Фр. Бласс ва америкалик лингвист олим Ч. Филлмор қарама-қарши фикрлар

<sup>1</sup> Борев Ю.Б. Эстетика. – 4 изд., доп. – М.: Политиздат, 1988. – С. 498.

<sup>2</sup> Салоҳий, Дилором. Алишер Навоий поэтик услубининг тадрижий такомили (ғазаллар матнларининг қиёсий таҳлили асосида) [Text]: филол. фан. докт.... дисс. – Т.: ЎзРФА, 2001. – 23-бет.

баён этишган. Бироқ Ғарб таҳлил усулларининг ҳаммаси ҳам Шарқ ёзув ёдгорликларини, айниқса, Навоий асарлари матнини матний тадқиқ этишга тўғри келавермайди.

Шу пайтгача Алишер Навоий асарлари турли матний тадқиқ этиш усуллари ёрдамида ўрганилган. Хусусан, матнни тадқиқ этишнинг бадиий, герменевтик талқин усули сингари. Аммо улар ичидаги назмий матнни насрой баёнлаш усули алоҳида аҳамият касб этади. Бу тадқиқот натижалари матншунослик тадрижий тараққиёти учун икки йўналишда хизмат қилади: а) Навоий асарларининг мукаммал илмий-танқидий матнини яратиш ва шу асосда тўлиқ изоҳ-шарҳлар билан таъминланган шоир асарлари илмий ва илмий-оммабоп нашрларини амалга ошириш учун; б) бу борадаги илмий текширувлар шоир асарлари матнини ўрганиш юзасидан олиб бориладиган назарий характердаги илмий тадқиқотлар учун ҳам асосий омил вазифасини бажаради.

### **Насрий баёнлаш мезони**

Алишер Навоий асарлари матнини муфассал ўрганиш усуллари бундан анча бурун бошланган. Шу пайтгача Навоий асарлари матнини ўрганишда ўзига хос матний тадқиқ этиш усулларидан кенг фойдаланиб келинганлиги таҳсинга лойик. Зеро, улуғ шоир асарларини матний тадқиқ этиш усуллари, энг аввало, матншунослик тадрижий тараққиёти учун икки йўналишда хизмат қилади: 1) Навоий асарларининг мукаммал илмий-танқидий матнини тузиш ва шу асосда тўлиқ шарҳлар билан таъминланган шоир асарлари илмий ва илмий-оммабоп нашрларини амалга ошириш учун; 2) бу борадаги илмий текширувлар шоир асарлари матнини ўрганиш юзасидан олиб бориладиган назарий характердаги илмий тадқиқотлар учун ҳам асосий омил вазифасини ўтайди. Айни шу маънода қуйида Алишер Навоий

асарлари матнини ўрганишнинг ана шундай айрим матний тадқиқ этиш усуллари, аниқроғи, назмий матнни насрый баёнлаш усули («Фарҳод ва Ширин» достони асосида) – мезони хусусида фикр-мулоҳазаларимизни баён этмоқчимиз.

Айтиш жоизки, Навоий асарлари матнини илмий ўрганишда амалга оширилган дастлабки тадқиқот ишлари, асосан, 1938 йилдан бошланган эди<sup>1</sup>. Унгача фақат 1928 йили нашр этилган «Ўзбек адабиёти намуналари» тўпламидан бошқа кўзга кўринарли бирор-бир тадқиқот иши мавжуд эмас эди. Эътироф этилганидек, 1938 йили Навоий анжуманини ўтказишга тайёргарлик кўриш муносабати билан шоир асарлари матнини нашр этиш, яъни «Хамса»ни насрый ифода, изоҳ ва лугатлари билан нашрга тайёрлаш ишлари йўлга қўйилди. Навоий юбилейини ўтказувчи маҳсус комиссиянинг аъзоси бўлган академик Ғафур Ғулом тайёргарлик ишларида фаол иштирок этади. У «Фарҳод ва Ширин» (1940) достонини насрый баёнлаш усули билан лотин алифбоси асосидаги ўзбек ёзувида нашрга тайёрлайди. Бу ҳакда таникли матншунос олим Порсо Шамсиев шундай ёzáди: «Бу текстологик усул ўша даврда янгилик бўлиб, у қабул қилган принцип асосида шоирнинг бошқа асарлари ҳам насрый баёни илова қилинган ҳолда нашрга тайёрлана бошланди». Дарҳақиқат, бу матний тадқиқ этиш усули, яъни достоннинг замонавий насрга ўгирилиши 20–30-йиллар ўзбек навоийшунослигининг ўзига хос янги бир соҳаси бўлиб қолди<sup>2</sup>. Шоирнинг бу фаолиятини айрим адабиётшунос тадқиқотчилар шундай баҳолайди: «Ғафур Ғуломнинг «Фарҳод ва Ширин» достонини нашрга тайёрлаганлиги, шубҳасиз, ўзбек тексто-

<sup>1</sup> Шамсиев П. Навоий асарлари матнларини ўрганишнинг баъзи масалалари: ф.ф.д... дисс. – Т., 1969. – 1-бет.

<sup>2</sup> Ҳайитметов А. Адабий меросимиз уфқлари. – Т., 1997. – 53-бет.

логияси фанига қўшилган муносиб ҳисса бўлиб, бу фактFaфур Fуломни биринчи ўзбек текстолог олимлари қаторига қўяди»<sup>1</sup>.

Шарқ қўлёзма матнларини ўрганиш усулидаги бу оригиналлик, айниқса, Навоий асарлари матни бўйича F. Fулом олиб борган тадқиқот ишларида яқол намоён бўлади. Шоир эришган бу ютуқлар нафақат унинг шеърий салоҳијати билан, балки ўз даврида ҳамнафас бўлган Е. Э. Бертельс, В. В. Бартольд, А. К. Боровков каби олимларнинг навоийшуносликка бағишланган тадқиқот ишларидан боҳабар бўлганлиги билан ҳам характерлидир. Шунингдек, шоирга Навоий асарлари матнини теран англаш ва чукур шарҳлашда туркий ҳамда эски ўзбек ёзувининг имловий, хаттий хусусиятларини билиш баробарида араб, форс тилларини талаб дараҷасида пухта билганлиги ҳам қўл келди. Чунончи, матний тадқиқ этишнинг назарий асоси матн тарихини ўрганиш билан белгиланади. Зоро, матн тарихи фақат матннинг аслиятини аниқлаш, уни тўғри ўқиши, хаттий, полиграфик хусусиятларини ўрганиш, қўлёзмаларни мукояса қилиш, илмий-танқидий матн яратиш, матнни нашр этиш каби масалалар билангина чекланиб қолмайди. Энг муҳими, бунда матн тарихи бевосита ва билвосита ички ва ташқи маълумотлар асосида ўрганилмоғи жоиз. Бинобарин, Навоий асарларини матний тадқиқ этишнинг оригинал усули инкишофи F. Fулом шоирлик тахайюлотининг кучи ҳамда Шарқ тиллари ва адабиётининг чукур билимдони эканлиги билан белгиланади.

«Фарҳод ва Ширин» достони Навоийнинг машҳур достонларидан биридир. Улуғ мутафаккир илгари сурған илғор ғоялар бизнинг давримизда янада ўз қадр-қимматини топмоқда. Бироқ уйғониш даври адабиётининг йирик намояндаси Шекспир асарлари матнини ҳозирги

<sup>1</sup> Равшанов A. Faфур Fуломнинг адабиётшунослик фаолияти // Ўзбек тили ва адабиёти. – Т., 1973. – № 4. – 28-бет.

инглиз китобхони тўла-тўкис тушуна олмагани сингари ҳозирда Навоий асарлари матнини ҳам маҳсус тайёргарликка эга бўлмаган оддий китобхоннинг ўқиб англаши баъзи бир қийинчиликлар туғдириши табиий. Бунга сабаб, биринчидан, орадаги қарийб олти асрлик давр бўлса, иккинчидан, Навоий асарлари матнида то ҳануз тушунилиши қийин, шарҳланмаган сўз ва ибораларнинг мавжудлигидадир. Шу сабабли, соҳир сўз санъаткорининг асарларини ҳозирги китобхонга тушунарли услубда етказишга эҳтиёж сезилади.

Достонни насрой баёнлаш усули билан ўз даври адабий тили ва ёзувига табдил қилган биринчи киши, аслида, XIX асрда яшаб ижод қилган адаб Умар Боқий саналади. Ундан сўнг юқорида зикр этилганидек, 1940 йилда Навоий таваллудига беш юз йил тўлиши муносабати билан академик шоир бу достонни насрга ўтириб, аслият матни билан ёнма-ён ҳолда нашр эттиради<sup>1</sup>. Албатта, аслият ўз замонасининг адабий тилида акс этган бўлади. Табдил ёки насрой баён эса бугунги куннинг тил хусусияти ҳолатини акс эттиради. Аслият бугунги кун китобхонига тўла тушунарли эмас. Шу боис ҳар қандай мумтоз назмнинг насрой баёни жуда катта таҳсинга лойик, бироқ у ҳеч қачон аслият билан тенгглаша олмайди. Шунинг учун кейинчалик тўла амалга оширилган «Хамса» достонининг насрой баёнлари, гарчи аслият ўрнини боса олмаса-да, уни ҳозирги кун китобхонига яқинлаштиради, маънавий мулкимизга айлантиради. «Навоий достонлари, шу жумладан, «Фарход ва Ширин» ҳам шундай мураккаб услуб билан ёзилган бўлиб, бундай мисраларни, бу ердаги «марз», «кисват», «хоро», «гурз», «фалаквор», «даввор» каби сўзларни ҳозирги замон ўқувчилари тушуниб олиши ниҳоятда қийин. «Фарход ва Ширин» достонининг замонавий наср-

<sup>1</sup> Жалилов Т. «Хамса» талқинлари. – Т., 1960. – 31–32-бетлар.

га ўгирилиши 30-йиллар ўзбек адабий ҳаётидаги катта ҳодисалардан бири бўлди. Ўша йиллари бу тажриба асосида Навоийнинг «Хамса»сидаги бошқа достонлари ҳам насрга айлантирилди ва улуғ шоир асарлари гўё янгидан қашф этилгандай, янгидан таваллуд топгандай бўлди. Насрий баёнчилик эса ўзбек навоийшунослигининг янги бир соҳаси бўлиб қолди»<sup>1</sup>.

Хамсачилик анъанасига биноан, достонлардаги ҳар бир бобнинг муқаддимасида шу бобга насрый изоҳ берилади. F. Ғулом бундай изоҳларни қисқа баён қилиб ўтган. А. Ҳайитметов эса кўпгина бобларни аслиятдан қайта ўтирган. Қиёсланг: «Бу иқбол варақларининг муқобаласи ва бу саодат тарҳларининг мутораҳаси ва хаёл баҳрида маоний тухафи савдоси учун масоҳат қилмоқ ва ҳар фасона сафинасин варақ-варақ, балки ҳар тарих жунгин сафҳа-сафҳа ахтариб дарёзада ажноска рад илигин урмоқ ва маоний ақмишаси нафойисин бу латофат ҳужласи аройиси учун ғайб тужжоридин ҳаёт нақдин бериб савдо қилмоқ ва жон риштаси ва киприк игнаси била либоси намойиш ва хильяти оройиш тикиб бу абкор қадлариға солиб жилва бермак»<sup>2</sup>.

F. Ғулом буни: «Бу достонни ёзишда қанча-қанча китоблар ўқилганин, қанча таърифлар кўрилганин айтиб, шулардан тўпланган инжууларни ўқучи олдида жилва кўргузмак», – деб ифода этган. А. Ҳайитметов эса қуидагича табдил қилган: «Бу иқбол варақларини таққосламоқ, бу саодат тарҳлари режасини тузмоқ, хаёл денгизида маънолар тухфасини харид қилмоқ учун йўл босиб, ҳар бир афсона мажмуасини ва тарих тўпламини варақ-ма-варақ ахтариб, хатоликларини рад қилмоқ, маъно нафосатлари матоъини ғайбдан савдогарлардан ҳаётим нақ-

<sup>1</sup> Ҳайитметов А. Адабий меросимиз уфклари. – Т., 1997. – 52–65-бетлар.

<sup>2</sup> Алишер Навоий. Фарҳод ва Ширин. МАТ. 7-жилд. – Т., 1992. – 41–42-бетлар.

дини бериб, латофат уйининг келинчаклари учун сотиб олмоқ ва жон ипи ва киприк игнаси билан намойиш ва оро либосини тикиб, бу бокиралар қадларига солиб жилвалантирмоқ<sup>1</sup>. Чунончи, матншунослик нұқтаи назаридан олиб қараганда ҳам мумтоз адабиёт матнлари айнан үзича берилгани дуруст. Аммо бундан F. Ғулом үз даври ўкувчисига аниқ ва тушунарли бўлиши учун шундай йўл тутган, деган холоса чиқариш мумкин. Демак, шоир нигоҳидаги кузатишлар, матний тадқиқ этиш усуслари ўзига хос қизиқарлидир. Бу масалада Навоий шундай ёзади:

*Тахайюл аро барча бир нав эмас,  
Ҳадисин икки киши бирдек демас.*

Яъни тасаввур қилишда ҳамма бир хил эмас. Худди бирор ҳолатни баёнлашда икки киши бирдай фикр юрита олмагани сингари.

Атоқли шоирнинг ушбу матний тадқиқ этиш усулини, яъни назмни насрый баёнлаш усули – мезонини хисобга олмаганды, ўша даврларда бундан бошка оригинал, юқори салоҳиятли матний тадқиқ этиш усуслари кўзга ташланмайди. Пировард натижада, шеърий матнни насрый баён этиш усули матншунослик соҳасидаги методологик асослардан бирига айланди ва, албатта, кейинчалик навоийшунос олимларимиз томонидан насрый баённи қайтадан тўлдириб, нашрга тайёрлаш ишлари кенг йўлга қўйилди.

Гёте шундай ёзган эди: «Табиат ҳазилни билмайди. У доимо ростгўй, ҳар доим жиддий, ҳар доим ҳақдир. Хатолар ва янгилишишлар эса инсонларга тааллуклидир». Зеро, улуғ шоир ижодиёти ҳам табиатнинг ички руҳий оламига нақадар уйғун бир шеъриятдир. Мозийнинг аччик шоҳидликларидан ҳам маълумки, баъзи даврларда

<sup>1</sup> Алишер Навоий. Фарход ва Ширин. МАТ. 7-жилд. – Т., 1992. – 396-бет.

асл изжодкор анқонинг уруғи каби камёб бўлиб қолади. Бордию бугун ҳазрат шеъриятини маромига етказиб талқин этишда ё он қадар салоҳият, ё имкон, ё фурсат кам бўлса, унда руҳсиз сохта талқин, тахмину фаразларга берилмасдан, қисқа шарҳизоҳлар билан кифояланиш ҳам фойдадан холи эмас.

Хуллас, бугунги кунда Навоий асарлари матнини ёки мумтоз адабиётимиз намуналарини турли талқинларда ўрганиш борасида жиддий изланишлар олиб борилмоқда. Унда матнни замон талаблари даражасидаги Farb таҳлил усуллари, хусусан, микроанализ имкониятлари асосида тадқиқ этиш ҳам кўзда тутилади. Шу билан бирга, эндиликда яқин ўтмишдаги, айниқса, 30 – 40 йиллар ўзбек миллий матншунослигининг улкан тажрибаларидан кенг фойдаланиш ва ана шу анъаналаримизни давом эттириш айни муддаодир.

### **«Мажолис ун-нафоис» матнини тадқиқ этиш усуллари**

Сўз мулкининг султони, зуллисонайн шоир Мир Алишер Навоийдан бизга жуда бой адабий мерос қолган. Айниқса, Навоий яшаган давр адабий муҳити ва ундан олдинги «шоири даврон»ларнинг таржимаи ҳоли, ижоди ҳамда Ҳусайн Бойқаронинг шеър ёзиш салоҳиятига бағишлиланган «Мажолис ун-нафоис» алоҳида илмий қимматга молик бўлган ноёб қўлёзма манба ҳисобланади. Алишер Навоий ушбу асарини 1490–91 йилда ёзган ва 1498 йили уни қайта тўлдириб, таҳрир қилган<sup>1</sup>.

Маълумки, «Мажолис ун-нафоис»да нафақат туркигўй, балки форсигўй шоирлар ижодиётига ҳам кенг ўрин берилган. Шоир асарининг биринчи мажлисидаёқ фор-

<sup>1</sup> Faniева С. «Мажолис ун-нафоис» ва «замима» тазкиралардан бири// Имом ал-Бухорий сабоқлари. – Т., 2003, 1-сон. – 27-бет.

сигўй шоирлар ҳаёти ва ижодига тўхталади ва кейинги ўринларда ҳам зуллисонайн, форсигўй шоирлар ҳақида қимматли маълумотлар беради. Бинобарин, қадимдан икки ҳалқ ҳамдўстлигининг рамзий ифодаси бўлиб келаётган «Мажолис ун-нафоис» XVI асрда уч маротаба, XIX асрнинг бошларида эса тўртинчи бор форс тилига таржима қилинган ва баъзи тўққиз қисмдан иборат форсий «замима» тазкираларнинг бош қисми фақат Навоийга бағишланганлиги ҳам бежизга эмас<sup>1</sup>.

Ушбу асар ҳақида етук матншунос ва адабиётшунос олимлар бир қатор тадқиқот ишлари ёзишган. Айниқса, бу борада Порсо Шамсиев, Ойбек, А. К. Боровков, А. Н. Кононов, Х. Сулаймонов, А. Ҳайитметов каби беназир олимларнинг хизматлари катта бўлган. Жумладан, А.К. Боровков, А. Н. Болдырев, Р. Воҳидовлар томонидан ёзилган тадқиқот ва нашр ишлари алоҳида таҳсинга лойик<sup>2</sup>. Тазкира мустақиллик йилларида ҳам қайта нашр этилган. Албатта, тазкиранинг тил хусусиятлари ҳам алоҳида тадқиқот обьекти бўлган<sup>4</sup>. Аммо асар тилида яна бир қатор сўзлар мавжудки, улар нафақат «Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати»<sup>5</sup> ва тил та-

<sup>1</sup> Ўша асар. – 27–28-бетлар.

<sup>2</sup> Қаранг: Боровков А. К. «Мажолис ун-нафоис» (собрание редкостных). Известия АН СССР отд.литературы и языка. – 1947, вып.6; Болдырев А.Н. Персидские переводы «Мажолис ун-нафоис» Алишера Навои. Ученые записки ЛГУ. Серия востоковедческих наук. 1952, №128, вып. 3; Алишер Навоий. Мажолис ун-нафоис. Илмий-танқидий матн / Тузувчи: С. Фаниева. – Т., 1961; Фаниева С. Давр адабий ҳаёт кўзгусида //Алишер Навоий «Мажолис ун-нафоис» илмий-танқидий матн. – Т.: Фан, 1981; Воҳидов Р. «Мажолис ун-нафоис»нинг форсий таржималари. – Т., 1987.

<sup>3</sup> Алишер Навоий. «Мажолис ун-нафоис» // Мукаммал асарлар тўплами. 13-жилд. – Т.: Фан, 1997. – 284-бет.

<sup>4</sup> Носыров И. Лексика «Мажолис ун-нафоис» Алишера Навои //Автореф. Дисс.канд. филол. наук. – Т., 1980.

<sup>5</sup> Носыров И. Лексика «Мажолис ун-нафоис» Алишера Навои //Автореф. Дисс.канд. филол. наук. – Т., 1980; Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. 4 жилдлик. – Т.: Фан, 1983–1985. – 250-бет.

рихи юзасидан амалга оширилган тадқиқот ишларида эътироф этилмаган, балки матншунослик ёки тилшунослик нуқтаи назаридан ҳам алоҳида тадқиқот обьекти бўлмаган. Ҳолбуки, матндаги тушунилиши қийин сўзларнинг матний хусусиятларини таҳлил этиш усули XIV–XV асрлардаёқ юқори илмий савияда чуқур ўрганилган. Бунга зарринқалам хаттотлар томонидан юқори илмий санъат даражасида битилган Алишер Навоий қўллётмалари гувоҳдир. Демак, бундай сўзлар матний маънолари шарҳисиз, айниқса, «Мажолис ун-нафоис»нинг матний тадқиқи, услугбий хусусиятлари борасида узил-кесил илмий хуносалар чиқариш анча мушкул. Илло, асар муаллифи қўллаган «Ул услугуда зеҳни яхши бордур» (108)<sup>1</sup>, «Ва юқориги сўз услугуби тақозои ул қилурким» (174), «Ҳар тақдир била инсоф улдурким, анинг асаридин бу кунгача анга ғолиби маҳз шеърнинг барча услугуда киши йўқтур» (15) каби жумлалар фикримизнинг ёрқин далилидир. Бошқачароқ қилиб айтганда, Навоий тазкирада ҳар бир шоирнинг сўз қўллаш усули, айниқса, индивидуал услугудаги умумийлик ва хусусийлик ҳолатларига аниқ ва равshan баҳо берган. Бундан ўша давр назмиётининг услугбий оқим ранг-барангликлари, индивидуал ва давр услубларининг ўзаро фарқли хусусиятлари ойдинлашади. Муаллиф ва матн олдига қўйиладиган талаблар, матний таҳлил мезонлари ҳам янада аниқлашади. Бинобарин, асар матнидаги ҳар бир тушунилиши қийин ёки луғатга кирмай қолган сўзлар ўз таҳлил йўсинини топмоғи лозим.

Шу пайтгача «Мажолис ун-нафоис» матнини тадқиқ этиш борасида бир умумийлик, якранглик кўзга ташланади: у, асосан, асар қўллётмаларини тасниф ва тавсифлаш, улардаги мавжуд фарқларни аниқлаш, манбанинг илмий-танқидий матнини яратиш, нашрга тайёрлаш каби

<sup>1</sup> Қавс ичидаги рақамлар асар сахифасинигина билдиради.

хусусиятлардангина иборат. Савол туғилади: асар матнини тұлық ва ҳар томонлама мүкаммал ўрганиш учун яна қандай матний тадқиқ этиш усулларига мурожаат қилиш лозим? Аввало, ҳар қандай матний тадқиқ этиш усули матнни шарҳлашга мушқуллик туғдираётган матний муаммоларни бартараф этишга қаратылмоғи зарур. Зотан, бугунғи кунда жағон матншунослигининг замона-вий тамойил ва услубий мезонлари йўсими барча матний муаммолар тадқиқига жорий қилинмоқда. Бинобарин, «Мажолис ун-нафоис» асари матнини ҳам матншуносликнинг глосс, конъектура усуллари ёрдамида тадқиқ этиш мақсадга мувофиқдир. Шу маънода, ушбу мақолада тазкира матни, асосан, глосс ва конъектура тушунчаларининг тарихий принципларига асосланиб, талқин этилди:

1. Глосс. У матншуносликда жуда кенг тушунчаларни ифодалайди. У кўпинча «интерполяция» истилоҳи билан альтернатив равишда қўлланилади. Уларни қўйидаги ҳолларда бир-биридан ажратиб олиш мумкин. Глосс – бу муайян қўллэzmанинг ҳошиясидаги ёки матн ўртасидаги қайдлар. Зоро, глосс қўллэzmадаги асосий матн билан қўшилиб кетмай, балки ундан фарқлантириб, котиб томонидан бирор ўринни шарҳлаш учун ёзилган алоҳида қайддир. Интерполяция эса муайян асар матнiga киритилган, бу матн билан қўшилиб кетган қўшимча. Матнга интерполяция киритишни нусха кўчирувчини ўзи ҳам бевосита кўчириш жараёнида амалга ошириши мумкин, бироқ кўпинча интерполяция нусха кўчирувчи кўчириб олган глоссани ифодалайди. Машхур рус матншунос олими Д.С. Лихачев глосс ва интерполяцияларнинг қўлланилиши ҳақида шундай ёзади: «Глосс ва интерполяциялар турли сабабларга кўра киритилади: матн мүкаммаллигини кучайтириш учун (масалан, айниқса, тарихий асарларда шу мавзу бўйича бошқа асарлардан интерполяциялар киритиш)

ёки нусха кўчирувчига хаёлий ёки ҳақиқий тушиб қолган жойларни тўлдириш ва тушунарсиз бўлган матнни тушунтириб бериш учун (тушунилиши қийин сўзларни, матндаги нуқсонларни, яхши тушуниб бўлмайдиган мулоҳазани, ноаниқ фактларни тушунтириб берувчи глосса)»<sup>1</sup>. Юқорида қайд этилганидек, глосснинг асосий вазифаларидан бири матндаги тушунилиши қийин, аввал шарҳланмаган, шунингдек, ҳатто асар нашри бўйича тузилган кейинги луғатларда ҳам қайд этилмаган сўз ва ибораларнинг матндаги ўрнини аниқлаш ва шарҳлаш ҳамда уларни матнга илова қилишдан иборатdir.

Алишер Навоий бошқа асарлари сингари ушбу асарида ҳам ўз сўз қўллаш бадиий маҳоратини олий дараҷада намойиш эта олган. У туркий сўзлар билан биргалиқда арабий, форсий лексик бирликлардан юксак даражада бадиий маҳорат билан фойдаланган ва бу ҳол асар тилининг конструкцион тузилишига таъсир қilmай, балки аста-секинлик билан «Мажолис ун-нафоис» бадиий ифода қатламини бойита борган. Айниқса, шоир асарда арабий сўзларни араб тилининг флексив хусусиятларига хос тарзда турли сўз шаклларида қўллаган. Афсуски, бундай сўзлар изоҳли луғат ва асарнинг кейинги мукаммал нашрига тўлиқ илова қилинмаган. Күйида ана шундай айрим сўзлар шарҳ этилади. Масалан, مُنْقَوِي мунқавий сўзи асарда бир ўринда қўлланиб, матний маъносига кўра, «маҳкам», «собит» маъноларини ифодалаган: «Улви ҳимматдин дунёу мофийхога этак силкиб мақсад қаъбасида мунқавий бўлубдур ва ҳамул даражадин мохалақаллоҳ балки мосиваллоҳни мавҳуми маҳз, балки маъдуми мутлақ билиб вусул ҳаримида

<sup>1</sup> Биз «глосс» атамасидан шартли равиша фойдаланмоқдамиз. Бу ҳақда қаранг: *Лихачев Д. С. При участии А. А. Алексеева и А. Т. Боброва. Текстология на материале русской литературы X–XVII веков. – Санкт-Петербург: Алтейя, 2001. – С. 90–91.*

قويي مونقاۋىي سۇزىنинг қавىй шакли эса Навоий аസارларида сермаھсул қўлланган. Асадаги бундай сўз шаклларининг айримлари ҳатто бошқа туркий манбаларда учрамайди. Ана шундай қиёслаш имкони бўлмай қолган ҳолларда тушунилиши қийин сўзлар, асосан, матний маъносига кўра, изоҳланади. Шунингдек, асада араб тилига хос тўғри кўпликлар иштирокида янги сўзлар ҳосил қилинган: **مستغلات** – мустағалот – «ғалла экиладиган ерлар»: «Фониваш ва бетакаллуф киши эрди, жузъий мустағалоти ҳосили била қаноат қилиб эрди» (37).

Кўринадики, бунда мутафаккир араб тилининг нақадар чукур билимдони сифатида ўз сўз қўллаш санъатини кўрсата олган. Асан матнидаги бундай тушунилиши қийин ёки изоҳли лугатга кирмай қолган сўзларни яна қуйидагича таҳлил қилиб ўтиш мумкин: **فردوس تربين** – фирдавстазийин – «жаннаторо»; «жаннатсифат боғ»; «зийнатланган боғ»: «Бу Султони Соҳибқироннинг эрамойин сұхбатларида ва фирдавстазийин хилватларида ва навъ ғарип латойиф ва ажиб заройиф ҳар лаҳза мутаоқиб ва мутавотир ва лаҳза мутазоид ва мутакосир зохир бўлур» (209), **استقرار** – истиқрор – «сабот», «матонат», «чиdam», «ўз сўзи, аҳдида собит туриш»; «барқарорлик», «ўз вазифасини матонат билан бажариш»: «Ва бир қарн бўлар бордиким, истиқлол била аморат истиқрор била подшоҳга ноёбат қиласурким, ҳеч киши андин бир номулойим нимаким, мужиби эътиroz бўла олғай, нақл қилмайдур» (151), **قابلجات** – қаболижот – «хужжат», «ижозатнома», «никих ҳати»: «Мавлоно Низомиддин қазо масжида муттаммакин эрканда, маҳкамаси ва дор ул-қазосида сижиллот ва қаболижот ва шаръиёт анга эврилур эрди» (123), **حقير الجنة** – ҳақири ул-жусса – «озғин», «заиф жуссали», «кичик жуссали»: «Багоят маҳрум ва вожиб ул-риоя ва номуруд қўрундиким, ҳам ҳақири ул-жусса эрди ва ҳам сағир

ус-син» (78)، *ذو القافية* – зулқофиятайн – «икки қофияли»: «Зулқофиятайнdur ва қофияли тарди акским, жавоб айтмоқ бу фақир қошида маҳолатдиндур» (68).

Тазкирада бир қатор арабий сўзларга форсий ўзак ёки қўшимчалар қўшилиши натижасида янги сўзлар ҳосил қилинган: *معالجه ڦنير* муолажапазир – «даволовчи»: «Гаҳи савдоси андоқ ғолиб бўлурким, мизожи сиҳат қонунидин мунҳариф бўлур, яна кўп заҳмат билан муолажапазир бўлур (82), *غرابت جوي*, ғаробатжўй – «ажойиб», «қизиқарли»: «Хийли жунун зотида борким, салоҳият қасбиға монеъдур, йўқ эрса, ғаробатжўй табъғинаси бор» (87). Бундан ташқари, асарда яна бир қатор форсий қоришиқ сўзлар (44) учрайди: *شيرين اشعار* ширинашъор (184) *شيرين ادالیق* ширинадолик (80) ва бошқалар. Кўринадики, тазкира матнидаги бундай тушунилиши қийин сўзлар талайгина қисмни ташкил этади.

2. Ко нъ е к т у р а. Катта тажриба ва мантиқий фикр асосида, ҳатто аслиятга қиёсламасдан туриб ҳам, асар нашридаги хато ва нуқсонларни аниқлай олиш ва уни муаллиф яратган матнга яқинлаштира олиш конъектура дейилади. Тадқиқотчи томонидан муайян асар матни бўйича асосли фикр-мулоҳазалар асосида тақдим қилинаётган илмий тузатишлар ҳам конъектура ҳаракат-ларига киради. Матншунос олим Н. В. Перетц конъектуралар ҳақида шундай ёзади: «Шундай ҳолатлар бўладики, мавжуд кўлёзмалардан биттаси ҳам аниқ, етарлича қаноатланарли ўқишини бермайди ёки қандайдир ёдгорликнинг биттаю битта бузилган, ноаниқ жойлари бор қўлёзмаси бўлади. Бундай ҳолатларда танқидчи муаллиф ўрнида бўлиб, конъектуралар, яъни турли мулоҳаза ва тахминлар ёрдамида бузилган матнни тиклашга уриниб кўришга мажбур. Конъектуралар учун умумий аниқ қонун ва қидалар йўқ: кимки бошқалардан кўра кўпроқ ушбу асар-

нинг муаллифига яқин фикр юрита олса, унинг рухини ва услубини чуқур ҳис қила олса, бошқалардан кўпроқ уни тушуна олса – ўшагина уни муваффакиятлироқ тўғрилай олиши мумкин. Албатта, таклиф этилаётган конъектура-лар, иложи борича, матнга энг соз маъно бериши керак ва бу асрнинг бошқа қисмларига, муаллифнинг одатларига зид бўлмаслиги керак»<sup>1</sup>.

Хозирги пайтда конъектура, асосан, матн нашридан кейин рўй беради. Матншунослар табдиллардаги хато ва камчиликларни матний маънодан келиб чиқиб аниқлашади. Демак, аслиятнинг хаттий ва маъновий хусусиятларини тўлиқ англаган, тасаввур қилган ҳолда мантиққа асосланиб, унинг нашрларидағи ноқисликларни тўғри тузата олиш конъектура ҳаракатларига киради. Масалан, «Мажолис ун-нафоис» қўлёзмасидаги бир жумла нашрда «...мажлисда назм тарийқида ҳамроз эрдилар ва наср услубидаpunktapardoz» (113) тарзида нотўғри ифодаланибди.

Ушбу жумладаги نكته پرداز «нуктапардоз» сўзининг ўрнида «punktapardoz» бўлгандигини қўлёзмага қарамай туриб, конъектура усули билан, яъни мантиққа асосланиб ҳам аниқласа бўлади. Зоро, «нуктапардоз» – «чуқур маъноли сўзлар айтувчи» деган маънони беради. Бу, шубҳасиз, матний маънони англатади. Ёки: Ва масҳлиқ ва мабҳутлук оламин ҳам кўп таъриф қилурлар (121).

Мазкур мисолдаги مسخلیق «масҳлиқ» сўзининг ўрнида «масҳлиқ» ифодаланган. Буни тахминий ёки умумий фикрлар асосида фарқласа бўлади. Чунки «масҳлиқ» – «ўзгаришлиқ», «қабих суратга айланишлиқ», «бир шакл ёки кўринишдан бошқа бир ёмонроқ шакл ва кўринишга ўтишлиқ» каби маъноларни англатади. «Масҳлиқ» эса мумтоз матнларда «кўл билан уқаламоқ, қашламоқ» маъ-

---

<sup>1</sup> Перетц Н. Из лекций по методологии истории русской литературы. История изучений. Методы. Источники. (Корректурноездание направах рукописи). – Киев, 1914. – С. 276.

носини ифодалаб келади<sup>1</sup>. Бу маъно, шубҳасиз, матний маънога тўғри келмайди. Бундан ташқари, асар нашрида شعور «шувур» – «сезги», «хис», «хуш», «фаҳм», «идрок» (156) сўзининг ўрнида «шуур», احفاد «ахфод» – «набира-лар», «авлод» (172) сўзининг ўрнида «ахфод», خبط «хабт» – «аклдан озиш», «девонасимонлик», «аклга путур етиши» (36) сўзининг ўрнида «хабт», اشتها «иштиҳор – «машхур-лик», «шухрат» (140) сўзининг ўрнида «иштхор»; صاحب «соҳибвужудлук» – «соҳибкарамлик» (44) сўзининг ўрнида «соҳиб вужудлук», گلبانگ «гулбонг» – «ба-ланда овоз билан нола тортиш», «фарёд чекиши», «хушшовоз билан сайраш» (8) сўзининг ўрнида «гул бонг»; سبک روح «сабукрух» – «хушхол», «самими», «очиқ чехрали» (45) сўзининг ўрнида «сабук рух» (бу сўзлар матнда ажратиб ёзилган); برجستوان «баргуствон» – «зираҳҳ», «урушда яроқ ва ўқ ўтмасин учун от ёки филнинг устига ташланадиган ёпик» (30) сўзининг ўрнида «баргуствон» шаклида нотўғри ифодаланган. Асар матнидаги бундай ҳолатларни ҳам конъектура ҳаракатлари ёрдамида тузатиш мумкин.

Хуллас, «Мажолис ун-нафоис» матнини янгича усуулларда, хусусан, замон талаблари даражасида матний тадқиқ этиш шоир тазкирасини мукаммал ўрганиш ҳамда тўлиқ изоҳлар билан таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилиши мумкин.

### **Навоий асарларидағи айрим сўзларнинг матний маънолари**

Маълумки, сўз маъноларини изоҳлаш текстология ва лексикографиянинг асосий ва муҳим масалаларидан бири ҳисобланади. Шарқ лексикографлари асрлар мобайнида мумтоз манбалар тилидаги сўз маъноларини аниқ ва лўнда

<sup>1</sup> Фарҳангни забони точики (аз асри X то ибтидои асри XX). Т. 1. – М.: Советская энциклопедия, 1969. – С. 653.

тушунтириш мақсадида изоҳлашнинг бир неча турларидан унумли фойдаланиб келганлар<sup>1</sup>. Лугатшунослик тарихида Толе Ҳаравий ва Муҳаммад Маҳдийхон туркий сўз маъноларини форс тилида аниқ ва ихчам баён этишган. Улар Шарқ лексикографиясининг энг маъкул изоҳлаш усусларидан фойдаланганлар: 1) эквивалент йўли билан изоҳлаш; 2) маънодош сўзлар орқали изоҳлаш; 3) қисқа изоҳлаш; 4) кенгроқ изоҳлаш; 5) қомусий изоҳлаш; 6) зид маъноли сўзлар ёрдамида изоҳлаш; 7) маъруф лексикографик белгиси ёрдамида изоҳлаш; 8) арабча сўзлар ёрдамида изоҳлаш; 9) умумий изоҳлаш; 10) форсий сўзлар ёрдамида изоҳлаш. Ушбу мақолада Алишер Навоий асарлари тилидаги янги аниқланган, эквивалент йўли билан изоҳланган сўз ва иборалар ҳақида фикр юритамиз.

Эквивалент (муқобил) танлаш йўли билан изоҳлаш усули қадимда кенг қўлланган бўлиб, бу услубда сўз аниқ ва лўнда изоҳланади<sup>2</sup>. Бу борада айрим лексикографлар қуидагича фикр билдиришган: «Лугатларда икки тил учун умумий бўлган тушунча ва ҳодисаларни акс эттирувчи баъзи атама ва сўзларнинг teng (эквивалент) маъноли таърифи берилган»<sup>3</sup>. Шулардан келиб чиқиб, биз «Насойим ул-муҳабbat» асаридаги арабча قرۇن қурун сўзини арабча аср, давр; вақт сўзлари билан изоҳладик: (Мавлоно Шамсуддин Маъдободий қ.с.). Ўз замонида балки бунча қурунларда алардек солик муртоз киши ёд бермас<sup>4</sup>.

Бу сўзни Мирзо Муҳаммад Маҳдийхон ҳам ўзининг «Санглоҳ» асарида фақат вақт маъноси билангина изоҳла-

<sup>1</sup> Капранов В. А. Таджикско-персидская лексикографика в Индии. Душанбе, 1987. – С. 223.

<sup>2</sup> Умаров Э. А. «Бадаи-ал-лугат» и «Санглаҳ» как лексикографические памятники и источники изучения староузбекского языка XV–XVIII вв. Дисс. докт. филол. наук. – Т., 1989. – С. 177.

<sup>3</sup> Оконешников Е. И. К. Пекарский как лексикограф. Новосибирск: Наука, 1982 – С. 104.

<sup>4</sup> Алишер Навоий. Насойим ул-муҳабbat. МАТ. 17-жилд. – Т., 2001. – 445-бет.

ган<sup>1</sup>. Шунингдек, ушбу луғатда қурун сўзининг кечкурун тарзидаги ҳолати ҳам эътироф этилган: қурун ба маъни вақт ва ҳангом бувад ва кэчкурун яъне дарвақт...<sup>2</sup>.

Куйидаги байтдаги туркий **اوکسون** ўксун сўзи арабча само эквиваленти билан ихчам изоҳланди:

*Фано шоли чубўлғон ришишасин тутқил ганиматким,  
Эрур ўт ришишаси зар бирла буткан атласу ўксун<sup>3</sup>.*

«Лисон ут-тайр» достонидан келтирилган ушбу байтдаги туркий **فاقتل** қоқшол сўзи форсча тараша сўзи билан шарҳланди:

*Жисм аро бир парлари қолмай бутун,  
Пора-пора, ўйлаким қоқшол ўтун<sup>4</sup>.*

Шоир асарларида арабча **قریب** қаря сўзи қўлланилган. Бу сўз тарихий манбаларда қария шаклида ҳам учрайди<sup>5</sup>. Биз бу сўзни туркий қишлоқ эквиваленти билан изохладик: (Абулвалид Аҳмад б...).

*Озодон қарясидиндурки, Ҳиротга муттасилдур<sup>6</sup>.*

«Бадоеъ ул-васат» асарида бир маротаба қўлланилган **أوجوز** учуз туркий сўзи қадимги ёзув ёдгорликлари-

<sup>1</sup> Умаров Э. А. «Бадаи-ал-лугат» и «Санглах» как лексикографические памятники и источники изучения староузбекского языка XV–XVIII вв. Дисс. докт. филол. наук. – Т., 1989. – С. 177.

<sup>2</sup> *Sanglax A. Persian Guide to the Turkish language by Muhamad Maxai Khan. Facsimile Text with an introduction and indices by Sir Gerald Glauson.* London, 1960. – Р. 37–40.

<sup>3</sup> Алишер Навоий. Наводир уш-шабоб. МАТ. 4-жилд. – Т., 1989. – 332-бет.

<sup>4</sup> Алишер Навоий. Лисон ут-тайр. МАТ. 12-жилд. – Т., 1996. – 261-бет.

<sup>5</sup> Фарҳанги забони тоҷики (аз асри X то ибтидои асри XX) Т. 1–2. – М.: Советская энциклопедия, 1969. – С. 674.

<sup>6</sup> Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. МАТ. 17-жилд. – Т., 2001. – 228-бет.

да учузланді тарзида учрайди<sup>1</sup>. Бу сўз форсий эквиваленти арzon сўзи билан изоҳланди:

*Фақр қўйи туфроғиким, улдор иксирни ҳаёт,  
Жон бериб кўз ёритурча олсанг – олмишсен учуз<sup>2</sup>.*

«Сабъай сайёр» асарида фақат бир ўринда учраган форсча қўрғашт<sup>3</sup> кўжпушт сўзи туркий букри эквиваленти билан изоҳланди:

*Басо кўжпушту пароканда ҳол,  
Бўйида чу бўлгай иш эски шол<sup>3</sup>.*

Шунингдек, туркий қадуд сўзи ҳам форсий бигиз сўзи билан изоҳланди: Ва «ёйий» мисол уч ҳаракатдин ортуқ топилмас: бийзки сорт қадуд дер ва бизки «мо» ва «наҳну» маъниси биладур ва бийзки «дарафш» дерлар<sup>4</sup>.

Алишер Навоий асарларидаги бундай эквивалент йўли билан изоҳлангаётган сўзлар, асосан, туркий, арабча, форсча ва қоришиқ сўзлардан таркиб топган. Айни шу маънода, уларни яна қуйидагича гурухлаштириб тадқиқ этиш мумкин:

1. Эквивалент орқали изоҳланган туркий сўзлар:

Алишер Навоийнинг «Наводир ун-ниҳоя» асарида қўулланган او غار قیلماق угар қўлмоқ қўшма феъли қашқа қўлмоқ эквиваленти билан изоҳланди:

<sup>1</sup> Кошгари M. Девону луготит-турк. Т. I–III. – Т., 1960–63. Таржимон ва нашрға тайёрловчи С. Муталлибов; Девону луготит-турк. Индекс-лугат/Р. А. Абдураҳмонов ва С. М. Муталлибов таҳрири остида. – Т., 1967. – 308-бет.

<sup>2</sup> Алишер Навоий. Бадоев ул-васат. МАТ. 5-жилд. – Т., 1990. – 160-бет.

<sup>3</sup> Алишер Навоий. Садди Искандарий. МАТ. 11-жилд. – Т., 1993. – 385-бет.

<sup>4</sup> Алишер Навоий. Мухокамат ул-лугфатайн. МАТ. 16-жилд. – Т., 2000. – 19-бет.

*Қилди угар ўтогасин ул қотили шижсоъ,  
Хуршид оразига ҳамоно хати шиоъ<sup>1</sup>.*

Үғар сўзи қадимги туркий тил манбаларида ҳам шу шаклда учрайди<sup>2</sup>. Бу сўз нашрда اوقار уқор шаклида ёзилган<sup>3</sup>. Уқор сўзи турна маъносини англатади<sup>4</sup>. ФЗТ асарида эса, уқор шароб, май маъносида берилган<sup>5</sup>. Ҳар икки маъно ҳам байт мазмунини тушунишга ёрдам бермайди. Негаки байтнинг мазмуни қуйидагича: «Бошга тоқиладиган дубулға (жиға)ни довюрак қотил қашқа қилди. Гўё бу худди қуёш юзли ёрнинг чехрасига нурли қилич тушганига ўхшарди».

ایاقلوق аёклук сўзи шоир асарлари тилида косалик маъносини ифодалаган: Ул қул ҳикоятиком оёғи тойилиб, аё麸ук ошини шоҳнинг боши косасиға урди ва қаромлиғ шоҳ олида ўз ошин пишурди<sup>6</sup>.

Асарда ایاڭ ایلیك аёғ-илиг сўзи оёқ-қўл маъносини англатган: Тахорат қилур эрди ва ел келур эрди ва аёғ-илиги ёрилур эрди ва қон келур эрди<sup>7</sup>. «Насойим ул-муҳаббат» асарида учровчи اويقو لا ماق уйқуламоқ феъли ухламоқ ўхшаш варианти билан изоҳланди: (Ҳишом б. Абдон р.т.). Бир кун уйқулаб, уйғонғач кўрдиким, қўйи бирор зироатиға кирибдур. Ани ул зироат иясиға берди ва андин беҳиллиқ тилади. Мазкур асардаги بوکرالك

<sup>1</sup> Алишер Навоий. Наводир ун-ниҳоя. МАТ. 2-жилд. – Т., 1987. – 252-бет

<sup>2</sup> Кошгариј М. Девону луготит-турк. Т. I–III. – Т., 1960–63. Таржимон ва нашрға тайёрловчи С. Муталлибов; Девону луготит-турк. Индекс-лугат / Р. А. Абдураҳмонов ва С. М. Муталлибов таҳрири остида. – Т., 1967, – 309-бет.

<sup>3</sup> Алишер Навоий. Наводир ун-ниҳоя. МАТ. 2-жилд. – Т., 1987. – 252-бет.

<sup>4</sup> Шамсиев П., Иброҳимов С. Ўзбек классик адабиёти асарлари учун қисқача лугат. – Т.: Ўзбекистон Фанлар академияси нашриёти, 1953. – 452-бет.

<sup>5</sup> Фарҳангি забони точки (аз асри X то ибтидои асри XX) Т. 1–2. – М.: Советская энциклопедия, 1969. – С. 401.

<sup>6</sup> Алишер Навоий. Ҳайрат ул-аброр. МАТ. 7-жилд. – Т., 1991. – 343-бет.

<sup>7</sup> Алишер Навоий. Наводир ун-ниҳоя. МАТ. 2-жилд. – Т., 1987. – 133-бет.

букрак сўзи буйрак эквиваленти билан изоҳланди: Ҳақ с.т. агарчи зоҳир кўзин ёпуқ яратқандур, аммо кўнгли кўзин бағоят ёруқ қилғондур, лубёға илик суртубдур ва дебдурки, кўй букрагига ўхшайдур ва нахудни бармоғи била силаб, дебдурки, итолғу бошиға ўхшар<sup>1</sup>.

2. Эквивалент орқали изоҳланган форсий сўзлар:  
گزدсте (газдаста) – қамчи:

*Сойислигига Зуҳал уруб фол,  
Газдаста била қўлида гирбол<sup>2</sup>.*

کەزن (каҳзан) – паншаха:

*Тожиргаки даст топти раҳзан  
Ногаҳдур анинг ёнида каҳзан<sup>3</sup>.*

روپاک (рўпок) – сочиқ:

(Шайхзода Абулҳасан қ.с.) ...Хирий шаҳрига етганда Ҳазрат Махдумий н.м.н. шарафи мажлисиға мушарраф бўлуб, алардин илтифотлар топиб, алар ўз мусаннафотларидин бир китоб ва жойнамоз ва бир рўпок анга бергандурлар<sup>4</sup>.

3. Эквивалент орқали изоҳланган арабча сўзлар:  
مروحه (мирваҳа) – елпифич:

*Тоби муҳаббат чоғи ул ажниҳа,  
Ўтлари туғёни учун мирваҳа<sup>5</sup>.*

ماتقدم (мотақаддам) – собиқ:

<sup>1</sup> Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. МАТ. 17-жилд. – Т., 2001. – 426-бет.

<sup>2</sup> Алишер Навоий. Лайли ва Мажнун. МАТ. 9-жилд. – Т., 1992. – 24-бет.

<sup>3</sup> Алишер Навоий. Лайли ва Мажнун. МАТ. 9-жилд. – Т., 1992. – 304-бет.

<sup>4</sup> Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. МАТ. 17-жилд. – Т., 2001. – 424-бет.

<sup>5</sup> Алишер Навоий. Ҳайрат ул-аброр. МАТ. 7-жилд. – Т., 1991. – 103-бет.

...ва мотақаддам шуароси малик ул-каломлари дастури била жамъу тартибда саъй қилғанимнию...<sup>1</sup>.

مولд (муваллад) – туғишиган:

Шоҳруҳ Султон бузуғлиғида фақирнинг волиди жамоати касир била рўзгор ҳаводиси фитнасидин Хурросондин қочиб, Ироққа борурда Тафтгаким Мавлононинг (Мавлоно Шарафиддин Али Яздий) мувалладидур, ярим кеча етиб тушдилар<sup>2</sup>.

4. Эквивалент орқали изоҳланган қоришиқ сўзлар:  
اڭرىچە (асарича) – кейнича:

Соҳиби ҳар неча интизор тортибдурлар. Ул пайдо бўймайдур. Оқибат ани тилай асарича борибдур. Кўрубдурки, ул ўлтурубдур<sup>3</sup>.

قدمگاه (қадамгоҳ) – қадамжо:

Ул муқаддас қадамгоҳ саҳнасидин жой олди<sup>4</sup>.

صنعت آرا (санъаторо) – санъаткор:

Анга бо эрди неча ҳампеша,  
Санъаторою чобукандеша<sup>5</sup>.

Хулоса қилиб айтганда, Алишер Навоий асарлари-даги янги аниқланган сўз ва ибораларнинг матний маъноларини изоҳлаш ўзига хос йўсиндаги илмий таҳлиллар олиб борилишини талаб этади.

<sup>1</sup> Алишер Навоий. Фаройиб ус-сигар. МАТ. 3-жилд. – Т., 1988. – 90-бет.

<sup>2</sup> Алишер Навоий. Мажолис ун-нафоис. МАТ. 13-жилд. – Т., 1997. – 31-бет.

<sup>3</sup> Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. МАТ. 17-жилд. – Т., 2001. – 85-бет.

<sup>4</sup> Ўшашар. – 350-бет.

<sup>5</sup> Алишер Навоий. Сабъаи сайёр. МАТ. 10-жилд. – Т., 1999. – 83-бет.

## Х У Л О С А

Бадиий асарлар матнининг ўзига хос жиҳатларини илмий-назарий тадқиқ этиш ўтмишда ҳам, ҳозирда ҳам тимсол ва рамз ҳақидаги қарашларимизни шакллантиришда муҳим омил бўлиб келган. Чунки ўзбек адабиётшунослигига, аслида, бадиий матндаги рамз имкониятларини жуда кенг ёритувчи тимсол тадрижи энг кам ўрганилган соҳадир. Айниқса, Навоий шеъриятида сўзнинг бадиий матндаги ўрни ва тимсолнинг тутган мақоми, тадрижий ривожи, мазмун-мундарижасига тўхталиб ўтиш ва уларга муносабат билдириш асносида бу масаланинг туб моҳиятини очиб бериш қимматлидир.

Айни маънода ушбу монография доирасида олиб борилган изланишлар юзасидан қуидаги хulosаларга келинди.

1. Ўзбек мумтоз адабиётида, балки улуғ шоир Навоий ижодиётида тимсолнинг ботиний тараққиёти ва поэтик такомили борасида алоҳида тўхталинмаган. Навоий яратган тимсолга ҳамма давр шоирлари ҳам бирдек муносабатда бўлмаганлар. Шоир яратган тимсол ва унинг достондан-достонга кўчиш асносида такомиллашиб боргани ҳақида кўплаб адабиётшуносларнинг фикр-мулоҳазалар бор. Ишда сўзнинг тимсол даражасига кўтарилиши, тарихий келиб чиқиши ва, ниҳоят, бу тимсол йилдан-йилга, асрдан-асрга, халқдан-халқقا ўтгани сайин сайқаллашиб, поэтик такомилга юз тутиши улуғ шоир асарлари мисолида асосланди.

2. Навоий шеъриятида доимо шакл ва мазмун мутаносиблиги бир меъёрда бўлган. Мумтоз шеъриятдаги бундай бениҳоя гўзаллик-мукаммалик, шаклий-маънавий мувозанат, айниқса, ундаги ботиний хусусият Навоий шеъриятига хосдир. Зотан, мумтоз шеъриятда маънова шаклнинг мутаносиблиги ҳамда тасвир ва тимсолнинг уйғунлиги муҳим аҳамият касб этади.

3. Навоий шеърларида санъаткорлик билан тасвирланган маъно ва тимсолларнинг зоҳирий «қатлам»лари хусусида баҳс юритиш билан чегараланмасдан, уларнинг ботиний «қатлам»ларини очиш Навоий даҳосини яққол кўрсатишга хизмат қиласди. Мисол сифатида Навоий шеъриятида бадиий ғояни ифодаловчи, ҳам ботиний-рамзий, ҳам тасаввуфий маъно ташувчи поэтик образлар қаторида бодом тимсолини ҳам санаб ўтиш мумкин. Алишер Навоий шеъриятида бодом тимсолининг ўрни, ирфоний рамзлари ва сўфиёна маъноларини талқин этиш нафақат шоир шеъриятининг ботиний хусусиятларини, балки шоир ижодиётининг дин руҳи, улуҳият асрори ва рубубият илми билан чамбарчас боғлиқлигини кўрсатади.

4. Тимсол, рамз масаласи XIX асрнинг охири, XX асрнинг бошларига келиб, математик ёки символик логика фанининг шаклланиши туфайли бирмунча жадаллашди. Математика белгиларининг эвристик имкониятлари илмий тафаккур, фан ва техникани тараққий эттириш, инсоннинг билим доирасини кенгайтириш вазифаларини ҳал қилиш учун бениҳоя қўл келади. XX аср руҳий ҳолати, бадиий поэтик тафаккурнинг тараққиёти бадиий адабиётнинг барча соҳалари қатори миллий шеъриятилизга ҳам ўзига хос таъсирини кўрсатган. Бу давр шеъриятида жанр, услугуб, шакл ва тасвирда янгиланишлар юз берди, шу даврдаги мавжуд анъанавий шеърий тизим такомиллашиб боргани ҳолда, поэтик тимсолнинг талқинлари юзага келди. Хусусан, тимсол тадрижи Усмон Носир, Абдулҳамид Чўлпон ва кейинчалик Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек ва Абдулла Қодирий ижодида бўй кўрсатди. Замонавий ўзбек шеъриятининг бадиий тафаккуридаги тимсоллар ҳам, албатта, мумтоз шеъриятимиз асосида камол топди.

5. XXI асрга келиб ҳалқимизнинг азалий орзузи

амалга ошгач, бадий тафаккуримизда янгиланиш суръати тезлашиб, теранроқ маъно ва мазмун кашф этди. Ишда замонавий ўзбек шеъриятида воқеликни теран мушоҳада қилиш орқали уни янгича тимсолларда бадий акс эттиришга интилиш тамойили яққол кўзга ташланабориши илк бора ёртилди.

6. Мустақиллик даврида бир шакл ва йуналишда келаётган шеърнинг шакл, мазмун, сўзнинг бадий матнагит вазифаси ўзгарди. Бу даврда руҳий, фикрий эволюцияси жараёни фаол равишда кечди, инсон воқелигига нисбатан қарашлар ва муносабатлар ранг-баранг тусга кирди, мавзу ва муаммолар объекти нисбатан ўзгарди, бу даврда шеъриятида ғоявий мазмун, тимсол, фалсафий қарашлар йуналишида эврилиши юз берди.

7. Мустақиллик даври адабиётида тимсолнинг ривожланиб боргани куйидаги омилларда кўзга ташланади:

- бу давр ўзбек адабиётида бадий тафаккур тарзи ўзгарди ва халқона тимсол янгиланди;
- ўтмиш, кеча ва бугунги шеъриятда ижодкор қаламга олган тимсоллар, ҳаёт ва ижтимоий воқеликка нисбатан ҳиссий, эмоционал ва ғоявий муносабат шакллари ўзига хосслик касб этади;

- бадий адабиётда рухият тасвири ва рамз ва тимсолнинг поэтик ифода даражаси юксалди ва ўзига хос хусусияти билан бошқа даврлардан фарқланиб туради.

8. Ҳозирги ўзбек шоирлари ижодида халқнинг бадий тафаккурига мурожаат этиш ҳодисалари, айниқса, замонавий шеъриятда янги йўналиш билан чиқкан «Сакина» асарида архетипик тимсолларнинг янги босқичига гувоҳ бўлишингиз мумкин. Бу тарз Ўзбекистон халқ шоири Рауф Парфининг ижоди, хусусан, унинг “Сакина” типдаги шеърлари мисолида кўзга ташланади. Ўз даври муаммоларини қўнглидан ўтказиб ёзган ҳар бир ижодкор услубида халқоналиқ, соддалик, туйғуларнинг

самимий ифодаси, ёрқин ва рангин баёнлари, ранг ва оҳанг уйғунлиги алоҳида кўриниб туради. Бадиий сўз воқелиги мавжуд жойда, қайсиdir маънода унинг ғоявий моҳияти, мазмуни, жўшқинлиги бўлади. Умуман, шеъриятни маълум бир воқеликка нисбатан ғоявий-ҳиссий муносабатсиз, яъни тимсолсиз тасаввур қилиб бўлмайди.

9. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, ҳассос шоир Икром Отамуродижодида кишининг ички изтироблари, туйғулари ва сукунат садоси бир қадар рангинлашди, унинг ботиний руҳда ёзилган фалсафий шеър ва достонлари истиқлол даври адабиёти ривожига ўзига хос ҳисса кўшди. Таниқли шоир, таржимон Абдуҳамид Пардаевнинг ҳар бир мисрасида эса ўзгача ҳарорат, ёниқ юракнинг қайноқ туйғулари ловуллаб туради. Бу тарз бизга бадиий манзарани рассом каби чизиб ва шу аснода тимсолни тўла-тўқис очиб ташлайди. Монографияда улар мисоллар асосида исботланди.

10. Тимсол тараққиёти бадиий адабиётнинг барча жабхалари қатори миллий шеъриятимизга ҳам ўзига хос таъсирини кўрсатди. Бу давр шеъриятида жанр, услугуб, шакл ва тасвирда янгиланишлар юз берди, шу даврдаги мавжуд анъанавий шеърий тизим такомиллашиб боргани ҳолда, поэтик тимсолнинг талқинлари юзага келди. Шу маънода Алишер Навоий ва ҳозирги ўзбек шеъритидаги илоҳий рамз ва тимсоллар тараққий этган диний тизимлар учун характерли бўлган образлар мажмуи бўлиб, улар воситасида турли эътиборга молик тушунча ва концепциялар ифодаланиши мумкин.

## **ШАРТЛИ ҚИСҚАРТМАЛАР**

АНАТИЛ – Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли лугати. 4 жилдлик. – Тошкент, 1983–1985.

ДЛТ – М аҳмуд Кошғарий. Девону луготит турк/Таржимон ва нашрга тайёрловчи: ф.ф.н. С.М.Муталибов. I–III жилд-лар. – Тошкент, 1960, 1961, 1963.

ДЛТ-Индекс – Девону луготит турк. Индекс-луғат/Ф.А. Абдураҳмонов ва С.М.Муталибов таҳрири остида. – Тошкент, 1967.

МАТ – Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тўплами. – Тошкент, 1987–2003. Миллер Б. В. Персидско-русский словарь. – М., 1953. – С. 425.

с.а.в. – саллаллоҳу алайҳи васаллам – унга Аллоҳнинг салавоти ва саломи бўлсин.

Тафсир – Боровков А.К. Лексика среднеазиатского тафсира XII–XIII вв. –Москва, 1963.

ФЗТ – Фарҳанги забони тоҷикӣ. Икки жилдлик. I–II жиллар. – Москва, 1969.

ЎзКА – Шамсиев П., Иброҳимов С. Ўзбек классик адабиёти асарлари учун қисқача луғат. – Т.: Ўзбекистон Фанлар академияси нашриёти, 1953. – 452-бет

қ.с. – қуддиса сирруҳу – унинг сирри муқаддас қилинди.

қ.с. – қаддасаллоҳу сирраҳу – Аллоҳ сиррини муқаддас қилсин.

қ.с.а. – қуддиса сирруҳум азиз – уларнинг азиз сирлари муқаддас қилинди.

қ.т.р. – қаддасаллоҳу таоло руҳаҳу – Аллоҳу таоло унинг сир(р)ини муқаддас қилсин.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РҮЙХАТИ**

### **I. Алишер Навоий асарлари**

1. Алишер Навоий. Бадоев ул-бидоя. Муқаммал асарлар тўплами. I жилд. – Т.: Фан, 1987. – 724 б.
2. Алишер Навоий. Наводир ун-ниҳоя. Муқаммал асарлар тўплами. II жилд. – Т.: Фан, 1987. – 620 б.
3. Алишер Навоий. Ғаройиб ус-сигар. Муқаммал асарлар тўплами. III жилд. – Т.: Фан, 1988. – 616 б.
4. Алишер Навоий. Наводир уш-шабоб. Муқаммал асарлар тўплами. IV жилд. – Т.: Фан, 1989. – 560 б.
5. Алишер Навоий. Бадоев ул-васат. Муқаммал асарлар тўплами. V жилд. – Т.: Фан, 1990. – 544 б.
6. Алишер Навоий. Ғавойид ул-кибар. Муқаммал асарлар тўплами. VI жилд. – Т.: Фан, 1990. – 568 б.
7. Алишер Навоий. Ҳайрат ул-аброр. Муқаммал асарлар тўплами. VII жилд. – Т.: Фан, 1991. – 392 б.
8. Алишер Навоий. Фарҳод ва Ширин. Муқаммал асарлар тўплами. VIII жилд. – Т.: Фан, 1991. – 544 б.
9. Алишер Навоий. Лайли ва Мажнун. Муқаммал асарлар тўплами. IX жилд. – Т.: Фан, 1992. – 356 б.
10. Алишер Навоий. Сабъаи сайёр. Муқаммал асарлар тўплами. X жилд. – Т.: Фан, 1992. – 448 б.
11. Алишер Навоий. Садди Искандарий. Муқаммал асарлар тўплами. XI жилд. – Т.: Фан, 1993. – 640 б.
12. Алишер Навоий. Лисон ут-тайр. Муқаммал асарлар тўплами. XII жилд. – Т.: Фан, 1996. – 328 б.
13. Алишер Навоий. Мажолис ун-нафоис. Муқаммал асарлар тўплами. XIII жилд. – Т.: Фан, 1997. – 284 б.
14. Алишер Навоий. Маҳбуб ул-кулуб. Муқаммал асарлар тўплами. XIV жилд. – Т.: Фан, 1998. – 5–130-б.
15. Алишер Навоий. Назм ул-жавохир. Муқаммал асарлар тўплами. XV жилд. – Т.: Фан, 1999. – 121–181-б.
16. Алишер Навоий. Муҳокамат ул-луғатайн. Му-

каммал асарлар тўплами. XVI жилд. – Т.: Фан, 2000. – 5 – 40-б.

17. Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. Муқаммал асарлар тўплами. XVII жилд. – Т.: Фан, 2001. – 520-б.

18. Алишер Навоий. Лисон ут-тайр / Насрий баён. – Т. 1991. – 273-бет.

19. Алишер Навоий. Наводир уш-шабоб. Тўла асарлар тўплами – Т.: Faфур Fuлом нашриёти, 2013. – 768 б.

20. Alî Şîr Nevâyi. Hayratü'l-ebrâr.Hazırlayan Muhammed Sabir,Tanju Seyhan.-İstanbul,Kesit,2016.-.504

21. Ali Şîr Nevâyî. Fevayidü'l-Kiber/ Hazırlayan: Önal Kaya. – Ankara, 1996. – 743 s.

## **II. Илмий-назарий, бадиий адабиётлар**

22. Абдураҳмонов F., Рустамов А. Навоий тилининг грамматик хусусиятлари. – Т.: Фан, 1984.– 60 б.

23. Абдулла Қодирий. Ўтган кунлар. – Т.: Faфур Fuлом нашриёти, 2016. – 492 бет.

24. Абдулла Қодирий. Меҳробдан чаён. – Т.: Янги аср авлоди, 2018. – 328 бет.

25. Аганин Р. Повторы и парные сочетания в современном турецком языке. – М., 1959. – С. 7.

26. Бертельс Е.Э. Алишер Навои. – М.: Наука, 1956. – 243 с.

27. Бласс Фр. Герменевтика и критика. – Одесса: Университет, 1891. – 194 с.

28. Борев Ю.Б. Эстетика. – 4 изд., доп. – М.: Политиздат, 1988. – 498 с.

29. Боровков А.К. Лексика среднеазиатского тафсира XII – XIII вв. – М., 1963. – 368 с.

30. Валихўжаев Б. Ўзбек эпик поэзияси тарихидан. – Т.: Фан, 1974. – 150 б.

31. Жумахўжа Н., Адизова И. Сўздан бақолироқ ёдгор йўқдир. – Т.: Ўзбекистон, 1994. – 114 б.

32. Жўрабоев О. Матнинг матности сирлари. – Т.:

Тамаддун, 2017. – 200 б.

33. Зоҳидов Р. «Сабот ул-ожизин». (Манбалар, шарҳлар, илмий-танқидий матн). – Т.: Turon zamin ziyo, 2015. – 256 б.
34. Икром Отамурод. Ҳувийят. – Т.: Янги аср авлоди, 2019. – 176 б.
35. Исҳоқов Ё. Навоий поэтикаси. – Т.: Фан, 1983. – 168 б.
36. Йўлдошев Б. Матнни ўрганиш лингвистик методлари. – Самарқанд: СамДУ, 2008. – 118б.
37. Капранов В.А. Таджикско-персидская лексикография в Индии. – Душанбе, 1987. – 223 с.
38. Комилов Н. Маънолар оламига сафар/Алишер Навоий ғазалларига шарҳлар. – Т.: Tamaddun, 2012. – 316 б.
39. Лихачев Д.С. При участии А.А.Алексеева и А.Г. Боброва. Текстология на материале русской литературы X–XVII веков. – СПб: Алтейя, 2001. – 758 с.
40. Мухиддинов М. Комил инсон – адабиёт идеали. – Т.: Маънавият, 2005. – 208 б.
41. Ойбек. Навоий. Танланган асарлар. Учинчи жилд.–Т.:1957.–291-бет.
42. Мухиддинов М. Нурли қалблар гулшани. – Т.: Фан, 2007. – 168 б.
43. Навоийнинг ижод олами / Мақолалар тўплами. – Т., 2001. – 8-бет.
44. Navoiy. Muso Toshmuhammad o'g'li Oybek. – Т.: Yangi asr avlodi, 2019. – 528 b.
45. Нур қидириб. Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек. – Т.: Янги аср авлоди, 2019. – 336 б.
46. Oltin vodiydan shabadalar. Muso Toshmuhammad o'g'li Oybek. – Т.: Yangi asr avlodi, 2019. – 528 b.
47. Оконешников Е. И. К. Пекарский как лексикограф. Новосибирск: Наука, 1982 – С. 104.

48. Олимов С. Нақшбандия ва Навоий. – Т.: Ўқитувчи, 1996. – 216 б.
49. Олтин ёргуғ. 1-китоб (Сўзбоши, изоҳлар ва қадимги туркийдан ўзбекчага табдил муаллифи Н.Раҳмонов). – Т.: Фан, 2009; 2-китоб. – Т.: Мумтоз сўз, 2013.
50. Пардаев А. Чорлов. – Т.: Шарқ, 2008. – 192 б.
51. Расулов А. Адабий танқиднинг таҳлил йўллари. Т.: Университет, 2003. – 46 б.
52. Расулов А. Бадиийлик – безавол янгилик. – Т.: Шарқ, 2007. – 336 б.
53. Рауф Парфи. Сўнгги видо. – Т.: Алишер Навоий номидаги Миллий кутубхона нашриёти, 2006. – 128-бет.
54. Рауф Парфи. Сакина.–Т.: Муҳаррир, 2013. –376 б.
55. Рустамов А. Навоийнинг бадиий маҳорати. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1979. – 216 б.
56. Сирожиддинов Ш. Ўзбек мумтоз адабиётининг фалсафий сарчашмалари. – Т.: Янги аср авлоди, 2011. – 200 б.
57. Сирожиддинов Ш. Алишер Навоий: манбаларнинг қиёсий-типологик, текстологик таҳлили. – Т.: Akademnashr, 2011. – 326 б.
58. Сирожиддинов Ш. Матншунослик сабоқлари. – Т.: ТошДЎТАУ, 2019. – 128 б.
59. Усмон Носир. Юрак, сенсан менинг созим. – Т.: Янги аср авлоди, 2019. –126 бет.
60. Усмон Турар. Тасаввух тарихи. – Т., 1999. – 29–30-бетлар.
61. Чўлпон. Кеча ва кундуз. – Т.: Fafur Fулом нашриёти, 2017. – 272 б.
62. Чўлпон. Адабиёт надир.–Т.: Чўлпон, 1994.–240 б.
63. Шайхзода М. Гениал шоир. – Т.: Ўззадабий нашр, 1941. – 83 б.
64. Шайхзода М. Ғазал мулкининг султони. Асарлар. 6 томлик. IV т. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1972 – 1976.

65. Шамсиев П. Ўзбек матншунослигига оид тадқиқотлар. – Т.: Фан, 1986. – 164 б.
66. Шарафиддинов О. Ижодни англаш баҳти. – Т.: Шарқ, 2004. – 640 б.
67. Куръон. Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур. – Т.: Чўлпон, 1992. – 340-бет.
68. G’azallar sharhi / Alisher Navoiy. – Т.: “Yangi asr avlodi”, 2020.–400 б.
69. G’azallar / Alisher Navoiy. – Т.: “Yangi asr avlodi”, 2019. – 336 б.
70. Фуломов А. Ўзбек тили морфологиясига кириш. – Т., 1953. – 18-бет.
71. Ҳайитметов А. Адабий меросимиз уфқлари. –Т.: Ўқитувчи, 1997. – 240 б.
72. Ҳайитметов А. Табаррук излар изидан//Мақолалар тўплами. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979. – 151-бет.
73. Ҳайитметов А. Навоийнинг ижодий методи масалалари. – Т.: Фан, 1963. – 173.
74. Ҳаққулов И. Тақдир ва тафаккур. –Т.: Шарқ, 2007. – 336 б.
75. Хожа Убайдуллоҳ Ахрор. Табаррук рисолалар. – Тошкент: Адолат, 2004. – 117-бет.
76. Ҳусайнин А. Бадоев ус-саноеъ/Таржима, изоҳ ва шарҳлар муаллифи Алибек Рустамов.– Т.: Faafur Fулом, 1981. – 400 б.
- III. Диссертациялар ва авторефератлар**
77. Жабборов Н. Фурқатнинг хориждаги ҳаёти ва ижодий мероси: Филол. фан. докт. ... дисс. – Т.: ЎзМУ, 2004. – 298 б.
78. Жўраев Ҳ. Алишер Навоий лирикасида воқелик ва унинг поэтик талқинлари: Филол. фан. докт. ... дисс. – Т.: ЎзРФА ТАИ, 2008. – 270 б.
79. Жўрақулов У. Алишер Навоий «Хамса»сида хро-

нотоп поэтикаси: Филол. фан. д-ри... дисс. – Т.: ТошДҮТАУ, 2017. – 264 б.

80. Зохидов Р. «Сабот ул-ожизин» асарининг манбалари, шарҳлари ва илмий-танқидий матнини комплекс ўрганиш муаммолари: Филол. фан. д-ри... дисс. – Т.: ТошДҮТАУ, 2018. – 240 б.

81. Носыров И. Лексика «Мажолис ун-нафоис» Алишера Навои //Автореф. Дисс.канд. филол. наук. – Т., 1980.

82. Умаров Э.А. «Бадаи-ал-луғат» и «Санглах» как лексикографические памятники и источники изучения староузбекского языка XV–XVIII вв.: Дисс. докт. филол. наук. – Т., 1989. – 296 с.

83. Капранов В.А. Фарсиязычные лексикографии в Индии XVI–XIX вв. Основные толковые словари: Автореф. дисс... докт. филол. наук. – Душанбе, 1973. – 39 с.

84. Пардаев Қ. Муқимий шеърияти: матн тарихи, таҳрири ва талқини. Филол. фан. д-ри...дисс. – Т.: ТошДҮТАУ, 2019;

85. Салохий, Дилором. Алишер Навоий поэт услубининг тадрижий такомили (ғазаллар матнларининг қиёсий таҳлили асосида): Филол. фан. докт. ...дисс. – Т.: ЎзРФА ТАИ, 2001. – 285 б.

86. Сирожиддинов Ш. Алишер Навоий ҳаёти ва фолиятига оид XV–XIX асрларда яратилган форс-тожик манбалари (қиёсий типологик –текстологик таҳлил). Филол. фан. д-ри... дисс. – Т.: ЎзФАҚИ, 1998. – 270 б.

87. Шамсиев П. Навоий асарлари матнларини ўрганишнинг баъзи масалалари: ф.ф.д... дисс. – Т., 1969. – 1-бет.

88. Юсупова Д. Темурийлар давридаги арузга доир рисолаларнинг қиёсий таҳлили: Филол. фан. д-ри... дисс. – Т.: ТошДҮТАУ, 2019.

89. Эркинов А.С. Алишер Навоий «Хамса»си талқи-

нининг XV–XX аср манбалари: Филол. фан. докт. ... дисс. – Т.: ЎзР ФА ҚИ, 1998. – 296 б.

## VI. Мақолалар

90. Бертельс Е.Э. Вопросы методики подготовки критический изданний классических памятников литературы народов Ближнего и Среднего Востока.-В. кн.: Первая всесоюзная конференция востоковедов. Тезисы докладов и сообщений. – Т., 1957. – С. 513.
91. Жабборов Н. Матншунослик давр талаблари даражасидами? //ЎзАС. – Т., 2010. № 27, 4 июль.
92. Жумахўжа Н. Машхур ғазал таҳлиллари тадқиқи //Шарқ юлдизи. – Т., 2016. -№ 3. –Б.130 –134.
93. Назар Эшонқул. Ижод қудрати, гўзаллик илоҳиётга даҳлорлиқдир //Миллий тикланиш рўзномаси. – Т., 1998 йил 19 май).
94. Равшанов А. Faфур Гуломнинг адабиётшунослик фаолияти// Ўзбек тили ва адабиёти. – Т., 1973. – № 4. – 28-бет.
95. Расулов А. Концепция зарурати//Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – Т., 2010. №49, 3 декабрь.
96. Раҳмонов В. Ҳадис келтириш санъати//Имом ал-Бухорий сабоқлари. 2002. № 2. – 148-бет.
97. Шукуров Ш. XV мунозаралари ва уларнинг нашрларида нуқсонлар хусусида//Ўзбек тили ва адабиёти. – Т., 1993. -№ 2. – Б.30–36.
98. Фаниева С. «Мажолису-н-нафоис» ва «Замима» тазкиралардан бири // Имом ал-Бухорий. Т., 2003. -№ 1. – Б.27–28.
99. Ҳаққулов И. Навоий шеъриятида ориф образи ва орифона маънолар//Ўзбек тили ва адабиёти. – Т., 1994.- № 3. – Б.7–12.

## **МУНДАРИЖА:**

Кириш .....	3
-------------	---

### **I БОБ. НАВОЙЙ ФАЗАЛИЁТИДА ТИМСОЛ ТАДРИЖИ**

1.1. «Оразин ёпқач кўзимдин сочилур...» .....	7
Гулқанд .....	15
Сурат ва маъно уйғунлиги .....	23
Сўз ва рух вобасталиги .....	30
Ишқ аҳлининг кўзгуси .....	36
«Йўл қилур жисмимда ашк...» .....	42
«Бўлмағай эрди мұяссар "Хамса"...» .....	48
«Иста маъни оламиким...» .....	54
1.2. Маъно ва тимсоллар сири .....	60
Бадий сўз мақоми .....	67
Нафосат хазинабони .....	74
Комиллик сири .....	83
Ҳайрат туйнуклари .....	86
«Эсиб раҳмат насими...» .....	90
1.3. Жасорат тимсоли .....	96
Нўймон лоласи .....	103
Ишқ ҳавоси .....	109
Ишқ ифшоси .....	116
«Мехр юз кўрмай ўчашди...» .....	121
1.4. «Асҳоби каҳф» ити ёхуд садоқатли ит тимсоли .	128

### **II БОБ. XX АСР ЎЗБЕК АДАБИЁТИДА ТИМСОЛ ТАДРИЖИ**

2.1. Анъанавийликка эш, янгиланишга ташна .....	133
2.2. «Ихрож» сўзининг маъносини биласизми? (Усмон Носир шеъриятида анъанавийлик) .....	139

2.3. «Жунун занжири бўйнумда...»	
(Қодирий ижодиётида анъанавийлик)	143
2.4. Ойбек ижодида анъанавийлик	147

### III БОБ. ЗАМОНАВИЙ ЎЗБЕК ШЕЪРИЯТИДА ТИМСОЛ ТАДРИЖИ

3.1. «Хайр энди, шеъриятга кўмилган ҳаёт...»	151
3.2. Кўнгил қуши наволари	156
Нур соғинчи	161
3.3. Орзуманд шеърият	166
3.4. «Доф ботинда ўсади...»	173
«Қадр – канглум суянган дарахт...»	178

### IV БОБ. АЛИШЕР НАВОИЙ АСАРЛАРИ МАТНИНИ ТАДҚИҚ ЭТИШ УСУЛЛАРИ

4.1. Алишер Навоий асарларидаги эътибордан	
четда қолган сўз ва иборалар	183
4.2. «Сўз қоидасида интизом...»	188
Илмнинг Рауф Парфиси	194
4.3. Матнни тадқиқ этиш усули	198
Насрий баёнлаш мезони	209
«Мажолис ун-нафоис» матнини тадқиқ этиш	
усуллари	215
4.4. Навоий асарларидаги айрим сўзларнинг	
матний маънолари	223
Хулоса	230
Шартли қисқартмалар	234
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	235

*монография*

**МАНЗАР АБДУЛХАЙР**

**ТИМСОЛ ТАДРИЖИ (XV-XXI АСР АДАБИЙ  
МАНБАЛАРИ МИСОЛИДА)**

Мухаррир  
Азамат АТАЕВ

Саҳифаловчи  
Улугбек САИДОВ

Мусаҳҳиҳа  
Нилуғар АБЛАЕВА

Лицензия № 3374-1161-8272-31c0-7e28-1700-0860.11.03.2021 й.  
Босишига 16.12.2021 йилда рухсат этилди. Бичими 84x108 1\32.  
Босма табоби 15,25. Шартли босма табоби 15,0.  
Гарнитура «TimesNewRoman». Офсет қофоз.  
Адади 100 нусха. Буюртма № 111.

«Yashil уаргоқ nashr-matbaa шуи»  
100040, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани,  
Паркент 6-тор кўча, 12-ий.

«Adast poligraf» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.  
Манзил: Тошкент ш., Сирғали тумани, 7Г-38, 3-уй, 14-хонадон.